

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРФОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

МЕНЕЖМЕНТ КАФЕДРАСИ

**СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ
АСОСЛАРИ**

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ФАРФОНА-2014

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРФОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

МЕНЕЖМЕНТ КАФЕДРАСИ

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ АСОСЛАРИ

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ФарПИ услубий кенгашида тасдиқланган

Баён № ____ " ____ " _____ 2014 йил

ФАРФОНА-2014

Мазкур маърузалар матни 5230200 - "Менежмент" таълим йўналиши учун 2011 йил 16 сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ДТС ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган 2011 йил 17 сентябрда 392-тартиб рақам билан рўйхатга олинган намунавий ўқув дастури ва Ишлаб чиқаришда бошқарув факультетининг 2013 йил 29 августда 1-сонли баёни билан тасдиқланган "Сифат тизими менежменти асослари" фанидан тузилган ишчи ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Муаллиф:

и.ф.н., кат.ўқит. Ж.Х. Камбаров

Тақризчилар:

и.ф.н., доц. И. Ёрматов

и.ф.н. М.С. Ашуров

Ишлаб чиқаришда бошқарув факультети услубий кенгашида муҳокама қилинган. Баён № ____ " ____ " _____ 2014 йил

Маърузалар матни "Менежмент" кафедраси услубий семинарида муҳокама қилинган. Баён № ____ " ____ " _____ 2014 йил

.....

Дунёни ривожланган давлатларида сифат билан таъминлаш, истеъмолчини талабини сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан қониқтириш, ишлаб чиқаришни замонавий усуллар билан бошқариш масалаларига чуқур эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида қўлланиладиган ишлаб чиқариш, хўжалик ва тижорат усулларига жиддий ўзгартиришлар киритиш ва иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш талаб этилмоқда. Улар орасида маркетинг тамойиллари ва усуллари алоҳида ўринни эгалламоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат мухитини мавжудлиги сифат ва уни бошқариш муаммоларига катта аҳамият беришга мажбур қилади. Мамлакатимизни кучли ривожланган давлатлар қаторига киришда рақобат, кураш-сифатни ошириш дастурларини ишлаб чиқаришга сабаб бўлади. Маҳсулот ва хизматлар сифатини баҳолаш учун объектив кўрсаткичларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Сифатни ошириш-ҳаражатларни камайтириб, бозор улуши ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга кўмаклашади. Юқоридагилар бўлажак менежерлардан сифатни бошқариш тизими асослари соҳасига оид чуқур илмий ва амалий кўникмаларга эга бўлишини талаб этади.

"Сифат менежменти тизими асослари" фанидан тайёрланган ушбу маърузалар матни бакалавриат йўналишида таълим олаётган талабалар онгида сифатни бошқаришга доир билимлар мажмуини шакллантиришга, уларга сифат тизими, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, халқаро стандартларга асосланган сифат тизимини лойиҳалаштириш, халқаро стандарт сифат тизимларини меъёрий ҳужжатлари ва бошқаларни ўргатишга мўлжалланган.

Бугунги кунда, иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги машҳур брендга эга корпорациялар сифат менежментига асосланган бошқарув тизимига ўтиши ва тезкорлик билан халқаро бозорнинг улар томонидан интервенцияси сифат менежментини корхона муваффақиятидаги ўрнини яққол кўрсатди. Масалан Кока-кола компанияси салқин ичимликларининг сифати ва брендини истеъмолчилар эътиборини қозонганлиги натижасида, хаттоки Европа мамлакатларида ушбу ичимлик кофе маҳсулотлари билан ҳам рақобатга киришиб кетган.

Шу билан бирга, халқаро стандарларнинг ҳаётган тадбиқини ортиб бориши ва корхонанинг сифат тизими ва бошқарувига қўйиладиган талабаларнинг ҳам жиддийлашиб, ўзгариб бориши сифат бошқарувини корхона ташкил этмасдан, муваффақиятга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Чунки, замонавий истеъмолчи маҳсулотнинг нафақат истеъмол хусусиятига балки, брендига, ўрамига, латент хусусиятларига, эстетикасига ва айниқса экологик тозалигига ҳам эътиборини

қаратмоқда. Бу вазият корхоналардан бозорда яшаб қолиш учун бошқарув тизимини замонавийлаштириш ва маҳсулот сифатини истеъмолчи талабига мослаштириш заруратини туғдиради. Тобора рақобат кураши ортиб бораётган бозорда рақобат кураши нархдан кўра сифат томонга бурилиб бораётган бу даврда, уни корхонаарда фаоллаштириш ва бу борада самарали қарор ишлаб чиқишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш фаннинг долзарблигини кўрсатади.

“Сифат менежменти тизими асослари” фанидан тузилган ишчи ўқув дастуридаги мавзуларнинг кетма-кетлиги бўйича тайёрланган ушбу маърузалар матнининг мақсади – талабаларнинг фан бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уни ўрганишда талабаларга кўмаклашиш бўлиб ҳисобланади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма, малакасига қўйиладиган талаблар:

а) билиши керак:

– Маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўналишларини
– Маҳсулотни сертификатлаш, сифат тизимини ва ишлаб чиқаришни аттестациялаш схемаларини:

– Сифат тизимини баҳолаш ва ишлаб чиқаришни аттестациялаш услубиятини.

– Сифатдаги йўқотиш ва харажатларни ҳисобга олиш услубияти.

– Технологик ўтишлар бўйича маҳсулот сифатини ҳисобга олиш қайдномаларини.

– Давлат ва тармоқ стандартларини.

– Халқаро стандарт сифат тизимларини меъёрий хужжатлари.

б) бажарилиши лозим:

– Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли илмий техник дастурларини ишлаб чиқа олиши;

– Корхонани сифат соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқа олиши;

– Нуқсонли Маҳсулотлардаги йўқотишларни ҳисобга олиш.

– Сифатни таъминлаш бўйича харажатларни ҳисоблаш тажрибаси.

– Корхона стандартларини ишлаб чиқиш.

– Ходимларни рақобатлантириш самарадорлигини ҳисоблаш моделлари.

в) тасаввурга эга бўлиши керак:

– Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш Тизими, унинг асосий тамойиллари ва ташкилий структураси тўғрида.

– Бозор иқтисодиётида корхонани рақобатбардошлиги тўғрида.

– ИСО тизимини асосий концепциялари, сифатни таъминлаш бўйича таянч вазифа ва мажбуриятлар тўғрида.

– Халқаро стандартларга асосланган сифат тизимини лойиҳалаштириш тўғрида.

– Маҳсулот ва жараёнларни ҳаётий даври тўғрида.

– Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаштириш тизими тўғрида

Талабалар курсни узлаштиришда уларга куйилган талабларни яхши билишлари керак. Менежмент (тармоқлар бўйича) юналишини битириб чикувчи бакалаврлар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларида фаолият олиб борадилар. Шу сабабли корхона иқтисодиёти, уни таҳлил этиш йўлларини пухта ўзлаштириб олишлари зарур. Шунингдек, маркетинг ва бошқарув санъатини чуқур ўрганишлари, инновация асосларини билишлари шарт.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги. «Сифат менежменти тизими асослари» фани умумиқтисодий, табиий ва математик фанлар, умум-касбий, ихтисослик, бошқарув фанлар билан узвий алоқадордир. Фаннинг назарий-услубий асосини иқтисодий назария, бозор назарияси, маркетинг ва бошқарув назарияси каби фанлар белгилайди. Бундан ташқари маркетинг, менежмент фани, стратегик менежмент, инновацион менежмент, операцион менежмент, логистика, психология ва бошқа фанлар билан алоқадордир.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни. Бозор иқтисодиётига ўтишни муваффақиятли амалга ошириш фан, маданиятни ривожлантириш, демократик давлат қуриш учун халқ онги, маънавиятини янада юқори босқичга кўтариш зарурдир.

“Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди”¹.

Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари. «Сифат менежменти тизими асослари» фанини ўқитиш доимо янги билимларга асосланиши керак. Айниқса, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш фанни ўқитишда юқори самара келтиради. Фанни ўқитишда замонавий компьютер технологиялари, кейс-стади масалалари, ишбилармонлик уйинлари ва амалий уйинлардан кенг микёсда фойдаланилади. Бундан ташқари, амалиётда сифатни бошқариш фаолиятига тегишли булган иқтисодий, технологик ва ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилади.

¹И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор вазифамиздир. Халқ сўзи газетаси. 27.01.2010 й.

1-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ КУРСИГА КИРИШ РЕЖА

1.Курснинг мақсад ва вазифалари

2.Сифатни бошқариш рақобат курашида корхона муваффақиятини таъминловчи омил сифатида

3.Товар ва унинг турли хусусиятлари

Таянч иборалар: сифат, менежмент, курснинг мақсади, вазифалари, рақобат, товар, товарнинг истеъмол ва қиймати, савдо белгиси, савдо маркаси, товар логотипи, бренд, сифат сертификатлари, маркетинг концепцияси, ISO(халқаро стандартлаштириш ташкилоти) стандартлари.

1. Курснинг мақсад ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб ва такомиллашиб бориши бозор механизмини тобора мураккаблаштиради. Бу ҳол истеъмолчининг эҳтиёжи, талаби, диди ва дунёқарашининг ўзгариши ҳамда қонунларнинг ўзгариши шароитида ишлаб чиқарувчиларнинг бозор тизимига нисбатан пропорционал харақати кузатилади. Унда ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кескин иқтисодий рақобатдан ташқари сотувчи ва харидор ўртасида товар баҳоси ва сифатини келишишнинг ўзига хос рақобати ҳам вужудга келади. Истеъмолчи-ишлаб чиқарувчининг бозордаги рационал харақатлари эркин рақобат шароитида товарларнинг нархи ва сифатини оптималлаштириш имкониятини беради. Иқтисодиётда товар ва истеъмолчилар эҳтиёжининг диверсификациялашуви ҳақли бир саволни вужудга келтиради, яъни бозорда растага чиққан янги товар маҳсулоти истеъмолчи эҳтиёжининг сабабими, ёки у янги истеъмолни туғдирадими? Бизнингча, бозордаги янги инновацион маҳсулот истеъмолчининг эҳтиёжига қараб ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилган деган фикр хато бўлади. Сабаби, ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади эҳтиёжни қондиришдан кўра кўпроқ фойдани оширишга хизмат қилишга йўналтирилади. Шундай экан, янги инновацион маҳсулот истеъмолчилар хоҳишини эмас балки, ишлаб чиқарувчилар хоҳишининг, яъни рақобатнинг натижасидир. Ишлаб чиқарувчи маҳсулот сифатини истеъмолчи шундай хоҳлагани учун эмас, рақобатда бозордаги муҳим ўрнини бой бермасилик учун оширишга интилади. Бу ҳол бозор механизмини ривожланишига истеъмолдан кўра кўпроқ рақобат таъсир этишини кўрсатади. Айнан шундай рақобат ривожланган бозорга эга давлатларда маҳсулот сифатини оширишга қаратилган десак муболаға бўлмайди.

Рақобат курашида асосий ричаг корхоналар учун маҳсулот сифати бўлишини эътиборга олиб айтиш керакки, сифат менежментини

корхоналарда самарали фаолиятини таъминлаш иқтисодиётнинг долзарб масаласидир. Ривожланган давлатларнинг иқтисодий муваффақияти импортга нисбатан экспорт салмоғининг бир неча баробар катталигига боғлиқ. Ўз маҳсулотини экспорт қилаётган мамлакатларда шу товарнинг жаҳон бозоридаги мавқеи юқори деган хулосани беради. Бу хулосага эришиш учун маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхонада сифат менежменти тизими тўғри йўлга қўйилган ва халқаро стандартларга жавоб беради.

Мамлакатимизда ҳам юқори иқтисодий самарага эришишнинг энг муқобил варианты миллий корхоналарда сифат менежменти тизимини самарали ташкил этиш ва товарлар сифатини кескин ошириш зарур. Бунинг учун масалани икки жиҳати эътиборни тортади.

Биринчидан, дастлаб корхоналарда сифат менежментининг самарали ташкил этиш ва бошқарувни оптималлаштириш учун малакали кадрлар зарур;

Иккинчидан, сифат менежментининг назарий ва амалий асосларини ёритувчи илмий тадқиқот ишларини кўпайтириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш лозим.

Ушбу тадбирларни кетма-кетликда амалга ошириш ва ўқув жараёнини мунтазам янги маълумотлар билан янгилаб бориш фаннинг фундаментал асосларини такомиллаштиради.

Сифат менежменти тизими асослари фанининг асосий мақсади маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш ва сифатни бошқариш кўникмасига эга бўлган менежерлар билан иқтисодиётни таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан қўйидаги вазифаларни бажаради:

- Сифатни бошқариш курсига кириш;
- Сифатни бошқариш тизимини ривожланиш босқичлари;
- Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш;
- Маҳсулот (хизмат) сифатини бошқариш мезонлари;
- Маҳсулот сифатини оширишнинг асосий йўналишлари;
- Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнлари ва унинг тузилиши;
- Сифатни бошқариш механизми;
- Сифатни бошқариш тизимлари;
- Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнларини ташкил этиш;
- Сифат тўғараклари;
- Сифат бошқарувида инсон омили;
- Маҳсулот сифатини стандартлаштириш ишларини илмий ташкил қилиш;
- Стандартни бошқариш бўйича давлат тизими;
- Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатини бошқаришдаги рол;
- Стандартлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш;

- Халқаро стандартлаш ташкилотлари;
- Махсулотни сертификатлаштириш;
- Сертификатлаштириш органлари;
- Ташқи савдо фаолиятида сертификатлаш тириш;
- Миллий сертификатлаштириш тизимлари;
- Миллий синов марказлари тармоқларини ташкил этиш.

Сертификатлаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари.

“Сифат менежменти тизими асослари” фани 5230200-Менежмент таълим йўналиши талабалари учун белгиланган мутахассислик фани бўлиб, маъруза машғулотлари учун 42 соат, амалий машғулотлар учун 42 соат ва мустақил таълим учун 83 соат ажратилган. Фаннинг жами ўқув соати 167 соатни ташкил қилади. Талабалар билимини баҳолаш, мустақил ишларини ташкиллаш бўйича мезоналар фан бўйича тузилган ишчи ўқув дастурда батафсил баён этилган.

2. Сифатни бошқариш рақобат курашида корхонани муваффақиятини таъминловчи омил сифатида

Рақобат – бу корхоналарнинг бозорни адолатли бўлиб олиш учун ҳаракати ва кураши ҳисобланади. Адолатли деганда, соғлом рақобтлашув натижасида реал ҳаридорлар ишончини қозониш тушунилади. Рақобатнинг турлари жуда ҳам кўп бўлиб, уларни турли нуқтаи назар ёрдамида ҳар хил туркумлаш мумкин. Энг кенг тарқалган рақобат турлари **нархли ва нархсиз** рақобат турларидир.

Нархли рақобат – бу икки ва ундан ортиқ ишлаб чиқарувчиларни сотилаётган маҳсулотнинг нархини арзонлаштириш ҳисобига кўпроқ сотиш тушунилади. Нархли рақобатни ўзини ҳам икки турга ажратиб кўрсатиш мумкин: юқори ва паст нархли рақобат.

Паст нархли рақобатда ишлаб чиқарувчилар маҳсулотнинг сифатига эмас, балки уни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш ёки зарар эвазига истеъмолчиларни кўпроқ жалб этишни кўзлайдилар. Рақобатнинг бу усули рақобатчилар сони чекланган ва истеъмолчиларининг даромади нисбатан паст бўлган бозорларда қўл келади. Умуман олганда, рақобатлашувнинг ушбу усулини барча бозорларда ва ҳар қандай шароитда ҳам қўллаб бўлавермайди. Ундан фойдланиш учун бозор механизмларини диққат билан ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Чунки, бу усул жуда ҳам қалтис бўлиб, бунда истеъмолчилар ишончини йўқотиш эҳтимоллиги юқори бўлади.

Юқори нархли рақобат камдан-кам бозор шароитида қўлланиладиган усул бўлиб, у худди маркетингдаги “қаймоғини олиш” стратегиясига яқин усул. Унга кўра, иккита бир-бирига ўхшаш товар ишлаб чиқарган корхоналарнинг биттаси ўз маҳсулотини бозорда тез танитиш мақсадида қиммат нархда сотишни бошлайди. Бу усул

даромади юқори бўлган истемолчилар бозорида самара беради. Чунки, истемолчиларнинг асосий қисми маҳсулотнинг функцияларидан фойдаланиш учун эмас, балки мақтаниш ёки рағбат учун сотиб оладилар. Бу ҳолда қиммат маҳсулотни арзонга нисбатан кўпроқ сотиб оладилар ва бу товарнинг брендини ҳам кучайтиради. Лекин бу усул ҳам қалтис бўлиб, ундан усталик ва маҳорат билан фойдаланмаслик корхонани тубсиз жарга улоқтиради. Рақобатлашувда нарх ричагларидан фойдаланиш мутахассислардан чуқур таҳлил ва тадқиқотларни талаб этгани сингари нархсиз рақобатни ҳам таваккалчилиги юқори бўлади.

Нархсиз рақобат корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш натижасида истемолчилар ишончини қозонишга қаратилган. Маркетинг фаолиятини ҳам энг нозик тарафларидан бири маҳсулотни бозорда таклифини амалга оширилганда, истемолчилар ҳоҳишидаги маҳсулотни сотишдир. Нархсиз рақобатнинг ўзига хос жиҳати айнан шу бозор механизми ғоясидан самарали фойдаланишдир. Яъни истемол ва рақобат юқори бўлган бозорда маҳсулотни бошқалар маҳсулотидан сифатини биров ошириш натижасида истемолчилар диққатини жалб қилиш бўлиб ҳисобланади. Рақобатлашувнинг бу усули, бирчи истемол товарлари бозорида ва бренди юқори мавқейга эга бўлган корпорациялар бозорида жуда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, кир ювиш кукунлари бозорида ҳар кукун ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотини бошқа рақобатчилар маҳсулотидан ажратиб турувчи хусусияти мавжуд бўлади ва улар бу ютуқни рекламалар орқали бўртириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бренди юқори мавқега эга товарлар бозори, масалан сенсорли мобил аппаратлар бозорида Самсунг, Эппл, Эл-Джи ва Эйч-Ти-Си маҳсулотларини бутун дунё танийди ва уларнинг бошқасидан ажралиб турадиган биргина сифат кўрсаткичи бозордаги истемолчилар ҳоҳишини тез ўзгаришига олиб келади. Масалан улардага камеранинг мегапикселини янги даражага кўтарилиши қолган компаниялар маҳсулоти сифатининг шу даражага кўтарилгунга қадар бозордаги сотуви биринчи ўринга чиқиб кетади. Бу ҳам нархсиз рақобатда сифатнинг янги кўриниши натижасида бозор сегментини вақтинча интервенциясининг самараси бўлиб ҳисобланади. Яъни янги товар билан бозорга чиққан маҳсулот кейинги сифат даражасига бошқа рақобатчилар эришгунга қадар катта сотув натижасида мўмайгина даромадга эга бўлади. Нархсиз рақобат нархли рақобатга нисбатан таваккалчилиги паст бўлишига қарамасдан баъзи ўринларда, ундан фойдаланиш корхонага иқтисодий зарар келтириши мумкин.

Маҳсулот сифатини корхоналарда бошқариш ва ташкил этиш масалаларининг бир жиҳати маркетинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари бозор

талаблари асосида ишлаб чиқилади. Маркетинг фаолияти орқали ишлаб чиқилиши режалаштирилган маҳсулотнинг сифатига бўлган бозор талаби ўрганилади ва у ҳам аввалдан режалаштирилади. Маркетинг тадқиқотини ўтказадиган мутахассислар саволлар анкетасига маҳсулот сифати ва нархига оид саволларни киритадилар ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқаришда нарх ёки сифат устунлигини белгилайдилар. Агар истеъмолчилар пастроқ сифатли маҳсулотни арзон нархга сотиб олишга тайёр бўлсалар, сифат даражаси бозор талабига мослаштирилади.

Маркетинг концепциясига биноан мақсадли бозор эҳтиёжлари ва талабларини аниқлаш – **бу товар сифатига боғлиқ** деган фикрлар ҳам мавжуд. Яъни, корхоналар ўзлари томонларидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига қараб, мақсадли бозорни танлайдилар. Лекин бу фикр амалиётга тўғри келмайди. Сабаби товар истеъмолчини эмас, истеъмолчи товарни танлайди. Мақсадли бозорни аниқлаш корхона имкониятлари доирасида амалга оширилади ва шу бозордаги товар сифати ҳам истеъмолчилар ҳожишидан келиб чиқиб режалаштирилади. Агар товар сифати режалаштирилиб сўнг мақсадли бозор танланса, товар ўз истеъмолчиларини топа олмаслиги мумкин. Шу сабабли, мақсадли бозорни танлашда корхоналар ўз имкониятларини, бозор талаб қилган сифат даражасини ва харажатларини тарозига солиб, оптимал вариантни аниқлайдилар. Мазкур фикрлардан кўринадики, товар сифатини рақобатли бозорда аниқлашни бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказилади ва таҳлил этилади;

- Хулосаларга қараб мақсадли бозор танланади;

- Мақадли бозорнинг маркетинг стратегияси ишлаб чиқилади. Унда рақобат усули танланади. Агар нархсиз рақобат қўлланилса:

- Истеъмолчилари эҳтиёжини қондириш учун сифат режалаштирилади ва уни бошқариш ишлари ташкил этилади.

Сифатни режалаштириш корхонадан маблағ ва харажатларни талаб этади. Ҳар қандай кўзланган маҳсулот сифатига эришиш сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасидаги бир қатор муаммоларни ҳал этиб олишни талаб қилади. Муаммоларни аниқланиши эса корхонанинг бозордаги муваффақиятини таъминлайди. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

- Корхонанинг зарарсизлик нуқтаси мавжудми?

- Зарарсизлик нуқтасида режалаштирилган маҳсулот сифатига эришса бўладими?

- Режалаштирилган маҳсулот сифатини ўрнини қоплайдиган бошқа сифат даражалари бўйича вариантлар мавжудми?

- Агар шундай вариантлар мавжуд бўлса, улар ўртасидаги харажатларнинг фарқи мусбатми ёки манфийми?

– Танланган маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасида қандай пропорционал боғлиқлик бор?

– Танланган сифат оширилганда самарадорлик ортадими ёки камайди?

– Агар ортса, унинг охириги нуқтасидаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхона имкониятлари етарлими?

– Агар камайса, унинг оптимал ечими неча қийматга тенг?

– Маҳсулот сифатининг қайси даражасида ишлаб чиқариш самарадорлиги унга тўғри пропорционал боғлиқликда бўлади?

Шу каби саволлар ўз ечимини топиши корхона оптимал сифат даражасини аниқлаган ва рақобатга тайёр бўлади. Бунда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифат битта нуқтада мувозанатлашганлигини кузатиш мумкин.

Маҳсулот сифати бозордаги рақобатга билвосита таъсир этиши ҳам мумкин. Бунда сифатни тасдиқловчи ҳужжатлар рақобат курашида таянч бўлади аммо у маҳсулот сифатини белгиланган стандартларга мувофиқ келгандагина амал қилади. Сифатни тасдиқловчи асосий ҳужжатлар бўлиб, мувофиқлик сертификатлари ва халқаро стандартлаштириш ташкилотининг сифат сертификатлари бўлиб хизмат қилади. Бундай сертификатларнинг мавжудлиги корхоналарга ўз маҳсулотини бозорда рақобатчиларга нисбатан ишончли сотувида ва экспорт қилинишида кўл келади. Сифат сертификатларининг мавжудлиги истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқарувчи томонидан таклиф этилган маҳсулотга нисбатан ишонч туйғусини шакллантиради. Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан келишувда, диллерлар географиясининг кенгайишида ISO сертификатларининг ўрни жуда ҳам муҳим. Яъни, халқаро сертификатлар шартнома тузиш учун энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзини ҳурмат қилган ҳар бир корхона товар ва унинг сифат тавсифларини мунтазам такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

Маркетингда товар сифати 4 сатхга бўлинади:

1-сатх–андозага мослиги. Бу сатхда сифат маҳсулот ишлаб чиқариш андозаси ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келади ёки мос келмайди деб баҳоланади.

2-сатх–фойдаланишга мослиги. Бу сатхда маҳсулот бозорда талабга эга бўлиши учун нафақат андозаларнинг мажбурий талабларига, балки фойдаланиш талабларига жавоб бериши шарт.

3-сатх–бозорниг амалий талабларига мослиги. Идеал вариантда бу харидорни товарнинг юқори сифатли ва арзон нархли бўлиши ҳақидаги талабларини бажаришдир.

4-сатх–харидорнинг латент (ичидаги, очик ойдin кўринмайдиган) талабларига мослиги. Бу сатхда харидорлар ўзлари аниқ хис қилмаган,

ноаниқ эхтиёжларни қондирадиган товарларни афзал кўрадилар.

Нихоят, фирмаларнинг кўпчилиги маркетинг тизимининг мақсади қатор омиллари, жумладан, товар сифати билан тавсифланадиган ҳаёт сифатини яхшилаш деб ҳисоблайдилар. Шундай экан, товарлар сифати маркетинг таяниб тўрган филлардан биридир.

3. Товар ва унинг турли хусусиятлари

Аввало «товар»нинг ўзи нималигини аниқлаб олайлик. Бу эхтиёж ва талабларни қондира оладиган ва диққатни жалб қилиш, сотиб олиш фойдаланиш ёки истеъмол қилиш учун бозорга тақдим этиладиган барча нарсалардир. Товар сифатида физикавий объектлар, хизматлар, шахслар, жойлар, ташкилотлар, корхоналар, фирмалар, информация, технологиялар, ғоялар ва бошқалар бўлиши мумкин. Товар бирлиги тушунчаси – бу мавжуд катталик кўрсаткичлари, нархи, ташқи кўриниши ва бошқа аломатлар билан тавсифланадиган алоҳида яхлитлик.

Товар маълум аломатлар билан тавсифланади.

Товар белгиси – жорий қилинган тартибда рўйхатга олинган, бошқа товарлардан ажратиш учун товарга берилган, товар ишлаб чиқарувчи кўрсатилган белги. Товар белгиси давлат муассасаларида рўйхатга олинади ва ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланилади. У чизма, харф, тимсол ва бошқаларнинг маълум брикувидир.

Товар белгиси 1983 йилда Париж конвенцияси билан тасдиқланган саноат мулк турларидан биридир. Тижорат рекламаси билан биргаликда у рақобатда муҳим воситадир.

Товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси бугунги кунда 160 дан ортиқ мамлакатларда амалга оширилмоқда, жумладан 90 дан ортиқ мамлакатларда эса қонун даражасида.

Маркетинг нуқтаи назаридан товар белгиси – мазкур товарга ким эгалик қилиш ҳуқуқига эга, фойда олади ва сифатсиз маҳсулот билан таъминланганлиги учун жавобгарлигини кўрсатувчи товар жавобгарлигининг алоҳида тимсолидир.

Товар белгисининг асосий вазифалари – сотилаётган товар сифати юқорилигига гувоҳлик бериш, товар белгиси эгаси обриси яхшилиги туфайли ҳаридор ишончини қозониш.

Товар белгисининг ўзи катта аҳамиятга эга эмас, лекин яхши реклама қилинаётган товар билан бирикиб ва юридик кучга эга бўлиб, у товар сифатини оширишга ундайди.

Ҳаридор учун товар белгиси – ҳарид қилиш учун ундов ва ўзига хос сифат кафолатидир.

Товар тамғасини белгилашнинг турт тури мавжуд:

1. Фирмавий ном – сўз, харф ёки сўзлар, харфлар гуруҳлари.
2. Фирмавий белги – тимсол чизма ёки ажратувчи ранг.

3. Савдо сиймо – жонлантирилган савдо маркаси.

4. Савдо белги – фирмавий ном. Фирмавий белги, савдо сиймо ёки улрнинг бирикуви.

Фойдаланишда рўйхатга олинган савдо белги доира ичидаги R харфи (®), билан кузатилади.

Товар маркаси – сотувчининг товар ва хизматларини бирдай бўлиши ва рақибларнинг товарлари ва хизматларидан ажралиб туриши учун мўлжалланган ном, атама, белги, тимсол, чизма ва уларнинг брикмалари.

Товарни русумли товар сифатида тақдим этиш унинг аҳамиятини ошириши мумкин, буни маркетинг стратегияси ва товар сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш керак.

Товар сифати – шартланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматлар хусусияти ва тавсифларининг мажмуи(8402-86).

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Сифат менежменти тизими асослари фанининг мақсади ва вазифаларини тушунтириб беринг?

2. Ушбу фаннинг заруратини яна нималар билан изоҳлайсиз?

3. Ушбу фанни ўқитишда нималарни тақлиф этасиз?

4. Сифат тизимини оптимал ташкил этган қайси корпорацияларни биласиз?

5. Рақобат нима?

6. Рақобатнинг қандай турлари мавжуд?

7. Нархли ва нархсиз рақобат ўртасида қандай фарқ бор?

8. Сифат тизимини рақобатга қандай таъсири мавжуд?

9. Маҳсулот сифатини режалаштиришда рақобатнинг қайси хусусиятларини эътиборга олган маъқул?

10. Сифатни режалаштиришда маркетинг тадқиқотларининг қандай ўрни бор?

11. Сифатни режалаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртасидаги порпорцияни оптималлаштиришда қандай муаммолар мавжуд?

12. Товар нима?

13. Товарнинг қандай хусусиятларини биласиз?

14. Товар бренди нима ва уни товар сифатига қандай таъсири бор?

2-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ РЕЖА

1. Сифат тушунчаси ва уни бошқаришнинг моҳияти

2. Сифатни бошқариш тизимларининг беш босқичлари

Таянч иборалар: сифат, яроқлик, истеъмолчи, ишончлик, фойдаланиш тавсифи, эстетик кўриниш, материал-техник, инсон ва маъмурий омиллар, сифатни бошқариш босқичлари, Тейлор, TQM, БИП, НОРМ, НОТПУ, КАНАРСПИ, ISO

1. Сифат тушунчаси ва уни бошқаришнинг моҳияти

Сифат тушунчасини англаб етиш ва ундан истеъмолчи ёки ишлаб чиқарувчи сифатида самарали фойдаланиш сифатга берилган таърифларни диққат билан ўрганишни талаб қилади. Чунки, сифатга берилган таърифлар кўп ва хилма-хил бўлиб, вақт ўтиши билан улар ўзгариб боради. Айниқса, сифатга бўлган истеъмолчиларнинг дунёқараши маҳсулотлар такомиллашиб борган сари ўзгаришда давом этмоқда.

Сифат тушунчаси биринчи маротаба эрамиздан аввалги III асрларда Аристотель томонидан ўрганилган.

1-жадвал

Сифат тушунчасига берилган таърифлар

№	Таъриф муаллифлар	Сифатга берилган таъриф
1.	Д.Джуран	Сифат – “фойдаланиш (истеъмол) учун яроқлик”. Бу тушунча тўртта ўзига хос элементга эгадир: – Маҳсулотни шакли, тузилишини (дизайни) истеъмолчилар ўзларида идрок қилишлари; – Маҳсулотнинг проектига ва вазифасига мослиги; – Маҳсулотни истеъмолчиларга маъқуллиги, чидамлиги ва таъмирлаш мумкинлиги; – Маиший хизмат корхоналарининг мавжудлиги.
2.	Шухарт	Сифат – бу объектив физик тавсифларни ва субъектив томонларни ўз ичига олган буюм.
3.	Исикава	Сифат – бу истеъмолчининг реал эҳтиёжини қондирувчи хусусиятдир
4.	Немис тадқиқотчилар	Сифат - маҳсулот ёки хизматларнинг барча хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, улар ўз вазифаларини бажара олишларини кафолатлайди.
5.	Деминг	Сифатни бошқариш мукаммаликка эришилди дегани эмас, у бозор талабига жавоб берувчи сифатга эга бўлган маҳсулотни самарали ишлаб чиқаришдир
6.	Филипп Кросби	Талабларга тўғри келиши

7.	Иқтисодчилар	Нозикларнинг нозиги
8.	Америка компаниялари	«Гўзаллик кузатиб турувчининг кўз ўнгида намоён бўлади», яъни ҳар бир инсон сифатга ўз нуқтаи назаридан қарайди
9.	Халқаро ISO 9000 - 1994 системасига мувофиқ	Сифат - шартланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хусусияти ва тавсифлари мажмуасидир

Хитой тилида сифатни англатувчи иероглиф икки қисмдан, яъни мувозанат ва пулдан ташкил топган. Демак, сифат “қиммат” деган тушунча билан айнан ўхшашдир.

Юқоридаги берилган таърифлардан кўринадики, сифатга ҳар бир олим ва мутахассисларда турлича ёндошув бўлган. Лекин уларнинг ўртасидаги умумий боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Истеъмолчининг эҳтиёжини қондириши;
- Сифатни ҳар бир инсон ўз нуқтаи назари билан тушуниши;
- Маҳсулотнинг физик хусусиятлари.

Бу фикр ва мулоҳазалар умумлаб жамланганда «Сифат – бу қўйилган ва кутилган талабларни маҳсулотнинг йиғилган тавсифлари орқали қониқтириш» деган хулоса келиб чиқади.

Истеъмолчининг кутилаётган талабларини қониқтириш, бозорда ўз мавқеига эга бўлиш учун ишлаб чиқарувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

1. Янги маҳсулотлар;
2. Янги технологиялар;
3. Янги бошқарув усуллари;
4. Янги унсурларни тадбиқ этиш.

Буларни тадбиқ этиш эса ишлаб чиқарувчи компания ва фирмалар орасида рақобатни юзага келтирадиган тараққиётнинг асосий омили ҳисобланади.

Сифат тушунчасини англаб етиш ва уни ишлаб чиқаришда таъминлаб бериш ҳар бир ташаббускор учун долзарб вазифадир.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда кўриниб турибдики асосий восита - сифат орқали:

- ҳамма кўринишдаги ресурслар харажатини мувофиқлаштириш;
- ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни камайтириш, ишлаб чиқаришни ошириш;
- маҳсулотга қўйилган ҳамма талабларни бажариш;
- истеъмолчининг кутаётган талабини руёбга чиқариш;
- истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчининг орасидаги алоқа ва муносабатларни таъминлаш;

- ишлаб чиқариш бошқарувини ва хизмат кўрсатиш жараёнларини доимо мураккаблаштириш;
- нафақат ишлаб чиқарувчини, истеъмолчининг ҳам талабини тўлиқ қондириш имкониятини беради.

Маҳсулот сифати куйидагилар билан таърифланади:

- Хизматга яроклиги;
 - Ишончлиги (хавфсизлиги, узок муддатда фойдаланишлиги, саклашлиги, таъмирлашга яроклиги);
 - Фойдаланиш тавсифи;
 - Ташки эстетик кўриниши;
 - Ишлатишдаги кулайлиги;
 - Сотув олди ва кейинги хизмат кўрсатиш ва бошқалар;
- Маҳсулот сифати кўп сонли ва ҳар-хил техник, иқтисодий, ижтимоий-психологик хусусиятлар омилига боғлиқ.

Шартли равишда бу омиллар 3 гуруҳга бўлинади:


- материал-техник (ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, дастгоҳлар ишлаб чиқаришни техник ва метролог таъминоти, синов ва назоратнинг услуб ва воситалари, ишлатиладиган материаллар, бино ва қурилмалар);
- инсон омили (малакаси, профессионал билими, ўз ишига бўлган қизиқиши);
- маъмурий (ташкilotнинг умумий ишлаб чиқариш фаолиятини ва қисман сифат бошқарувини ташкил этиш);

Умуман олганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юқори даражада ушлаб туриш ва таъминлаш – комплекс муаммодир.

Фақатгина илмий асосланган ҳолда тизим ва комплексли, бир вақтда ва ўзаро боғлиқ бўлган техник, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий тадбирлар ёрдамида тез ва аниқ ҳолатда маҳсулот сифатини мукаммалаштириш мумкин.

Сифат - кенг сиғимли, мураккаб ва универсал категория бўлиб, у кўплаб хусусият ва жиҳатларга эгадир. Сифатнинг асосий жиҳати маҳсулотга истеъмолчининг қизиқишини уйғотиш бўлиб, ушбу кўринишда у кўплаб функцияларни бажаради.

Қайси мақсадда фойдаланишига қараб сифат тушунчасини куйидаги жиҳатлари намоён бўлади: фалсафий, ижтимоий, техникавий, иқтисодий ва ҳуқуқий.



1-расм. Сифат тушунчасини намоён этувчи асосий жиҳатлари

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда сифат аниқ мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, бошқалардан фарқ қилади. Аввалам бор унинг айрим хусусиятлари ва бошқалардан фарқи намоён бўлишига қарамай улар ўзаро узвий боғлиқликда экани намоён бўлади. Қолаверса, сифат кўплаб хусусиятлар мажмуасидан таркиб топади, улар чексиз бўлишлари ҳам мумкин. Бу эса моддий манбаъларга ва турлича дунёқарашларга асос бўла олади.

Сифатнинг социологик жиҳатлари муайян субъект билан ёки жамият билан боғлиқ бўлиб у истеъмолчилар ва маҳсулот (хизматлар) орасидаги муносабатдир. Бу ерда сифат категория кўринишида намоён бўлиб талаб ва таклиф қонуниятларига жавоб беради, ҳамда истеъмолчиларнинг маданияти ва даромадларига бевосита боғлиқ бўлади.

Сифатнинг техник жиҳатлари ўрганилаётган объектнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу ерда физикавий, электрокимёвий ва механик ўзгаришлар бир турдаги вазифани бажарувчи маҳсулот (моддалар) хусусияти ҳақида сўз юритилади.

Мухандислик нуқтаий-назардан олинганда ўрганилаётган маҳсулот сифати ва хусусиятлари эталонлар билан таққослаб ўрганилиши назарда тутилади.

Иқтисодий нуқтаий-назардан олганда - сифат - ўрганилаётган манбаъни истеъмол хусусиятларини ва қийматини намоён этади.

Истеъмолчиларнинг бу борадаги фикирлари турлича бўлиши - сифат даражасини аниқлашда техник-иқтисодий жиҳатлари биргаликда таҳлил қилишни тақазо этади ва бу тажрибани аниқлик даражасини кўпайтиради.

Сифатнинг ҳуқуқий аспекти НТХ, уларнинг ишлаб чиқиш тартиби, тасдиқлаш, жорий этиш ва амалга ошириш, уни рўйхатга олишдир. Сифат ҳуқуқий нуқтаий назардан олинганда манбаъни барча хусусиятлари егиндиси талабларга тўла жавоб бериши НТХларда ўз аксини топишидир.

2. Сифатни бошқариш тизимларининг беш босқичлари

Хужжатлаштирилган сифат тизимлари ривожланиши тарихида сифатнинг беш юлдузи сифатида кўриладиган бешта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич дастлабки тизим – Тейлор тизими вужудга келгандаги бошқарувга тизимли ёдошувнинг бошланғич вазифаларига мос тушади.

Ташкилий жиҳатдан у инженер-мутахассислар томонидан ишлаб чиқариш техник нормаларни ўрнатишни назарда тутган, ишчилар эса фақатгина уларни бажаришган. Бу тизим деталлар (буюмлар) сифатига йўл қўйилиши майдони кўринишидаги талабни қўйган юқори ва қуйи чегарага мослаштирилган шаблонларни киритган. Тейлорнинг мослиги мувафақиятли фаолият юритишини таъминлаш учун сифат соҳасидаги дастлабки профессионаллар – инспекторлар киритилган. Мотивация тизими брак ва яроқсизлик учун жарима, шунингдек хайдалишни назарда тутган. Ўқитиш системаси профессионал ўқитишга ўлчов ва назорат жихозлари билан ишлашни ўрганишга қаратилган.

Истеъмолчи етказиб берувчилар билан алоқалар техник шартларда ўрнатилган бажарилиши қабул назоратида текшириладиган талаблар асосида ўрнатилади.

Тейлор тизимининг юқоридаги ўзига хос томонлари унинг тизимини ҳар бир алоҳида олинган детал сифатини бошқариш тизими қилиб кўрсатади.

Иккинчи босқич. Тейлор тизими алоҳида детал (йиғма бирлик) сифатини бошқаришнинг ажойиб механизмини берди. Бироқ маҳсулот бу ишлаб чиқариш жараёнларин амалга ошириш натижасидир, ва кейинроқ аниқ бўлдики, жараёнларни бошқариш керак экан.

1924 йилда “BEN Telephone Laboratories” (хозирда А I & I корпорацияси)да Р.Л. Джонс раҳбарлиги остида сифатни статистик бошқаришга асос солган группа тузилди. Булар В. Шухарт томонидан тайёрланган назорат карталари, Т. Доджем ва Т. Роминг томонидан ишлаб чиқилган сифатни бошқаришнинг статистик усулларининг бошланиши бўлган. Кейинчалик Э. Деминг туфайли Японияда кенг тарқалган ва бу авлод иқтисодий инқилобига катта таъсир кўрсатган сифатни танланма назорат қилиш таблицалари дастлабки тушунчалардир. Деминг ишларни бошқарилиши натижаларини ва вазифаларини баҳолашни йўқотиш фикри билан чиқди. Э. Деминг фикрига таянган ҳолда ва уни ривожлантириб Д. Джуран истеъмолчилар талабига сезиларли даражада йўналтирилган, истеъмолчилар талабига мос “истеъмолчи талабига яраша” атамасини киритди. У менежментнинг такрорланувчи номутаносиблик олдидаги маъсулиятни кўрсатди сифатни статистик методлар билан тўлдирди.

Деминг ўз ишларида сифатни оширишни жараёнлар, тизим ва

статистика боғлаган бир пайтда, Джуран сифатни оширишга олиб келувчи фаолият билан ҳар бир менеджер бевосита шуғулланиш кераклигига урғу бериб ўтади. У сифатни ошириш ишлаб чиқариш муоммоларини ҳал қилиш жараёнларига – бутун персонални жалб қилиш ёндошуви тарафдоридир. Сифат тизимлари статистик методларни уларга қўшимча хизматлар жалб қилингани учун қийинлашди. Вариация ўзгарувчанлик нималигини билувчи ва уларнинг қандай усуллар билан пасайтириш йўллари билувчи инженер технолог, конструкторлар томонидан бажариладиган сифат вазифалари ҳам мураккаблашди. Сифатни таҳлил қилувчи ва маҳсулотлар дефектларини сабабини аниқловчи, назорат карталарини ишлаб чиқувчи касб муҳандис пайдо бўлди.

Меҳнат мотивацияси янада қийинлашди, чунки энди жараёнларни мослаштириш, у ёки бу назорат карталарини таҳлили қўйидаги назорат ва мувофиқлаштириш карталарида кўпроқ аниқлик талаб қилинади.

Касбий ўқитишга шунингдек мувофиқлаштириш назорат, шунингдек таҳлилнинг статистик усулларига ўқитиш ҳам қўшилди. Етказиб берувчи – истеъмолчи муносабатлари ҳам янада қийинлашди. Уларда стандарт таблицалар статистик қабул назоратлари кўплаб аҳамият касб эта бошлади.

Учинчи босқич. 1950 йилларда сифатни ёппа назорат қилиш концепцияси – TQC (Total Quality Control) олдинга сурилди. Унинг муаллифи, 1957 йилда “Сифатни комплекс бошқариш” мақоласини чоп этган АҚШлик олим **А. Фейгенбаум**. TQC нинг асосий вазифаларига конструкторлик яратиш босқичида меҳнатда юзага келиши мумкин бўлган потенциал мос келмасликларни олдини олиш, етказиб берилаётган меҳнат комплекс ҳомашё ва материалларнинг сифатини текшириш, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқариш, сервис хизматини ривожлантириш ҳамда сифатга қўйилган талабларга мос келишига риоя қилишни назорат қилиш. Фейгенбаум номуносивбликни сабабларини ўрганиш саволларига биринчи ўринда сифат харажатлари ҳисоби тизимига эътибор беришни айтган.

Сифатга кўплаб омиллар таъсир этгани туфайли ушбу ёндашувнинг асосий ғояси улардан асосийларини ажратиб олишдир. Бундан ташқари бир омилга таъсир ўтказиб бошқасидаги реакцияни кўра олиш учун улар ўртасидаги алоқани ҳам ҳисобга олиш керак. Сифатни бошқариш ва назорат қилишни комплекслигини таъминлаш учун сифат муаммоларини ечишда иштирок этган барча бўлинмаларнинг алоқаларини ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ҳисобга олиш керак. Масалан, истеъмолчилар норозиликларини кўриб чиқиш ҳамда қондириш тартиби ва вақти ўрнатилиши лозим.

Японияда TQC ҳайрат билан кутиб олинди ва профессор К.

Исикаванинг ишларида янада ривожланди. У сифатни менежментнинг вазифаси сифатида ва сифатни ошириш тадбирларида барча ходимларнинг иштирок этишини талаб қиларди ҳамда «истеъмолчи – етказиб берувчи алоқалари» терминини киритди. АҚШ концепцияларидан фарқли у сифатни бошқариш ҳақида компания масштабларида гапирарди. («Company Wide Quality Control»).

Филип Б.Кросби сифатни умумий концепциясининг буюк алломаларидан бири ҳисобланади. XX 60 – йиллар бошида Германияда кўплаб тортишувларга сабаб бўлган «ноль дефект» дастурини аниқ тушунтириб берди. Кросби эътиборни корхонани бошқариш соҳасидаги масалаларга қаратди ва асосан «ноль дефект» эришишга йўналтирилган фикрлаш ва сифат тушунчасини англаб етган тадбиркорлик маданиятини сингдиришни таклиф қилди.

Японияда ТҚС статистик методларга эътибор берган ҳолда ва персонални сифат тўғрақларига жалб қилган ҳолда ривожланди.

Японлар узоқ вақт ТҚС ёндашувини ундаги «S» statico маъносини берадиган ҳолда ишлатилишни такидлаб келишган.

Бу босқичда ваколат, жавобгарлик, шунингдек сифат соҳасида нафақат сифат хизмати мутахассисларини бутун корхона бошқарувида ҳамкорликни ўрнатувчи хужжатлаштирилган сифат тизимлари пайдо бўлди.

Маънавий рағбатлантириш ортиб моддий рағбатлантириш камайди. Жамоа бўлиб ишлаш, ҳамкасабалар ва раҳбариятни қўллаб тўрган лавозимни тан олиши ходимини келажаги ҳақида фирманинг қайғуриши такомиллашди. Унинг суғуртаси, оиласига ёрдам, сифатли ишни энг асосий сабабларидир деб кўрсатилди. Япония ва жанубий Карееда ишчиларни бир неча ҳафтадан то бир ойгача ўқитишда, шу жумладан мустақил ўрганишдан ҳам фойдаланган ҳолда, ходимга эътибор кўпроқ ажратила бошланди. Албатта ТҚС ни тадбиқ этилиши ва асосий тамойилларини ривожлантириш бир хилда амалга ошмаган. ТҚС нинг асосий ғоялари АҚШ ва Европа давлатларида ишлаб чиқилган бўлишига қарамай. Японияда бу соҳа анча илгарилаб кетди. Натижада, Америкалик ва Европаликлар сифатни бошқариш тизимини японлардан ўрганишга тўғри келди. Бунда асосий эътибор янгиликларни тадбиқ қилиш жараёнига қаратилди. Европа давлатларида асосий эътибор сифат таъминот тизимини хужжатлаштириш ва уни рўйхатдан ўтказиш ёки уч томондан сертификатлаштиришга қаратила бошланди. «Етказиб берувчи-истеъмолчи» муносабатлари тизимида ҳам маҳсулотларни 3-шахс томонидан сертификатлаштирилиши сифатни бошқариш жараёнларини назоратда ушлаб бошлади. Бунда шартномаларда хомашё материалларнинг сифатига талаб жиддийроқ тус олди. Уни бажариш кафолати масъулиятни оширди.

Шуни айтиш лозимки, сифатни комплекс тизим каби бошқаришни ривожлантириш босқичи совет Иттифоқини ҳам четлаб ўтмади. Кўплаб миллий тизимлар яратилди. Шулардан:

– Саратовда – маҳсулотнинг нуқсонсиз таёрлаш тизими (бездефектного изготовления продукции - БИП);

– Ярославлдаги “Автодизель” бирлашмасида – моторресурсни ошириш бўйича ишларни илмий ташкил этиш (научная организация работ по увеличению моторесурса - НОРМ);

– Рибиндаги моторқурилиш заводидаги – ишлаб чиқариш ва бошқарувда меҳнатни илмий ташкил этиш (научная организация труда, производства и управления - НОТПУ);

– Горьковскийда – “сифат, ишончлилик, биринчи маҳсулотдан ресурс” номи сифат тизими (качество, надежность, ресурс с первых изделий КАНАРСПИ).

БИП тизими асосига меҳнатни бевосита бажарувчи томонидан назорат қилиш қўйилган. Ижрочи яратилган маҳсулот сифати учун масъул бўлган.

НОРМ тизими двигател моторресурсларини режали, тизимли назорат қилишни ва уни режалаштираётган моторресурсни белгиловчи дизел ва деталларнинг узоқ муддатлилиги (яшовчанлиги), ишончлилигини ошириши асосида циклик ўстириб боришни назарда тутган. НОРМ тизимида сифатни миқдорий кўрсаткичларини режалаштириш, уни қўллаш, маҳсулотнинг бутун ҳаёт цикли давомида амалга оширилган.

НОТПУ учун ишлаб чиқаришни, бошқарувни ва меҳнатни илмий ташкил этиш усулларида мажмуавий фойдаланиш, корхона бўйича ва ҳар бир иш жойи учун технология ва технологик жиҳозларни доимий янгилаб боришни такомиллаштириш характерлидир. Корхонанинг цех ва участкалари миқёсида бошқарув, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этилиш даражасини миқдорий жиҳатдан баҳолаш ишлари кўриб чиқилган.

Энг яхши тизимлардан бири ўз давридан анча илгарилаб кетган КАНАРСПИ тизимидир. Унда:

– маҳсулот сифатини пасайтириш сабабларини аниқлаш бартараф этиш учун маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнидан самарали фойдаланиш;

– серия намунасини яратиш жараёнида конструкторлик ва технологик тажрибаларни ўтказиш;

– ишлаб чиқарувчи ташкилот эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг маҳсулотга янгидан ишлов бериш жараёнини такомиллаштириш ва уни эксплуатациясининг технологик даражасини оширишда фаол иштирок этиши каби талаблар мавжуд бўлиб, ундан саноатнинг кўплаб тармоқларида фойдаланиш имконияти мавжуд эди.

КАНАРСПИнинг кўплаб тамойиллари ҳозир ҳам эътиборлидир.


Тўртинчи босқич. 80-йилларда сифатни оммавий назорат қилишдан оммавий сифат менежементига ўтилди. Бу вақтда сифат тизимининг менежмент ва сифат бошқарувига сезиларли таъсир кўрсатган янги халқаро стандартлари ИСО 9000 (1987 йил) сериялари пайдо бўлди. 1994 йилда ИСО 9004 1, 2, 3, 4, каби стандартларнинг янгиланган кўринишлари чиқиб эътиборни дастурий таъминот ва материалларни қайта ишлаш соҳасига қаратди.

Сифатни мажмуавий бошқаришнинг хусусияти шундаки, авваллари корхоналар томонидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, етказиш муддати, харажат ва сифат кўрсаткичлари бўйича алоҳида қарорлар қабул қилинган бўлса, бу даврга келиб маҳсулот сифати корхонанинг биринчи рақамли ҳаракат режасига айланди ва бошқа барча йўналишлар ушбу мақсадга бўйсундирилди. Шундай қилиб, корхона фаолиятини бошқаришнинг барча соҳалари сифат манфаатларидан келиб чиқиб ташкиллаштирилди. Буни худди Птоломей тизимидан Коперник тизимига ўтишдаги вазият билан таққослаш мумкин, яъни Қуёш (истеъмолчи) Ер (ишлаб чиқарувчи) атрофида айланмайди балки, ер қуёш атрофида айланади.

Агар ТҚС – ўрнатилган тартибларни бажариш мақсадида сифатни бошқариш бўлса, ТҚМ – мақсадларни талаблар асосида бошқариш ҳисобланади. ТҚМга истеъмолчида маҳсулот сифати ҳақида ишонч қозонувчи тадбирлар тизимини ифодаловчи сифатни таъминлаш ҳам киритилади. ТҚМ тизими доимий сифатни яхшилашга, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ва ўз вақтида етказиб беришга йўналтирилган мажмуавий тизим ҳисобланади (-расм).

ТҚМнинг асосий ғояси ривожлантиришнинг чегераси йўқ деган принципга асосланади. Сифат доирасида ноль дефект, ноль ноишлаб чиқариш харажатлари ўз вақтида етказиш деган мақсадли ҳаракат мавжуд.

ТҚМ тизими сифатни бошқариш усуллариининг бир-бирига мос келадиган мақсадларидан фойдаланади. Тизимнинг асосий хусусиятларидан бири муаммони излаш усуллариининг жамоавий шакллариининг фойдаланиш, таҳлил қилиш ва ечиш ҳисобланади.



-расм. TQMнинг таркибий қисмлари

TQC – сифатнинг мажмуавий назорати

Q Policy – сифат сиёсати

QPlanning – сифатни режалаштириш

QI – сифатни ривожлантириш

QA – сифатни таъминлаш

TQMда инсоннинг ўрни ва персонални ўқитиш масалалари ортиб боради. Бунда мотивациянинг шундай даражасига эришиладики, ишчилар ишга киришиб кетганларидан меҳнат таътилларини рад этадилар, ишда кўп ушланиб қоладилар ва ишни уйда ҳам давом эттирадилар. Янги ишчилар синфи пайдо бўлади. Таълим ишчиларни бутун меҳнат фаолияти давомида узлуксиз қамраб олади. Ўқитиш шакллари ўзгариб янада фаоллашади, ўйинлардан, махсус тестлардан, АКТ усулларида фойдаланилади. Ўқитиш мотивациянинг бир қисмига айланади, яъни яхши таълим олган одам ўзини жамоада яхши ҳис этади, лидер вазифасини бажара олади, карьерада афзалликларга эга бўлади. Ишчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришнинг махсус усуллари ишлаб чиқилади ва фойдаланилади.

Истеъмолчи ва етказиб берувчиларнинг ўзаро муносабати сифатни сертификациялаш тизимига, айниқса ИСО 9000 стандартларига катта таъсирини кўрсатди. Сифат тизими мақсадли равишда 9000 серияли ИСО стандартларига асосан қурилди, яъни истеъмолчи тарафидан талаб қилинган маҳсулот сифатини таъминлаш, ва унга корхона ушбу ишларни амалга оширишга имконияти етарли эканлигини исботлаш.

Бироқ ИСО 9000 серияли стандартларида иқтисодий самарадорлик масалалари бироз оқсаб қолган, ўз вақтида етказиш қоидалари бўлмаган.

Ушбу стандартлар тизими барча масалаларни ва вазифаларни қамраб ололмаганлигига қарамасдан унинг бозор механизмидаги ўрни ва мавқеи ошиб бормоқда.

Сифат сертификатлари корхоналар учун уларнинг турли тендер ва проектларда қатнашишларида асосий шартлардан бирига айланди. Кенг қамровда сифат тизими сертификатларини қўлланилиши суғурта ишига айланди, яъни унинг мавжудлиги корхонанинг ишончилигидан далолат беради.

Бешинчи босқич. 90-йилларга келиб жамиятнинг корхоналарга бўлган таъсири кучайиб кетди ва натижада корхоналар жамият қизиқишлари ва манфаатларини кўпроқ ўргана бошладилар. Бу ҳолат, менежмент тизимига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маҳсулот ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳосил бўлган талабалар ўрнатилган ИСО 14000 серияли стандартларини вужудга келишига олиб келди.

ИСО 14000 серияли стандартлар асосида сифат тизимини сертификатлаштириш ИСО 9000 серияли стандартлар асосидаги сертификатлаштиришдан кўра кам машҳур бўлмади. Сифатга инсоний таъсирларнинг ўрни ортди, ўз ходимлари эҳтиёжларини қондириш корхона раҳбарларининг диққат марказида бўлди.

Корпорацияларнинг хусусиятини ҳисобга олган ва ўз мақсадларини халқаро стандартлар талабларини кучайтириш сифатида қўйган сифатни бошқаришнинг корпоратив тизимлари ҳам вужудга келди. Яъни, АҚШдаги йирик автомобил компаниялари 1990 йилда (иккинчи таҳрири 1994 йилда ишлаб чиқилган) QS 9000 “Сифат тизимига талабалар” стандартини ишлаб чиқдилар. Мазкур стандарт ИСО 9001 стандартларига асосланган бўлсада, кейинчалик яна бошқа оғир автомобил ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам уни ўзлари учун ишлаб чиқдилар ва унга риоя қилдилар.

ИСО 14000 ва QS 9000 серияли стандартларни тадбиқ этиш, шунингдек сифатни рағбатлантириш бўйича ўз-ўзини баҳолаш моделларини вужудга келиши сифат тизимини бошқаришнинг бешинчи босқичини асосий эришган натижалари бўлди.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Сифатга олим ва мутахассислар томонидан берилган таърифларни айтиб беринг?

2. Хитой иероглифларида сифат тушунчаси қандай сўзлар билан ёритилади?

3. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни сананг?

4. Сифат тушунчасини намойиш этиувчи асосий жиҳатлар нималардан иборат?

5. Сифатни бошқариш тизимларининг босқичларини таърифлаб беринг?

6. Собиқ Иттифоқ даврида сифатни бошқаришни қандай шакллари мавжуд эди?

7. ISO серияли стандартларига қачондан асос солинган?

3-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ РЕЖА

1. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим

2. Товар ва хизматлар рақобатбардошлиги

***Таянч иборалар:** сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатни бошқариш мажмуавий жараён, сифатга таъсир этувчи омиллар, тасодифий, маҳаллий, субъектив-объектив, техникавий, ташкилий, иқтисодий-ижтимоий, материал-техник, сифатни бошқариш дастури, бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим, сифат бошқарувининг ташкилий йўналишлари, товар рақобатбардошлиги, фойдали самарали, рақобатга менежерларнинг ёндошуви, ҳаётийлик даври*

1. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим

Сифатни бошқаришнинг замонавий назариясида, сифатни бошқариш бўйича фаолият маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин самарали эмас, балки бу фаолият маҳсулот ишлаб жараёнида амалга оширилиши лозим деб ҳисобланади. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарилганидан сўнг унинг сифатини таъминлаш билан боғлиқ операцияларга ҳам яқун ясалади ва натижада уни янгилашни корхона учун ортиқча харажатларни вужулга келтиради. Шундан кўринадикки, сифатни таъминлаш корхонада фақат ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилади. Ҳар бир корхона сифатни таъминлашдаги барча ҳаракатларни ишлаб чиқариш жараёнига қадар тайёрлашга ҳаракат қилади. Аммо масалани иккинчи томони шундан иборатки, маҳсулотнинг сифат хусусиятларини нафақат ишлаб чиқариш балки қадоқлаш жараёнида очиб кўрсатиш мумкин. Шу сабабли, сифатни бошқаришда бир жараёни сифат таъминотига боғлаб қолган жараёнларни ёддан чиқариш сифат сиёсати самарадорлигини пасайтиради. Сифатни бошқариш **Исикава таъбири билан айтганда, мажмуавий жараён** бўлиб, оддий ходимдан бошлиқча, мол етказиб келишдан то сотишгача бўлган барча босқичларни қамраб олиши зарур. Малакаси етишмаган ходимлар қайта ўқитилиб, юқори сифатли хомашё

сотиб олинади. Шундагина сифат бозордаги истеъмолчи талаби учун етарли бўлади.

Сифат бошқарувида маҳсулот сифатига таъсир этадиган омиллар алоҳида ўрганилади. Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омиллар таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун сифатни бошқариш тизими зарур. Бунда айрим уюшмаган ва тасодифий ҳаракатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида маҳсулотни яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур бўлади.



2-расм. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар туркумланиши

Сифатга таъсир қилувчи тасодифий омиллар сифатни режалаштиришда кўзда тутилмаган, корхонада бир неча йиллардан буён содир бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг ривожини натижасида маҳсулот сифатини ўзгаришига олиб келиб келади. Уларга ёнғинлар, об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офатлар, авариялар ёки мол етказиб берувчилар билан боғлиқ тасодифий ҳодисалар киради. Сифат бошқарувида бундай ҳодисаларни олдиндан бошқаришни имкони йўқ. Чунки улар кутилмаган вақтда вужудга келади ва содир бўлади. Уни бартараф этиш учун сифатни режалаштириш жараёнида қўшимча вариантларни ишлаб чиқиб шундай вазиятга тайёр туришга ёки улар билан боғлиқ рискни диверсификация орқали камайтиришга ҳаракат қилиш керак бўлади. Масалан, корхонада ёнғин чиқишини олдини олиш учун барча ходимларни шу масалада қайта ўқитиб, керакли ёнғинга қарши воситаларни шай ҳолатда сақлаб туриш зарур. Ёки бинолар қурилаётганда уларнинг сифати зилзила оқибатида бузилишини

этиборга олиб, зилзилага қарши ускуналар ясаб бинонинг зилзилага чидамлилиги оширилади. Бу ҳам сифатни тасодифий омиллар таъсири натижасида пасайиб кетишини олдиндан бошқариш бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулотнинг сифатига таъсир этувчи маҳаллий омилларга маҳсулот ишлаб чиқарувчининг географик жойлашуви, ишлаб чиқариш шароитлари, жамиятнинг корхонага нисбатан муносабати, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миллий, диний қадриятлар асосида ишлаб чиқарилиши кабилар киради. Масалан, гўшт маҳсулотларидан колбаса маҳсулотининг сифати чўчқа ёғидан фойдаланганда мол ёғидан фойдаланганга нисбатан юқори бўлади. Аммо Республикада чўчқа ёғини истеъмол қилиш миллий ва диний қадриятларга тўғри келмаганлиги боис, мол ёғидан фойдаланилади. Агар сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчи чўчқа ёғидан фойдаланса, уни ҳеч ким сотиб олмайди. Бу ҳам маҳаллий шароитни сифатга таъсири ҳисобланади.

Маҳсулот сифатига таъсир этувчи субъектив омиллар қаторига инсон фаолияти натижасида маҳсулот сифатини ўзгариши тушунилади. Ушбу омил қолган омилларга нисбатан энг муҳим саналади. Чунки, маҳсулот сифатига бошқа ишлаб чиқариш омилига нисбатан инсон кўпроқ таъсир қилади. Агар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган ишчининг малака даражаси паст ёки нияти ёмон бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини энг зўр хомашёдан фойдаланиб ҳам яхшилаб бўлмайди. Аксинча, бу вазиятда харажатлар ортади. Масалан, малака даражаси паст ишчига энг яхши намунадаги хомашёни бериб маҳсулот тайёрлашни вазифаси юкланса, у брак ёки дефектлар сонини ортиради ёки маҳсулотни нотўғри қадоқлайди. Агар малакаси юқори бўлган ишчига энг сифати паст хомашёдан маҳсулот тайёрлаш вазифаси юклатилса, ҳам у ундан сифатли маҳсулот ишлаб чиқара олади. Бу худди ош тайёрлашга киришган ошпаз ва унинг ёрдамчисига ўхшайди. Яхши ошпаз паст навли гуручдан ҳам сифатли ош тайёрлай олади. Унинг янги ёрдамчисига энг зўр гуручни берсангиз ҳам адашади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга таъсир этувчи омилларни яна бошқа турларга ҳам бўлиб ўрганиш мумкин. Бу омилларни техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий турларга ажратиш мумкин.

Техникавий омиллар гуруҳи:

– технологик жиҳозлар, ускуналар, асбоб ва назорат воситалари ҳолати;

– дастлабки материаллар, хомашё ва жамловчи буюмлар сифати;

– техникавий хужжатлар ва бошқалар ҳолати ва сифатидан иборат.

Ташкилий омиллар гуруҳига:

– ишнинг мунтазамлиги ва бир маромдалиги;

– жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

- материал, жамловчи буюмлар, ускуналар, асбоблар;
- назорат воситалари ва техникавий хужжатлар билан таъминлананлик;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш; ишда овқатланиш, дам олиш ва бошқалар киради.

Иқтисодий омиллар гуруҳи:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли;
- иш ҳақининг миқдори;
- юқори сифатли маҳсулот ва иш учун мукофатлаш;
- яроқсиз маҳсулот учун маошдан чегириб қолиш;
- маҳсулот таннархи ва нархи;
- сифат даражаси ва бошқалар киради.

Ижтимоий омиллар гуруҳи:

- кадрларни танлаш, жойлаш ва иш жойини ўзгартириш;
- малака оширишни ташкил қилиш;
- илмий-техникавий ижод, рационаллаштириш ва ихтирочилик;
- турар-жой маиший шароитлар, жамоадаги ўзаро муносабатлар, психологик муҳит ва бошқалардан иборат.

Шу билан бирга, шартли равишда сифатга таъсир этувчи омилларни 3 гуруҳга булиш мумкин:

– материал-техник (ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, дастгоҳлар ишлаб чиқаришни техник ва метрологик таъминоти, синов ва назоратнинг услуб ва воситалари, ишлатиладиган материаллар, бино ва қурилмалар);

– инсон омили (малакаси, профессионал билими, ўз ишига бўлган қизиқиши);

– маъмурий (ташкилотнинг умумий ишлаб чиқариш фаолиятини ва қисман сифат бошқарувини ташкил этиш);

Умуман олганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юқори даражада ушлаб туриш ва таъминлаш – комплекс муаммодир.

Фақатгина илмий асосланган ҳолда тизим ва комплексли, бир вақтда ва ўзаро боғлиқ бўлган техник, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий тадбирлар ёрдамида тез ва аниқ ҳолда маҳсулот сифатини мукаммалаштириш мумкин.

Шу сабабли, сифат бошқарувини режалаштирилаётганда, унга таъсир қилувчи ҳар бир омилни диққат билан ўрганиш ва режалаштиришда уни эътибордан қочирмаслик лозим. Сифатни бошқаришда кўплаб корхоналар тизим ва дастурлардан фойдаланади. Шу билан бирга, ушбу тизим аниқ олинган мақсадга асосланади.

Сифатни бошқариш тизими – бу сифатни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишнинг мажмуаси ҳисобланиб, у ўз ичига меъёрий-ҳуқуқий йўриқномаларни ҳам олади.

2-жадвал

Сифатни бошқариш дастурининг типик кўриниш

№	Маҳсулот ёки хизмат тури	Маҳсулот ёки хизмат сифатини ошириш тадбири	Масъул	Муддат	Тадбирни амалга ошириш учун сарфланадиган маблағ	Молиявий таъминот
---	--------------------------	---------------------------------------------	--------	--------	--------------------------------------------------	-------------------

Сифатни бошқариш дастурлари эса, маҳсулот сифатини режалаштирилган кўрсаткичга етказилгунга қадар амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлиги бўлиб, уни тахминан қуйидаги шаклда ишлаб чиқиш мумкин.

Жадвал маҳсулот сифатини бошқариш дастурининг типик кўриниши бўлиб, у ўз ичига сарфланадиган маблағлар бўйича қўшимча ҳисоб-китобларни ва тушунтириш, изоҳларни олиши мумкин.

Сифатни бошқаришнинг ўзи бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларга ажратилади.

Бошқарувчи тизим ташкилотни бошқаришнинг турли даражаларидан иборат. Бошқарувчи тизим сифат менежментини яратади. Бошқариш тизими олий бўғин раҳбарларидан бошланади. Айнан олий бўғин раҳбарлари фирма олдингидан кўпроққа қодир деган стратегиядан келиб чиқиши керак. Фирмани ташкилий тузилмасида сифатни бошқариш бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бўлинмалар назарда тутилиши мумкин. Сифатни бошқариш функциялари бўлинмалар ўртасида тақсимланиши фирма фойдага хажми ва хусусиятларига боғлиқ.

Менежмент объекти бўлмиш сифатга менежментнинг барча таркибий қисмлари хос: режалаштириш, таҳлил, назорат.

Сифатни бошқариш йўналишини корхонада белгилаб олиниши корхонанинг ички бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳамда молиявий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Унда сифат бошқарувини ташкил этишнинг қуйидаги йўналишларидан бири ёки бир нечтаси мажмуавий тартибда танлаб олинади ва қўлланилади.

Корхонада сифат бошқарувини ташкил этиш йўналишлари				
Бошқарувда алоҳида тузилмани ташкил этиш йўналиши	Ишчи комиссия тузиш йўналиши	Кўнгилли ишчи гуруҳ тузиш йўналиши	Вақтинчалик ёлланма мутахассисни жалб этиш йўналиши	Илмий тадқиқот институтлари ва консалтинг корхоналар пуллик хизматидан фойдаланиш йўналиши

3-расм. Сифат бошқарувининг ташкилий йўналишлари

Бугунги кунда сифатни бошқаришда маҳсулот сифати юқори

барқарорлиги ва турғунлиги кафолати бўлган сифат менежментининг сертификатлаштирилган тизими муҳим аҳамиятга эга. Сифат тизимининг сертификати фирмага бозорда рақобат устунлигини сақлаб қолиш имконини беради.

2.Товар ва хизматлар рақобатбардошлиги

Бозор муносабатлари шароитларида қаттиқ рақобат, бозорда танланганини олиш мумкин бўлган турли товарлар, улар номенклатурасининг тез янгиланиши фирма олдига мунтазам ишлаб чиқариладиган маҳсулотни харидор қандай қарши олади, товар муваффақиятли ёки муваффақиятсизлигининг сабаби нимада, деган саволларни қўяди. Бундай муаммоларни таҳлил қилиш заруратига янги буюмларни ишлаб чиқиш нархи, уларни яратиш билан боғлиқ таваккалчиликнинг ошиши сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси фирма томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар рақобатбардошлигини диққат билан ўрганишга мажбур қилади.

Муаммонинг яна бир жиҳати. Бизнинг иқтисодийетимиз эндигина ривожланаётгани учун жамият ривожланишининг асосий омили сифатида ресурслардан оқилона фойдаланишга ишониш қийин. Шунинг учун ресурсларни сақлаб қолиш масалалари билан ҳар қайси фирма шуғулланиши шарт, унинг устига бу ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар камайишига, бозорда маҳсулот рақобатбардошлиги ошишига олиб келади. Лекин товар рақобатбардошлигини кўришдан олдин, кенгроқ маънога эга рақобат тушунчасини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, "рақобатбардошлик" тушунчаси "рақобат" тушунчасининг бир қисмидир. Агар фирма бозорда муваффақиятсиз рақобат қилаётган бўлса, унинг маҳсулоти рақобатбардош эмас.

Рақобатбардошлик — мазкур бозорда мавжуд энг яхши ўхшаш объектларга нисбатан аниқ эҳтиёжни қондириш даражасини тавсифловчи объект хусусиятидир.

Шу билан бирга рақобатбардошлик — аниқ бозор шароитларида бошқалар билан мусобақада чидаш имкониятидир. Рақобатбардошлик маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича аниқланади. У товарнинг ҳам аниқ ижтимоий эҳтиёжга мослик даражаси, ҳам уни қондиришга сарфланган харажатлар бўйича унинг рақиб товаридан фарқини ифодаловчи тавсифидир.

Ўзбекистон амалиётида товарларга нисбатан "маҳсулот рақобатбардошлиги" тушунчаси билан амалда бир хил маънога эга "маҳсулот сифати" тушунчаси кўпроқ қўлланади, чунки маҳсулот сифати деб камроқ харажат қилиб, харидорни мақбул ҳолда қондириш хусусияти тушунилади.

Истеъмолчи назарида юқорироқ сифати билан ажралиб тўрган

буюмлар рақобат устунлигига эгадир. Аммо, бундай ёндашишда мазкур маҳсулотни сотиб оладиган харидор учун мутлақо аҳамияти йўқ бўлса ҳам ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назарида муҳим бўлган маҳсулотни тайёрлаш меҳнат сиғимлилиги, материал сиғимлилиги, энергия сиғимлилиги, буюмлар ишлаб чиқаришнинг технологиклиги, конструкциясининг муҳим хосиятлари чеккада қолиб кетади.

Товар рақобатбардошлигининг асосий ташкил этувчиси унинг истеъмол хусусиятлари ва нархидир. Лекин товарнинг бозор истиқболлари фақат сифат ва ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ эмас. Товарнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсизлиги сабаблари таъминловчининг реклама фаолияти, унинг нуфузи, техникавий хизматнинг таклиф этилаётган даражаси каби бошқа нотовар омиллар бўлиши мумкин.

Лекин рақобатбардошликни таъминлаш бўйича фирма фаолиятининг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган жиҳатлари қанчалик муҳим бўлмасин, асос — **сифат, нарх ва техникавий хизматдир**.

Товар рақобатбардошлигини ошириш учун рақобатбардошликни миқдорий ўлчаш имконини таъминлаш керак бу эса унинг даражасини ошириш имконини беради. Иқтисодий кўрсаткичлар тизими шаклида бундай миқдорий маълумотни йиғиш маҳсулот рақобатбардошлигини яхшилаш жараёнининг муҳим босқичидир. Миқдорий кўрсаткичлар таҳлили жорий даврда рақобатбардошлик даражаси, уни ошириш зарурати даражаси, бу мақсадга эришиш потенциал усуллари ҳақида фикр юритиш имконини беради. Ундан ташқари, айтиб ўтилган кўрсаткичлардан фойдаланиб, бошланғич даврда кўрилган чоратadbирлар самарасига баҳо бериш мумкин.

Рақобатбардошлик — интеграл тушунча. Таҳлил қилинаётган товар рақобатбардошлигини ўлчаш учун мазкур ва рақиб товарлар хизматининг меъёрий муддатда **фойдали самарасини** тавсифловчи сифат маълумотини ҳамда объектлар ҳаётий циклари давомидаги жами сарфларни билиш зарур.

Фойдали самара — объектнинг аниқ истеъмолчилари маълум ишни бажариш учун қўллайдиган хусусиятлари мажмуасидир, **сифат** эса — истеъмолчилар гуруҳлари учун потенциал фойдали самарадир. Товарлар фойдали самарасини табиий бирликларда (масалан, бир параметрли машиналар учун — унумдорлик), пул ҳисобида ёки шартли баллар ҳисобида (бир-бирини тўлдирадиган бир нечта муҳим параметрлар билан тавсифланадиган объектлар фойдали эффектини ҳисоблагандек) ўлчаш мумкин.

Товарнинг иккинчи томони — товардан фойдали самара олиш учун албатта, амалга оширилиши зарур бўлган **ҳаётий циклдаги мажмуий сарфлардир**.

Фойдали самара ёки ҳаётий циклдаги мажмуий сарфларни

миқдорий ўлчаб ва олдиндан кўриб бўлмайдиган товарлар рақобатбардошлигини истеъмолнинг аниқ шароитларида экспериментал текшириш асосида, синовли сотишлар натижалари бўйича ва бошқа усулларни қўллаб аниқлаш мумкин.

Менеджер ўз фирмаси буюмлари рақобатбардошлигини ўргангандан кейин, улар рақобатбардошлигини ошириш ва эришилган даражада ушлаб қолиш учун зарур бўлган аниқ чора-тадбирларни бажаришга киришиши зарур. Бу йўналишда иш товар рақобатбардошлигини бошқаришга ёндашиш жиҳатларини танлашдан бошланади.

Бундай ёндашишлардан бир нечтаси маълум: тизимли, мажмуий, функционал.

Тизимли ёндашиш — асосида объектларни яхлит тизим сифатида ўрганиш ёки махсус илмий билиш ва ижтимоий амалиёт услубиятидир.

Тизимли ёндашишнинг энг муҳим тамойиллари қуйидагилардан иборатдир:

– қарорлар қабул қилиш жараёни охирги мақсадларни аниқ белгилаш ва равшан ифодалашдан бошланади;

– доирасида ҳар бир хусусий ечимнинг барча оқибатлари ва ўзаро боғланишлари аниқланадиган бутун муаммо бир бутунлик ягона тизимдек кўрилади;

– мақсадга эришишнинг имкони бўлган муқобил йўللارни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг хослиги;

– айрим кичик тизимларнинг мақсадлари бутун тизим мақсадлари билан тўқнашиши мумкин эмас.

Тизим — маълум яхлитлик бирликни ҳосил қиладиган муносабат ва алоқаларда бўлган элементлар мажмуаси. Тизимли таҳлил тамойилларидан келиб чиқиб, маркетинг тадқиқотлари асосида аввал товар ёки хизматлар параметрлари шакллантирилади: нима чиқармоқ, қандай сифат кўрсаткичлари ва қандай сарфлар билан, ким учун, қайси муддатда, кимга ва қандай нархда сотмоқ керак?

Энг аввало, товар меъёрлар бўйича рақобатбардош бўлиши керак. Ундан кейин қандай ресурслар ва маълумотнома кераклиги, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражаси (техника, технология, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил қилиш) ва ташқи муҳит параметрлари (сиёсий, йиқтисодий, технологик, ижтимоий-демографик мамлакатлар маданий муҳити ва мазкур минтақа инфратузилмаси)ни ўрганиб, нималарни олдиндан кўриш мумкинлиги аниқланади.

Истеъмолчиларнинг товар, бозор кўрсаткичларига нисбатан талаблари ўзгарганда, ташкилий-техникавий янгиликлар пайдо бўлганда, бу ўзгаришларга монанд муносабат билдирмоқ ва тегишли ўзгартиришлар киритмоқ керак. Товар рақобатбардошлигини таъминлаш учун товар истеъмолчига етказилиб берадиган пайтгача

маркетинг тадқиқотлари натижалари жаҳон ютуқлари даражасида бўлиши, муҳит тизим ичида жараёнлар меъёрида кечишига кўмаклашиши керак. Аммо шуни қайд қиламизки, олдин тизимнинг чиқишига, кейин киришига ва фақат ундан кейин жараёнга бўлган талаблар шакллантирилади. Бошқача айтганда, олдин ташқи муҳит билан бўлган муносабатларни аниқлаш керак ва фақат ундан кейин жараён сифатини ошириш устида ишлаш лозим.

Товар рақобатбардошлигини бошқаришга бундай ёндашиш товарни бозорга татбиқ қилиш пайтига уни ишлаб чиқариш энг яхши жаҳон намуналари даражасида таъминланишига даъват қилади. Маҳсулотни янгилаш режалаштирилганда рақиблардан ўзиб кетиш учун товарга қўйиладиган бўлажак талаблар муҳим кўрсаткичлари ривожланишининг тендецияларини олдиндан кўриш учун сифатли маълумотдан фойдаланиш керак.

Мажмуий ёндашиш бошқаришнинг техникавий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, ташкилий ва бошқа жиҳатлари ўзаро боғланганишда кўришни назарда тутди. Афсуски, амалда айтиб ўтилган жиҳатларнинг барчаси қамраб олинмайди, бу эса жуда катта талафотларга олиб келади.

Функционал ёндашишда битта эҳтиёжни қондириш учун янги муқобил тузилмалар ва усуллар қуриш йўлидан борилади. Товар ҳаётининг циклидаги йиғинди харажатлар башорат қилингандан кейин йиғинди харажатлар бирлигига максимал фойдали самара берадиган объект танланади. Мазкур ёндашишнинг асли — янги ёки мавжуд эҳтиёжларни қондириш учун бутунлай янги товарларни яратишдир.

Фирма товарлари рақобатбардошлигини оширишнинг ўз-ўзидан кўриниб тўрган усуллари **ишлаб чиқариш харажатлари даражасини истеъмолчи харажатлари даражасидан пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш** ёки истеъмолчи сотиб олгандан кейин товарга қилинадиган хизмат сифатини оширишдир. Лекин рақибдан устунроқ чиқишнинг бошқа усули ҳам бор. У фирма бозорда қандайдир жабҳада аниқ ифодаланган компетенцияга эришишга ҳаракат қилишидан иборатдир.

Аниқ ифодаланган компетенциянинг маъноси шундаки, фирма маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки уни тарқатишда ниманидир ўз рақибларидан яхшироқ қилади, бу эса мижозларни ўзига жалб қилиш ва сақлаб қолиш имконини беради. Баъзан маҳсулот нархи рақиб фирмаларникидан юқорироқ бўлса ҳам, лекин компания, масалан, энг мустаҳкам соатлар ёки энг кам ёқилғи сарфлайдиган машина ишлаб чиқарса, унинг маҳсулоти рақибларникига нисбатан рақобатбардошлироқ бўлади. Рақобатбардошликни ошириш мақсадида харажатларни камайтириш ёки барча чора-тадбирларни бараварига амалга оширишга ҳаракат қилиш шарт эмас. Айрим ҳолларда

рақобатбардошлик жабҳасида фирма товарига нуфуз ёки компетенция берадиган қандайдир ўрнини танлаш самаралироқ бўлади. Истеъмолчилар ўртасида компания обрўга эга бўлиши мумкин бўлган ўринлардан бир нечасини айтиш мумкин:

– Маҳсулотнинг техникавий тавсифлари бўйича пешқадамлик: буюм конструкцияси уни юқорироқ кўрсаткичлар билан ишлатиш имконини беради.

– Буюмнинг ишончилиги бўйича пешқадамлик. Масалан, ҳар 10000 км юришига тўғри келадиган бузилишлар минимумининг кафолати автомобил учун яхши рекламани таъминлайди.

– Буюмларнинг баланд нархидан истеъмолчиларни қайтмасликка ундайдиган буюм мустаҳкамлиги бўйича пешқадамлик.

– Етказиб бериш бўйича пешқадамлик. Масалан, ҳозирги кунда эртасидан кечиктирмай етказиб бериш тамойилларига асосланган хизматларни янги доираси катта шуҳрат қозонмоқда.

– Буюртмачилар талабларига биноан буюмларни "индивидуаллаштириш". Айтайлик аниқ фирмадан сизнинг индивидуал буюртмангиз бўйича тайёрланган буюм олишингиз мумкин.

– Маҳсулотни бозорга татбиқ этиш. Юқори технологияларнинг айрим жабҳаларида бозорга маҳсулотни тезда чиқариб бериш муваффақиятга олиб келиши мумкин. Масалан, "Поляроид" фотоаппаратураси ўз обрўсига бозорга янги буюмларни тезлаштириб татбиқ этганлиги туфайли эришди.

– Ишлаб чиқариш ҳажмини мослашувчан бошқариш. Фирманинг талабига мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш қобилияти.

Фирма танлаган ўрин айнан шу бозорда жоизли бўлиши керак. Масалан, товарни жойига етказиб берадиган маҳаллий фирма янги ва катта юк машиналарига эга. Лекин мижозларнинг асосий қисмига кичик пакетларни қисқа муддат ичида етказиш зарур бўлса, велосипед ёки мотоцикллардан фойдаланадиган фирма рақобатбардошлироқ бўлиб қолади.

Бизнинг бозоримиз рақобат нималигини эндигина англамоқда, лекин бугунни ўзидаёқ Ўзбекистонда рақобат қийинчиликларини ўз бошидан кечираётган жуда кўп кичик (кўпчилиги савдо ва хизматлар доирасидаги) фирма ва корхоналар мавжуд. Кўплари хонавайрон бўлмоқда ва фақат бир қисми тараққиётга эришмоқда. Ундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг мазкур босқичида бозоримиз бизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз рақобат қилиши осон бўлмайдиган хорижий компаниялар товарлари билан ўта тўйинган. Айнан шундай муаммоларни ечиш билан товар рақобатбардошлиги менежменти шуғулланади. Рақобатбардошлик кўрсаткичлари -расмда келтирилган.

Бизнинг ички бозоримизда хорижий маҳсулот билан

муваффақиятли рақобат қилиш учун корхона қандай чора-тадбирлар кўриши керак, бозорда товар муваффақиятини олдиндан қандай билиш керак, товарга талаб йўқлигининг олдини қандай олиш керак, фирма маҳсулотига истеъмолчилар диққатини қандай жалб қилиш мумкин — шу ва бошқа кўп саволларга жавобни айнан **товар менежменти** беради. Агар фирма менеджери бозордаги вазиятни ўз ички ҳиссиёти билан олдиндан билса, тўғри ечимларни моҳирона танлашдан ҳоли бўлмаса ва рақобатбардошликни бошқариш санъатини билиб олган бўлса, корхона бозорда муваффақият қозониши аниқроқ бўлади. Фирма ишлаб чиқараётган товар рақобатбардош бўлса, компаниянинг асосий мақсади — етарли даражада фойда кўриш ва бозор муносабатлари шароитларида омон қолишни таъминлашдир. Товарлар рақобатбардошлигини самарали бошқариш айниқса, ўз маҳсулоти билан ташқи бозорга чиқмоқчи бўлган корхоналар учун муҳимдир. Бу масалани амалга ошириш улардан истеъмолчиларга пешқадам фирмалар таклиф этаётганлардан яхшироқ ёки камида ёмонроқ бўлмаган товарни, уларни сотиш ва хизмат қилиш шартларини тақдим этишни талаб қилади.

Ҳар қандай ҳаридор маҳсулотни сотиб олиш жараёнида унинг учун тўланган ҳақ, фойдаланиш оқибатида қопланадими, таққослаб кўради. Баҳо билан бир қаторда маҳсулотни фойдаланиш хусусиятларига тавсифнома бериш ҳам зарур, чунки фойдаланиш даврида таъмирга муҳтож бўлади. У ортиқча харажатҳ. Агар узоқ муддат хизмат қилса, бу сарфлар ўз-ўзидан қисқаради. Айрим ҳолларда таъмир сарфлари баҳодан ортиб кетади бу самарасиз ҳисобланади.



4-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичлари

Иқтисодий қўлай сифат дейилганда маҳсулот сифати билан харажат орасидаги муносабат тушинилади.


Демак хозирги замон ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифати – корхонага самарадорлиги фойдалилигини асосини ташкил этади шунинг учун унга доимий равишда эътибор берилмоқда.

Хозирги замондаги жаҳон бозорида таклиф талабдан ошади ва бунда истеъмолчи хукмдор. У бирор бир маҳсулотни танлашда ўзини талабларини қониқтирадиган даражадаги маҳсулотга эътибор беради ва уни харид қилишга тайёр.

5-расм. Маҳсулотнинг хаётий цикли

Шунинг учун маҳсулотнинг бозори чаққон ва рақобатбардош бўлишлиги янгиликлар ва сифат кўрсаткичи орқали истеъмолчининг кутилаётган талабини қондиришига боғлиқ бўлади. Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулот сифати даржасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, таёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мамуасидир.

Сифатнинг зарурий даражасини жорий этиш тадқиқот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий – техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий–иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари ҳисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак,



чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиқишига қадар унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади. Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни таёрлаш меъёрий–

техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хомашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий–иқтисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

Айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амлга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотлиши сифати сақлаш ва транспортли сифатларидан йғилади. Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиан материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ходимлар малакасига боғлиқ. Фойдаланишда маҳсулот сифатини баҳолаш мезони унинг кўрсаткичлари илова қилинган техникавий ҳужжатларда қайт қилинган мос кўрсаткичларга, яни қондириш зарур бўлган амалий эҳтиёжларга мувофиқлиги даражасидир.



6-расм. Маҳсулотнинг ҳаётӣлик цикли ва сифат бошқаруви ўртасидаги боғлиқлик

Айтиб ўтилган босқичлар маҳсулотнинг ҳаётӣ циклини ташкил қилади. Унинг фойдаланиш босқичидаги муддати ҳар босқичда эришилган сифат даражасига боғлиқ.

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади. Маҳсулот сифатини жорий қилиш таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларни тавсифловчи **“сифат сиртмоғи”** мавжуд. Бу босқичлар:

- Маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- Илмий–техникавий тараққиёт ютиқларини ҳисобга олиб, сифат даражасини шакллантириш, меъёрий–техникавий хужжатларни таёрлаш;
- Ишлаб чиқарув корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- Сифатли хомашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий – техникавий таъминлаш;
- Ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш. Жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;
- Тегишли меъёрий – техникавий хужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- Техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатини баҳолаш;
- Тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспорти ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш
- Тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва унда фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш сифатини таъмирлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлигини сифатини баҳолаш;
- Маҳсулот ҳаётий циклини охириги босқичи учун фойдаланишга ташкил (утилизация) ва қайта тикланган моддалардан тўлиқ фойдаланишдан иборат.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Маҳсулот сифатини бошқариш маҳсулот ишлаб чиқаришни қайси даврида кўпроқ самара беради?
- 2.** Сифат бошқарувига таъсир этувчи омилларни таърифлаб беринг?
- 3.** Сифат бошқарувига таъсир этувчи тасодифий омиллар қандай бўлади?
- 4.** Сифатни бошқариш тизими нима?
- 5.** Сифатни бошқариш дастурининг типик кўриниши қандай шаклга эга?
- 6.** Сифат бошқарувида бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларни аниқланг?
- 7.** Сифат бошқарувининг ташкилий йўналишларига нималар киради?
- 8.** Рақобатбардошлик нима?
- 9.** Рақобат шароитида маҳсулот сифати қандай кўринишда бўлиши лозим?
- 10.** Сифат бошқарувига қандай қилиб тизимли ёндошиш мумкин?
- 11.** Сифат бошқарувига бошқача ёндошувлар ҳам борми?
- 12.** Товар рақобатбардошлиги кўрсаткичларига нималар киради?
- 13.** Маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари қайсилар?

4-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ МЕЗОНЛАРИ РЕЖА

1.Харажат ва маҳсулот сифатини боғланиши

2.Сифатнинг мақбул даражаси

3.Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари ва сифат кўрсаткичлари

***Таянч иборалар:** харажат, маҳсулот сифати, ўзгарувчан, доимий харажатлар, маҳсулот таннархи, сифат харажатлари, сифатнинг мақбул даражаси, сифатнинг одатий харажатлари, сифат кўрсаткичлари, буюмларни ишлаш цикли.*

1.Харажат ва маҳсулот сифатининг боғланиши


Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар (амортизация), меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг қиймат кўринишини ифода этади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни амалга оширади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар (асосий воситаларнинг эскириши, материаллар, уруғлик, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа) ва жонли меҳнат сарфлари ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қилади.


Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатлар таснифланганда одатда «ўзгарувчан», «доимий», «ярим ўзгарувчан», «ярим доимий» терминлари қўлланилади.

Ўзгарувчан харажатлар тасвирланганда одатда қуйидаги таъриф ишлатилади. Ўзгарувчан харажатлар – бу ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда ўзгариладиган харажатлардир. Яъни ишлаб чиқариш ҳажми қанчагача ўсса харажатлар миқдори ҳам шунчагача ўсади (7-расм).



7-расм. Жами ўзгарувчан харажатлар

Доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан мутаносиб ўзгармайди. Яъни ишлаб чиқаришнинг маълум ҳажмигача қандайдир давр давомида харажатлар ўзгармасдан бир хил даражада қолади. Буни графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин(-расм)




8-расм. Доимий харажатлар

Мазкур ўринда шуни айтиш керакки, доимий дегани фақатгина маълум бир давр, яъни фақат оралиғи ва маълум бир ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан назарда тутилмоқда. Чунки, фалсафанинг қонунидан келиб чиқиб доимий ҳеч нарса бўмаслиги, англаганмиз, худди шундай

харажатлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсиб кетса ёки кескин пасайиб кетса доимий харажатлар ҳам ўзгаради. Фақат бу ўзгариш мутаносиб характерда бўлмай зина сифатида бирданига маълум даражага кўпаяди ёки камаяди.

Шу ўринда харажатларни ўзгарувчан ёки доимийлиги қайси нуқтаи назардан ёндашилишича боғлиқлигини айтиб ўтиш лозим.



9-расм. Ярим доимий харажатлар


Агар харажатлар табиатига эътибор берадиган бўлсак, ўзгарувчан ва доимий харажатлар фақатгина ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан шундайдир. Зеро маҳсулот бир-бирига нуқтаи назаридан ўзгарувчан харажат доимий бўлиб қолади (-расм), чунки қанча миқдорда ишлаб чиқаришидан қатъий назар, бир дона, тонна ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун сарфланадиган маблағ бир хил, ўзгармайди ва бинобарин уни доимий деб ҳисоблаш мумкин.

Ўз навбатида доимий харажатлар бир дона маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгаради, яъни қанчалик кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилса, шунчалик уни бир донасига тўғри келадиган улуш камроқ бўлади.

Демак, у ёки бу нуқтаи назардан ёндошиш, тўғри ва оптимал қарор қабул қилиш учун зарурдир.

Вақт оралиғи ва ишчи дастур ҳажми нафақат доимий харажатларга балки ўзгарувчан харажатларга ўз таъсирини ўтказди. Маълум бир вақт ўтган сари ўзгарувчан харажатлар ҳам маҳсулот бирлигига нисбатан ўзгаради ёки ишлаб чиқариш кўпайиб кетса мол етказиб берувчилар томонидан кўчирмалар бериш мумкин.

Ўзгарувчан харажатлар ва доимий харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги айнан шу релевант қисмидагина ишлайди.



10-расм. Ўзгарувчан ва доимий харажатларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан боғлиқлиги

Бошқарув қарорлари қабул қилиниши ва истиқболни белгилашда алоҳида эътиборни жами харажатлар ичида қайсилари ҳисобга олинади, қайсилари йўқ шуни очиқ белгилаб олиш зарур. К. Дрўрининг фикрича, ҳисобга олинadиган харажатлар бу келажакда қабул қилинган қарорнинг таъсирида бўлувчи харажатларга айтилади². Ҳисобга олинмайдиган харажатларга буни акси.

Юқорида харажатларни таҳлил қилишда вақт оралиғи катта аҳамият касб этишини айтиб ўтилди. Худди шундай, агар вақт оралиғи кичикроқ бўлса, маълум бир қарорни қабул қилиш натижасида фақатгина ушбу қарорга бевосита боғлиқ харажатлар ҳисобига олинади. Агар вақт оралиғи каттароқ бўлса, шунчалик кўпроқ харажатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксарият холларда бевосита харажатлар ўзгарувчан ,билвосита харажатлар доимий бўлади. Бевосита харажатлар менежерлар назорати остида бўлади, билвосита харажатлар устидан менежерлар тула назорат ўрната олмайдилар.

Назорат қилинадиган харажатлар – таъсир эта бўладиган ва бирон-бир менежернинг таъсири натижасида маълум давр ичида ўзгартириб бўладиган харажатлар.

Назорат қилинмайдиган харажатлар – маълум давр ичида менежер таъсир этиб ўзгартиролмайдиган харажатлар.

² К. Друри. Введение в управленческий и производственный учёт. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1998г, - 42 стр.

Назорат қилинадиган харажатлар :

- материаллар;
- асосий ишчиларнинг ишбай иш ҳақиси;
- технологик жараёнларнинг электр энергия сарфи;
- қўшимча иш ҳақи;
- телефон харажатлари ва бошқа харажатлар.

Назорат қилинмайдиган харажатлар :

- ижара;
- коммунал тўловлар;
- кредит фоизлари;
- амортизация харажатлари ва бошқа харажатлар.

Лекин харажатлар ҳамма вақт ҳам у ёки бу категорияга тегишли булолмайди: бир компания учун доимий бўлган харажатлар иккинчи компания учун ўзгарувчан бўлиши мумкин. Бир компанияда ишчилар учун иш ҳақи иш вақти учун (доимий харажатлар), иккинчи компанияда бажарилган иш учун (ўзгарувчан харажатлар) туланиши мумкин. Маълум бир маҳсулот рекламаси учун харажатлар бевосита харажат булса, компания рекламаси учун харажатлар бу маҳсулотга нисбатан билвосита харажат бўлади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ корхона харажатлари қуйидагича таснифланади:

- маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолият харажатлари;
- фавқулотда харажатлар;

Ишлаб чиқариш харажатлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ харажатлар. Улар қуйидагиларга бўлинади:

- бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- бевосита ва билвосита меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Моддий ва меҳнатга ҳақ тулаш бўйича харажатлар – бирламчи харажатлар ҳисобланади.

Харажатлар ҳисоби ва калькуляция бир-биридан ўз объектлари билан ҳам фарқ қилади. Харажатлар ҳисоби объекти улар келиб чиққан жой (жавобгарлик марказлари), яъни корхона, цехлар, хўжалик ҳисобидаги бригадалар, қайта ишловчилар, буюртмалар, конвейер ва х.к.лар ҳисобланади. Харажатлар ҳисоби объектини танлашга технологик жараёнлар хусусан, ишлаб чиқариш намунаси, тузилма, бошқарув тизими, ички хўжалик ҳисобининг ахволи ва бошқалар таъсир кўрсатади. Калькуляциянинг объектлари эса корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг айрим турлари, ишлар ва хизматлардир.

Амалиётда калькуляция ва харажатлар ҳисоби объектлари кўпинча бир-бирига мос келиб туради. Бундай ҳолатда маҳсулот бирлиги

таннархини ҳисоблаш учун ҳисоб объекти бўйича аниқланган харажатларнинг умумий суммаси тайёрланган маҳсулотлар миқдорига бўлинади.

Харажатлар ҳисоби ва калькуляциянинг моҳияти, ўзаро муносабати ҳақидаги турли нуқтаи назарларни таққослаб чиққач, уларнинг усулларини кўриб чиқиш лозим. Бу масала бахсли бўлганлиги сабабли, аввало турли адабий манбалар бўйича киёсий жадвал тузиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш турли усуллар билан ташкил этилиши мумкин. Уларнинг барчасини биргаликда қўйидаги белгилар билан туркумлаш мумкин:

- харажатларни баҳолаш усули бўйича;
- ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига нисбатан харажатлар салмоғи бўйича;
- харажатларни маҳсулот таннархига киритишнинг тўлиқлиги бўйича.

Бу усулнинг афзаллиги унда ҳисоб-китобларнинг оддийлигидир. У қўйидаги сабабларни мазкур усулнинг камчиликларига киритиш мумкин:

- фойдаланилган захиралар миқдори ва уларга қўйилган баҳолар назорати учун меъёрларнинг мавжуд эмаслиги;
- Оғишишларни сабаблари, айбдорлари, жойини аниқлаш ва таҳлил этишнинг имконияти йуклиги;
- ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисоб-китоблари фақат ҳисобот даври охирида утказилиши мумкин ва хк.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули харажатлар ҳисоби норматив усулининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу усулни қўллаш қўйидаги афзалликларга эга: ҳар бир харажат тури бўйича норма ва нормативларнинг ўрнатилганлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бирлиги таннархининг норматив калькуляциясини тузиш, амалдаги нормалар ва улардан оғишишлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш.

Фақат миқдор бўйича нормалардан фойдаланганда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$X_x = \Phi_{zx}(M_\Phi \pm M_{xx}) \quad (1)$$

Бунда,

M_Φ - харажатларнинг норматив миқдори;

M_{xx} - ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши.

Сарфланган ресурслардан эҳтиёжга мувофиқ нормада фойдаланилганда қўйидаги формулани қўллаш мумкин:

$$X_x = (\Phi_{zx} \pm M_{xb})M_z \quad (2)$$

Бунда,

M_{xb} - сарфланган ресурсларнинг баҳоси ўзгариши натижасида Оғишишлар.

Сарфланган ресурсларнинг миқдори ва баҳоси бўйича нормалардан фойдаланиб, ҳақиқий харажатларни қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$x_x = (\Phi_{zx} \pm M_{xb})(M_m \pm M_c) \quad (3)$$

Бунда,

M_m - норматив миқдор;

M_c - ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши (сарфланган ресурслар миқдори ўзгариши сабабли).

Корхоналар бозорга талабларни ўрганган ҳолда истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириб фойдаланишда зарурий самарани таъминлайдиган маҳсулотлар чиқаришлари керак. Бундай маҳсулот уни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш йиғинди харажатлари минимал бўладиган мақбул сифат даражасига эга бўлиши керак. Одамлар ҳёти ва хавфсизлигини муҳофаза қилишга мўлжалланган маҳсулот бунга дахлсиздир. Бундай маҳсулотнинг сифати энг юқори даражада бўлиши шарт.

Сифат бошқарувини ташкил этиш ва маҳсулот сифатини ошириш юқоридаги харажатларни ҳисобга олиб самарали амалга оширилади. Чунки, харажатларни қандай усулда ҳисобланиши билмасдан ёки маҳсулот таннархига қўшилиш қўшилмаслигини англаб етмасдан сифат харажатларини ошириш ё камайтириш мумкин эмас.

Корхонада маҳсулот сифатини ошириш учун қилинган ҳар қандай ҳаркат харажасиз бўлмайди, фақат бухгалтерия ва бошқарув ҳисобида бу масалага ойдинлик киртиб олинса бўлди. Сифат бошқарувини амалга оширишда харажатларни туркумларга бўлиб олиш харажатларни оптимал бошқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, вужудга келиши кутилган харажатларга муқобил режалар ишлаб чиқиш ёки уларни меъёрий равишда ҳисобга олиб маҳсулотга режавий нархлар белгиланади. Акс ҳолда, маҳсулот нархини асоссиз ортиши ва иқтисодий зарар кўпайиши кузатилади. Сифат бошқарувида қуйидаги туркумдаги харажатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин (3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, маҳсулот сифатини ошириш харажатлари 50 фоиз таннархнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Уларни ўзгарувчан ва доимий харажатлар билан боғланса, маҳсулот миқдорини ўсиши харажатни ўсишига унчалик ҳам таъсир қилмайди. Аксарият


ҳолларда, улар доимий ва ярим доимий харажат сифатида намоён бўлади.

3-жадвал

**Маҳсулот сифатини бошқариш харажатлари
классификацияси**

№	Сифат бошқарувида вужудга келадиган харажат турлари	Ўзгарувчан харажатлар	Доимий харажатлар	Таннарх харажатлари
1.	Дефект ва браклар	+	-	+
2.	Материал харажатлар	+	-	+
3.	Ишчи кучи харажатлари	+	+	+
4.	Малака ошириш харажатлари	-	+	-
5.	Маҳсулот дизайнини яхшилаш харажатлари	-	+	-
6.	Лаборатория ва синаш харажатлари	Ярим доимий харажатлар		+
7.	Сифатни яхшиловчи патент ва янгиликларни сотиб олиш харажатлари	-	+	-
8.	Сафар харажатлари	-	+	-
9.	Сифатни ошириш билан боғлиқ ташкилий харажатлар	-	+	-
10.	Сифатни ошириш билан боғлиқ асосий воситаларга қўшимча сарфлар ва ҳ.к.	Ярим доимий харажатлар		+


Умумий тарзда олганда, сифат харажатлари қуйидаги турларга бўлинади:



10-расм. Сифатнинг одатий харажатлари

2. Сифатнинг мақбул даражаси

Сифатнинг мақбул даражаси – бу сифат, харажатлар нарх, таннарх ва фойда ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи маҳсулот сифати кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Сифатнинг мақбул даражасини аниқлашда ишлаб чиқариш ва сифатни ошириш билан боғлиқ омиллар таҳлили муҳим ўрин тутди. Сифатнинг мақбул даражасини қуйидаги иккита расм орқали янада чуқурроқ ўрганиш мумкин (-расмлар).




11-расм. Сифатнинг мақбул даражасини биринчи кўриниши

Юқоридаги расмда таннарх ва нарх ўртасидаги боғлиқликни маҳсулот фойдасига таъсири ёрдамида мақбул сифат даражасига эришиш йўналиши кўрсатиб ўтилган. Унда Q_1 ва Q_2 маҳсулот сифатига сарфланадиган харажатларни ўзгариши эвазига фойда миқдорини ҳам ўзгаришини англатади. Q_0 эса маҳсулот сифатини маълум бир даражасида фойдани максимал бўлишини кўрсатиб беради. Яъни сифатнинг мақбул даражаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур мисолда маҳсулот таннархи ва нархини ўсиши сифатни ўсишига пропорционал тарзда боғланган. Лекин истеъмолчилар юқори нархли маҳсулотларни сотиб олганда кўра, ўз эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулотни арзонроқ сотиб олишни истайдилар. Шунинг учун, маҳсулот сифати, таннархи ва нархини максимал ошириб борган билан бозор талабини қонбира олмаслик ҳам мумкин. Корхонанинг маркетинг стратегиясида ушбу масалалар батафсил кўриб чиқилиши зарур.

Қуйидаги расмда ҳам сифат ва харажат ўртасидаги боғлиқлик иккинчи ёндошув билан кўрилган.

Сифат даражаси ошиб борганда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қилинаётган харажатлар бошида секин ошади (1-эгри чизиқ), чунки ишлаб чиқариш берилган талабларни осонлик билан бажаради. Кейинчалик, сифат даражаси ўсиши билан харажатлар кескин ошиб кетади. Охири шундай чегарага етиб борадиларки, харажатлар чексизликка интилади. Бу ҳолда на жиҳозлар, на ишчилар сифатни ошира оладилар.



12-расм. Сифат ва харажат ўртасидаги боғлиқлик

Шу билан бир вақтда сифат даражаси ошганда маҳсулотдан фойдаланиш пайтидаги харажатлар камаяди (2-эгри чизиқ). Бошида улар кескин, кейинчалик аста-секин камайиб боради. Бу ерда ҳам сифат

даражаси ошиши билан маҳсулотдан фойдаланиш пайтида харажатлар камайишига олиб келмайдиган чегарага етиб келамиз.

Йиғинди харажатларга келганда (3-эгри чизиқ), улар сифат даражаси ошиши билан бошида камайиб боради ва сифат мақбул даражасида бўлганда, минимал булади.

Ундан кейин, сифат даражаси мақбулдан юқорилаганда йиғинди харажатлар ошади. Охирида улар чексизликка интилади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот таннархини камайитиришга интилиб, айрим холларда маҳсулот сифатини пасайтириб юборишади. Бу ҳолда фойдаланиш пайтида истеъмолчининг харажатлари ошиб кетади. Шунинг учун ишлаб чиқарувчининг сифатли маҳсулот чиқаришга қизиқтириш мақсадида чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланиш харажатларини унга юклаб қўйиш керак.

Шундай қилиб, маҳсулот сифатини мақбул даражасига эришиш биринчи даражали муҳим масаладир. Бу-сифатни бошқариш тизимининг асосий мақсадларидан биридир.

Сифатни таъминлашда харажатлар калькуляциясининг қуйидаги усуллари фарқланади:

1. Сифатга харажат калькуляция усули маҳсулот сифатининг ўзига сарфланган харажатларни аниқлашга асосланган. Бу харажатларни ички ва ташқи турларга бўлишга қаратилади. Бунда маҳсулотни дефект ва бракларини камайитиришга ички ва ташқи харажатлар ҳисобга олинади. Яъни харажатлар калькуляция қилинаётганда профилактика, баҳолаш ва дефектни ҳисобга олади. Профилактика ва баҳолаш учун харажатлар фойда келтиради, дефект учун харажатлар эса зарар ҳисобланади.

2. Жараёнлар билан боғлиқ бўлган харажатлар калькуляцияси усули ҳар бир жараёнга мувофиқ ва номувофиқ келувчи қийматлар тушунчасига асосланган. Бунда:

– Мувофиқлик қиймати – мавжуд жараёнларни тўхтамасдан ишлаши шароитида истеъмолчиларнинг барча талабаларини қондириш мақсадида амалга оширилган харажатлар. Бу харажатлар дефект ва браклар бўлмаган шароитда сифатни яхшилаш учун амалга оширилади.


– Номувофиқлик қиймати – мавжуд жараёндаги хатоликлар учун харажатлар. Бу харажатлар сифатни яхшилаш учун ёки дефектларни камайитириш учун амалга оширилади.

3. Сифатнинг пастлиги шароитида йўқотишларни аниқлаш усули. Мазкур ёндошувда сифатнинг пасайишига олиб келган сабаб сифатида ички ва ташқи ҳамда материал ва номатериал йўқотишларга асосий эътибор қаратилади.

Бу ерда:

1-сифат назоратига харажатлар;

- 2-ишлаб чиқаришнинг асосий харажатлари;
- 3-дефект натижасидаги йўқотишлар;
- 4-ишлаб чиқаришнинг жами харажатлари



13-расм. Маҳсулот сифатида харажатлар ҳисоби

Типик ички номатериал йўқотишлар эргономик кўрсаткичларнинг қондирилмаганлиги ёки имкониятлардан фойдаланилмаганлиги оқибатида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қайтадан берилганлиги сабабли меҳнатнинг ишлаб чиқарувчанлигини пасайиш натижаси саналади. Материал йўқотишлар дефектлар натижаси ҳисобланган ташқи ва ички харажатларни ўзида акс эттиради.

3. Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари ва сифат кўрсаткичлари

Сифатни бошқариш масаласидан келиб чиқиб, зарурий хусусиятларни бошқариш мезонларидек қабул қилиш мумкин. Мисол учун, материаллар сарфланишни камайтириш керак бўлса, мезон сифатида машинанинг массаси қабул қилинади. Ишончлилиқни ошириш керак бўлса, мезон сифатида машинани тўхтаб қолмаслиги ва бошқалар қабул қилинади.

Айтиб ўтилган мезонлар техникавий мезонларга киради ва улардан кенг фойдаланилади. Лекин улар хусусий мезонлардир. Уларда сифатга эришиш учун сарфланадиган харажатларни баҳолаш назарда

тутилмаган. Буларсиз маҳсулот сифатини бошқариш тизими самаралилигини баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун сифатни бошқаришда маҳсулот сифати техникавий ва иқтисодий хусусиятларни жамлайдиган мезонлардан фойдаланиш керак.

Бирлик сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг битта хусусиятини характерлайди (тезлик, қуввати ва шу кабилар).

Маҳсулотнинг нисбий сифат кўрсаткичи – сифатнинг икки бир хил кўрсаткичларини вақт давомийлиги нуқтаи назаридан ўзаро нисбати тушунилади. У фоиз ва коэффициентларда ҳисобланиши мумкин.

$$K_c = K_{\text{сиф}} / K_{\text{сифбаза}}$$

Бу ерда:

K_c – сифатнинг нисбий коэффициенти

$K_{\text{сиф}}$ – сифати баҳоланаётган маҳсулотнинг бирлик сифат кўрсаткич

$K_{\text{сифбаза}}$ – сифати баҳоланаётган маҳсулотнинг асос қилиб олингина даврдаги бирлик сифат кўрсаткич

Мажмуавий сифат кўрсаткичлари маҳсулотнинг бир қанча хусусиятларини жамини характерлайди (ишончлилиқ, узоқ муддатлилиқ, таъмирбоблиги, бузилмаслиқ, чидамлилиқ ва шу **кабилар**). Мажмуавий сифат кўрсаткичини баҳолаш учун функцияли усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

$$K = f(n, b_i, k_i), \quad i = 1, 2, 3, \dots, n_i$$

Бу ерда:

K – сифатнинг мажмуавий кўрсаткичи;

n - ҳисобга олинаётган кўрсаткичлар сони;

b_i – сифатнинг i -кўрсаткичи коэффициентининг қиймати;

k_i – сифатнинг i -кўрсаткичи.

Интеграл сифат кўрсаткичлари – бир-бирига мос келувчи иқтисодий ва техник кўрсаткичлар йиғиндиси орқали акс этади (маҳсулотни эксплуатация қилишдан олинадиган умумий унумли самара, буюмларни ишлаб чиқиш ва ишлатишдаги умумий харажатлар ва шу кабилар).

Бу ҳолда маҳсулотни интеграл сифати тушунчаси қўлланилади.

Маҳсулотнинг интеграл сифати деб маҳсулотдан фойдаланиш самараси йиғиндисининг маҳсулотни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга сарфланадиган харажатлар йиғиндисига бўлинади.

$$K_n = \sum / (\sum c + \sum z)$$

Э-маҳсулотдан фойдаланиш самараси йиғиндиси
 Z_c - маҳсулотни ишлаб чиқиш учун қилинган ҳаражатлар.
 $Z_э$ - маҳсулотдан фойдаланишдаги ҳаражатлар.

Сифатнинг интеграл кўрсаткичи фойдали хусусиятлар ўсишига ҳам, фойдали хусусиятлар ўсишига сарфланадиган ҳаражатлар ўзгаришига ҳам сезгирлик билан жавоб беради.

Одатда интеграл кўрсаткич вақт ўтиши билан катталашади, чунки хусусиятлар маҳсулотни техникавий такомиллаштириш ва замонавийлаш туфайли яхшиланади ҳаражатлар эса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш пайтида иш унумдорлиги ўсиши ҳисобига камаяди.

Маҳсулот хоссаларини характерловчи сифат кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги бирлик, комплекс, аниқловчи ва интеграл турларга бўлинади.

Сифат кўрсаткичлари турли хил бўлганлиги учун маҳсулот сифатини иложи борича янда яхшироқ кўрсатиб туриши учун ҳар бир маҳсулот тури бўйича мос келувчи кўрсаткичлар номенклатурасини танлаш лозим.

Сифатнинг мажмуавий кўрсаткичларидан бирига тайёрлик коэффиценти мисол бўла олади. У бир пайтнинг ўзида буюмнинг бузилмаслик ва таъмирбоблигини кўрсатиб беради. У қуйидаги формула билан топилади:

$$K_g = \frac{T}{T + T_b},$$

Бу ерда:

T – бузилгингача маҳсулотни ишлаш вақти

T_b – тиклашнинг ўртача вақти

Мисол: Буюмларни ишлаш цикли вақт тақсимоти бўйича қуйидаги кўринишга эга бўлсин.



Бу ерда: T_1 -10 соат; T_2 -12 соат; T_3 -20 соат. Бузилгингача маҳсулотдан фойдаланиш вақти.

$T_{в1}$ -1 соат; $T_{в2}$ -2соат; $T_{в3}$ -3соат. Уни ишлаш имкониятини тиклаш вақти

У ҳолда:

Фойдаланишнинг ўртача вақти $= (T_1 + T_2 + T_3) / 3 = 14$ соат

Ўртача тиклаш вақти=(Тв1+Тв2+Тв3)/3=2 соат

$K_r=0,875$

Кўрсаткич даражаси қанча кўп 1 га интилса, у буюм тез таъмирланадиган ва пишшиқ ҳисобланади. Сабаби уни таъмирлашга кам вақт сарфланади ҳамда кам бузилади.

Ҳозирги даврида чоп этилган илмий адабиётларда маҳсулот сифати кўрсаткичларига етарли даражада кенг эътибор бериб келинган. Шунинг асосида уларнинг умумлашган ҳолда ўнта гуруҳга бўлган (хусусиятлари бўйича). У қуйида берилган.

1) Аҳамияти бўйича – бу кўзланган мақсадда фойдаланиш эвазига олинган самара ҳисобланади ва маҳсулот фойдаланиш доирасида келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш – техник мақсадларга кўзланган маҳсулотларнинг кўрсаткичлари бу уларнинг унимдорлиги ҳисобланади. Маълум бир даврда бу маҳсулот ёрдамида қанча ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мумкин.

2) Ишончилиги кўрсаткичи – маҳсулотни бир тартибда ишлай олиши, таъмир боблиги ва узоқ давр хизмат қила олиши. Бошланаётган маҳсулот хусусиятларидан келиб чиқиб чидамлилигини характерловчи кўрсаткичлар тўрта гуруҳга бўлишимиз мумкин:

a) Айрим маҳсулотлар бўйича одамларга хавф туғдирмаслиги доимий бир тартибда ишлаб олишидир ёки ишончиликнинг ягона кўрсаткичи хамдир. Бу энг зарур жойлар электр асбоблар, автомобиллар тармоқ тизими ва бошқарув тизимида. Айниқса хаво кемаларида бу кўрсаткич асосий ҳам ягона ҳисобланади.

b) Ўз ҳолатини сақлаб туриш – бу маҳсулотларнинг сақлаш ва ташиш даврида ўз хусусиятини ушлаб туришдир. Бу кўрсаткич кўпроқ озиқ овқат маҳсулотларига хосдир ва шу тармоқда алоҳида аҳамиятга эга.

c) Таъмирбоблиги – бу келгуси даврда таъмирлаш вазифасини бажарилиши, ўртача таъмир сарфи қиймати ва бошқа кўрсаткичлар билан аниқланади.

d) Узоқ муддатли хизмат қилиши - бу маҳсулотни курилмани иш ҳолатида ушлаб туришга қилинган харажат миқдори билан характерланади.

Маҳсулот сифатининг мазкур кўрсаткичларини қуйидаги формула ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$K_d=O_v/O_p*100$

Бу ерда:

Кд – маҳсулотни юклаб олиб бориш даврида биринчи хусусиятларини сақлаб қолишлиги, маҳсулот улуши

Ов – тушириб олинган маҳсулот миқдори, биринчи хусусиятларини меъёр даражасида сақлаб қолган транспорт воситасидан тушириб олинган маҳсулот миқдори

Оп – транспорт воситасига юкланган маҳсулот миқдори

3) Технологик кўрсаткичи - маҳсулотни юқори меҳнат (унимдорлигини таъминлаш таёрлаш ва таъмирлаш жараёнидаги қабул қилинган конструктив технологик қарорлар самараси. Асосан технологик ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаришни ялпилик хусусияти материалларни оқилона таъмирлаш, меҳнат материал ва вақтдан фойдаланиш таъминланади.

4) Стандартли ва унификация кўрсаткичлари – бу маҳсулот стандартлар билан таъминланганлиги, асосий қисмларни унификациялашуви оригинал маҳсулотлар қанча кам бўлса, шунча яхши бу маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истемолчилар учун ҳам зарур.

5) Эрганомик кўрсаткичлари – инсонларни маҳсулотлар билан ҳам ҳаракатланиш ёки боғлиқлиги бўлиб улардан фойдаланишдаги рухий, физиологик ва гигиеник хусусиятларда кўринади. Булар тракторни бошқаришдаги қулайликлар, кутқарув крани кабинасида кондиционер, ёруғлик, температура, намлик, чанг ҳамда шовқин, хаво буглари ва ҳакозо. Уларни яна қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

– Психофизиологик кўрсаткичлар. Улар инсоннинг сезги органларини буюмга мосланганлиги билан характерланади;

– Психологик кўрсаткичлар. Улар инсон томонидан турли маълумотларни олиш ва қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги билан фарқланади;

– Физик кўрсаткичлари. Улар инсоннинг турли органларига физик нагрузкалар орқали таъсир этиши билан тавсифланади.

6) Эстетик кўрсаткичлари – бу маълумотларни ёрқин ифодаланиши, тузилишининг қулайлиги, мавзунини тулаллиги, бажаришни такомиллашганлиги ва маҳсулот товар кўринишининг катъийлиги.

7) Ташишга қулайлик кўрсаткичлари – бу маҳсулотни ташишга мослаштирилганлиги

8) Эгаллик – ҳуқуқий кўрсаткичларга патент софлиги. Патент ҳимояланганлигига кириб, рақобатбардошликни аниқлашнинг асосий омили ҳисобланади. Эгаллик – ҳуқуқий кўрсаткичларни аниқлашда маҳсулот ва янги техник қарорларни мавжудлиги ва мамлакат томонидан патент ҳимояланганлиги, саноат ишланмаси рўйхатдан ўтганлиги ва товар белгиси ишлаб чиқарилаётган мамлакат ёки четга чиқарган мамлакатларга.

9) Экологик кўрсаткичлар – бу атроф мухитни зарарли моддалар билан ифлосланиш маҳсулотни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш жараёнида. МИСОЛ корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида у томонидан атроф мухитга чиқариладиган газлар, зарарли чиқитлар уларни ташиш жараёнида ифлослантирилиши ва ҳакозо.

10) Хафсизлик кўрсаткичлари – бу истемолчига ёки маҳсулотдан фойдаланувчига хафсизликни таъминлаш хусусиятлари. У ўрнатиш жараёнида, ташиш жараёнида ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган хусусиятлар.

Юқоридаги барча санаб ўтилган кўрсаткичлар йиғиндиси маҳсулот сифатини шакиллантиради. Маҳсулот сифатини эстетик жиҳатдан инсонни қувонтирадиган ўз вазифасини яхши бажарадиган, одамлар эҳтиёжларини тўла қондирадиган бўлишади. Бу кўрсаткичлардан ташқари асосийлари уларнинг баҳоси ҳамдир. Шунинг учун баҳо маҳсулот сифати билан узвий боғланган ёки баҳо ёрдамида маҳсулот сифати ортиши учун қилинган қўшимча сарфлар копланди.

Ҳар қандай ҳаридор маҳсулотни сотиб олиш жараёнида унинг учун туланган ҳақ, фойдаланиш оқибатида копланадими, таккослаб куради. Баҳо билан бир қаторда маҳсулотни фойдаланиш хусусиятларига тафсинома бериш ҳам зарур, чунки фойдаланиш даврида таъмирга муҳтож булади у ортиқча харажат ҳамдир. Агар узок муддат хизмат қилса, бу сарфлар ўз узидан қисқаради. Айрим ҳолларда таъмир сарфлари баҳодан ортиб кетади бу самарасиз ҳисобланади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.**Харажатларнинг туркумланишига кўра турларини айтиб беринг?
- 2.**Маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқлигига кўра харажатларнинг қандай турлари мавжуд?
- 3.**Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатлар деганда нимани тушунасиз?
- 4.**Харажат ва сифат ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
- 5.**Маҳсулот сифатини бошқариш харажатлари нималардан иборат?
- 6.**Сифатни бошқариш харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга таснифлаш мумкинми?
- 7.**Сифатнинг одатий харажатлари нима?
- 8.**Сифатнинг мақбул даражаси нима ва у қандай топилади?
- 9.**Сифат кўрсаткичларини санаб беринг?
- 10.** Интеграл сифат кўрсаткичи деганда нимани тушунасиз?

5-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ РЕЖА

1.Стандартлаштириш маҳсулот сифатини ташкилий-техникавий асоси сифатида

2.Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

3.Маҳсулот сифатини метрологик таъминоти

***Таянч иборалар:** маҳсулот, хизмат, жараён, ишлаб стандартлаштириш, ўзаро алмашинувчанлик, рақобат, техноген фалокатлар, мувофиқлаштириш, Лондон, халқаро ҳамкорлик, ЕЭС, норматив ҳужжатлар, метрология, таъминот, ўлчаш, синаш, назорат, ўлчов воситалари, назорат натижалари, метрологик экспертиза.*

1.Стандартлаштириш маҳсулот сифатини ташкилий-техникавий асоси сифатида

Стандартлаштириш — мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умуман ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир (ISO/IEC).

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

– маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда "маҳсулот" деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

– маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

– фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

– барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

– ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

– табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

– истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

– ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Стандартлашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- Давлат ва истеъмолчилар кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сифати ва номенклатурасига оптимал талабни урнатиш;
- Ишлаб чиқариш, давлат талаби, экспорт ва аҳоли ҳамда маҳсулотга урнатилган талабнинг мослигини таъминлаш учун меъёрий хужжатлар тизимини яратиш ва бу хужжатлардан тўғри фойдаланишини назорат қилиш;
- Халқаро, минтақавий ва миллий стандарт талабларига мосликни таъминлаш;
- Материал хажми ва энергия хажми сарфини пасайтириш;
- Технологик жараёнга бўлган талабни урнатиш;
- Маҳсулот ва ундан фойдаланишни стандартлаш бўйича халқаро ҳамдустлик ишларини ташкил этиш;
- Техник-иктисодий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлаш тизимини яратиш;
- Маҳсулот сифати назорат қилиш ва баҳолаш, сертификатлаш, текшириш учун меъёрий –техник хужжатлар билан таъминлаш;
- Метрологик меъёр, коида кўрсатма ва талабларни урнатиш
- Халқаро ва минтақавий стандартлашда актив иштирок этиш, халқаро стандартлаш амалий тажрибаларидан унумли фойдаланишни йулга қўйиш.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги);
- қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;
- табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар.

2. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

1946 йил 14 октябрда Лондонда янги халқаро ташкилотлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 24 давлатдан ва БМТнинг Стандартлаш масалалари бўйича координацион Қўмитасидан вакиллари иштирок этишди. Бу конференцияда Стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот (Интернационал Организация по Стандартазации-ISO) тузилди. Ташкилотнинг устави қонуни ва ҳуқуқлари қабул қилинди. 1947 йил 23 февралда стандартлаш бўйича 15 та миллий ташкилот бу қонунларни тасдиқлади ва шу кундан эътиборан Стандартлаш бўйича халқаро ташкилот ўз фаолиятини бошлади. Бу ташкилотни Бош Ассомблея бошқаради. Ташкилотнинг бошида Президент туради. Ҳар уч йилда қайта сайлади.

Ташкилотнинг амалий ишларини шу ташкилотнинг совети олиб боради. Бу Совет 18 давлат аъзоларидан таркиб топган. Ташкилот уставининг асосий мақсади халқаро товар айрибошлаш ва ўзаро ёрдамни таъминлаш учун жаҳон талабларига мос келадиган стандартни ривожлантиришдир. Шу билан биргаликда илмий, техник ва иқтисодий фаолият борасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ўз ичига олади.

Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда сифат бўйича илмий текшириш институти мавжуд.

Стандартлаштириш шу бугунги ҳолатда тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари орасидаги боғловчилардир. **ЕЭС** — ташкилоти стандартлаштириш ва сертификациялашга аҳамиятини кучайтириб, Европа бозорларига сифатсиз маҳсулотлар келтирмаслик ва жаҳон бозорига сифатсиз маҳсулотларни чиқармасликни бажаради. Жаҳон миқёсида барча мамлакатлар маҳсулот, жараен ва "хизмат" соҳаларини сертификациялаштиради, яъни унинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги текширилади. Бу стандартлар жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиши керак. Бизга маълумки, стандартлаштиришнинг асосий вазифаси Давлат хавфсизлигини, маҳсулот хавфсизлигини, аҳолини саломатлигини, маҳсулот сифатини текширувчанлик ва алмашувчанлик ресурсини ҳисобга олиш, уни тежаш, илмий йўналишдаги технологияни ва ташкилий ишларни тўғри йулга қўйишдан иборат. Юқоридаги маҳсулотларни ҳал қилишда

Республикамизда стандартлаштириш техник қўмиталари стандартлаштиришнинг асосий вазифаларини бажариб, ихтиёрий йиғилган мутахассислар мажмуасидан иборат.

Техник мутахассислар тармоқлараро ёки давлатлараро стандартлаш ва сертификациялаш ишлари бўйича тузилади. Уларнинг вазифаси Давлат манфаати ва истеъмолчи эҳтиёжини кондириш, яъни янги меъёрий хужжатлар (МХ) яратиш ёки қайта куриб чиқиш, уларнинг халқаро меъёрий хужжатларга мувофиқлигини таъминлаш, стандартлаш бўйича режалар тузишдан иборат. Бозор иқтисодиети даврида стандартлаштириш ва сертификациялаштириш маҳсулот сифатини рақобатбардошлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Маҳсулот жараён ёки хизмат рақобатбардошлигини йўналишга ажратиш мумкин.

Меъёрий хужжат тоифалари:

- Халқаро стандартлар. ХС ISO/МЕК
- Минтақавий стандартлар. ЕС
- Ўзбекистон Республикаси стандартлари.(ГОСТ)УзРСТ.
- Тармоқ стандарти. ОСТ.
- Техник шартлар. ТУ.
- Корхона стандарти.
- Бошқа меъёрий хужжатлар.

Меъёрий хужжат турлари:

- Умумийлашган стандарт.
- Ташкилий услубият.
- Умумий техникавий маҳсулот учун стандартлар.
- Назорати усуллари учун стандартлар.
- Жараён, иш ва хизматлар учун стандартлар.

3. Маҳсулот сифатини метрологик таъминоти

Маҳсулот сифати метрологик таъминотига хос масалалар сонига:

- ўлчаш, синаш, назорат қилиш пайтида баҳоланиши керак бўлган тавсифларни танлаш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини режалаш, ўлчаш, синаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациялаш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини тегиши ўлчаш воситалари билан таъминлаш;
- ўлчаш воситаларини метрологик тўғри ҳолатда ушлаб туриш;
- ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини бажариш ва натижаларини ишлаш;
- ўлчаш, синаш ва назорат натижаларини олиш ва фойдаланиш

билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш;
– корхонадаги метрологик таъминот замонавий техник даражали ва юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга мослигини аниқлаш мақсадида лойиҳа, конструкторлик ва технологик хужжатларни метрологик экспертизасидан ўтказишлар киради.

Метрологик экспертиза пайтида қуйидаги асосий масалалар кўрилади:

- назорат пайтида ўлчанадиган тавсифлар номенклатурасини аниқлаш;
- танланган тавсифларнинг оптимал (зарурий) аниқлигини жорий қилиш;
- ўлчаш воситалари танланиши тўғрилигини баҳолаш ва ўлчаш услубиятларига бўлган талаблар тўғрилигини аниқлаш;
- унификация қилинган ва автоматлаштирилган ўлчаш воситалари қўлланганда ўлчашнинг берилган аниқлигини таъминлаш;
- ўлчаш натижаларини ишлаш усулларини аниқлаш, ўлчам birlikлари тўғри қўлланганлигини аниқлаш;
- маҳсулотни назорат қилишга яроқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни тавсифларини ўлчаш имкони борлигини таҳлилдан ўтказиш.

Метрологик экспертиза конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқиш ва технологик жараёни тайёрлаш босқичларида метрологик хатоларни бартараф қилишга имкон беради. Агар бу хатолар ўтиб кетса ва айтиб ўтилган хужжатларга кириб қолса, ўлчаш ва назорат қилишдаги хатоликлардан иқтисодий талафотлар ва йўқотишлар пайдо бўлиши эҳтимоли ошади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.**Стандартлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат?
- 2.**Стандартлаштиришни маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигига қандай таъсир этади?
- 3.**Стандартлаштириш натижасида иқтисодиёт самарадорлигининг ўзгариши нимада кўринади?
- 4.**Иқтисодиётда стандартлаштиришнинг вазифаси нима?
- 5.**Стандартлаштириш ишларини ташкил этишни ёритиб беринг?
- 6.**Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик нима беради?
- 7.**Метрологик таъминот нима?
- 8.**Маҳсулот сифатининг метрологик таъминот билан боғлиқ масалаларига нималар киради?

6-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

РЕЖА

1. Умумий менежмент ва сифат менежменти

2. Сифат тўри

3. Дёминг цикли

Таянч иборалар: умумий менежмент, сифат менежменти, назоратга асосланган сифат, сифатли товар, сифат ҳалқаси, маркетинг, режалаштириш, лойиҳалаштириш, ҳарид, ишлаб чиқариш, техник хизматлар, утилизация, Дёминг цикли, PDCA.

1. Умумий менежмент ва сифат менежменти

Маҳсулот сифати (янгилик, техника даражаси, нуқсонлар йўқлиги, фойдаланишда ишончлилиги, мустаҳкамлиги) бозорни ушлаб қолиш ва эггаллаш рақобат курашида муҳим воситадир.

Талабни қондириш – меркетингнинг бош муаммосидир. Истеъмолчилар ҳимоячилари сотилаётган товарлар яхши эмаслигидан шикоят қиладилар.

70-йилларда ривожланган мамлакатларда бўлиб утган инфляция аҳолини сотиб олинаётган товарлар сифатига эътибор беришни талаб килди. Шунинг билан биргаликда чет эл мамлакатларида рақобат кучайиб кетди. Осиёнинг янги давлатлари Америка бозорларини эгаллаш учун сифат масаласини бош вазифа килиб белгилади. Шунингдек америкаликлар ҳам яхши сифатли товарлар ишлаб чиқара бошлади. Сифат хақида гамхурлик килаётган фирма тармоқларнинг ўртача даражасидан юқори фойда ола бошлади. Шунинг учун кўплаб фирмалар сифатли маҳсулот чиқара бошлади. Сифат менежменти маҳсулот ривожланишнинг ҳар бир босқичида сифат хақида кайгуришини англатади, аввал сифат билан маълум ходимлар шуғулланар эди. Бугун эса сифат учун бош бошқарувчилар жавоб беради.

Сифат ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир жараённинг асоси бўлиши керак. Унга фақат назорат орқали эришиб бўлмайди. Асосий эътибор назоратга каратилган сифатни бошқариш – бу сифатни бошқаришнинг эски услубидир. Бошқаришнинг асосида хатолар такрорланишини олдини олиш ётади.

Сифатни комплекс бошқаришнинг мохияти сифатни бошқаришдан ва ҳар бир янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда сифатни таъминлашдан иборат . Сифатни бошқаришни татбиқ қилиш ва амалга оширишда Япония фирмалари «энг аввало сифат» тамойили бўйича раҳбарлик қилади.

Сифатни таъминлаш деб, истеъмом талабларини тула қондириш, ундан узок вақт фойдаланиш ва истеъмомчи сифатини кафолатлашга айтилади. Сифатни таъминлаш тайёрловчи ва буюртмачи орасида шартномани эслатади. Сифатни самарали таъминлаш учун юқори рахбарлик қуйидаги бўлимларни: илмий тадқиқот, режалаштириш, ихтирочилик, ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатишларни ўз ичига олган каттик сиёсатни белгилаш керак.

Японияда сифатни таъминлаш қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланмоқда:

1. Назоратга асосланган сифатни таъминлаш .

2. Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришга асосланган сифатни бошқариш

3. Асосий эътиборни янги хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқишга каратилган сифатни бошқариш.

Фарбда асосий эътибор назоратни кучайтириш орқали сифатни таъминлашга каратилган бўлиб, махсус бўлимлар ташкил қилиниб, уларга кенг ҳуқуқлар берилган, шунинг учун ишлаб чиқариш ходимлари орасида назоратчилар салмоги жууда юқори . Японияда эса назоратчилар 5 % ни баъзи бир фирмаларда эса 1 % гача ташкил қилади. Асосий эътибор ўз назоратига каратилган сифатни назорат қилиш бўлими ёки техник назорат сифатни бошқариш билан шуғулланган . Аммо назоратчилар ортиқча ходимлар бўлиб, фирмадаги умумий меҳнат унумдорлигини пасайтириш, чунки улар ҳеч нарса ишлаб чиқармайдилар. Хозирги вақтда Японияда эса ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бугуни сифатни таъминлашга жавоб беради ва техника назорати бўлимининг бурчи маҳсулотни истеъмиочи ёки рахбар сифатида текширишидир.

Сифатни таъминлаш ва хатоларнинг олдини олиш учун ҳар бир фирма сифатини таъминловчи дастурни ривожлантириш учун қуйидаги чегаралар белгилаш мумкин.

- нуқсонларнинг ташки кўринишни бартараф қилиш;
- тўғридан-тўғри сабабларни бартараф қилиш;
- энг бирламчи сабабларни бартараф қилиш;

Умумий кўринишдаги сабабларни бартараф қилиш бошқаришни такомиллаштириш ва муҳим стандартларни қайта куриб чиқиш, билан боғлиқ. Назорат қилиш учун ҳар бир фирмада технологик карталар тузилиб, у ҳаммага кўринарли жойга осиб қуйилади. Унда буюм ишлаб чиқариш муддати, доналаб ишлаб чиқариш вақти, операциялар кетма-кетлиги ва меъёрий ишлаб чиқариш бошланиши кўрсатилади ҳамда назорат шакллари белгиланади.

Сифатли товар деганда унинг мустахкамлиги чидамлилиги, истеъмом хусусиятлари, ташки кўриниши, стандартлаштирилганлик ва такомиллаштирилганлик даражаси, тайёрланиш технологияси ва

бошқаларни узида жам этган товар тушинилади. Унинг сифатига эса қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- жихозлар сифати;
- хом ашё материаллари сифати;
- ишловчилар малакаси, иш қобилияти, ташаббускорлиги изловчанлиги ва ижодий ёндашув;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш санъати.

2. Сифат тўри

Корхона (фирма)ларда маҳсулот сифатини бошқариш системали амалга оширилади, яъни уларда маҳсулот сифатини бошқариш тизими фаолият кўрсатиши керак. Бу ерда мавжуд ташкилий тизим бўлиб уларда ҳар бир жараён манба ва тадбирлар жавобгарлиги аниқ белгилаб қуйилган маҳсулот сифатини бошқаришга зарур бўлган.

Хозирги пайтда ИСО 9000 стандартлар кенг тарқалган бўлиб, унда маҳсулот сифатини бошқаришни халқаро тажрибалари кенг тарқалган. Бу ҳужжатга асосан корхонада маҳсулот сифатини бошқариш сиёсати асосида кўрсатилган – маҳсулот сифатини бошқариш тизими таъминлашни яхшилаш ва сифатни бошқаришни ўз ичига олади.

Маҳсулот сифатини бошқариш корхона фаолияти қонуниятлари шаклида ташкил этилиши мумкин ёки узок муддатли мақсад шаклида намоён бўлади. У ўз ичига қуйидагиларни олади.

- Корхона иқтисодий аҳолини яхшилаш
 - Маҳсулот сотиш янги босқичларини яратиш ва мавжудларни кенгайтириш.
 - Илгор корхоналар даражасидан маҳсулот техник ҳолати бўйича ўзиб кетиш
 - Маълум тармоқ ёки маълум ҳудуд истеъмолчилари талабаларини таъминлашга қаратиш
 - Маҳсулот сифатининг асосий кўрсаткичларини яхшилаш
 - Тайёрланган маҳсулотлар камчиликларини камайтириш даражаси
 - Кафолат муддатларини узайтириш
 - Сервис хизматини кенгайтириш
- Юқоридаги ИСО стандарти бўйича маҳсулот ҳаётийлилик даври ўз ичига қуйидаги расмдаги 11-13 босқични олади.



14-расм. Сифат ҳалқаси

У «сифат сиртмоғи» ёки «сифат ҳалқаси» деб юртилади. Сифат сиртмоғи маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истемолчи орасида боғлиқлигига асосланади. Сифат сиртмоғида маҳсулотнинг бир ҳаётӣлик босқичида содир бўладиган маҳсулот билан боғлиқ операциялар ўз аксини топади. Уни сифат сиртмоғи деб номланишининг сабаби маҳсулот ҳаётининг шу босқичларида маҳсулотнинг сифати табиӣй ва сунӣй аттестациядан ўтади. Расмдан кўринадикӣ, сифат ҳалқаси маркетингдан бошланади. Яъни, корхоналар ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотни аниқлаш учун маркетинг тадқиқотларини олиб боради ҳамда ишлаб чиқиш учун бир неча вариантлардан бири танланади. Ишлаб чиқиш учун танланган маҳсулот кейинги босқичда лойиҳалаштирилади ва уни ишлаб чиқишдан сотилгунга қадар қилиниши керак бўлган ишлар кетма-кетлиги режалаштирилади. Сўнг ресурслар ҳариди амалга оширилиб, маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқиш жараёнида маҳсулот сифати назоратга олинади ҳамда ишлаб чиқилган тайёр маҳсулот омборларга жойлаштириб тахланади. Сотилгунга қадар сақланади. Маҳсулотни жойлаштириш ва сақлаш ишлари истеъмол қилинганга қадар сотилганидан сўнг ҳам амалга оширилиши мумкин. Баъзи маҳсулотлар сотиб олинганидан сўнг тўғридан-тўғри истеъмол қилинса, бошқалари

сотиб олинганидан сўнг истеъмол жараёнига киришдан аввал йиғиб монтаж қилинади. Бузилган маҳсулотларга вақти-вақти билан техник хизматлар кўрсатилади. Маҳсулот тўла истеъмол қилинганидан сўнг утилизация жараёнини ҳам бошдан кечиради.


Сифат ҳалқаси маҳсулотнинг ҳаётийлик циклида сифатини назорат қилиш билан бирга, чидамлилигини, истеъмолга яроқлилигини ҳамда самарадорлигини ҳам акс эттиради. Сифат ҳалқаси корхона ва истеъмолчи ўртасида маҳсулот эксплуатациясини ҳам кўрсатади. Берилган сифат ҳалқаси барча маҳсулотлар учун умумий берилган бўлиб, уни алоҳида маҳсулотга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин.

3.Дёминг цикли

Маҳсулот сифатини бошқариш Дёминг цикли деб аталган циклик ва бир қатор босқичлардан ўтказиб амалга оширилади. Бундай циклини амалга ошириш Дёминг цикли айланмаси деб аталади

Дёминг циклини тушуни маҳсулот сифатини бошқаришнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди, у барча бошқарув ва хўжалик фаолиятларига боғлиқ бўлиб, уни корхона фаолиятининг ҳар бир жабҳасида кенг қўлласа бўлади. Дёминг циклининг умумий кўриниш – расда якқол кўрсатилган бўлиб, у ўз ичига режалаштириш (PLAN), бажариш (DO); назорат (CHECK); таъсирни бошқариш (ACTION)ни олади.

Ҳар қандай бошқариш тизимида объект ва бошқариш дастури ҳамда бошқарувчи таъсирлар мавжуд. Объект сифатини бошқариш тизимига унинг сифати билан боғлиқ бўлган ҳаётий цикли ҳар бир босқичнинг жараёнлари киради. Бошқарувчи таъсирлар бошқарилаётган жараённинг ҳақиқий ҳолати бошқариш дастури жорий қилган ҳолат билан қиёслаш асосида ишлаб чиқилади. Бошқариш дастури сифатида маҳсулот сифати кўрсаткичлари қийматларини белгиловчи меъёрий хужжатлар ва маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки истеъмол қилишга бўлган талабларни белгилайдиган техникавий хужжатлар хизмат қилади.



15-расм. Дёминг цикли

Сифатни бошқаришда ишни режалаш, бажариш, назорат ишларини илмий асосда кўриб чиқиш бўйича Олим Дёминг ҳиссаси катта бўлиб, у PDCA назорат цикли (Дёминг цикли)ни келтириб ўтган. PDCA цикли Дёмингнинг ғояси ва бу циклни Дёминг цикли деб ҳам аташади. Сифат оширишнинг асосий усули PDCA назорат циклидир:

- P(Plan) - ишнинг режасини тузиш;
- D(Do) - ишни режа асосида бажариш;
- C(Check) - олинган натижаларни режалаштирилган ишларга тўғри келишлигини текшириш;
- A(Action) - режалаштирилган кўрсаткичларга нисбатан олинган натижаларни ўзгариб кетган ҳолатда чоралар кўриш.

Дёминг цикли компаниядаги ҳар қандай бажариладиган ишнинг пойдевори ҳисобланади. Бу назорат цикли ҳар бир ходим ёки коллектив ишида ютуқлар асоси бўла олади. PDCA циклини амалда қўллаш учун компаниянинг ходимлари ўзининг даражасида ўрганишлари керак бўлади.

Шундай экан, сифатни бошқариш жараёнларини тизимлилигини таъминлаш ва бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида Дёминг цикли ва сифат ҳалқасини биргаликда сифатни бошқариш тадбирларида қўллаш мумкин бўлади. Бу маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли давомида самара беради. Бу икки услубдан жадвал ясаб уни матрица кўринишига келтириш мумкин.

**Сифат ҳалқаси ва Дёминг циклининг умумлашган
матрицаси**

	Режалаштириш	Бажариш	Назорат	Таъсирни бошқармоқ
Маркетинг				
Лойиҳалаштириш				
Режалаштириш				
Ҳарид қилиш				
Ишлаб чиқариш				
Назорат ва синаш				
Қадоқлаш ва сақлаш				
Тақсимлаш ва сотиш				
Йиғиш				
Фойдаланиш				
Техник хизматлар				
Йўқотиш				

Бу матрица маҳсулотнинг алоҳида тури учун сифат бошқарувини мажмуавий кўринишини ташкил этади. Мазкур матрицани ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига тадбиқ этиш маҳсулот сифатини ҳар бир босқичда олдиан башоратлаш имконини беради. Бунда корхона сотилган маҳсулотни сотувдан кейин ҳам сифатини назорат қила олиш имконини қўлга киритади. Бу усул корхона учун қимматга тушгани билан корхона маҳсулотларига бўлган истеъмолчи ишончини ортиради. Бундан ташқари, корхонанинг бозордаги мавқеига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Умумий менежмент ва сифат менежменти ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
2. Маркетингни бош муаммоси нима?
3. Японияда сифатни таъминлаш қандай йўналишларга асосланган?
4. Сифат бошқарувида сифат назоратининг қандай таъсири бор?
5. Сифат сиртмоғи нима?
6. Сифат сиртмоғидан саноат корхоналарда қандай фойдаланиш мумкин?
7. Сифат сиртмоғининг сифат бошқарувини ташкил этишдаги афзалликларига нималар киради?
8. Дёминг циклини тушунтириб беринг?
9. Дёминг циклидаги бош ҳарфлар нимани англатади?

7-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ

РЕЖА

1. Сифатни бошқариш механизмининг таркибий қисми
2. Сифатни бошқаришнинг мажмуавий тизими
3. ДЖИТ тизими
4. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг КСУКП тизими

Таянч иборалар: механизм, сифатни бошқариш механизми, маҳсулот ҳаётий цикли, умумий тизимлар, махсус тизимлар, таъминловчи тизимлар, TQM, TQMS, Business Excellence, концепция, JIT тизими, ТМЗ, Тойота, "етказувчи-истеъмолчи", КСУКП тизими.

1. Сифатни бошқариш механизмининг таркибий қисми

Аниқ фанлар нуқтаи назаридан механизм (юн. mechane — қурол, иншоот) — бир ёки бир неча жисмнинг ҳаракатини бошқа жисмларнинг маълум ҳаракатига айлантириб берадиган қурилма. Кўпчилик машиналарнинг асосини ташкил этади, кўпгина асбоблар, аппаратлар ва техника қурилмаларида қўлланилади³ каби таърифланади.

Механизми ҳақида сўз юритганда, бозор механизми, хўжалик механизми ва иқтисодий механизм иборлари иқтисодий фанларда кўпроқ учрайди.

Бу соҳада олиб борилган тадқиқотларга кўра, бозор механизми бозор тизимига хос бўлган, бир-бирини тақозо этувчи ва биргаликда амал қилувчи воситалардир. Булар жумласига талаб, таклиф, нарх, бозор конъюнктураси, пул, фойда, зарар, фоиз, иқтисодий мажбурият, рақобат кабилар киради⁴. Таърифга кўра, бозор механизми унинг элементларидан ташкил топган бўлиб, бир пайтнинг ўзида бозорнинг иқтисодий категория сифатида амал қилишига турли йўллар орқали таъсир этувчи омилларни ўзида мужассамлаштирган.

Корхона хўжалик механизми – хўжалик юретишнинг тамойил, усул ва шакллари кўлами бўлиб, улар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жамоасини бошқариш, меҳнат жамоасини бошқариш муносабатлари тизими билан асосий ишлаб чиқариш воситалари ўртасида алоқа ва ўзаро таъсир амалга оширилади⁵. Бу таърифда ҳам хўжалик механизми хўжалик юретишга таъсир этувчи омиллар эканлиги айтиб ўтилган. Россиялик иқтисодчи олимлар эса бу соҳада ўзгачароқ қарашларни ўзида мужассамлаштирган таърифларни келтириб ўтган. Механизм ташкилот тизими, ташувчиси ва амалга оширувчиси, унинг

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конимех-Мирзоқуш. Тахрир ҳайъати: М. Аминов, Т. Даминов, Т. Долимов ва б. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 618-619 б.

⁴ Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодий назарияси: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2006. Б. 275.

⁵ Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқ. Менежмент асослари. – Т.: Молия, 2001.

жараёнидир. Ташкилот механизм функцияси, ҳаракатининг натижасидир⁶.

Ю. Осипов хўжалик механизми деганда, ўзига хос хўжалик юритиш механизми ва характери жамиятни барча хўжалик институтлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг тартибга солиш фаолияти жамиятнинг хўжалик юритувчи субъектлар тизимини тушунади⁷.

Корхонанинг иқтисодий механизми – иқтисодий муносабатлар тизими, ижтимоий ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) режали бошқариш, юксак пировард натижаларга эришишда фойдаланувчи воситалар, усуллар, тамойил ва шакллар йиғиндиси⁸.

Иқтисодий механизм режани бажаришда иқтисодий дастак ва рағбатларнинг ўзаро таъсирини таъминловчи марказлаштирилган режали бошқариш воситасидир⁹.

Юқоридагилардан кўринадики, иқтисодчи олимларнинг механизм ҳақидаги турли қарашлари фикрлар ўртасида зиддият борлигини кўрсатади. Келтирилган таърифларни жамлаган ҳолда А.Букреев россиялик иқтисодчи олимларда механизм атамасига икки хил қараш мавжудлиги ҳақида айтади¹⁰. Бир гуруҳ олимлар: иқтисодий механизм ишчи-хизматчилар, мутахассис ва бошқа ишловчиларнинг юқори ишлаб чиқариш меҳнатини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий тизим рағбатлари ва бошқарув услубларини ўзида акс эттиради деб ҳисоблашса, қолганлари иқтисодий механизм хўжалик юритиш услуб ва шаклларининг кўп даражали тизимини яхлитлашдир деб қарайдилар ва ўзи ҳам иккинчи таърифга қўшилади.

Фикримизча, механизм атамасига бирор-бир фаолиятни ҳаракатга келтирувчи куч, сабаб, омил ва усул сифатида қараш керак. Чунки, корхона фаолияти учта – асосий восита, айланма маблағ ва меҳнат ресурсларининг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Уни меҳнат ресурсларининг ўзи билан боғлаш бир томонлама хусусиятга эга.

Бошқаришнинг иқтисодий механизми – бу бошқарув мақсадларига эришиш учун бошқарув субъекти томонидан қўлланиладиган бошқарув жараёнига таъсир этувчи усуллар, воситалар, дастаклар йиғиндисидир¹¹.

Сифатни бошқариш механизми деганда, маҳсулот ҳаётий циклининг исталган босқичида сифатни бошқариш даражасидаги жами

⁶ Букреев, А.М. Экономический механизм антикризисного управления предприятием [Текст]: Монография / А.М. Букреев, К.И. Кремер, О.Е. Дударев. – Воронеж: Научная книга, 2007. С. 49

⁷ Осипов Ю.М. Основы теории хозяйственного механизма / Ю.М. Осипов. – М.: МГУ, 1994. С. 36.

⁸ Қосимов Ф.М. Транспорт корхоналарида менежмент: олий ўқув юртларида тармоқ менежменти мутахассислиги учун дарслик: – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 173.

⁹ Маскаленко В.П., Шапунова О.В. Развитие финансово-экономического механизма на предприятиях: Курс лекций. – Мрия И, 2003. – С 21.

¹⁰ Букреев, А.М. Экономический механизм антикризисного управления предприятием [Текст]: Монография / А.М. Букреев, К.И. Кремер, О.Е. Дударев. – Воронеж: Научная книга, 2007. – 52-54 с.

¹¹ Маманазаров О.Ш. Бозор шароитида бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш («Муборакнефтваз» унитар шўъба корхонаси мисолида): Дис. ...икт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 2009. – Б. 16.

объект ва субъектлар, бошқарув усуллари ва функциялари, фойдаланиётган принциплар тушунилади. Улар сифат бошқарувини корхонадаги тўлақонли ҳаракатини таъминлаб беради.

Сифатни бошқариш механизмини қўйидагилар орқали тушунтириш мумкин.

– Бозор истеъмолини, маҳсулот сифати ва техник даражасини башорат қилиш;

– Маҳсулот сифатини ошириш режасини тузиш;

– Маҳсулот сифати ва стандартига бўлган талабаларни меъёрлаштириш;

– Маҳсулот ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий эта олиш;

– Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёрлиги;

– Маҳсулот сифатини мол етказиб берувчиларнинг хомашё ва материаллари, ярим фабрикатлари, бутловчи буюмлари, маҳсулот истеъмолчилари билан ўзаро алоқасини таъминлаш;

– Маҳсулот ҳаётий циклининг ҳар бир босқичида режалаштирилган сифат даражасини барқарорлигини таъминлаш;

– Сифат назорати ва синов ўтказиш;

– Ишлаб чиқаришда браклар профилактикасини таъминлаш;

– Технологик жараёнлардаги, иш жойлари ва бажарувчилардаги маҳсулотнинг ички ишлаб чиқариш аттестациясини амалга ошириш;

– Маҳсулотни сертификатлаштириш;

– Эришилган сифат даражаси учун жавобгарлик ва раҳбатлантириш;

– Маҳсулот сифати бўйича ички ишлаб чиқариш ҳисоби ва ҳисоботи;

– Маҳсулот сифатини ўзгаришини техник иқтисодий таҳлили;

– Маҳсулот сифатини бошқаришнинг ҳуқуқий таъминоти;

– Маҳсулот сифатини бошқаришнинг маълумот таъминоти;

– Маҳсулот сифатини материал-техник таъминоти;

– Маҳсулот сифатини метрологик таъминоти;

– Кадрлар квалификациясини ошириш ва уларни махсус тайёрлаш;

– Маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий таъминоти;

– Маҳсулот сифатини бошқаришнинг технологик таъминоти;

– Маҳсулот сифатини бошқаришнинг молиявий таъминоти.

Маҳсулот сифатини бошқариш механизми мураккаб хўжалик тизими мақсадга мувофиқ кенгайтирилган методологик таркибий ёндошувлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилади. Мазкур тизим умумий, махсус ва таъминот тизимларидан иборат. Мазкур тизимлар ўз пайитида бир қатор тизим ости таркибга ҳам эга. Улар биргаликда корхонадаги сифатни бошқариш жараёнининг механизмини белгилаб беради.



16-расм. Сифат менежменти механизми тизимлари

Маҳсулот сифатини бошқариш механизми ўз ичига маҳсулот сифати бошқарувининг умумий, махсус ва таъминловчи тизим ости функцияларини қамраб олади. Сифат бошқарувининг умумий тизимлари сифат бошқаруви функциясидан иборат бўлиб, сифат бошқарувини ташкил этишнинг асоси қисмини белгилаб беради. Махсус тизимлар сифат бошқарувининг ўзигагина хос бўлган ишлар кетма-кетлигидан иборат. Таъминловчи тизим эса сифат бошқарувини турли даражадаги маълумот, ахборот, хабарлар, кадрлар ва ресурслар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Сифат бошқарувининг ушбу тизимлари механизм вазифасини бажаргани сабабли, барча операцияларни қамраб олмаган.

2. Сифатни бошқаришнинг мажмуавий тизими (TQM)

Сифатнинг аниқ концепциялари тадбирларининг ичига истеъмоличилар талаблари билан биргаликда, корхона билан қизиқувчи инвесторлар, ҳамкорлар, ва бошқа жамият аъзоларининг талаблари ҳам босқичма-босқич киритилади. Бу билан параллел равишда менежментнинг умумий концепциясига алоҳида ёндошув

асосида интеграциялашишга жиддий тартибда қабул қилинади. Яъни менежментнинг умумий концепциясини ҳам сифат менежменти концепциялари билан интеграциялашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу билан боғлиқ ҳолда, корхона маъмуриятининг жараёнган мўлжалланган таъсири ошди. Яъни умумий менежмент концепциясининг сифат менежменти билан бирикуви корхона раҳбариятини мўлжалини ва масъулиятини оширди.

“Сифатни мажмуавий бошқариш” (TQM) ва “Сифатни мажмуавий бошқариш тизими” (TQMS) тушунчалари сифат менежментини ривожлантириш фазасини акс эттиради. Дастлаб TQM АҚШ Мудофаа Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу тушунча АҚШда total quality leadership тушунчасидан олинган бўлиб, мазкур тушунча TQMга ўзгартирилган. total quality терминига аниқлик киритиш фикри АҚШнинг 9 та йирик саноат корпорациялари томонидан тавсия этилган бўлиб, 1992 йилда бу соҳанинг илғор олимлари, маслаҳатчилари томонидан ушбу атамага аниқлик киритилди.

Мажмуавий сифат (total quality) – менежмент тизимида инсонларга мўлжалланган бўлиб, унинг мақсади – маҳсулот ва хизмат қийматининг доимий равишда пасайтириб бориш натижасида истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришни узлуксиз ошириб боришдир. TQ умумий тизимли ёндошув бўлиб, у бқори даражадаги стратегияларнинг ажралмас қисмидир. TQ ўзига барча юқори ва қуйи ҳамкорларни, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тармоғини тўлиқлигича эгаллаган ҳолда, барча бўлимлари функцияларини қўллаб-қувватлайди. TQ ташкилот муваффақиятига узлуксиз ўзгаришларга мослашиш ва уларни ўрганиш марказида туради. Унинг фалсафий асосида илмий методлар туради. TQ ўзида тизимлар, усуллар ва инструментларни жамлаган. TQ тизими доимий ўзгаришда бўлгани билан унинг фалсафаси ўзгармайди. TQ нинг афзаллиги индивидуал харакатлар билан биргаликда жамоа кучига таянади.

TQM – бу бошқарувнинг умумий философияси, жами бошқарув ричаглари ва уни амалга ошириш услубларидир. TQM нинг тарихан шаклланиб бориши, ва уни корхонада миқдорий баҳолашни вужудга келиши натижасида Европада (European Foundation for Quality Management (EFQM)) Европа сифат менежменти фондини вужудга келишига олиб келди. Шу билан бирга «Business Excellence» («Бизнеснинг афзаллиги») каби иш фаолиятини такомиллаштириш моделлари пайдо бўлди. Улар бугунги кунда корхоналар фаолиятига TQMнинг принциплари, методлари ва эришилган натижаларини татбиқ этишнинг тан олинган моделларидан биридир.

TQM – японияда сифат менежменти механизмининг марказий ғояларидан биридир. Ҳаммадан аввал бундай тизим, маҳсулот сифатини миллий таққослашлардан қочади ва маҳсулотнинг сифат

характеристикасини пасайтириш натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишини рад этади.

Мантиқий нуқтаи назардан TQM бир-бирини инкор этувчи каби намоён бўлганда сифат ва самарадорликни таққослашдан қочади. Яъни у ҳам маҳсулот сифатини ҳам самарадорлигини кўзлайди. Агар маҳсулот самарадорлиги сифатни прасатириш натижасида эришилса уни инкор этади. Бу корхонанинг ҳақиқий стратегиясини ва келажакка бўлган ишончини янада оширади. Шу сабабли ҳам ғарб мамлакатлари фирмалари ё юқори сифатни ёки минимал бозор нархларини танлаб ўзаро рақобатга киришади. Яъни рақобат курашида сифат бўйича ва нарх бўйича алоҳида маҳсулотлар ёки фирмалар бозорида рақобат бўлади.

TQMнинг асосий концепцияси – бу корхоналарга сифат жавобгарлигини тўлиқ қайта тақсимлашдир.

Анъанавий сифат жавобгарлигини тақсимлашда сифатни назорат қилувчи бўлимлар маҳсулот сифатига жавоб берган, ишлаб чиқариш тизими эса маҳсулот ҳажмига жавоб берган ва ҳ.к. ушбу усул бугунги кунда эскириб қолди, уни амал қилиши ишлаб чиқариш ва сифат тизими ўртасидаги йирик фарқни вужудга келтиради.

TQM эса маҳсулот сифатига чизиқли ёндошилади. Яъни унга оддий ишчидан корхона раҳбаригача бўлган бўғин жавоб беради. Бунда ишчи конвейрда маҳсулот ишлаб чиқиш жараёнини назорат қилади. Агар дефект ёки бракни сезиб қолса конвейрни дарҳол тўхтатади ва у ҳолатни бартараф этади. Ҳамда бунга айбдор ҳодимни фамилияси корхона ишчиларига кўринадиган жойга, ошхонага ёки цехга илиб қўйилади. TQMда бундай психологик ёндошувнинг ўрни етарли даражада юқоридир. Бу ҳолат АҚШда ташкил этилганидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоиздан 30 фоизгача кўтарилган. Яъни брак ёки дефект вужудга келганда уни бартараф этиш билан боғлиқ вақт сарфининг камайиши тўхридан-тўғри меҳнат унумдорлигига таъсир қилган.

TQM да сифат тўғараклари сифатни ошириш ва уни назорат қилишда муҳим ўрин тутди. Ушбу тўғарак ишчилардан ташкил топган бўлади ва маҳсулот сифатини ошириш ишларини ҳамда усулларини ўрагатади. У одатда ҳафтада 2-3 марта бўлади.

3. “ДЖИТ” тизими

ДЖИТ тизими ташкиллашнинг янги шакли «just in time» бўлиб, у “муддатда ишлаб чиқариш” маъносини ангалатади. Унинг фундаменталь маъноси: ноль запас, ноль рад этиш ва ноль дефект.

ДЖИТни кенгроқ тушунилса, у ўзида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасига ўз вақтида улар у ерда зарур бўлганда деталларни етказиб бериш ҳисобига материал захираларини камайтириш технолгоиясини

акс эттиради. Бу технология “ўз вақтида” деб ҳам номланади. Бу ерда ортиқча донишмандлик мавжуд эмас. Оддий айтганда – бу омбордаги буюмларни бўшатиш ва ҳамкорлар ҳамда мол етказиб берувчилар томонидан идеал таъминотни амалга ошириш учун кураш ҳисобланади.

Масалан Тойота фирмасида хомашё ва материаллар захираси узоғи ярим кун аввал ёки 2-3 соат олдин омборга етиб келади. Амреика автомобиль саноатида эса ушбу кўрсаткич бир ой ёки 35-40 кунни ташкил этади. Тойота фирмасининг принципи. Омборга буюмларни йиғиш – бу пулларни ташлаб юбориш, майдондан нораціонал фойдаланишни англатади.

Аммо ДЖИТ тизимига ўтиш осон вазифа эмас. Бу тизим анъанвий ишлаб чиқаришни ташкиллаш тизимини тўрт қисмига алоҳида кучли таъсир кўрсатади:

- Материал-техник таъминотни бошқаришга;
- Ишлаб чиқариш марказини структурасига;
- “етказувчи-истеъмолчи” муносабатларига;
- “бошқарув-бевосита ишлаб чиқариш” муносабатларига.

Охир оқибатда ДЖИТ тизими ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида, яъни маҳсулотни лойиҳалашдан бошлаб истеъмолчига кафолатли хизмат кўрсатишгача бўлган даврда интеграция ва автоматлаштиришга йўналтирилган бўлади. Бунинг характерли томонлари қуйидагилардан иборат:

– Ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш.

– Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш.

– Сифат назоратини ЭХМдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

ДЖИТ бўйича мутахассислар уни юқорида келтирилган талабларини тўлиқ бажарилмаганлигича уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этмайдилар. Чунки бу тизимни ташкил этишдан олинадиган самарадорлик аниқ бўлиши лозим.

Омбордаги захиралар устидан назорат ДЖИТ ишлаб чиқариш усулининг энг муҳим нуқталаридан биридир. Йириксерияли ишлаб чиқариш билан майда серияли ишлаб чиқаришни алмаштириш орқали қисқартириш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб турадиган ҳар қандай захираларни тугатиш бу услубни тадбиқ этишнинг биринчи қадами бўлиб ҳисобланади. Кейинги муҳим қадам – омборда сақланаётган деталларни доимий тартибда камайтириб бориш, яширин муаммоларни аниқланиши ва омбордаги ишлаб чиқариш захираларини минималлаштиришга киришиш.

Буни қандай амалга ошириш лозим? Бу менежернинг қарорига боғлиқ. Бу ҳолда у станокларни созлашга сарфланадиган вақтдан йўқотишларни қисқартириш, станокларни ишлашини тезлаштириш ёки жиҳозларни ўзгартириш лозим.

ДЖИТ тизими кичиксерияли ишлаб чиқаришни кунига маҳсулот ассортиментини ўзгартириш натижасида ривожланишига имкон яратади.

ДЖИТ тизимининг афзаллиги айниқса кичик бизнес корхоналарида кўринади. Агар бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш тизимини ўзгартириш зарур бўлса, уни кам харажатлар билан амалга ошириш мумкин.

4. Маҳсулот сифатини бошқаришда КСУКП тизими

Мазкур тизим Собиқ иттифиқда ўтган асрнинг 70 йилларида ишлаб чиқилган бўлиб унинг асосида стандартлаштириш ётган. Унга кўра ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга давлат стандартлари белгиланган ва уни комплекс бошқаришга интиланган.

КСУКП тизимини тотал куолити менеджмент дан фарқи уни КСУКП давлат миқёсида белгиланган стандартларга асосан олиб борилган. Унда белгиланган ҳар бир маҳсулотга белгиланган стандарт уни минимал ва максимал сифат чегараларини бирлаштириб юборган. ТҚМ эса маҳсулот сифатига минимал стандарт давлат томонидан ишлаб чиқилгани билан уни корхона миқёсида бошқариш имконияти мавжуд бўлган. Бундан ташқари бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда стандартлармаҳсулотни инсонлар ҳаётига ва экологияга безарар бўлса ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Уларни сифатини эса истеъмолчилар ва рақобат ҳал этади.

КСУКП тизимида маҳсулотнинг сифати марказлаштирилган ҳолда бошқарилади ва уни ўзгартириш фақатгина давлат аралашуви билангина амалга оширилади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Механизм деганда нимани тушунасиз?
- 2.** Иқтисодий фанларда механизм атамасига қандай нуқтаи назардан ёндошилади?
- 3.** Механизмга кимлар томонидан қандай таърифлар берилган?
- 4.** Сифатни бошқариш механизмининг нималар орқали тушуниш мумкин?
- 5.** Маҳсулот сифатини бошқариш механизми неча қисмга бўлинади?
- 6.** Сифатни бошқаришнинг мажмуавий тизими (TQM, TQMS)нинг мазмунини тушунтириб беринг?
- 7.** TQM, TQMS тарихан қандай шаклланган?
- 8.** TQM, TQMSнинг асосий концепцияси нимадан иборат?
- 9.** JIT тизими ўзида нимани ифодалайди?
- 10.** JITнинг ўзига хослиги ва қулайлиги нимада?
- 11.** КСУКП тизими бошқа сифат бошқарувини ташкил этиш тизимларидан нимаси билан фарқланади?

8-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ РЕЖА

- 1. Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизимлари**
- 2. АҚШ фирмаларидаги сифатни бошқариш тизимлари**
- 3. Япониядаги сифатни бошқариш тизимлари**
- 4. Маҳсулот сифатини бошқаришда Европа усули**

***Таянч иборалар:** сифатни бошқаришнинг мажмуий тизими, сифат тизими, вазифалар, режалаштириш, аттестациялаш, технологик тайёргарлик, метрологик таъминот, таъминот, сифатни ошириш, сифатни бошқаришнинг хорижий тажрибалари, АҚШ, Япония, Европа, сифат бошқаруви тамойиллари.*

1. Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизимлари

Маҳсулот сифатини бошқариш учун бир-бири билан уюлмаган чора-тадбирлар эмас, балки ўзаро боғланган чора-тадбирлар мажмуаси, яъни тизимий ёндашув зарур.

Сифат тизими — сифатни умумий бошқаришни амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий тузилмаси, тартибли ҳаракатлар (процедуралар), жараёнлар ва ресурслар мажмуаси.

Сифат тизимлари яратилиши ва фаолияти қўйидаги мақсадларга эришиш учун зарур:

- сифатни таъминлаш;
- сифатни бошқариш;
- сифатни яхшилаш.

Бундай ёндашувнинг мисоли корхонадаги маҳсулот сифатини бошқариш мажмуавий тизимидир (МСБМТ). Тизимнинг мажмуавийлиги шундаки, у маҳсулот ҳаётининг циклининг барча босқичларида сифатни бошқариш имконини беради, жумладан тадқиқ қилиш, лойиҳалаш ва тажрибавий намунани тайёрлаш босқичида; айланиш ва сотиш (сақлаш, транспортлаш, савдо операциялари) доирасида; маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилиш босқичида.

Кўрсатилган тизимда стандартлар мажмуаси корхонанинг барча хизматлари масалалари ва вазифаларини белгилайди, улар таъсири тартибини жорий қилади ва уларнинг ўзаро муносабатларини уюштиради. Тизим сифатни бошқаришда ҳамма тоифадаги бажарувчилар - **директордан тортиб ишчигача** вазифаларини қатъий белгилайди. МСБМТ ишлаб чиқаришни бошқариши умумий тизимининг бир қисмидир. Фақат шу ҳолдагина у ўз вазифасини, яъни маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини оширишни бажаради.

МСБМТ доирасида қўйидаги вазифалар бажарилади:

- маҳсулотга бўлган талаб, унинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш;
- маҳсулот сифати ва уни оширишни режалаштириш;
- маҳсулот сифатига бўлган талаблар;
- маҳсулотни аттестациялаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйишни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлигини ташкил қилиш;
- метрологик таъминотни ташкил қилиш;
- моддий-техникавий таъминотни ташкил қилиш;
- кадрларни махсус тайёрлаш ва ўқитиш;
- маҳсулот сифати режалаштирилган барқарор даражасини ишлаб чиқиш, уни ишлаб чиқариш, омборларга жойлаш, транспортлаш, сотиш ва фойдаланиш пайтларида, яъни унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида таъминлаш;
- маҳсулот сифатини оширишга қизиқтириш;
- стандартлар, техникавий шартларни татбиқ этиш ва ўлчаш воситалари ҳолати устидан давлат назорати;
- маҳсулот сифатининг ҳуқуқий таъминоти;
- МСБМТ нинг ахборот таъминоти;
- етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида сифат масалалари бўйича ўзаро муносабатларни ташкил қилиш;
- маҳсулот сифати бўйича ички ишлаб чиқариш ҳисоби ва ҳисоботи.

Маҳсулот сифатини олдиндан кўриш, уни режалаштириш ва меъёрлаш. Маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш уларнинг истиқбол қийматларини аниқлаш билан боғлиқ. Олдиндан кўриш маҳсулот техникавий даражаси ва сифати динамикаси (ўсиши)ни тахминан белгилаш имконини беради. Бу маҳсулотнинг ички ва айниқса, ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур.

Олдиндан кўришнинг муҳим ташкилий-техникавий воситаси илгаридан стандартлаштиришдир. Юқорида айтиб ўтилгандек у келаси пайитда мақбул бўлиб қоладиган эришилган даражага нисбатан юқорироқ талаблар, меъёрлар, қоидаларни жорий этишни назарда тутди.

Олдиндан кўриш натижалари энг юксак мамлакат ва жаҳон ютуқлари даражасида маҳсулот яратиш учун дастлабки асос бўлади.

Маҳсулот сифатини режалаштириш берилган ёки маълум вақт орасида талаб қилинган сифат кўрсаткичларига эга маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича асосланган топшириқларни аниқлашдан иборат. Маҳсулот сифатини ошириш ҳам режалаштирилади. У фан ва техникани ривожлантириш, стандартлаштириш ва бошқалар билан боғланади.

Меъёрлаш натижасида маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари сифат кўрсаткичларига бўлган талаблар аниқланади.

Маҳсулотни аттестациялаш уни давлат аттестациясига тайёрлаш ҳамда деталлар, йиғма бирликлар ва узеллар, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари завод аттестациясидан ўтишини ташкил қилишни назарда тутди. Бунда қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

1. Маҳсулотнинг завод аттестациясини тайёрлаш ва ўтказиш тартибини аниқлаш;

2. Деталлар, йиғма бирликлар ва узеллар, тайёр маҳсулот ва технологик жараёнларни завод аттестациясидан ўтказиш;

3. Аттестациялаш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда маҳсулот сифати кўрсаткичлари, яхшиланишини таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

4. Умуман маҳсулотни давлат аттестациясига тайёрлаш.

Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйилишини ташкил қилиш конструкторлик ҳужжатлар ва маҳсулотнинг юқори техникавий даражали ва сифатли тажрибавий намунасини яратишга қаратилган. Мазкур босқичда лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ҳужжатларнинг метрологик экспертизаси ўтказилади ҳамда маҳсулот тайёрлаш жараёнининг метрологик таъминоти амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлигини ташкил қилиш корхона берилган сифат ва техникавий-иқисодий кўрсаткичларга мос маҳсулот намуналари ёки саноат партияларини ишлаб чиқаришга тайёрлигини таъминлашдан иборат. Бу вазифани мақбул амалга ошириш учун прогрессив турли технологик жараёнлар, замонавий технологик жиҳозлар, ускуналар ва асбоблар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизмлаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усуллари ва бошқалар қўлланади.

Маҳсулот сифатини метрологик таъминотини ташкил қилиш маҳсулот, материаллар, хомашё ва жамловчи буюмлар, технологик жараёнлар режимлари, сифат кўрсаткичларини, жиҳоз ва асбоблар тавсифларини ўз вақтида назорат қилишга қаратилган. Бу вазифалар бўйича асосий чора-тадбирлар қуйидагилардир:

– Корхонада метрологик таъминот ҳолатини таҳлил қилиш ва режалаштириш;

– Ўлчанадиган параметр ва кўрсаткичлар рационал номенклатурасини жорий қилиш ҳамда ўлчашларнинг оптимал меъёрларини аниқлаш;

– Ўлчашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, аттестациялаш

ва жорий қилиш, ўлчаш воситалари ва текширув аппаратларининг рационал номенклатурасини аниқлаш;

– Ўлчаш, услублар ва ўлчаш воситалари аниқлиги меъёрлари учун стандартлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

– Метрологик экспертизани ўтказиш;

– Ўлчаш воситаларини текшириш, сақлаш, таъмирлаш ва ҳисобга олиш;

– Метрология соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– Корхонанинг метрологик таъминоти устидан идоравий назорат қилиш.

Метрологик таъминот маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши шарт.

Маҳсулот сифатининг моддий-техникавий таъминоти корхона, цехлар, бўлинмалар, бригада ва ишчи ўринларни хомашё, материал, жамловчи буюм, технологик жиҳоз, ускуна ва асбоб, назорат воситалари ва бошқалар билан таъминлашдан иборатдир. Бунинг устига, буларнинг ҳаммаси ўз кўрсаткичлари бўйича стандартлар ва бошқа меъерий-техникавий талабларга жавоб бериши шарт.

Маҳсулот сифатини кўтариш соҳасида **кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш** ишлайдиганлар барча тоифаларини ишнинг илғор усуллари ҳамда стандартлаштириш негизида сифатни бошқариш асосларига ўргатишдан иборат.

Маҳсулотнинг режалаштирилган сифати барқарорлигини таъминлаш сифати энг юқори тоифали маҳсулотни чиқаришга қаратилган. Барқарор сифатни таъминлаш учун:

– ишлаб чиқаришнинг бир маромдалигини;

– келаётган хомашё, материал ва жамловчи буюмлар сифатини назорат қилишни;

– ишчи хужжатларнинг иш ўринларидаги сифатини;

– назорат ва ўлчаш воситалари аниқлигига бўлган талабларга риоя қилишни;

– технологик ускуна ва асбоблар аниқлигини сақлаб туриш;

– технологик жараёнларни бошқариш;

– технологик интизомга риоя қилиш;

– яроқсизлик дефект, рекламациялар таҳлили ва уларни бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши;

– меҳнат сифатини иқтисодий рағбатлантирилишини таъминлаш керак.

Маҳсулот сифатини оширишга қизиқтириш корхона ходимларини юқори сифатли маҳсулот чиқаришга моддий қизиқтиришдан иборатдир. Рағбатлантириш манбаси юқори сифатли маҳсулот чиқариш ва ундан фойдаланиш натижасида олинган

иқтисодий самарадир.

Маҳсулот сифатининг ҳуқуқий таъминоти МСБМТнинг барча элементлари қонунлар талабларига тўлиқ мос ишлашидан иборат. Шу мақсадда:

– ишлаб чиқиладиган меъёрий-техникавий ҳужжатларни қонунлар талабларига мослигини текшириш;

– маҳсулотни ишлаб чиқувчилар билан сифатли хомашё, материал, жамловчи буюмлар, жиҳоз, ускуна, асбоб ва бошқаларни, истеъмол доирасига сифатли маҳсулотни етказиб бериш бўйича буюртма ва шартномаларни расмийлаштириш қонуний тартибини жорий қилиш;

– паст сифатли, яроқсиз маҳсулотни етказиб берганлиги ёки уни чала етказиб берганлиги сабабли шикоят ва даъво қилиш учун материалларни расмийлаштириш ҳамда юридик хизматга ўтказишнинг қонуний тартибини жорий қилишни амалга ошириш керак.

МСБМТнинг ахборот таъминоти маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларидаги техникавий даражаси ва сифатини тавсифлайдиган ахборотни йиғиш, сақлаш, ишлаш ва таҳлил қилиш ҳамда бу ахборот билан манфаатдор шахсларни таъминлашга қаратилган.

Маҳсулот ҳаётий циклининг барча босқичларидаги сифат ҳақидаги ахборот сифатни бошқариш тизимининг муҳим элементидир. Бошқариш бутун жараёнга тегишли маълумотни олиш, идрок қилиш, ўзгартириш ва узатишдан иборат, бошқарувчи ахборот бошқарувчиларга етказилади, бу улар учун аниқ мақсадга қаратилган ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларга буйруқ бўлади.

Ахборот:

– Сифатни таъминлаш жараёнларига тезкор таъсир қилиши учун ўз вақтида бўлиши;

– Уни олиш, узатиш ва ишлаш восита ҳамда усулларининг аниқлиги билан таъминланадиган ишончли бўлиши;

– Бир вақтни ўзида тўлиқ ва қисқа бўлиши;

– Бир жинсли ва таққосланадиган бўлиши;

– Маҳсулот сифатини аниқ баҳосини олиш учун мунтазам ва узлуксиз бўлиши керак.

МСБМТ нинг ахборот таъминоти ўз ичига:

– Мамлакат стандартлари ва техникавий шартлари, ИСО стандартлари ва бошқа халқаро стандартларда таркиб топган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ҳақидаги маълумотларни;

– Мамлакат ва хорижда чиқадиган ўхшаш маҳсулотларнинг энг яхши намуналари сифати ҳақида маълумотларни;

– Маҳсулот сифатини кўтариш имконини берадиган илмий-техникавий ютуқлар ҳақида маълумотларни;

– Маҳсулотнинг стенд, полигон ва бошқа завод синовлари

натижаларини олади.

Сифатни яхшилашнинг техникавий-иқтисодий таҳлили корхона ва унинг бўлинмалари маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қилган фаолиятининг охирги натижаларини аниқлаш ва бўлинмалар ишини баҳолашдан иборат.

Техникавий-иқтисодий таҳлилнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқиладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;
- маҳсулот сифатига таъсир этадиган омилларни аниқлаш;
- маҳсулот сифати кўрсаткичлари динамикаси (ўсиши)ни аниқлаш;
- янги маҳсулот чиқаришнинг иқтисодий самарасини аниқлаш;
- корхонага сифатсиз хомашё, материал, жамловчи буюмлар ва бошқалар етказиб берилиши туфайли кўрилган талафотларни аниқлаш;
- яроқсизликнинг ҳамма турлари, рекламациялар ва бошқалардан кўрилган талафотларни аниқлаш.

2. АҚШ фирмаларида сифатни бошқариш тизимлари

Охирги вақтда кўп АҚШ фирмалари сифатни бошқариш жараёнларини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларни қўллайдилар:

- фирманинг олий бошқарув бўғинларининг сифатни таъминлаш тизимида оддий қатнашишдан тизимни бевосита бошқаришга ўтиши;
- барча тоифали кадрлар малакасини оширишга диққатни кескин ошиши;
- барча тоифали ходимлар учун фирмада бажариладиган ишлар ва операцияларга стандартлар қўллаш. Бу стандартлар иш натижаларини ихтиёрий баҳоланишини бартараф қилиши керак ва "биринчи мартадан тўғри" ҳамда "дефектлар сони — нол" талабларини амалга оширилишини таъминлаши керак
- сифатни нафақат техникавий кўрсаткичлар орқали, балки нарх кўрсаткичлари орқали ўлчаш, натижада "сифат нархи" тушунчаси киритилади, у ўз ичига "нумувофиқлик нархи" ва "мувофиқлик нархи" ни олади.

Шунга қарамадан АҚШ саноати маҳсулот сифати етарли даражада юқори бўлмаганлиги туфайли катта талафотларга учрамоқда. Масалан, корхонанинг барча жорий харажатларининг 20-25% дефектларни топиш ва уларни бартараф қилишга сарфланади, яъни ҳар бир тўртинчи ходим маҳсулот ишлаб чиқармасдан фақат ишлаб чиқаришда дефектга йўл қўйилган нарсаларни қайта ишлайди.

Маҳсулот сифатининг пастлиги иш унумдорлиги ва рақобатбардошликнинг ўсишига асосий тўғаноқдир.

Бу камчиликни бартараф қилиш учун Америка фирмалари

замонавий сифат тизимига ўтмоқдалар. У ўз ичига маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш бўйича қатор режалаштирилган ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни олади. **Бу тизим қуйидаги вазифаларни бажарадиган тўққизта кичик тизимлардан иборат:**

- сифат тизимини бошқариш;
- буюм ишлаб чиқилишини назорат қилиш;
- сотиб олинадиган хомашё, материал ва жамловчи буюмларни назорат қилиш;
- технологик жараённи ишлаб чиқиш ва операцион назорат;
- маҳсулот сифати ҳақида информация;
- махсус тадқиқотлар;
- сифат тавсифларини ўлчаш ва назорат-ўлчаш аппаратураси;
- сифатни кўтариш ишларига ходимларни жалб қилиш;
- буюртмачилар билан алоқа ўрнатиш.

Ҳар бир кичик тизим кўп масалалардан таркиб топган, фаолиятнинг мураккаб турларида уларнинг сони 100 дан ортиқ бўлиши мумкин.

Масалалар доираси қандай бўлмасин, у сифат тизимини бошқаришнинг камида олтита элементидан иборат бўлиши керак:

- тизим ҳолатини аниқлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларини синчковлик билан текшириш, унинг техникавий талабларга мослигини ўз ичига олган таҳлилни ўтказиш;
- харажатлар бандлари бўйича сифат нархини баҳолаш: яроқсизликнинг олдини олиш, сифатни назорат қилиш, носозлик сабабларини бартараф этиш ва бошқалар;
- маҳсулотнинг истеъмолчилар талабларига мослигини аниқлаш;
- маҳсулотнинг техникавий талабларга мослиги даражасини аниқлаш;
- маҳсулотдан фойдаланиш шароитларида ишлашининг таҳлили;
- маҳсулотнинг бозор талабларига мослигини аниқлаш.

Америкалик мутахассисларнинг фикри бўйича сифатни бошқариш тизими қандай мукамал бўлмасин, муваффақиятнинг энг муҳим шарти фирма ходимлари — *директордан тортиб бажарувчигача* — **уни тўлиқ қўллаб-қувватлашидадир**. Сифатни кўтариш соҳасида сезиларли ўзгаришларга фақат ходимлар ва ишлаб чиқариш технологиясини ўз ичига олган ижтимоий-техникавий тизимларни қайта ташкил қилиш асосида эришиш мумкин. Қайта кўрилган тизимлар *инсон омилига* асосланган бўлиши керак.

Корхоналарда сифат тизимини такомиллаштириш усулларида бири фаолият кўрсатаётган ижтимоий ишлаб чиқариш тизимларни қайта ташкил қилиш бўлиб, унинг бир нечта модели мавжуд. Улардан биттасида ўзгартириш жараёни уч босқичга бўлинади.

Биринчи босқичда ўзгартириш зарурати исбот қилинади. Бунда асосий омил сифатни таъминлаш харажатлари таҳлилидир. Шу босқичнинг ўзида анкеталаш йўли билан тахмин қилинаётган ўзгаришларга бутун жамоанинг муносабати аниқланади.

Иккинчи босқичда ташкилотни ўзгартириш бўйича фаол ҳаракатлар амалга оширилади. Улар ўз ичига:

- бутун жамоага назорат ва етказиб бериш сифатини аниқлаш усуллари тезкор ўргатиш;
- истеъмол талаблари таҳлилни ўтказиш;
- сифатга бўлган харажатларни баҳолаш;
- ходимлар таклифларини ўрганиш ва жамлашни олади.

Нихоят, **учинчи босқичда** ишлаб чиқаришга оид ўзгартиришларни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Охириги вақтда биринчи ўринга *сифатнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари (йўналишлари)* чиқмоқда. Самарали жиҳатлардан бири **ундаш омили** ёки **одамни ундашдир**. Ходим қанчаки кўпроқ ўзининг аниқ фаолияти билан ҳаракат қилса, шунчалик унинг ундови кучлироқ, меҳнати самаралироқ, буюм сифати юқорироқ бўлади. **"Сифат маданияти" тушунчаси мавжуд, у ўз ичига уч муҳим элементни олади: ундов, ўқитиш ва таълим, бажарилган ишни баҳолаш.**

АҚШ фирмалари сифатнинг иккита тушунчасини таҳлил қилишади: стандарт (меъёрий-техникавий хужжат)ларга мослиги ва истеъмол сифати.

Истеъмолчи буюм сифатини рақобат қилаётган буюмлар билан қиёслаб баҳолайди.

Ҳозирги кунда тайёр маҳсулот сифати ҳақида қабул синовлари натижалари ва сифатли ҳамда яроқсиз маҳсулотларнинг фоиз нисбати бўйича хулоса чиқариб бўлмайди. Ҳозирги асосий мезон — *истеъмолчи талабларининг қондирилишидир*. Шунинг учун тайёр маҳсулот сифатини баҳолашда:

- рекламациялар сони;
- бозор талабининг эгри чизиғи;
- истеъмолчиларнинг кафолатли таъмирлаш ёки буюмни алмаштириш ҳақидаги мурожаатлари;
- сотувдан кейинги хизматлар ҳақидаги ҳисоботлар;
- истеъмолчилар сўровлари натижалари каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Маҳсулот сифати ҳақидаги ҳаққоний ахборотни истеъмолчилар уюшмалари ва жамиятлари, мустақил синов лабораториялари, истеъмол товарлар хавфсизлиги комиссияси, сотиб олувчи давлат органлари ва бошқалар етказиб берадилар.

АҚШда сифатни таъминлаш тизимларига бўлган талаблар **"Маҳсулот сифатини таъминлаш тизимларини яратиш бўйича**

қўлланма" миллий стандарти орқали белгиланади. Мазкур стандарт маҳсулот хаётий циклининг барча босқичларида сифат назоратини, яъни ҳар томонлама назоратни назарда тутди. У назоратнинг тўрт босқичини назарда тутди:

- янги маҳсулотни ишлаб чиқиш устидан назорат;
- хомашё, материал, жамловчи буюмлар устидан кириш назорати;
- тайёрлаш сифати устидан назорат;
- истемолчидаги маҳсулотга хизмат қилиш, сифати устидан назорат.

Ҳар томонлама назоратни татбиқ этишда америка фирмалари икки тамойилни амалга оширишга ҳаракат қиладилар:

1) ҳар томонлама назорат - ҳар бир ходимнинг бурчи;

2) кўпинча умумий жавобгарсизликка олиб келадиган сифат ҳақида умумий ғамхўрликни эълон қилиш эмас, балки ҳар бир ходимнинг ўз иши соҳасида аниқ сифат учун жавобгарлиги.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва савдонинг сифат учун юридик жавобгарлигига катта аҳамият берилади. Шунингдек ишлаб чиқарувчи ва савдо корхонаси қонунга биноан яроқсиз маҳсулотдан фойдалангани туфайли истемолчи кўрган талафотни тулдириши керак. Улар маҳсулотнинг атроф-муҳитга қилган таъсири ва маҳсулотнинг амалий фойдаланишдаги хавфсизлиги учун ҳам жавобгардир.

3. Япониядаги сифатни бошқариш тизимлари

70-йиллар бошида Япония товарларининг ҳалқаро бозорни "босиб олиши" бошланди. Бу "босишнинг" сабабларидан бири шундаки, япон товарлари арзонроқ эди. Бу баҳо рақобатига сезиларли таъсир қилган эди. Лекин ҳозир ҳам япон ва америка товарларининг нархлари деярли бараварлашганда «босиш» муваффақиятли давом этмоқда. Бу муваффақиятнинг асосида сифати юқори бўлгани туфайли япон товарларининг рақобатбардошлиги (сифат рақобати) ётади. Масалан, япон автомобили ўрта ҳисобда америка автомобилдан 10 марта камроқ ишдан чиқади; америка телевизорларининг носозлик частотаси япон телевизорларидан 1,5-2 баравар ортиқроқ ва ҳ.к.

Рақобатбардош товарларни чиқариш учун япон фирмалар сифатни бошқариш усулларини мунтазам равишда такомиллаштирадилар. Фирмаларнинг кўпчилигида сифатни бошқариш қуйидаги тамойилларда тузилган:

- сифат бўйича умумфирма сиёсатини ўтказиш ва уни узоқ муддатга режалаштириш;
- товарларнинг янги турларини ишлаб чиқишда янги тамойил ва усулларни қўллаш;
- фирманинг барча бўлинмаларини қамраб оладиган сифатни таъминлаш тизимини яратиш;

- сифат устидан назорат;
- сифатни бошқариш бўйича фаолиятни савдо агентлари, савдо фирмалари, дўконларга тарқатиш.

Японияда сифатни бошқаришнинг ўзига хослиги — фирманинг барча ходимлари бу ишда **қатнашишининг ихтиёрийлиги**, бунинг устига дунё бозоридаги рақобат курашида омон қолишга кўмаклашадиган анланган ихтиёрийликдир. Сифатни бошқаришга бундай ёндашиш "умумий сифат бошқариши" деган ном олди. Унинг мохияти қуйидагича:

- маҳсулот сифатини яхшилашда "сифат тўғаракларига" бирлашиб, фирманинг барча ходимлари қатнашиши шарт;
- фирма раҳбарияти сифат даражасини доим диагностика ва назорат қилиши шарт;
- ҳамма иш ўринларида назоратнинг статистик усуллари қўлланиши керак
- доим сифатни назорат қилиш усулларини барча даражаларда миллий миқёсда ўргатиш лозим;
- сифатни назорат қилиш усулларини татбиқ этиш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олиши керак.

Шундай қилиб, япон тизимининг муваффақияти сифат назорати штат назоратчилари ҳаракатлари билан эмас, балки фирманинг барча ходимлари ўз иш жойида қилган ҳаракатлари билан таъминланганлигидадир.

Бош йўналиш — "сифат — ҳамма нарсадан устун". Шунинг айтиб ўтиш керакки, маҳсулот сифатини таъминлашдаги муваффақиятлар япон жамиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ:

- ходимнинг бутун меҳнат фаолияти давомида битта фирмада ишлаш одати, бу фирмага содиқликни тарбиялайди ва иш кучининг қўнимсизлиги даражаси пастлигига олиб келади (кадрлар қўнимсизлиги — сифат душмани);
- мажбурий таълим ғояси, умумий ва касбий таълим даражасини мунтазам ошириб боришнинг оммавийлигидир.

4. Маҳсулот сифатини бошқаришда Европа усули

Маҳсулот сифатини бошқаришда Европа усули шуниси билан бошқа усуллардан фарқ қилганки, доимо маҳсулот сифати назорат остида бўлган. 1980 йилларга келиб Европа давлатларида маҳсулот сифатига назорат қаттиқ кучайтирилди. Айнан шу йилларда ИСО - 9000 стандартлари ёппасига тадбиқ этила бошлади. Бундай тадбирлар Европа товарларини рақобатбардошлигини ошириб юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, айниқса ғарбий Европа давлатларининг ягона иқтисодий сиёсат юритишлари уларни халқаро

бозордаги мавқеини юксалтирди.

Европада ташкил қилинган ягона бозор сиёсати товар ва хизматлар ҳаракатини умумий координациясини келтириб чиқарди.

Европанинг умумий бозорини ташкил қилиш масалалари 1993 йил 1 январдан ягона стандарт асосида ташкил қилиниши режалаштирилган эди. ИСО - 9000 сериясига мувофиқ равишда Европанинг EN - 29000 сериялик стандартлари ташкил этилди.

Маҳсулот ва хизматларни сертификациялашга ҳам катта эътибор қаратилди.

Европанинг EN - 45000 сериясига мувофиқ олиб борилган барча ишлар юксак сифат даражасини кафолатлаш билан бирга миллионлаб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган эди.

Европа бозорларини ҳалқаро стандартларга мос равишда ишлашини тўла таъминлаш учун маҳсулот ва хизматларни мунтазам равишда сертификациялаш билан бирга, ходимлар малакасини оширишга ва техника - технология ўз вақтида аккредитациядан ўтказилиб борди. Булардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчилар сифат учун ўз сиёсатларини қаттиқ юрита бошладилар ва улкан ютуқларга эришдилар.

Сифат Европа давлатлари рақобатбардошлигини ошириш билан бирга қўйдаги уч факторни кўндаланг қилиб қўйди:

- Ягона иқтисодий талаб (директивалик);
- Ягона стандартлар;
- Ягона назорат турлари (корхона маҳсулоти халқаро стандартлар талабига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш учун).

1985 йилда стандартларни гормонизациялаш мақсадида ҳавфсизлик ва ишонччилик талаби таклиф қилинади. Европа уюшмаси томонидан асосан ИСО 9000 ва EN - 29000 сериялик стандартларга асосланган ҳолда фаолият юритадилар. Европа уюшмаси талабларига мос равишда ҳозирги кунда 16 та давлат иш юритади: Буюк Британия, Швецария, ФРГ, Австрия, Дания, Швеция, Франция, Испания, Португалия, Греция, Голландия, Финляндия, Норвегия, Ирландия ва Италия. Уюшманинг асосий мақсади кам сарф харажат эвазига юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчилар талабини тўла қондиришдир.


Уюшмага аъзо бўлишни хоҳловчи барча давлатларга бир хилда талаб қўйилган. Шу муносабат билан Европа уюшмасига аъзо бўлишни хоҳловчилар энг аввало замонавий техника ва технологияларга эътибор қаратмоқдалар. Бу ерда кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам унутилмайди.

Технология ва кадрлар тайёрлаш масалаларини муваффақиятли хал қилишда 1988 йил Фарбий Европадаги 14 та йирик давлат бирлашиб “Сифатни бошқариш” фондини ташкил қидилар (ЕФУК).

Сифатни бошқариш фонди билан сифат бўйича Европанинг бошқа уюшмалари ҳамкорлигида иш юритишиб сифатга оид турли мукофотлар ҳам белгилаганлар. Сифат бўйича беллашувни Европача усули ўзининг айрим жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб туради, улар:

- Барча ишларни қонун асосида олиб борилиши;
- Сифатни кафолатловчи ва бахоловчи хужжатлар;
- Миллий стандартлар талаблари ва сертификатлаштиришнинг қонун ва қоидаларини уйғунлаштириш;
- Маҳсулот сифатини бошқариш ва сертификациялаш бўйича регионал ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш.

Юқорида айтилганларга қарамай, узок шарқ мамлакатлари Япония, Сингапур, Гонконг, Тайвань, Жанубий Корея каби давлатлар 1950 йилларда жуда қалоқ бўлганлар, улар, Европа ва АҚШ даги ишлаб чиқариш даражасидан анча паст юрар эдилар.



17-расм. Маҳсулот сифат даражасини ўсиши

Расмдан шунини кўрамизки 1970-1980 йилларда келиб уруш оқибатида азият чеккан Япония сифат соҳасида барча ривожланган мамлакатларни орқада қолдириб кетди. 1980 йилларда Япония айрим маҳсулотлар бўйича жаҳонда шундай ютуқларга эришдики, ялпи ишлаб чиқаришни дунё бўйича 84%, видеомагнитофон 84%, соатнинг барча турлари 82%, калькуляторлар 77%, ошхона буюмлари 71%, телефон аппаратлари 66%, мотоцикл 55%, рангли телевизорлар 53 ва бошқалар.

1991-1992 йилларга келиб Японияда иқтисодий кризис бошланди ва бу савдо хажмини пасайиши билан сифат даражасини камайишига ҳам сабаб бўлди. Оқибатда Япония, АҚШ ва Европа давлатлари ишлаб чиқариш ва сифат бўйича бир-бирларига тенглаша бошладилар. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби демократик ислохотлар ва интеграллашув жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқдир.

Айнан ана шундай интеграллашув натижасида бутун дунёда ягона сифат бошқаруви сиёсати вужудга келди ва уни "Всеобщего управления качеством" (TQM), бу "Сифатни ҳар томонлама бошқаруви" деган шиорни ўртага ташлаш билан бошланган янги йўналиш эди. Аслида эса, мазмунан, мантиқан мулоҳаза юритар эканмиз улар бир-бировини инкор

этмайди, аксинча бир-бировини тўлдиради деган хулоса келиб чиқади.

Интеграллашув жараёни дунё ҳамжамиятини яқинлаштиришига қарамай АҚШ, Европа ва Япония мутахассислари фикрини ўрганиш қўйдаги жадвалда уларнинг сифат ҳақида ўз нуқтаий назарлари бор эканини кўрсатади.

Маҳсулот сифат даражасини аниқлашда унинг барча кўрсаткичлари ҳақида тўлиқ маълумот бўлиши ва хусусиятлари таҳлили бўлиши шартдир.

5-жадвал

Сифатга ёндошувнинг хориж тажрибалари ўртасидаги фарқлар таҳлили

АҚШ ва Европа	Япония
Сифат – нарх пасайишига асосланади.	Сифат – нуқсонларнинг пасайишига асосланади.
Асосий мақсад – фойда, сифат ва тасодифий категория.	Асосий мақсад – сифат, фойда ва буларни унутмаслик.
Истеъмолчилар сифат бўйича таъминотчилар билан келишувлари лозим.	Сифат бўйича истеъмолчилар билан келишув лозим.
Сифат соҳасида умумий келишув.	Ҳар бир товар сифати бўйича қатий сиёсат юритиш.

Жадвалдаги фикрлар бир қарашда фарқ қилиши ҳам сезилиб турибди.

Маҳсулот сифат даражасини аниқлаш маълумотларни қайси йўл билан ва қайси манбаадан олинганлигига қараб икки гуруҳга бўлинади: ахборотни олиш усулига кўра ва ахборот манбасига кўра.

Ахборот олиш йўллари кўра қўйдаги усулларга бўлинади:

Тажриба (ўлчаш, рўйхатга олиш) усули. Бу усул олинган маълумотларни рўйхатга олиш, ўлчаш, ҳисоблаш орқали таҳлил қилади. Масалан: маълум вақт ичида неча маротаба бузулди, айланди, йўл бости, таъмирланди ёки яроқлилик муддати тўғри аниқландими ва бошқалар.

Ҳисоблаш усули. Маҳсулотнинг назарий жиҳатдан маълум бўлган барча кўрсаткичларига таққослаган ҳолда ҳисоблаш ва текшириш асосида хулоса чиқарилади. Бу усул асосан маҳсулотни лойиҳа-конструкторлик ишлари жараёнида бажарилиб унинг ҳаётий жараёнларини - келажакини белгилайди.

Лойиҳалаш даврида ҳисоб-китоб, таққослаш ва синаш ишлари ўта мукамал бўлиши лозим. Лойиҳа даврида қўйилган арзимас хато ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилса корхонага катта зарар келтиради.

Органолептик усуллар. Бу усул амалиётда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бўлиб, асосан озиқ-овқат, порфюмерия, турли ичимликлар

ва бошқа сохаларда қўлланади. Инсонлар сезги аъзолари кўз, тил, бурун, қулоқ орқали аниқланади. Инсонлар сезги аъзолари орқали олинган маълумотларни ишончлилик даражасини оширишда техник воситалардан ҳам фойдаланилади (микроскоп, тонометр, оваскоп ва бошқалар). Бу усулни аниқ бўлишига мутахассиснинг малакаси, тажрибаси, кўникмалари ва ўз соҳасини устаси бўлиши қўл келади.

Ахборотни олиниш манбаасига кўра қуйдаги усулларга бўлинади:

Одатий (ананавий) усул. Техник манбалардан олинган ахборотларга суянган холда маҳсулотни синов текширув натижаларини таҳлил қилинади. Бу усул кўп жиҳатлари билан экспериментал усул ва жараёнлар билан узвийдир.

Эксперт усули. Мутахассис – экспертлар томонидан қабул қилинган хулосаларга асосланади. Экспертлар гуруҳига ўз ишини усталари, юқори малакали йўналиш бўйича катта тажрибага эга бўлган кишилар жалб қилинади. Эксперт гуруҳини ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиради ва уни асослаб беради. Экспертлар томонидан билдирилган фикрлар жамланади ва маҳсулот сифати ҳақида умумлашган ягона хулоса қабул қилинади.

Социологик усул. Бу усулда ахборот манбаи бўлиб бевосита истеъмолчилар ёки жамоатчилик фикри ва мулоҳазалари бўлиши мумкин. Бу усул ўз номи билан кўриниб турубдики, унда сўровномалар, анкеталар ва бошқалардан фойдаланилиши мумкин. Социологик усул муҳим томони шундаки, маҳсулотнинг реал кўрсаткичлари билан бирга унинг камчиликлари ва сифатни бошқаришда кўл келувчи турли ўзгаришлар ҳам келитириб ўтилади. Бу усул маҳсулотнинг барча ҳаётий жабхаларида қўлланилиши мумкин.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизимини тушунтириб беринг?
- 2.** Сифат тизими фаолиятларининг асосий мақсадлари нимадан иборат?
- 3.** Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизимини ташкил этишда корхонада кимлар қатнашади?
- 4.** Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизими вазифалари нималардан иборат?
- 5.** АҚШ фирмалари сифатни бошқариш жараёнларини такомиллаштиришда қандай тамойиллардан фойдаланадилар?
- 6.** АҚШ фирмаларида сифат бошқарувининг ўзига хос тизимларини тушунтириб беринг?
- 7.** Японияда сифат бошқарувини такомиллашувига таъсир этган асосий омиллар нима эди?

8. Япония фирмаларида сифат бошқарувини ташкил этишнинг ўзига хослиги нималардан иборат?

9. Маҳсулот сифатини бошқаришда Европа фирмалари қайси йўналишларни афзал ҳисоблайдилар?

10. АҚШ, Япония ва Европа давлатларида сифат бошқарувини ташкил этишнинг ўзаро фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг?

9-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖА

1. Сифатни бошқариш жараёнини режалаштириш

2. Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш

3. Сифатни бошқаришда умумий мотивацион жараёнлар

***Таянч иборалар:** сифатни бошқариш жараёни, режалаштириш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, фойдаланиш, маънавий ва жисмоний эскирган, принциплар, реламация, мувофиқлаштириш, тартибга солиш, мотивация, ташқи ва ички мотивация, назорат қилиш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш.*

1. Сифатни бошқариш жараёнини режалаштириш

Ҳар қандай маҳсулотни сифати уни яратиш жараёнида вужудга келади. Юқори сифатли маҳсулот яратишда бу қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

1. Режалаштириш. Бу этапда яратилаётган маҳсулотни сони билан биргаликда сифат кўрсаткичларига ҳам эътибор берилади. Асосий эътибор прогрессив ва жаҳон талаблари кўрсаткичларига қаратилади.

2. Лойиҳалаштириш. Янги маҳсулотни лойиҳалаш вақтида истеъмолчилар ва тайёрловчилар талабларни ҳисобга олган ҳолда, аниқ сифат кўрсаткичларини ўз ичига олган техник топшириқлар қайта ишланади.

3. Ишлаб чиқариш. Бу босқичда янги маҳсулот тўлиқ синовларидан ўтгандан сўнг, ишлаб чиқарувчи корхона технологиялари даражасига боғлиқ ҳолда, ҳар бир сифати ҳисобга олиниб ишлаб чиқарилади.

4. Фойдаланиш. Бу босқичда эса истеъмолчи томонидан тайёр маҳсулот фойдаланила бошланади. Маҳсулот сақлаш ва транспортировка қилиш шундай ҳолда ташкил этишнинг керакки унда маҳсулот сифати тўлиқ сақлансин. Асосий эътибор янги маҳсулотдан тўғри фойдаланишга киритиш лозим. Ундан фойдаланиш жараёнида янги маҳсулотга тўғри, объектив баҳо бериш лозим.

Маҳсулот сифатини режалаштириш деганда, белгиланган вақт ёки вақт оралиғи ичида олдиндан ўрнатилган сифат кўрсаткичлари талаблари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш тушунилади. Сифатни оширишни режалаштириш ташқи ва ички бозорни илмий асосланган прогнозига таяниши лозим. Сифатни ошириш режасини тўғри асослаб беришда маҳсулотдан фойдаланиш натижалари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишни ва сифат даражаси ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш муҳим рол ўйнайди.

Сифатни оширишни режалаштиришнинг аҳамиятини у бошқарувнинг турли даражалари ва маҳсулот ҳаётий циклининг лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш босқичларида амал қилишини таъминлаши керак. Сифатни ошириш режалари зарур материаллар, молиявий ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши зарур. Сифатни ошириш бўйича режалаштирилаётган кўрсаткичлар ва тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини диққат билан ҳисоблаш зарур.

Маҳсулот сифатини оширишни режалаштиришнинг бош вазифаларига қуйидагилар киради:

1.Мавжуд ва истиқболдаги бозор талбалари шароитида маҳсулот ҳажмини унинг хоссалари билан максимал даражада боғлиқлигини таъминлаш;

2.Миллий ва хорижий маҳсулотларнинг энг яхши намуналарини техник даражаси ва сифатини ошириш;

3.Истеъмолчилар эҳтиёжи ва ресурслар билан таъминланиш ҳолати нуқтаи назаридан келиб чиқиб, маҳсулот сифатини ошириш бўйича оптимал иқтисодий вазифаларни қўйиш;

4.Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг намунавий қаторини оптималлаштириш йўли билан унинг таркибини такомиллаштириш;

5.Сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришни ортириш;

6.Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг алоҳида истеъмолчилик хусусиятларини такомиллаштириш (ишончлилиқ, узоқ муддатлилиқ, тежамкорлиқ ва бошқалар);

7.Маънавий эскирган ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулотни ўз вақтида ишлаб чиқаришдан олиш ёки уни қисқартириш;

8.Стандарт талаблари, техник шароитлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бўйича қатъий назоратни таъминлаш, янги ишланмаларни ўз вақтида амалга ошириш ва эскирган стандартларни қайта кўриб чиқиш;

9.Ўрнатилган сифат даражасига эришишни таъминловчи аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

10. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва сифатини оширишга эришилган маҳсулотдан фойдаланиш.

Маҳсулот сифатини режалаштириш предмети маҳсулотнинг алоҳида хусусиятини акс эттирувчи турли тадбирлар ва кўрсаткичлари, сифатни бошқариш жараёни ва тизимининг турли-туман характеристикасидир. Мазкур кўрсаткичлар маҳсулот сифатини оширишда, илмий-тадқиқот режаларида, тажриба-конструкторлик ишларида, стандартлаштириш ва метрология таъминотида, сифат бошқаруви тизимини жорий этишда, корхонанинг техник ривожланишида, кадрлар тайёрлашда ва бошқа йўналишларда ўз аксини аниқ вазифаларда топади.

Маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш режалаштиришнинг умумий принципларига ва режалаштириш услубларини тадбиқ этишга асосланади. **Режалаштиришнинг умумий принципларига қуйидагилар киради:**

- Пропорционаллик - ресурслар ҳисоби ва корхона имкониятларини мувофиқлаштириш;
- Мажмуавийлик - корхона тадбиркорлигининг барча томонларини ўзаро боғлаш;
- Деталлаштириш – режалаштиришнинг чуқурлик даражаси;
- Аниқлик – режалаштирилган параметрлардан оғиш;
- Оддийлик ва оёдинлик – режани ишлаб чиқувчи ва ундан фойдаланувчиларнинг ўзаро тушуниши;
- Узлуксизлик – режалаштиришнинг вақтинчалик бўлинишини яхлитлаш;
- Эгилувчанлик ва қайишқоқлик – заҳиралардан фойдаланиш ва муқобил ҳисобни юритиш имконияти;
- Илмийлик – илм ва техниканинг янги муваффақиятларини режалаштиришда истиқболли стандартлар ва бозор талабларини ҳисобга олиш;
- Тежамкорлик – режавий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш.

Режалаштириш методларига қуйидагилар киради:

- Ҳисоб-таҳлил, бажарилаётган ишларни бўлиб юборишга ва фойдаланилаётган ресурсларни элементлари ва боғлиқлиги бўйича гуруҳлашга, асосланади.
- Экспериментал (тажрибавий) – менежерлар, режалаштирувчи ва бошқа мутахассисларни тажрибаларини ҳисобга олиш асосида корхона бошқаруви тизим ости моделларини ва меъёрларини лойиҳалаштириш.
- Ҳисобот-статистик – режа лойиҳаларини бошқарув тизимчаларининг ўзгариш характеристикаси реал ҳолатни тавсифловчи ҳисоботлар, статистика ва бошқа ҳақиқий маълумотлар асосида ишлаб чиқилади.

Зарурий сифат даражасини таъминловчи режалаштириш фаолиятида ишларни ўзига хос хусусиятлари тадбиқ этилади. Уларга қуйидагилар киради:

- Истеъмолчилар эҳтиёжини таҳлил этиш;
- Талабни ўрганиш;
- Рекламация таҳлили;
- Истиқболли стандартлар талабининг ҳисоби ва илмий тадқиқот натижалари;
- Режавий ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- Режавий тадбирларнинг боғлиқлиги.

Режалаштиришнинг вазифаси режалар тизимини шакллантириш ва бажарилишини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш.

Маҳсулот сифатини режалаштириш жараёнида тайёр маҳсулотни тайёрлашда фойдаланиладиган ҳомашёларни, эҳтиёт қисмларни, ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берувчиларда етказиб берилаётган маҳсулотларни сифатлиларини етказиб беришни талаб қилиш ва уни назорат қилишни режалаштириш. Ушбу ҳолат маҳсулот сифатини оширишнинг предметларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Корхонада маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш алоҳида йўналиш сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Маҳсулот сифатини ички режалаштириш;
- Корхонада сифатни бошқариш тизимини тадбиқ этишни режалаштириш;
- Маҳсулот сифатини оширишда кадрлар таъминотини режалаштириш;
- Корхонани браклардан йўқотишларини пасайтиришни режалаштириш;
- Шартнома ва келишувларда маҳсулот сифатини режалаштириш.

Барча давлатларда маҳсулот сифатини бошқариш алоҳида диққатни ўзида жалб этади. Охириги йилларда маҳсулот сифатини бошқаришда узоқ муддатли ва стратегик режалаштириш ёрдамида амалга ошириладиган янгича ёндошув янгича стратегия шаклланди. Уни асословчи сифатга доир замонавий қарашлар қуйидагича характерланади:

- Сифатни таъминлаш техник функция эмас, балки фирманинг ташкилий структурасини безовчи тизимли жараёндир;
- Янги тушунчада сифат тушунчаси корхонанинг ташкилий структурасига жавоб бериши шарт;
- Сифат масалалари нафақат ишлаб чиқариш жараёнида, балки лойиҳаларни тайёрлаш, конструктирлаш, маркетинг ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ҳолатларида ҳам долзарбдир;
- Сифат истеъмолчи эҳтиёжини қондиришга қартилган бўлиши лозим, ишлаб чиқарувчини эмас;
- Маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқаришни янги технологиясини жалб этишга қаратилган бўлади, у маҳсулотни

лойиҳалаштиришдан сифатни назорат қилишгача бўлган босқични ўз ичига олади;

– Жами ишлаб чиқариш ҳажмини сифатини ошириш барча ходимларни ортиргандагина амалга оширилиши мумкин.

Маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ишлаб чиқиш режасини таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бунда маҳсулот сифати кўрсаткичлар ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда режалаштирилади.

Маҳсулот сифатини оширишни режалаштиришда ҳар бир бўлимда сифатнинг алоҳида кўрсаткичлари лойиҳаланади ва корхонанинг умумий режасида тасдиқланади.

Шунинг учун корхонанинг структуравий кўрсаткичлари корхона томонидан сифатни ошириш бўйича қўйилган аниқ сифатни оширишдаги вазифалардан келиб чиқади.

2. Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш

Сифатни режалаштириш ва башоратлаш оператив бошқарувни талаб этади. Яъни ташкил этиш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш ва мотивация шулар жумласидандир. Бу жараёнлар сифатни бошқаришга мос равишда қуйидаги шароитларни яратиш учун асос бўлади:

– Маҳсулот сифатини ва ишларни такомиллаштириш бўйича самарали тадбирларни олиб бориш;

– Ишлаб чиқаришни, маҳсулотни сотиш ва сотувдан кейинги юқори сифатли хизмат кўрсатишни барқарорлаштириш;



– Дефектларни пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва бракларни бартараф этиш бўйича оператив ҳаракат қилиш;

– Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатига жамоавий ва индивидуал жавобгарлик механизмидан фойдаланиш.

Сифатни бошқариш жараёнларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ишлари менежмент структураси ўзгариши билан ўзгариб, такомиллашиб келмоқда(-расмлар).

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида бошқарув структураси ва функцияларининг нисбатан содда кўринишга эга бўлган даврда сифат менежментига ҳам эътибор, юқори даражада бўлмаган. Бунга бозордаги рақобатнинг ҳам кучли бўлмаганлиги ўзининг таъсирини кўрсатган. У даврларда сифат бошқаруви даражаси ҳажм ва харажат жиҳатидан кам чиқим бўлган. 70 йилларда сифат бошқарувини бош инспектор ва унга бўйсинувчи кичик командадан иборат бўлимлар назорат қилган. Сифатни режалаштириш ёки унинг доимий назорати бўлмаган.

80-йилларда корхона бошқарув ташкилий структурасига янги бўлинмалар қўшилди.



70-80-йилларда сифат бўйича менежер функциялари
 90-йилларда сифат бўйича менежер функциялари

18-расм. Сифат бўйича менежер функцияларини ривожланиш босқичлари

Буларга маркетингни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Аммо маркетинг бўлими сифат бошқарувидан алоҳида сифатида шаклланган бўлиб, у билан алоқадор бўлмаган. Сифат бошқарувида янги бўлимлар

ташкил топган. Сифат назоратида сифат аудити ва уни бошқариш инспекцияси ҳамда баҳолаш ишлари йўлга қўйилган.

90-йилларга келиб бошқарувни илмий ташкил этилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришда янгиликларни кўпайиб кетиши, бозорда рақобатни устунлиги ҳамда истеъмолчи биринчи ўринга чиқиши натижасида сифатга эътибор ўзгариб кетди. Шу даврда TQMга асос солинди. Сифат бошқаруви корхонанинг ҳар бир бўлинмасидан тортиб ишчиларгача бўлган даражани қамраб олди. Маҳсулотларни синаш, улар устида турли тажрибалар ўтказиш, уларнинг назорати, аудити ривож топиб борди. Ниҳоят, сифат бошқаруви бутун корхона бошқарувига уйғун тарзда шакллантирилди ва маркетинг бўлими билан алоқадорлиги таъминланди. Сифат бошқарувини ташкил этишда харажатларни ортиши кузатилди. Харажатларни кўпайиши сифат бошқарувида менежернинг функциясини ҳам ортириб борди. Янги бўлимларни ташкил этилиши ёки барча бўлимлар функциясига сифат бўйича масъулиятни бриктирилиши сифат менежментини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларини такомиллашувига олиб келди.

3. Сифатни бошқаришда умумий мотивацион жараёнлар

“Мотив” тушунчаси руҳий ҳолатларни ифодалаш учун фойдаланиладиган интилиш, кучли орзу, иштиёқ, ният, мўлжал, ҳоҳиш, қўрқув, ваҳима каби инсонларни фаолиятга, аниқ йўлбошчи мақсадга тайёргарлигини ифодаловчи маъноларни англатади. Инсон фаолияти кўплаб мотивларга, барча ички жараёнларнинг ўзаро ҳаракатига йўналтирилган бўлиб, уни мотивация деб номланади. мотивация инсонларнинг турли хил эҳтижлари билан чамбарчас боғланган, у бирор нуқсонли вазият юз берганда, зарурий ҳолатларда намоён бўлади.

Мотивация – бу инсон қанчалик даражада фаоллигини ва белгиланган вазиятда инсон қандай йўналишда ҳаракатланишини англатадиган шахснинг муайян ҳолатини ташкил этувчи, барча турдаги мотивлар фаолиятидаги иштиёқдир.

Мотивацияни икки шакли мавжуд. Улар: ташқи ва ички мотивациялардир.

Ташқи мотивация – бу мақсадга эришиш воситасидир. Масалан, пул ишлаб топиш, даража олиш ёки амалга кўтарилиш. Бунда у икки йўналишда ишлатилиши мумкин:

- Умид принципи;
- Қўрқинч принципи.

Ташқи мотивация инсон ҳулқ-атворида бевосита таъсир кўрсатади, ammo ундан рағбатлантириш ёки тазийқ сифатида фойдаланилса, унинг самарадорлиги чегараланган бўлади.



19-расм. Ташқи мотивация


Ички мотивация – бу мазмунни тушуниш, ишонч. У агар ғоя, мақсадлар ва вазифалар, фаолиятнинг мақсадга мувофиқ амалга ошган ҳолатда вужудга келади. Бунда ҳаракатларнинг йўналтирилганлигини аниқловчи аниқ ҳолат ҳосил қилинади, ҳулқ-атвор эса ички установканинг натижаси бўлиб қолади.

Кўплаб ташкилотлар сифат тизимини ташқи мотивация асосида барпо этишни бошладилар: рақобат курашида ютиш учун умид ва истиқболдаги сифат стандартларига маҳсулотни тўғри келмай қолишидан ва бозордаги йўқотишлардан қўрқинч.

Бошқа корхоналар ишлаб чиқариш оламида брак маҳсулотларни пайдо бўлиши уларни принципиал позициялари эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ундан огоҳлантиришга асосланган сифат фалсафасини татбиқ этиш бўйича қарор қиладилар. Бундай ёндошув адолатлидир. Бу ҳолда гап ички мотивация ҳақида бормоқда. Ички мотивация агар ғоя, вазифа ёки фаолият мақсадга мувофиқ қабул қилинганида ва бирорта манфаат келтирганида вужудга келади. Натижаларни башоратлашда

унда инсон ўзини жавобгар деб ҳисоблаш зарур. Шунда ҳулқ-атвор установкани ҳаракатга келтирувчи натижа бўлиб хизмат қилади.

Иш учун ташқи мотивациянинг аҳамияти юқоридир. Замонавий ишлаб чиқариш оламида ички мотивация янада аҳамиятлироқ бўлади. У узоқ муддат давомида ишга ва меҳнат натижаларига таъсирига кўра муҳим ҳисобланади. Унинг таъсири ишга талаб ошган сари ошиб боради. Шунда инсонда ички ҳиссиёт янада ортади. Яъни,



20-расм. Ички ва ташқи мотивация омиллари асосида сифат тизимида ҳулқ-атворни шакллантириш

Саноат корхоналарида ички ва ташқи мотивация турли сабаблар орқали ишчилар ахлоқига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ички мотивация доимий таъсирни ўзгартирмайди, ташқи мотивация эса вақтинчалик таъсирларни намоён этади. Айнан шу жиҳат корхонада

ишчиларнинг сифатга қизиқишини ортишига ҳам сабаб сифатида ўзининг таъсирини кўрсатади ҳамда мотивацион муҳитни ташкил этади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Сифатни бошқариш жараёнини режалаштириш қандай амалга оширилади?
2. Юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқиш қандай босқичларга бўлинади?
3. Маҳсулот сифатини режалаштиришнинг вазифаларини тушунтириб беринг?
4. Режалаштириш принципларини санаб беринг?
5. Сифатни бошқариш жараёнларини режаси қандай бўлимлардан иборат бўлади?
6. Сифат бошқарувини режалаштириш, тартибга солиш ва мотивация нима учун зарур?
7. Сифат бошқарувини ташкил этишнинг қандай усуллари бор?
8. Сифат бошқарувида мотивациянинг аҳамияти ва маҳсулот сифатига унинг таъсири нима?
9. Сифатни бошқаришни назорат қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
10. Маҳсулот сифати қандай таҳлил этилади?
11. Маҳсулот сифатини назорат қилиш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш ишлари қандай амалга оширилади?
12. Маҳсулот сифати бошқаруви функциясини қайси молиявий манбаа томонидан молиялаштирилади?

10-МАЪРУЗА. СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖА

1. Сифат тўғараklarининг асосий мақсад ва вазифалари
2. Японияда сифат тўғараklarини пайдо бўлиши ва тараққиёти
3. Республика корхоналарида сифат тўғараklarини ташкил этиш самарадорлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Таянч иборалар: сифат тўғараklари, тўғараkнинг мақсад ва вазифалари, Э. Дёминг, ишчилар меҳнат унумдорлиги, ташкилий гуруҳ, мастерлар учун сифат назорати, сифат тўғараklари самарадорлиги.

1. Сифат тўғараklarининг асосий мақсад ва вазифалари

Япония менежменти дунёда ўз ўрнини топган, машҳур япон бошқарув усуллари қаторида инсон омилини активлаштириш, ва шу жумладан «сифат тўғараklари» биз учун алоҳида эътиборга сазовордир.

Маҳсулотсифатини яхшилашда зарур ва муҳим омиллардан бири сифат тўғараклари (гуруҳларининг) фаолиятidir. Сифат тўғараклари ишчилар, муҳандислар ва хизматчилардан ташкил топган ихтиёрий жамоа йиғилмаларидир. Уларнинг сони ва таркиби ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжидан ва аниқ иш шароитларидан келиб чиқади.

Сифат тўғараги – кўнгилли равишда сифатни бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи бир цех ёки бўлимда бирга ишлаётган ишчи ва ходимлардан ташкил топган кичик бир гуруҳдир.

Сифат тўғараклари сифатни бошқариш фаолиятида доимий равишда ишлаб, тўғарак аъзоларининг билим ва махоратларини ўсишига ва сифатни бошқариш усулларини қўллаган ҳолда ўз иш жойларида ишлаб чиқариш жараёнларини мукамаллаштиришини таъминлайди.

Сифат тўғаракларининг асосий мақсадлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Самарали бошқарув учун қўшимча имкониятларни излаб топиш;
- Компания ходимларининг меҳнат интизоми даражасини кўтариш ва меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси ишлаб чиқариш камчиликларига ва сифатга ўзининг онгли муносабати ошишини таъминлайдиган муҳит яратиш;

- Компания раҳбариятининг сифат сиёсатини амалга оширишда ва таъминлашда сифатни бошқариш тизимида асосий ядро бўлиб фаолият кўрсатиш.

Сифат тўғараклари олдида тўрган вазифаларни ҳал қилишда қуйидаги принципларни қўллаш керак бўлади:

- кўнгиллилилик;
- ҳар ким ўз устида ишлаши(ўқиши, ўрганиши, малакасини ошириши);
- гуруҳ бўлиб фаолият кўрсатиш;
- барча ходимларни сифат тўғараги ишларида актив иштирок этиши;

- сифатни бошқариш усулларини амалда қўллаш;
- иш жойи билан ўзаро алоқада бўлиш;
- фаоллик билан доимий ишлаш;
- тўғарак аъзоларининг ўзаро малакасини ошишига, ўрганишига, ўқишига ёрдам бериш;
- ижодий изланувчанлик ва яратувчанлик муҳитини яратиш;
- маҳсулот сифатини оширишнинг муҳимлигини ва шу соҳадаги масалаларни ҳал қилиш зарурлигини тушуна билиш.

Сифат тўғараклари фаолиятининг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат:

- Сифат тўғараклари корхона фаолиятининг яхшиланиши ва ривожига катта ҳисса қўшадилар.

– Сифат тўғараклари ходимлар орасидаги муносабатларни самимийлигини ошириб ўзаро ҳурмат ва ўз-ўзини қадрлаш ҳис-туйғуларини оширишга ва иш жойларида соғлом, ижодий ва дўстона муҳит яратишга имкон яратади.

– Сифат тўғараклари ходимларнинг қобилиятларини ҳар томонлама ривожланишига, дунёқарашининг кенгайишига ва ижодий қобилиятларини ривожланишига шароитлар яратади.

Сифат тўғарақларининг асосий мақсади сифатни яхшилашнинг туб моҳиятини англаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган таклифларни жорий қилишдан иборат.

Бунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ишончилигини, чидамлилигини ошириш, юқори навли буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ярроксиз (брак) ликни ва рекламацияларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш суръатини яхшилаш, ресурсларни тежамкорлик ва иктисод килиб сарфлаш лозим.

Кўп мамлакатлар ўз маҳсулотларининг сифатини ошириш учун маълум тадбирлар, тажрибаларга суяниб озми кўпми ютуқларга эришган. Қуйида биз дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларидан мисол келтирамиз.

Япония давлати дунёдаги ривожланган мамлакатлар ичида ажралиб туради. Бу ерда сифат тўғарагига алоҳида эътибор билан қарайди. 60 йиллар бошида Японияда биринчи марта сифат тўғараги вужудга келди. Бунинг сабаби бор, албатта. Япония жойлашишига қараб аҳолиси зич яшайдиган географик объект бўлиб, ўзининг ер ости бойликларига деярли эга эмас. Территориясининг тахминан 70% и тоғлиқларни ташкил этган бўлиб, саноатнинг ривожланишида ўзининг хомашёсига умид боғлаши ўринсиз бўлар эди.

Бу ҳолда Япония ўз халқини озиқ-овқат билан таъминлай олмас, саноатни эса етарли даражада ривожлантира олмасди. Саноат ва энергетика учун ташқаридан келтириладиган хомашё тилла, қимматбаҳо тошлар ва экспорт маҳсулотлари билан тўланиши мумкин эди.

Япония учун танлов йўқ эди: на тилла, на қимматбаҳо тош унинг ер ости бойликларида мавжуд эди. Демак, экспорт. Бундан бошқа йўли йўқ.

Хуллас, Япония оғир шароитларга бардош бера оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бутун билим ва заковатини сарфлашига тўғри келди. Шунинг учун ҳозирги вақтда Япония дунё экспортидаги маҳсулотларнинг кўп хилдан ортиқ асосий хилига етакчилик қилмоқда.

Буларга дастгоҳлар, оптика асбоблари, радио приёмниклар, фото аппаратлар, кемалар, енгил ва юк ташувчи автомобиллар, телевизорлар, видеомагнитофонлар, оргтехника маҳсулотлари, соатлар, гилдираклар, сунъий толадан бўлган матолар, пулат тахталар ва бошқалар киради.

2. Японияда сифат тўғарақларини пайдо бўлиши ва тараққиёти

АҚШдаги сифатни таъминлаш қўламини етук олимларидан бири Нью-Йорк университети профессори Э. Дёминг томонидан Япония фирмаларининг юқори раҳбарияти учун ташкил этилган ўқув курсларидан сўнг сифат назорати бошқарув қўламига ёйилди ва шундан сўнг япония сифат назорати формаси ўз услубини топди ва 1954 йилда жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Япония олимлар ва муҳандислар уюшмаси/иттифоқи томонидан Японияга 1950 йилда таклиф этилган сифат назоратини статистик усулларини биринчилардан ишлаб чиққан Э. Дёминг томонидан ҳамма соҳадаги инженерлар учун ташкил этилиб 8 кунлик ўқитилган лекциялар ҳам шулар жумласидан.

1961 йилдан бошлаб Япония ташкилотларида сифат назоратини рўёбга чиқариш учун бўлимлар тузила бошлади ва жавобгар шахслар белгиланди. Кейинги қадам сифат назоратини шундай формасига ўтиш бўлдики, бунда нафақат ишлаб чиқарувчини балки истеъмолчини қондиришдир – умум сифат назорати. Шундай қилиб сифатни кўтариш, бир вақтда бозорда рақобатбардош маҳсулотни таннархини тушириб белгилаш япония фирмаларини асосий ишлаб чиқариш мақсади бўлиб қолди.

Юқори сифатли маҳсулотни таъминлаб берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этишганда япон менежерлари малакали меҳнат захиралари(ресурс) етишмовчилиги муаммосига дуч келишди, маҳсулотни сифати уларга узулуксиз боғлиқ эди.

Ишчилардан меҳнат унумдорлигини бирданига ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни тавсифи стандарт талабларига мослигига риоя қилиш талаб қилинар эди, яъни меҳнатни ташкил этиш шундай формаси, унда сифатни таъминлаш бўйича асосий иш ишлаб чиқарувчини зиммасида бўлади.

Японияда фирмалар ишлаб чиқариш муносабатлари ва аниқ мақсад асосида бирлашиб уюшган жамоани ташкил этади. Фирмани миқёсидан келиб чиққан ҳолда фирмани ташкил этиш иерархик тузилиши орқали ифодаланади.

Юқори раҳбарият – фирма президенти (йирик фирмаларда директорлар йиғини), сўнг–ўрта раҳбарият, фирмани хажмидан келиб чиққан ҳолда бир неча поғоналарга бўлинган бўлиши мумкин (сектор, бўлим, лаборатория, цех бошқарувчилари) ва қуйи раҳбарият–мастер ва бригадирлар. Иерархияни охириги поғонаси – ишчилар.

Энг кичик ташкилий гуруҳ – 5 дан 10 тагача бажарувчилардан иборат бўлган ишчилар гуруҳи. Фирма фаолиятини умумий натижаси ишчи гуруҳлари томонидан ишни аниқ тақсимлаш ва бажаришга боғлиқ бўлади. Шунинг учун иш участкаларини шундай ташкил этиш керакки,

ишчи гуруҳлар ишлаб чиқариш вазифаларини ва уларни бажариш усулларини яхши тушунишлари керак, ўз ишига онгли равишда ва ижодий ёндошиб битта бутун бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Назорат килувчи ходимлари учун сифат назорати усулларини ўқитиш тизими бўйича шуғулланаётганларга ёрдам тариқасида 1962 йилнинг апрель ойида Яому томонидан «Мастерлар учун сифат назорати» китобчасини нашриётдан чиқарди.

Бундан мақсад журнал саҳифаларида босилиб чиқадиган материаллар ва мақолалар орқали сифатни бошқариш тизимидаги янгиликларни кўпчиликка, айниқса ишчиларга ўз вақтида етказиш, баъзи кўрсатмаларни тушунарли бўлишини таъминлаш. Бундан ташқари, қуйидаги муҳим масалаларга жиддий эътибор берила бошланди:

- сифат назорати соҳасида ишлайдиган ходимларнинг малакаси ва лаёқатлилигини ошириш;
- сифат назорат усулларини тарғибот қилиш;
- тингловчилар учун ҳар бир цех миқёсида, сифат тўғараги деб аталувчи, цехларда сифат назоратини такомиллаштиришига асос бўлувчи тўғараклар ташкил қилиш.

Бу журналда нашр этилаётган материалларни ўрганиш учун мастер ва бригадирларга ўқув семинарлари ташкил этилди. Иш жойида пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш муаммоларини журналда берилган сифат назоратини статистик усулларини амалиётда қўллаб ечиш учун журналда нашр этилаётган мақолаларни мастерлар ўз қўл остидаги ишчи-хизматчилар билан ўқиб чиқиб муҳокама қилиш тавсия этилади.

Шундай қилиб сифат назорати тўғараклари ёки сифат тўғараклари руёбга чиқди.

Натижада Япониядаги воқеалар қуйидагича ривожланди.

- 1967 йил, июнь ойида 10 мингга яқин шундай тўғараклар қайд қилинган
- 1969 йилда бу рақам 1967 йилга нисбатан анча кўпни ташкил қилди.
- 1979 йилнинг июнь ойида эса 100 мингни ташкил қилди.
- 1987 йил март ойида сифат тўғаракларининг сони 50 мингни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ҳар йили 10 мингга ошиб бормокда. Унинг катнашчиларининг сони эса миллиондан ошиб кетди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Япониядаги тўғараклар ўз олдига ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳисобига маҳсулот сифатини тубдан оширишни мақсад қилиб қўйишган.

Япония усулининг яна бир характерли тарафи тўғаракларнинг ишларини мунтазам равишда олимлар ва муҳандислар Иттифоқи томонидан кузатилади, ўрганилади ва таҳлил қилиб борилади.

Сўнги маъмуотларга қараганда, сифат тўғаракларнинг 50% дан ортиғи юқори раҳбарларнинг ташаббуси орқали ташкил қилинади. Тўғарак ташкилотчиларининг мақсадига кўра умумлашган тўғараклар ташкил қилинган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш (31,6%), маҳсулот сифатини яхшилаш (16,4%), сифатга бўлган харажатларни камайтириш (13,8%). Тахминан 38% тўғараклар бир йилда иккита темани, 16,5% и -3 та темани ва тазминан 3% и 1 темани ишлаб чиқади.

Хозирги вақтда сифат тўғараклари Америка Кушма Штатларида, Европа мамлакатларида ҳамда Хитой халқ Республикасида ҳам фаол ишлаб турибди.

Япониядаги сифат тўғаракларининг кенг ёйилиши ва улар фаолиятидаги ютуғларнинг негизи ташкилотларнинг фаолияти, ташкил топиши ва ишлаб чиқариш маданиятининг ўзига хос миллийлигидадур.

Япониядаги замонавий ташкилот маданияти иккинчи жаҳон урушидан сўнг янги тус олди. Унинг ўзига хослик томонларидан бири ишчи-хизматчиларни умрбод ишга ёллаш тизими мавжудлигида, бу эса уларга келажакка ишонч борлик кафолатини беради.

Яна бошқа ўзига хослиги, ҳамма бошқарув лавозимидаги раҳбарларни ишчиларга яқинлиги, ташкилотдаги ходимларни тенглигини сезиш. Япония ташкилотларида хизматчилар, муҳандислар ва ишчилар битта ошхонада тушлик қилишади, шу ерни ўзида фирма раҳбарлари ҳам бир хил вақтда тушлик қилишади.

Муҳандис ва ишчи ходимлар яқин мулоқотда бир жойда ишлашади. Фирма жамоа билан дам олишни ташкил этади, бунда, келиб чиққан ижтимоий ҳолати инобатга олинмасдан, ҳамма ходимлар иштирок этади. Фирманинг асосий мақсади ва вазифалари барча ходимларнинг тушунчасига тўлиқ етказилади, улар бу мақсад ва вазифаларни тўлиқ тушунган ҳолда шахсий мақсад ва вазифалар деб қабул қилишади.

Ўзига хослиги ташкилотлар орасидаги рақобатбардошлик. Япония ишлаб чиқариш тизими дунёдаги бошқа давлатларда йўқ, лекин японча ишлаймиз деган ҳаракат хатто АҚШ да ҳам бор, Биз ҳам япон менежерларини тажрибаларини яхши ўрганиб ўзлаштиришимиз керакдир.

3. Республика корхоналарида сифат тўғаракларини ташкил этиш самарадорлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамиз саноат корхоналарига ҳам шундай тўғараклар самарасидан фойдаланишни тавсия этилади.

Республикада сифат тўғараклари қуйидаги хусусиятларни эътиборга олиб ташкил этилади:

- Тўғарак кўнгиллилик принципи асосида ташкил этилади;

– Унинг аъзолари корхонанинг энг илғор, тажрибали ва ёш билимли ишчиларидан иборат бўлади;

– Сифат тўғарақларида қатнашувчилар сони корхонанинг катта ёки кичиклигидан келиб чиқиб беш нафардан 50 нафаргача бўлиши мумкин;

– Ўн нафардан ортиқ аъзолари бўлган корхоналарда тўғарақ гуруҳлар бўйича бўлинади;

– Тўғарақ етакчилари бригадир, мастер, усталардан иборат бўлади;

Сифат тўғарағи қўйидаги масалаларни кўриб чиқади:

– Сифат бошқарувининг замонавий тизимларидан фойдаланиш;

– Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товар ва хизматларни сифатини ошириш ва таннархини камайтириш тадбирлари;

– Фойдаланилаётган асосий воситалар, техника ва жиҳозларнинг самарадорлигини ошириш тадбирлари;

– Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, корхонада ижобий меҳнат муҳитини шакллантириш ва меҳнат жараёнларини автоматизация ҳамда механизациялаш тадбирлари;

– Ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнини унификациялаш;

– Меҳнат нормаларини танқидий қайта кўриш ва зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Технологик жараёнларни оптималлаштириш билан боғлиқ йўриқнома, регламент ва низомлар тайёрлаш;

– Ишлаб чиқариш жараёнини илмий ташкил этиш мақсадида таълим, ишлаб чиқариш ва инновация учлиги билан боғлиқ масалаларни такомиллаштириш;

– Паст рентабел ишлаб чиқаришларни ликвидация қилиш ва ш.к.

Сифат тўғарақлари аниқ иш режа асосида фаолият олиб боради. Ҳар бир дебатлар, муҳокамалар мавзулари етакчилар томонидан аввалдан аъзоларга тарқатиб, кун тартибидаги мазкур масалалар юзасидан уларга тайёрланишга имконият туғдирилади.

Сифат тўғарақлари самарадорлиги қўйидагича тавсифланади:

– Тўғарақ фаолиятини амалиётга тадбиқ этиш бўйича даврий қўлланмалар тайёрланиб ишчиларга фойдаланиш учун тарқатилиб боради;

– Ишчиларни ижодий қобилиятини намоён этиш имконияти вужудга келади;

– Корхонанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, инновациялар трансфери амалга оширилади;

– Меҳнат муҳити, муносабатлари яхшиланади. Ишчиларни ҳамжихатликда илмий фаолият билан шуғулланиши жамоавий муҳитга ижобий таъсир кўрсатади;

– Кам харажат ҳисобига фойдани ошириш имконияти вужудга келади.

Сифат тўғараклари самарадорлигини яна давом эттириш мумкин. Чунки, бу фаолиятни саноат корхоналарида тўғри ташкил эта олиш бошқарув қарорлари самарадорлигини оширибгина қолмай, менежментнинг кам харажат кўп самарадорлик тамойилига тўла амал қилинади. Уни саноат корхоналарига тадбиқ этиш Республика иқтисодиётини ҳам юксалишига, бошқарувни илмий ташкил этишига ҳам муносиб таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Сифат тўғараги биринчи қайси давлатда пайдо бўлган?
2. Сифат тўғаракларини шаклланишига сабабчи олим ва мутахассислар кимлар?
3. Сифат тўғаракларининг мақсади, вазифаси ва принциплари нималардан иборат?
4. Японияда сифат тўғаракларини тез ривожланишига қандай шароит мавжуд эди?
5. Японияда сифат тўғаракларини шаклланишига қайси олим энг катта ҳисса қўшган?
6. Японияда сифат тўғаракларини ташкил этилиши билан боғлиқ кўрсаткичларни тушунтириб беринг?
7. Миллий корхоналарда сифат тўғаракларини ташкил этиш мумкинми?
8. Сифат тўғаракларини ташкил этиш миллий корхоналарга қандай самара беради?

11-МАВЗУ. СИФАТНИ БОШҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ РЕЖА

1. Сифат тўғараклари концепцияси
2. Сифат бошқарувида инсон омили
3. Сифатни назорат қилиш усуллари

Таянч иборалар: сифат тўғараги, Каору Исикава, ижтимоий таъминот самараси, Рингельман самараси, кичик гуруҳлар, гуруҳ ҳажми ва композицияси, Исикава, инсон омили, сифатни назорат қилиш усуллари, сифатни назорат қилишнинг етти усули.

1. Сифат тўғараклари концепцияси

1962 йилда Каору Исикава, ўша вақтда Токио университетининг профессори, сифат тўғаракларини концепциясини асосини шакллантирди. Сифат тўғаракларини концепциясининг ижтимоий-психологик аспекти бир неча асосини ташкил этувчи тушунчаларга асосланади.

Улардан бири – **ижтимоий-таъминот самараси**, ўзаро муносабатларни енгиллаштиришда, якка фаолият ва гуруҳларга қўшилганда одамларни иш унумдорлигини оширишда яққол қўйилади, бунда аъзолар орасида самимий муносабатлар ўрнатилган бўлади.

30-йилларда якка ва гуруҳий ишни солиштирма самарасини ўрганиш мақсадида «Рингельман самараси» очилган эди, унинг маъноси қуйидагича: гуруҳда аъзолар сони кўпайиши билан ҳар бир гуруҳ аъзосини гуруҳ фаолиятини самарасига қўшадиган ҳисаси математик қонуний аниқлик билан камаяди.

30 - 40 йилларда кичик гуруҳларни фаолияти ва структуралари бўйича изланишларда самарали натижалар олинди. **Кичик гуруҳларни қуйидаги тавсифлари ажратилди ва ёзилди:**

- гуруҳ хажми
- композицияси
- коммуникация каналлари
- ўзаро муносабатлар
- раҳбар стили ва бошқалар.

50-60- йилларда АҚШДА пайдо бўлган «нуқсонсиз меҳнат гуруҳлари» юқоридаги кўп жиҳатларни ўз ичига олган эди.

К. Исикава асос сифатида америка нуқсонсиз меҳнат гуруҳларининг кўп унсурларини олди. Аммо Исикава томонидан тақдим этилган «сифат назорати тўғараклари» бу гуруҳларга ўхшаш бўлмади, балки ишчиларни ижодий имкониятларини ёритишда меҳнатни ташкил қилишни бошқа давлатлардагидан ажраб турадиган формаси шакилланди.

Иш жойидан узулуксиз бўлиб фаол кўрсатаётган сифат тўғаракларининг асосий вазифаси изланиш, ўрганиш ва вазифаларни амалий ечиш, ҳамда доимий ўқишдан иборатдир.

Тўғаракларни ташкил этишда тўлиқ **кўнгиллилик** асосий тамойил бўлиб қолиши керак. Нафақат фирма, балки давлат миқёсида тўғараклар орасида кенг қўламда мусобақалар ташкил этилган бўлиши керак.

Тўғаракларни сезиларли ишининг асосий қисми фирма миқёсида умумтаълим дастури.

Ишчиларни олган билимлари ишлаб чиқариш ва сифатни таминлашда юқори натижаларга эришишга ёрдам беради. Тўғарак ишларининг ютуқлари фирма, регион ва миллий матбуотлар орқали кенг ёритилиши ва тақдирланишлари керак.

Сифат тўғаракларида ижобий меҳнат муҳитини яратиш. Инновацион ишлаб чиқаришни ва сифатни кўтаришда ижобий меҳнат муҳити кучли омил деб ҳисобланади. Ишчилар ўзларини жамоанинг тўлиқ аъзолигини сезишлари керак, раҳбарият уларга ҳаққоний ёндошади, уларни мухтожларини ҳисобга олади ва уларни шарт-шароитларини яхшилаш ҳақида ўйлаётганилигига тўлиқ ишонч ҳосил

қилиш керак. Фақат шундагина уларда «иш кайфияти» бўлади. Мамлакатда билим савияси ва ҳаёт савияси ўсиб бориши билан бу муаммо долзарб бўлиб бораверади.

Америка олими Маслоу томонидан инсон эҳтиёжларининг иерархияси қуйидагича ифодаланган:

- физиологик эҳтиёжлар;
- организмни ҳаёт фаолиятини рағбатлантирувчи эҳтиёж;
- келажакка ишонч эҳтиёжи;
- ижтимоий эҳтиёжлар;
- ўзини ҳурмати ва ўз-ўзига бўлган ҳурмат эҳтиёжи;
- ўзини намоён қилиш эҳтиёжи.

Бу эҳтиёжларни пирамида кўринишидаги структура орқали ифодалаш мумкин, структуранинг юқори қисмида ўзини намоён қилиш эҳтиёжи жойлашган.

Ишчиларни ихтиёрий сифат тўғаракларида иштирок этиши ташкилотчилар томонидан шахсий қониқишга эришиш йули деб такид-лашади. **Ҳақиқатдан ҳам:**

1. Ишга бўлган қизиқиш ортади, тўғаракдаги ижобий меҳнат фаоллигини оширади ва чарчоқни камайтиради;

2. Тўғаракдаги доимий ўқиш ишчини малакасини оширади, ютуғ ва эришган мақсадлар ишчини фирма учун қимматини оширади;

3. Инсонийлик, ҳушфеллик, эътиборлик таъминланган тўғаракдаги иш ижтимоий талабларни қондиради, жамоат ҳиссиётини оширади;

4. Фирмага тўғаракнинг унуми, муаммоларни рационал ҳал этиш билан олиб келинган даромад тўғаракларни аҳамиятини оширади, аъзоларнинг шахсият ҳиссини пайдо бўлишига ёндошади;

5. Сифат тўғаракларида эркин фикр юритиш, баҳолаш ва таклиф киритиш, ижод қилиш имкониятлари таъминланади.

Ижобий рағбатлантириш асосида, меҳнатни ташкиллаштириш шароитларига риоя қилган ҳолда сифат тўғаракларининг иши амалга оширилади:

- Ҳақиқий мақсадни аниқ тушуниш;
- Тўғарак аъзоларини ўқитиш ва тарбиялаш;
- Ишдаги мақсадга эришиш учун услуб ва воситаларни эркин танлаш имкониятига ўргатиш;
- Қайтариш алоқаси, яъни иш натижалари ҳақида аниқ ва ўз вақтида маълумот бериш;
- Тўғарак ишида аъзолар орасида жамоатчилик;
- Раҳбар ва сифат тўғараклари орасида яқин алоқаликни таъминлаш учун ҳар хил воситалардан фойдаланиш.

2. Сифат бошқарувида инсон омили

Маҳсулот сифати уни яратиш жараёнида таъминланади ва унга бир

неча омиллар таъсир ўтказди. Булар 3 гуруҳга (юқорида таъкидлаб ўтилгандай) бўлинади:

- Материал-техник омили.
- Маъмурий омил.
- Инсон омили.

Бу уч омил сифатни таъминлашда керакли шарт деб ҳисобланади. Буларнинг ичида энг асосийси инсон омили ва сифат муаммосини ечишда аввалом бор инсон омилдан – ходимларни меҳнат сифатига бўлган қизиқишини оширишдан бошлаш керак. Сабаб шундаки, қизиқиши йўқ ишчи яхши, замонавий дастгоҳларда ҳам яхши ишламайди, қизиқиши бўлса ёмон шароитларда ҳам маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат қилади.

Бундан хулоса: нафақат шароитни, балки ишчиларга, авваламбор эътиборни ошириш керак, шунда уларнинг ишга бўлган маъсулияти ва шу орқали иш самараси ҳам ошади.

Маҳсулотлар ўз-ўзидан ёмон ёки яхши бўлмайди, уларни одамлар қандай тайёрласа шундай бўлади.

Ўз мажбуриятларига виждон билан қараш учун инсонга коллективда яхши шарт-шароитлар яратиб уни мохирлик билан бошқариш керак.

Замонавий сифат менежменти концепцияларни ўзлаштириш учун ходимларни юқори малакасини, сифатни таъминлаш усулларидан фойдаланишда чуқур билим ва кўникмаларни талаб қилади. Ходимларни тайёрлаш ва ўқитиш сифат бўйича ишларни муваффақиятли бўлишига асос бўлади.

Ўқитиш умумий бўлиши керак, ҳамма ходимларни жалб этмоқ керак – юқори раҳбариятдан то ишчиларгача, узулуксиз, ходимларни бутун иш фаолияти мобайнида ва ташкилотнинг аниқ бир вазифасига боғланган бўлиши керак.

Шу ерда Мицубиси компаниясининг президентининг айтган хикматли сўзи ўринли бўлади: «Биз аввал одамларни тайёрлаймиз, кейин эса маҳсулотни».

Айниқса, асосий ролни кичик ишчи гуруҳларини иш фаолиятини ташкил этиш япония формасини ўзига хослигидир, яъни битта участкада ишлаётган ишчиларни гуруҳларга умумлашиши. Бу фаолият цехга тегишли бўлган масалаларни фаол ечиш, тадбирлар ўтказиш, пайдо бўлаётган муаммоларни ечишга, ишлаб чиқариш жараёнларини мукамаллаштиришга ва х.к.з. йўналтирилган.

Япония сифат назоратини умумий йўналишида (концепцияси) сифатни ҳамма кирралари ҳисобга олинади, асосий ургу ижодий потенциалдан фойдаланиб ва максимал ёйган ҳолда ҳамма поғонадаги ходимларнинг меҳнат сифатини оширишга куйилади.

Сифат тўғаракларини иш фаолияти фирмадаги умумий сифат

назорати тадбирларининг бир бўлими ҳисобланади. Маҳсулот сифатини таъминлаш сифат тўғаракларининг амалда олиб борилаётган иш фаолияти орқали айниқса сезилади. Ишлаб чиқаришда юқори сифатни таъминлаб берувчи восита ва услубларни ўрганган ҳолда сифат тўғараклари ишчи жойларида содир бўладиган муаммоларни ҳал қилишади.

Нуксонни камайтириш:

- технологик жараённи мукамаллаштириш:
- ускуна ва дастгоҳларни модернизациялаштириш:
- ишлаб чиқаришда сарф-харажатларни камайтириш:
- -ходимларни уқитиш ва малакасини ошириш:
- техника хавфсизлиги:
- меҳнатни ташкил этиш:
- меҳнат интизоми ва х.к.з. бўйича боғлиқ бўлган муаммоларни сифат тўғаракларида ечилади.

Ишлаб чиқариш цехларида ташкил топган бирламчи сифат тўғараклари кейинчалик ўз фаолиятини бошқа тармоқларга, материал-техник таъминот булимларига, алоқа хизмати ва транспортга, иш юритиш, бошқариш ва бошқа ноишлаб чиқариш муассасаларига, сотув ва хизмат кўрсатиш кўламларига кейинчалик ёйилади.

Сифат тўғаракларини иш фаолияти ҳозирги пайтда жаҳондаги ҳамма ташкилотлар учун бир хил бўлган вазифаларни ечишга йўналтирилган.

Кўпчилик иқтисодчилар сифат тўғаракларини ҳаракатида ташкилотларни бошқаришнинг янги формасини куришмоқда, бунда инсон омилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини илмий ёндошиб режалаштириш имконияти бор.

3. Сифатни назорат қилиш усуллари

Сифат бошқаруви мутахассислари томонидан тан олинган сифатни назорат қилишнинг етти асосий усули мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Маълумотларни йиғиш варақаси.
- Гистограмма.
- Потокли диаграмма.
- Исикава схемаси.
- Парето диаграммаси.
- Корреляция диаграммаси.
- Шухартнинг назорат карталари.

Ҳар бир усулнинг устун тарафлари мавжуд бўлиб, сифатни бошқаришнинг статистик усулига асосланади. Жараёнларни бошқариш фақатгина ташкилотчиликдан ёки одди тадбирлардан иборат эмас. Барча жараёнларни сон ва рақамга ёки кўрсаткичларга ўгириб

Ўрганилса ва таҳлил қилинса бошқарув жараёнидаги қабул қилинаётган қарорлар мўлжали тўғри олинади ва самарадорлиги ортади. Шу сабабли, сифат бошқарувига статистик усуллар киритилган. Юқорида кўрсатиб ўтилган сифат бошқарувининг етти усули ҳам сифатни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. Қуйида ушбу усулларни бирма-бир кўриб чиқилади.

Маълумотларни йиғиш варақаси (МЙВ). Маълумотларни йиғиш варақаси содир бўладиган ҳодисаларни рўйхатга олиш учун мўлжалланган, яъни сифат билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш мақсадида йиғилади (6-жадвал).

6-жадвал

Маълумотларни йиғиш варақасининг кўриниши

Рекламация (сут маҳсулотлари учун)	Ҳафта кунлари						
	Дш	Сш	Чш	Пш	Ж	Ш	Жами
Сақлаш шароитларига риоя қилмаслик оқибатида ҳисобдан чиқариш	//	/				/	4
Қадоқ дефекти	/		//	//		/	6
Нотўғри аралаштирилиши		###/	/	###			12
Қадоқлашдаги хатолар (қадоқдаги ўлчамларга мос келмаслик) ва ҳ.к.	/	///	////	/		/	10
Жами	4	10	7	8	0	3	32

Сиртдан қараганда, МЙВ жадвал кўринишига эга бўлади. Мазкур жадвалда сифат билан боғлиқ бўлган жараёнлар акс этади ва керакли катакчалар ичига воқеалар содир бўлганидан сўнг битта таёқча қўйилади. Ҳар тўртта воқеадан сўнг бешинчи воқеа таёқчаларнинг устига энига тартибида қўйиб битта ўрам сифатида саналади. Шундай қилиб, битта ўрам 5 та воқеани акс эттиради.

МЙВдан маҳсулот сифати назоратида фойдаланиш бошқа усулларга нисбатан анча содда ва ишлаб чиқаришда қўллаш қулай ҳисобланади. Яъни, бошқа усулларга нисбатан энг қўллаш осон бўлган усуллардан бири. Унда таъсирларни ҳисоблаш ҳам анча енгил.

Юқоридаги жадвалда МЙВнинг амалдаги кўриниши келтирилган бўлиб, сут маҳсулотлари мисолида олинган. Маҳсулот сифатига қиладиган таъсирларнинг эса 4 тури ажратиб олинган бўлиб, ҳар бир

таъсир ҳафта давомида ҳисоблаб борилган. Жами бир ҳафта давомида маҳсулот сифатига таъсир қиладиган омиллар 32 тани ташкил этган. Энг кўп камчилик сут маҳсулотларини тайёрлашда аралашманинг бузилиши бўлиб, бу бўйича ҳафта давомида 12 та дефект аниқланган. Ушбу таъсирларни яна давом эттириш мумкин. Бундан ташқари, ҳафта кунларини умумлаштириб ой, чорак ёки йилга айлантириш ва динамик таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Гистограмма. Гистограмма – бу қандайдир миқдорларни тақсимлаш частоталарини ҳисобга олган ҳолда, ўзгаришни кўрсатиб турувчи график бўлиб, устун кўринишидаги диаграммалар акс этган.

Гистограммани янада чуқурроқ ўрганиш учун қуйидаги жадвалда мисол келтирилган.

7-жадвал

Гистограммани ясаш учун маълумотлар

Талаба	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Бўйи, см	170	163	162	183	173	171	180	172	185	177	179	176	179	172	169	190

Юқоридаги жадвалда талабаларни сони ва уларнинг бўйи келтирилган бўлиб, талабаларни бўй жиҳатидан сифатини таҳлил этиш керак.

Бу маълумотларга асосан, гистограммани ясаш мумкин. Гистограммани ясаш учун мазкур маълумотларни тақсимланиш частоталарини аниқлаш зарур. Гистограммани ясаш учун параметрларни аниқлаш лозим.

1.Чегравий нуқталар. Мазкур мисолда 162-190 смлар яъни минимал ва максимал қийматлар чегара нуқталари бўлиб ҳисобланади.

2.Гистограммаларда гуруҳлар сони. Буни аниқлаш учун барча миқдорларнинг илдизини чиқариб олинади. Ушбу мисолда барча миқдорларнинг умумий қимати 16 га тенг. Чунки талабаларнинг бўй миқдорлари 16 хил. $\sqrt{16}=4$. Демак, гистограммалар 4 гуруҳга бўлинади.

3.Бир гуруҳнинг узунлиги. Юқорида келтирилган 16 та миқдорни 4 синфга бўлинди. Энди ушбу гуруҳларнинг чегараларини аниқлаб олиш лозим. Унинг учун қуйидаги усулдан фойдаланилади. $(190-162)/4=7$

Энди ҳар бир гуруҳ чегараларини аниқлаб олинади.


8-жадвал

Гуруҳлар бўйича талабалар тақсимоти

Гуруҳлар сони	Синф бўйича бўй чегаралари	Синфга кирувчи талабалар сони
1-гуруҳ	162-168 см	2
2-гуруҳ	169-175 см	6

3-гурух	176-182 см	5
4-гурух	183-190 см	3


Ушбу маълумотларни бирлаштириб гистограммани яшаш мумкин. Гистограммани яшашда Microsoft Excel дастуридан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда дастурга, жадвал киритилади ҳамда 2-3 қаторлар белгиланиб, гистограмма ясалади. Гисторграммани яшашда синфлар номини белгилаш шарт эмас. Гистограммани қўлда ҳам яшаш мумкин.



21-расм. Талабаларнинг бўйлари бўйича гуруҳланишининг гистограмма кўриниши

Гистограммада талабаларнинг бўйлари частотасини янада яхшироқ кўриш имкони туғилади.

Потокли диаграмма.



22-расм. Омборга маҳсулотни дефектсиз қабул қилиш диаграммаси

Потокли диаграмма – бу алоҳида жараён қамровида олинган аниқ шароитларда бажарилган ёки бажарилмаган операциялар кетма-кетлигининг муқобил йўллари кўрсатишнинг график кўриниши.

Расмда ишлаб чиқаришда ишлов бериш ишлари тугалланиб тайёр ҳолатга келтирилган маҳсулотларни омборга қабул қилиш жараёнининг алгоритми келтирилган. Унга кўра, омборга киритилаётган маҳсулотда дефект мавжудлиги кўздан кечирилади. Агар дефект бўлса, қайта ишланади, қайта ишлаш имконияти мавжуд бўлмаса, ҳисобдан чиқарилади. Дефектсиз маҳсулотлар эса тўғридан-тўғри омборга етказиб берилади.

К. Исикава схемаси (сабаб-оқибат диаграммаси). К. Исикава схемаси сифатга таъсир этувчи омиллар гуруҳларга бўлиб тақсимланади, гуруҳланади ҳамда юзага келтириши мумкин бўлган оқибатлари ўрганилади. Унда сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқа таъминланади.


Исикава схемасининг ўзига хослиги, сифатга таъсир этувчи барча сабаблар ингилиз тилида “М” ҳарфи билан бошланади.

Исикава бўйича сифатга таъсир қилувчи омиллар 5М билан белгиланиб, қуйидагича классификацияланади:

1. **Man** (инсон) – инсон омили билан боғлиқ омиллар;
2. **Machines** (жиҳозлар) – машина ва жиҳозлар билан боғлиқ омиллар;
3. **Materials** (материаллар) – материаллар билан боғлиқ омиллар;
4. **Methods** (усуллар) – жараёнларни ташкиллаш усуллари;
5. **Measurements** (ўлчовлар) – ўлчов билан боғлиқ омиллар.

Юқоридаги 5 та омил Исикава чизмасининг асоси бўлиб, Фарғона политехника институтида таълим сифатига таъсир қилаётган омиллар чизмасини Исикава усулида кўрсатиш мумкин.

Исикава схемасидан кўринадики, 5 та сабаб бўйича таълим сифатига энг кўп таъсир тувчи омиллардан бири инсон омили бўлиб, у таълим сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Қолган омиллар инсон омили воситасида таълим жараёнлари сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қолган омиллар ичида усуллар ҳам таълим сифатига сезиларли даражада ташкиллаш жиҳатдан таъсир этади.



23-расм. Таълим сифатига салбий таъсир этувчи омилларни Исикава усулидаги ҳисоби

Парето принципи ёки ABC - таҳлили. Парето принципи бирор вазиятга таъсир қиладиган асосий омилларни юқори ёки паст даражасини акс эттириб беради. Парето принципи шундан далолат берадики, вазиятга таъсир этувчи 20% сабаблар 80% оқибатларни вужудга келтиради. Бошқача сўзлар билан айтганда, таъсир этиши мумкин бўлган барча сабабларнинг 20%и алоҳида аҳамиятга эга. Улар вазият оқибатининг 80%ини амалга ошишига олиб келади.

Парето принципи "20-80 Қоидаси" номини ҳам олган. Ушбу принцип италиялик иқтисодчи олим Вильфредо Парето номи билан аталади. Бунинг сабаби у 19-асрнинг охирида бир фактга ўз эътиборини қаратган эди. Яъни 80% италияликлар капитали 20% Италия аҳолиси қўлида тўпланган. Кейинчалик ушбу ҳақиқат аҳоли ҳаётининг бошқа турли соҳа ва тамроқларини кузатиш натижасида тасдиқланган. Шундай қилиб, кузатишлар натижаси қуйидагиларга олиб келди:

- Вужудга келган номувофиқликларни 20 фоизини бартараф этиш учун барча номувофиқликларни бартараф этишга сарфланадиган харажатларнинг 80 фоизини сарфлаш керак бўлади.

- Мол етказиб берувчи компаниянинг 80% фойдасини 20%и бююртмачилар шаклланишига олиб келади.


- Сифат ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 20%и сифатни 80% ўзгаришига олиб келади.

Демак, омилларнинг 20%ига эътибор қаратиш ёрдамида 80% оқибатга таъсир ўтказилади. Кейинги 30% сабаб 15% оқибатларни вужудга келтиради. Ниҳоят қолган 50% сабаблар оқибатнинг қолган 5%ига таъсир қилади. Шундай экан, сифат бошқарувида оқибатни яхшилаш усун энг асосий 20% сабабаларни ажратиб олиб шуларга кўпроқ эътибор бериш, қарорлар самарадорлигини янада ортишига олиб келади. Масалан, бирорта гапни ажратиб олиб уларда ҳар бир ҳарфларнинг неча маротаба иштирок этиши ўрганилганда, рус тилида “а” ва “о” ҳарфлари матнни 80%ини ясалашига таъсир қилганлиги кузатилган.

Корреляция диаграммаси (сочилиш диаграммаси).

Корреляция диаграммаси – бу бир-бирига боғлиқ бўлган ўзгарувчи қийматлар ўртасидаги муносабатни график кўринишида акс эттиради. “Корреляция” (correlation) сўзи ўзаро нисбат, мослик, мувофиқлик маъносини англатади. Натижавий аломатлар ва аломат-омиллар ўртача миқдорлари ўртасидаги боғлиқликнинг намоён бўладиган кўп сонли кузатишларнинг тобеъ кўринишидаги алоқаси корреляция деб номланади.

Корреляция диаграммаси мустақил ўзгарувчи қийматлар ўзгариши шароитида шартли тобеъ ўзгарувчи миқдор ўзгаришини англатувчи принцип эканлиги тан олинган. Буни газланган салқин ичимликлар сотуви мисолида кўриш мумкин. Бозордаги маҳсулотлар сотувига таъсир қилувчи омиллар қаторида об-ҳаво омили муҳим ўрин тутди. Масалан, қуйидаги расмда об-ҳаво ўзгариши шароитида газланган салқин ичимликларга бўлган бозор талабининг ўзгариши кўрсатилган. Унда кучли ижобий корреляция даражаси кўрсатилган.



24-расм. Ҳаво ҳароратини салқин ичимликлар сотувига таъсирининг корреляцион диаграммаси

Ушбу мисолни корреляция тенгламаларини ечишнинг энг оддий усули ҳисобланмиш Фехнер коэффиценти ёрдамида ўрганилади. Ушбу коэффиценти белгилар корреляцияси коэффиценти деб ҳам аталади. Бу алоқалар зичлигининг оддий кўрсаткичи ҳисобланади. У ҳар бир аломатнинг (X ёки Y) индивидуал қийматларини ўзининг ўртача миқдори билан фарқининг таққосланишига асосланган. Бунда асосий эътибор улар ўртасидаги фарқлар $[(X_i - X) \text{ ёки } (Y_i - Y)]$ га эмас, балки уларнинг ишоралари ("+" ёки "-")га қаратилади. Унад ҳар бир қатор бўйича ўртача миқдордан фарқнинг ишорасини аниқланиб, ишораларнинг жуфтлари қараб чиқилади ҳамда уларнинг бир-бирига тўғри келиши ёки келмаслиги ҳисобланади. Ишораларнинг бир-бирига тўғри келиши ТК билан тўғри келмаслиги ТКМ билан белгиланади. У ҳолда, Фехнер коэффицентини ишоралар жуфтнинг тўғри келиш ёки тўғри келмаслик ўртасидаги фарқларини уларнинг йиғиндисига бўлиш орқали топилади.

$$K_f = \frac{\sum TK - \sum TKM}{\sum TK + \sum TKM}$$

Аниқ бўладики, агар барча фарқларнинг ишоралари бир-бирига тўғри келса $\sum TKM = 0$, у ҳолда, $K_f = 1$ га тенг бўлади. Бу боғлиқлиги ўрганилаётган кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри алоқасини кўрсатади. Агар, $\sum TK = 0$ га тенг бўлса, $K_f = -1$ бўлади. Бу ҳолда, кўрсаткичлар бир-бирига тескари пропорционал боғлиқ бўлади. Агар, $\sum TKM = \sum TK$ га тенг бўлса, $K_f = 0$ га тенг бўлади. Бу боғлиқлиги ўрганилаётган кўрсаткичларнинг бир-бирига алоқадор эмаслигини кўрсатади. Кўринадики, Фехнер коэффиценти -1 ва 1 оралиғида $-1 \leq K_f \leq 1$ бўлади. K_f қанчалик даражада бирга яқин бўлса, X ва Y бир-бирига боғлиқ бўлади. Юқоридаги мисолни ечиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланилади (9-жадвал).

9-жавдал

Фехнер коэффицентини ечиш жадвали

Ойлар	Маҳсулотни сотиш ҳажми, X_i	Сотилмаган маҳсулот қиймати, Y_i	Ўртача миқдордан фарқ ишораси	
			$X_i - X_{\text{ўрт}}$	$Y_i - Y_{\text{ўрт}}$
1	12	28	-	-
2	16	40	-	-
3	25	38	-	-
4	38	65	-	-
5	43	80	-	-
6	55	101	+	+


7	60	95	+	-
8	80	125	+	+
9	91	183	+	+
10	100	245	+	+
Σ	520	1000		

Жадвалдан кўринадики, $\Sigma TK=9$ га, $\Sigma TKM=1$ га тенг. Кўрсаткичларни формулага қўйилса, қуйидаги натижа олинади.

$$K\phi = \frac{9 - 1}{9 + 1} = 0,8$$

Демак, $K\phi=0,8$ га тенг. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, газланган салқин ичимликлари сотуви ҳаво ҳароратига сезувчан.

Шухартнинг назорат карталари. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини статистик назорат қилишда намуна сифатида олинган тайёр маҳсулот билан бошқа ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати таққосланиб, у дефектли, брак маҳсулотми ёки сотишга тайёр маҳсулотми деган саволга жавоб беради. Кўплаб ривожланган корхоналарда маҳсулот сифатининг намунадаги маҳсулотга мос келиши ёки келмаслиги доимий назоратга олинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни қанча қисми намунадаги маҳсулотга мос келади ва қолгани ушбу маҳсулотга неча фоиз мувофиқ даражада ишлаб чиқарилаётган Шухарт назорат картасидан фойдаланганда аниқ кўриниш касб этади. Ушбу карта корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг стандартларга мувофиқлигини текширишда жуда ҳам қўл келади. Бошқарувчи кўз ўнгида маҳсулот сифатининг стандартларга мослиги яққол кўринади. Бу каби карталарнинг турлари жуда кўп бўлиб, бугунги кунгача корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб, уни ўзларига мослаб олганлар. Шухарт картасининг оптимал кўриниши эса сақланиб қолган. Мазкур карта қуйидаги кўринишга эга (25-расм).



25-расм. Шухарт назорат картасининг намунавий кўриниши

Картада тегишли маҳсулот тўрининг сифат чегаралари келтирилган. Бу ерда тўртта чегара берилган. Юқори ва қуйи назорат чегаралари маҳсулотнинг брак бўлган ҳудудларини ташкил этади. Юқори ва қуйи огоҳлантирувчи чегаралар огоҳлантирувчи бўлиб, маҳсулот сифатини бузилиш чегаралари ҳисобланади. Марказиф чизиқ эса оптимал сифат чизиғи бўлиб, маҳсулот оптимал сифатга эга бўлган даражани кўрсатади. Расмда бир турдаги 5 маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг оптимал сифатга нисбати кўрсатиб ўтилган. Шартли А, Б, В, Г маҳсулотларини сотишга тайёрлаш учун қадоқлашга ёки омборга жўнатса бўлади. Д брак маҳсулот бўлиб уни қайта ишлаш ёки ҳисобдан чиқариш керак. Чунки, у маҳсулотнинг сифати энг паст бўлган ҳудудга яқинлашиб қолган. Қуйи ва юқори огоҳлантирувчи чегарадаги маҳсулотлар тўпи эса маҳсулот сифати секин-аста пасайиб бораётганлигини кўрсатади. Шунинг учун маҳсулот сифати аниқланаётганда ёки назорат қилинаётганда шу мезонларга риоя қилиш лозим.

Сифат чегараларини қўйишда аввал стандарт маҳсулотнинг параметрлари аниқлаб олинади. Сўнг, стандарт маҳсулотни истеъмол қилиш ёки ундан фойдаланишнинг қуйи ва юқори чегаралари белгиланади. Бу чегаралар шундай белгиланадики, маҳсулот сифати истеъмолга зарар етказмаслиги лозим. Агар истеъмолга зарар етказилса бу сифатнинг қуйи ва юқори назорат чегараси сифатида белгиланади. Бундай параметрга (Ү ўқи) маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи, чидамлилиги, ишончилиги, эргономик хусусиятлари каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Х ўқи эса бир турдаги маҳсулотнинг бир бирлиги ёки тўпи, сериясини акс эттиради.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Сифат тўгаракларини шаклланишига К. Исикава қандай ҳисса қўшган?
- 2.** Тўгаракларнинг самарали фаолиятига таъсир қилувчи омилларни санаб беринг?
- 3.** Сифат тўгаракларини ташкил этиш корхона меҳнат муносабатларига қандай таъсир этади?
- 4.** Сифат бошқарувида инсон омилини изоҳланг?

5. Сифат назорати дегандан нимани тушунасиз?
6. Сифат назоратининг усулларини санаб беринг?
7. Сифат назоратининг гистограмма усулини афзаллиги нимада?
8. 5M ёки Исикава схемасини тузинг?
9. Фехнер коэффициентининг мазмунини тушунтириб беринг?
10. Сифат назоратининг етти усулидан бошқа усуллар ҳам борми?

12-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1.Стандартлаштиришнинг илмий асослари

2.Стандартлаштириш бўйича ишларни илмий ташкил қилиш тамойиллари

3.Стандартлаштиришнинг назарий негизи

***Таянч иборалар:** стандартлар, стандартлаштириш, стандартлаштириш мақсади ва вазифаси, ўзстандарт агентлиги, стандартлар тамойили, тизимийлик, мажмуийлик ва мақбул чеклаш, тандартлар тараққийпарварлиги ва мақбуллаштириш, стандартлаштирилаётган буюмларни функционал ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш, динамиклик, халқаро, тармоқлар, техник шартлар.*

1.Стандартлаштиришнинг илмий асослари

Стандартлаштириш — мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умуман ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир (ISO/IEC).

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари:

– маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг (бундан буён матнда "маҳсулот" деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

– маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

– фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини оширишдан;

– барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

– ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдан;

– табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

– истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлашдан;

– ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Стандартлашнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

– Давлат ва истеъмолчилар кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сифати ва номенклатурасига оптимал талабни урнатиш;

– Ишлаб чиқариш, давлат талаби, экспорт ва аҳоли ҳамда маҳсулотга урнатилган талабнинг мослигини таъминлаш учун меъёрий хужжатлар тизимини яратиш ва бу хужжатлардан тўғри фойдаланишини назорат қилиш;

– Халқаро, минтақавий ва миллий стандарт талабларига мосликни таъминлаш;

– Материал хажми ва энергия хажми сарфини пасайтириш;

– Технологик жараёнга бўлган талабни урнатиш;

– Маҳсулот ва ундан фойдаланишни стандартлаш бўйича халқаро ҳамдустлик ишларини ташкил этиш;

– Техник-иктисодий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлаш тизимини яратиш;

– Маҳсулот сифати назорат қилиш ва баҳолаш, сертификатлаш, текшириш учун меъёрий –техник хужжатлар билан таъминлаш;

– Метрологик меъёр, коида кўрсатма ва талабларни урнатиш

– Халқаро ва минтақавий стандартлашда актив иштирок этиш, халқаро стандартлаш амалий тажрибаларидан унумли фойдаланишни йулга қўйиш.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

– халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги);

– қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

– табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

– тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар.

2. Стандартлаштириш бўйича ишларни илмий ташкил қилиш тамойиллари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб умумжаҳон ривожланишида стандартлар, стандартлаштириш масалалари, биринчи навбатда, маҳсулот ва хизматларни, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлигини таъминлаш, савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этиш ва энг муҳим ички ва ташқи бозорга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга қаратилган самарали воситага айланди.

Стандартларнинг юқори сифати — маҳсулотнинг юқори сифатини белгилайди. Стандартлаштиришнинг жаҳон тажрибаси ва ривожланган мамлакатларда бу соҳада қилинаётган ишлар шуни кўрсатадики, Стандартларнинг юқори сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун уларни маҳсулот ишлаб чиқариш босқичида қуйидаги мажбурий тамойилларни бажариш керак:

1. Тизимийлик тамойили. Техникавий тараққиёт ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи одамлар меҳнатини, меҳнат воситалари қўлланаётган жихозлар, мосламалар, асбоблар, назорат воситалари ва бошқалар мажмуини ва меҳнат предметлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларини ўз ичига олган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жараёнига тизимий ёндашишнинг объектив заруратини талаб қилади.

Тизим деганда ўзаро боғланган, қўйилган мақсадга максимал самара ва энг кам харажатлар билан эришишга олиб келадиган элементлар мажмуи тушунилади. Тизим элементларининг миқдорий

боғланишлари детерминантланган ёки тасодифий бўлиши мумкин. Тизимга кирган ўзаро боғланган элементлар мажмуи уларни турли даражада иерархик боғланишини кўриш мумкин бўлган тузилмасини ташкил этади.

2. Мажмуийлик ва мақбул чеклаш тамойили. Стандартларни ишлаб чиқишда Стандартлаштиришнинг охириги объектига таъсир этувчи барча асосий элементлар (омиллар) ҳисобга олинishi шарт. Стандартлаштириш бўйича ишларни камайитириш учун асосий объектга таъсири оз элементлар ҳисобга олинмайди. Стандартлаштириш пайтида тавсифлар тизими ва ўзаро боғланган моддий ва номоддий элементлар мажмуига бўлган талаблар кўрилади. Бунда элементларга бўлган талаблар Стандартлаштиришнинг асосий объектига бўлган талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Юқори сифатли маҳсулот олишга шароитлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарасини ошириш учун маҳсулотнинг барча ҳаётий цикллари — лойиҳалаш, серияли ишлаб чиқариш ва фойдаланишларни — қамраб оладиган рационал Стандартлар тизими зарур.

3. Стандартлар тараққийпарварлиги ва мақбуллаштириш тамойили. Стандартлар орқали жорий қилинган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва талаблар илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига мос бўлиши керак. Улар Стандартлаштириш объектларининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши лозим. Фақат маҳсулотнинг янги (оширилган) сифатини ҳисобга олмай, балки уни ишлаб чиқаришга, материал ва фойдаланишга бўлган харажатларни ҳисобга олиб иқтисодий мақбул кўрсаткичларини жорий қилиш керак яъни иложи борича кам харажат қилиб, максимал иқтисодий самарага эришиш даркор. Бу мақсадга эришишга илгарилаб ва мажмуий стандартлаштириш кўмаклашади.

4. Стандартлаштирилаётган буюмларни функционал ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш тамойили. Фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича ўзаро алмашинувчанликни таъминлайдиган бу тамойил мажмуий ва илгарилаб стандартлаштириш ҳамда буюмлар, уларнинг техникавий шартлари ва бошқаларни стандартлаштиришда асосийдир.

5. Стандартларни ўзаро мувофиқлаштириш тамойили. Умумтехник ва тармоқлараро стандартлар турлари кўплигида уларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Стандартларнинг барча турларига тааллуқлик бўлган кўрилаётган тамойил муҳимлиги ва самаралилигининг энг ишончли мисоли мажмуий Стандартлаштириш усулидир. Стандартлаштириш соҳасидаги атама ва таърифларнинг ўзаро мувофиқлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

6. Стандартлар ишлаб чиқаришнинг илмий-тадқиқий тамойили. Стандартлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни

муваффақиятли татбиқ қилиш учун нафақат амалий тажрибаларни кенг умумлаштириш, балки махсус назарий, экспериментал ва тажрибавий-конструкторлик ишларни ўтказиш зарур. Бу тамойил стандартларнинг барча турларига тааллуқли.

7. Афзаллик тамойили. Одатда деталлар ва намунавий бирикмаларнинг ўлчам ва турлари, ўтказмалар, жоизликлар қаторлари ва бошқа параметрлар бир вақтни ўзида ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқлари учун стандартлаштарилади, шунинг учун бундай стандартлар параметрларнинг катта кўламини қамраб олади. Ўзаро алмашинувчанлик даражасини ошириш, саноатнинг турли соҳаларида қўлланадиган буюмлар, тайёрламалар ўлчам ва турларини, ўлчамли кесувчи асбоблар, мослама ва калибрлар номенклатурасини камайтириш ҳамда самарали ихтисослашиш ва заводлар кооперациялашиши учун шароитлар яратиш, маҳсулотни арзонлаштириш мақсадида бир хиллаштириш (унификация)да афзаллик тамойили қўлланади. Бу тамойилга биноан стандартлаштирилаётган параметрлар қийматларининг бир неча (масалан, учта) қаторлари жорий қилинади, бунда биринчи қатор иккинчисига нисбатан, иккинчиси учинчисига нисбатан афзалроқ кўрилади. Бундай тамойил бўйича метрик резбанинг диаметрлари ва қадамлари қаторлари, меъёрий бурчаклар қаторлари, силлиқ цилиндрлик бирикмалар жоизлик ва ўтказмалари стандартлари ва бошқалар тузилган. Ундан ташқари қўллашга рухсат бериладиган буюмлар параметрлари, турлари ва ўлчамларини зарурий минимумга келтирадиган тармоқга чекловчи стандартларни яратиш тавсия этилади.

8. Динамиклик тамойили. Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун стандартлаштириш объектларига бўлган талабларни техникавий тараққиёт талабларига мувофиқ даражага келтириш мақсадида даврий қайта кўриб туриш зарур.

3. Стандартлаштиришнинг назарий негизи

Стандартлаш – бу реал мавжуд бўлган ёки потенциал масалаларга нисбатан умумий ва кўп мартаба қўлланадиган, талабларни урнатиш ёрдамида маълум йўналишда оптимал даражадаги тартибни таъминлашга қаратилган илмий техник фаолиятдир.

Стандартлашнинг асосий вазифаси - халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотларни яратиш-тараққиёт талабларини аниқлаш ва меъёрий –техник хужжатлар тизимини яратишдир.

Стандарт – бу меъёрий хужжатдир. Бу асосда халқ талабини кондириш учун сифат маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Стандартлашнинг муҳим натижаларидан бири маҳсулотнинг сифат даражасини ошириш ҳисобланади.

Корхоналарда стандарт қуйидаги турларга булинади:
асосий , умумий ва махсус.

1. Асосий стандартда умумий мақсад ва вазифалар, бошқаришнинг ташкилий тузилиш ва схемаси, вазифаларнинг тақсимланиши ишлаб турилади.

2. Умумий стандартда эса урнатилган умумий саволлар яъни қайта ишлаш, тасдиқлаш, расмийлаштириш ва тадбик этиш стандартлари караб чикилалди.

3. Махсус стандартда ресурслардан самарали ва сифатли фойдаланишда бошқариш вазифаларни бажарилишини аниқлайди. Шу билан биргаликда меҳнат фаолиятини ташкил этиш, булинмалар ва бажурувчилар учун иш сифати даражасининг меъёрлари ва кўрсаткичларини урнатиш, технологик жараёнлар бажарилишини ҳам ўз ичига олади.

Стандарт анча вақтдан буён фақат талабни кондиритиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни- параметри, улчами, куввати, мустаҳкамлиги, таъмир талаблиги, юк кутариш қобилияти, химик таркиби, ишлаш муддати каби кўрсаткичларга караб келинади.

Хозирги вақтда эса стандарт маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёнилги ва энергия ва хом ашёни тежашдир.

Ўзбекистон Давлат стандартлаш қўмитаси стандартлаш ишлари бўйича умумий қоидаларни икки томон уртасидаги ўзаро алоқаларнинг форма услубларини урнатди.

Хозирги вақтда бизда стандартлаш категорияси бўйича қуйидаги меъёрий ҳужжатлар мавжуд:

1. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар.
2. Ўзбекистон Республикаси стандарти.
3. Тармоқлар стандарти.
4. Техник шартлар стандарти.
5. Корхона стандарти.
6. Чет давлатлар миллий стандарти.

1. *Давлат стандарти.* Давлат стандартлари мамлакат микёсида барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилот ва муассалар учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Бу стандартлар энг асосий халқ истеъмоли товарларига ишлаб чикилади ва Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар бўйича “Ўздавстандарт” томонидан, баъзи бирлари эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. *Тармоқ стандартлари.* Бу стандартлар шу тармоққа карашли корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқарган товарлар учун ҳамда улар қайси идорага карашли бўлишидан қатъий назар, шу товарларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган барча корхоналар, ташкилот ва муассасаларга нисбатан қонуний кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Тармоқ стандартлар шу тармоқ учун етакчи бўлган вазирликлар

томонидан тасдиқланади. Тармоқ стандартлар кўпинча шу тармоққа карашли корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида ишлатиладиган хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар учун ишлатилади.

3. *Техник шартлар.* Бу стандартлар кичик хажмда ишлаб чиқариладиган, хусусиятлари хали яхши ўрганилмаган халқ истеъмоли товарлари учун яратилади. Техник шартлар жуда киска муддат кучда бўлади ва амал килади. Техник шартлар шу товарни ишлаб чиқаришда етакчи бўлган вазирликлар, вилоят хокимлиги, шахар хокимлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

Мазмунига караб стандартлар қуйидаги турларга булинади. Шулардан қуйидагилари халқ истеъмоли товарлари учун характерлидир:

1. *Техник шартлар стандарти.* Асосан озик-овкат маҳсулотлари шу турдаги стандартлар асосида ишлаб чиқарилади. Озик-овкат маҳсулотлари учун техник шартлар стандартида уларнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари, кимёвий таркиби, органолептик кўрсаткичлари, товарларни қабул қилиш, сифатини текшириш, ураш ва жойлаш, маркировкалар, ташиш ва саклаш коидалари, ишлаб чиқарувчининг кафолати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Умуман бу турдаги стандартларнинг келажаги порлок бўлиб, бундан кейин ҳам микёсда ишлаб чиқарилаверади.

2. *Техник талаблар стандарти.* Бу стандартдаги маълумотлар хажми техник шартлар стандартидагига караганда анча кам бўлиб, улар халқ истеъмоли товарларининг сифат кўрсаткичлари, ташки кўриниши, умуман истеъмол хусусиятларига куйилган талабларни кўрсатади.

3. *Қабул қилиш коидалари стандарти.* Бу стандартлар кўп холларда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқишда, саклаш ва сотишда кулланилади. Бу стандартларда озик-овкат маҳсулотларидан текшириш учун намуна олиш усуллари, қабул қилиш коидалари ва шартлари кўрсатилган бўлади.

4. *Текшириш усуллари стандарти.* Халқ истеъмоли товарлари учун кулланиладиган бундай стандартларда уларнинг сифатини текширишнинг умумий коидалари, сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари кўрсатилган бўлади. Баъзан бундай стандартлар озик-овкат маҳсулотларининг сифатини белгилайдиган кўрсаткичга алоҳида-алоҳида яратилади. Умуман халқ истеъмоли товарларининг сифат кўрсаткичларини, кимёвий таркибини аниқлашда бу турдаги давлат стандартларининг роли жуда каттадир.

5. *Тамгалаш, ураш, жойлаш, ташиш ва саклаш коидалари стандарти.* Бундай стандартларда эса халқ истеъмоли товарларини аҳолига сифатли ҳолда етказиб бериш учун уларни тамгалаш, ураш, жойлашга куйиладиган талаблар, саклаш ва ташиши коидалари ҳамда саклаш муддатлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Давлат стандарти (Узгосстандарт) томонидан стандартлаш меъёрлари, коидалари ва техник иқтисодий хабарлар қайта ишланади ва тартибга солинади.

Халқаро стандартлар ва чет давлатлар миллий стандартлари, халқаро меъёр ва коидалари Ўзбекистон Республикаси иштирокида шартнома билан узгартирилиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ҳимоялаш учун Ўзбекистон Республикаси стандарти талаблири урнатилади. Стандартлар тегишли органлар томонидан бепул давлат рўйхатидан ўтказилади. (Узгосстандарт, Минздрав).

Четдан келтирилиши мумкин маҳсулотлар агар махсус органлар томонидан тасдиқланган ва рўйхатдан утмаган булса, уни олиб қўйиш ва фойдаланиш мумкин эмас.

Узгосстандарт, Госкомприрода, Госкомархитетстрой ва Минздрав ва уларнинг тегишли фойларигаги органлари томонидан стандарт талаблари назорат килиб турилади.

Ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган маҳсулотлар стандартга мос келиши давлат инспекцияси томонидан текширилади, агар мос келмаса ишлаб чиқариш ва телтириш таъкиклаб кўйилади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Стандартлаштиришга таъриф беринг?
2. Стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни қайси давлат органлари амалга оширади?
4. Стандартлаштириш тамойилларини санаб беринг?
5. Стандарт қандай турларга бўлинади?
6. Стандарт турларини изоҳлаб беринг?

13-МАЪРУЗА. СТАНДАРТНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТИЗИМИ

1. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, ва метрология тўғрисидаги қонунчилик

2. Давлат назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3. Стандартлаштиришнинг молиявий таъминоти ва рағбатлантириш

Таянч иборалар: стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тўғрисидаги қонунчилик, моддалар, бўлимлар, боблар, муқаддима, давлат назорати органлари, инспекторлар, мажбурий

талаблар, стандартлаштиришнинг молиявий таъминоти, стандартлаштиришни рағбатлантириш.

1. Стандартлаштириш, стертификатлаштириш ва метрология тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуни 28 декабрь 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- I бўлим. Умумий қоидалар
- II бўлим. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар
- III бўлим. Стандартлар устидан давлат назорати
- IV бўлим. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти.

Мазкур бўлимлар 12 та моддадан иборат

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонуни 28 декабрь 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Муқаддима
- I боб. Умумий қоидалар (1-6-моддалар)
- II боб. Сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар (7-9-моддалар)
- III боб. Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш (10-19-моддалар)
- IV боб. Низоларни қараб чиқиш. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик (20-23-моддалар)

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар, хизматлар ва бошқа объектларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек сертификатлаштириш иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги Қонуни 28 декабрь 1993 йилда қабул қилинган бўлиб, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- I бўлим. Умумий қоидалар (1-4-моддалар)
- II бўлим. Физик ўлчам бирликлари, уларни қайта ҳосил қилиш ва қўллаш (5-8-моддалар)
- III бўлим. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари (9-11-моддалар)
- IV бўлим. Давлат метрология текшируви ва назорати (12-19-моддалар)
- V бўлим. Метрология ишларини молиявий таъминлаш (20-21-моддалар)

2. Давлат назорати органлари, инспекторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Хўжалик фаолияти субъектлари томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек бошқа махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулот, шу жумладан, сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат стандартининг назорати объекти бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига белгиланган тартибда кириш;

- хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

- давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;

– стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (таҳлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади;

– маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

– хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича бош давлат инспекторлари бундан ташқари, қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

– стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

– стандартлар бузилишида айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;

– текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) таъқиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

– текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Жарима солиш суд томонидан, хўжалик фаолияти субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Қонун ва қоидалар бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

3. Стандартлаштиришнинг молиявий таъминоти ва рағбатлантириш

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларга қуйидагилар киради:

– халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умумтехник мажмуаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;

– техник-иқтисодий ахборот классификаторларини ишлаб чиқиш, улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;

– стандартлаштириш бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни олиб бориш;

– стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;

– стандартлар фондини, техник-иқтисодий ахборотлар классификаторларини, халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш ҳамда юритиш;

– стандартлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган бошқа ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник-иқтисодий ахборот классификаторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиқлик белгиси

билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр қилинган (қайта нашр этилган) каталогини сотишдан белгиланган тартибда олинадиган маблағлар, шунингдек ушбу Қонун қоидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлланадиган қисми ҳам стандартлаштириш, стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин.

Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминланадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини кафолатлайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва маҳсулотларни стандартларга мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Сертификатлаштириш тўғрисида”ги ва “Метрология тўғрисида”ги Қонунлар қачон қабул қилинган?

2. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонун бўлимларини санаб беринг?

3. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Сертификатлаштириш тўғрисида”ги ва “Метрология тўғрисида”ги Қонунларнинг мазмунини ёритиб беринг?

4. Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соасидаги давлат назорати органларига қайсилар киради?

5. Давлат назорат инспекторлари кимлар?

6. Давлат назорат инспекторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нималар киради?

7. Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларни санаб беринг?

8. Стандартлаштириш ишлари кимнинг назоратида ва унинг молиявий таъминоти манбааси нима?

14-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШДА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

- 1. Техник жиҳатдан тартибга солишининг умумий қоидалари**
- 2. Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**
- 3. Техник регламентлар**
- 4. Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури**

***Таянч сўзлар:** техник жиҳатдан тартибга солиш, ҳавфсизлик, норматив ҳужжатлар, техник регламент, умумий ва махсус техник регламент, савдодаги техник тўсиқлар, принциплар, давлат тизими, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, давлат органлари, ветеринария-санитария ва фитосанитария, дастур.*

1. Техник жиҳатдан тартибга солишининг умумий қоидалари

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг мақсади маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Асосий тушунчалар:

– **техник жиҳатдан тартибга солиш** - маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

– **маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги** - маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;

– **техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар** - техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария,

фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

– **техник регламент** - техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

– **умумий техник регламент** - техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

– **маҳсус техник регламент** - техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим тўрининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

– **савдодаги техник тўсиқлар** - маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– инсон ҳаёти ва соғлиғи, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

– атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

– савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш;

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш.

Техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

– техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги;

– техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги;

– техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

– техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги.

2. Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

– техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимида кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

– техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимида кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;

– техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди;

– умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

– давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

– умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;

– давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказди;

– ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

- умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

- техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;
- умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказиши;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиши;

– умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

– махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;

– умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

– техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;

– умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

– умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузади;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиришда иштирок этади;

– умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўзлари тасдиқлаган махсус техник регламентларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондига белгиланган тартибда тақдим этади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар тарқатилмаслиги керак.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

– амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

– Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

– ишлаб чиқиладиган, қабул қилинган техник регламентларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

3. Техник регламентлар

Ўзбекистон Республикасида техник регламентларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

- умумий техник регламентлар;
- махсус техник регламентлар.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар қуйидагилар бўйича белгиланиши мумкин:

- биологик хавфсизлик;
- механик хавфсизлик;
- кимёвий хавфсизлик;
- ядровий ва радиациявий хавфсизлик;
- ёнғин хавфсизлиги;
- электр хавфсизлиги;
- машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;
- электромагнит мослиги;
- қурилиш ишлари хавфсизлиги;
- бинолар, иншоотлардан ва уларга туташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;
- экологик хавфсизлик;
- ветеринария хавфсизлиги;
- саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;
- портлаш хавфсизлиги;
- ахборот хавфсизлиги;
- ўлчовларнинг ва синовлар усуллари билан бир хиллигини таъминлаш.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Техник регламентлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги тавсифлари;
- хавфсизлик талаблари белгиланаётган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати;

– атамаларга, ўров-идишга, тамғаларга ёки ёрлиқларга ҳамда уларни акс эттириш қоидаларига ва маҳсулотни идентификация қилишга доир талаблар;

– маҳсулотлар намуналарини олиш ва уларни синовдан ўтказиш қоидалари;

– давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синовлар, ўлчовлар қоидалари ва усуллари.

Зарарли микроорганизмлар ва қўшимчалар, касалликлар, касаллик тарқатувчилар, ифлослантирувчи моддалар, токсинлар, зараркунандалар ва бегона ўсимликлар кириб келиши ёки тарқалиши муносабати билан юзага келадиган инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфи даражаси ҳамда зарарни бартараф этиш ҳисобга олинган ҳолда техник регламентларда санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари ҳам кўрсатилиши керак.

Санитария, ветеринария-санитария ва фитосанитария чора-тадбирларида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

– маҳсулотга, уни синаш, текшириш тартиб-таомилига, санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария хулосасини бериш тартибига доир мажбурий талаблар;

– карантин ва ветеринария-санитария қоидалари, шу жумладан, ҳайвонлар ва ўсимликларни ташиш билан боғлиқ талаблар;

– намуналар олиш усуллари ва тартиб-таомили, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфини тадқиқ этиш ҳамда баҳолаш усуллари, шунингдек техник регламентларда кўрсатилган бошқа талаблар.

Техник регламентларда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар бўлмаслиги лозим, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши хавфи даражаси ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотнинг конструкциясига ва бажарилишига доир талаблар йўқлиги сабабли маҳсулот хавфсизлиги таъминланмаслиги ҳоллари бундан мустасно.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан узоқ муддат фойдаланилиши оқибатида ва (ёки) йўл қўйиладиган хавф даражасини аниқлаш имкониятини бермайдиган бошқа омиллар таъсири сабабли инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказадиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир талаблар техник регламентларда бўлмаслиги керак. Бунда техник регламентларда эҳтимол тутилган зарар тўғрисида ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилиши хавфи қайси

омилларга боғлиқ бўлса, шу омиллар ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилишга доир талаблар бўлиши мумкин.

Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир қуйидаги махсус талаблар бўлиши мумкин:

– қонун ҳужжатларида белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлайдиган махсус талаблар;

– техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига таҳдид солувчи трансчегаравий хавфли ишлаб чиқариш объектларига оид махсус талаблар.

Давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган техник регламентлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Техник регламентлар тугал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилади ҳамда уларга фақат белгиланган тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

4. Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органларининг ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасидаги таклифлари инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда эълон қилинади.

Техник регламентлар техник регламентларни ишлаб чиқишнинг тасдиқланадиган дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар белгиланган тартибда:

– техник регламентлар ишлаб чиқилиши ҳақидаги хабарларни эълон қилади;

– техник жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг гуруҳлари ҳамда турларини белгилайди;

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланадиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усулларини белгилайди;

– ишлаб чиқилган техник регламентларни келишиб олади;

– ишлаб чиқилган техник регламентлардан фойдаланиш эркинлигини таъминлайди.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчилар ишлаб чиқилган техник регламентлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида уларнинг муҳокама қилинишини таъминлайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси олинганидан кейин умумий техник регламентларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда юборади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентлар экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига улар фаолиятининг йўналиши бўйича топширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли эксперт комиссиясининг хулосаси асосида махсус техник регламентларни тасдиқлайди.

Тасдиқланган умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади.

Умумий ва махсус техник регламентларни эълон қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқишда маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлик мезонларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

Техник регламентларда далилий база сифатида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилади.

Техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Техник регламентлар амалга киритилгач, стандартлаштириш бўйича уларда кўрсатилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга доир илгари қабул қилинган тегишли норматив ҳужжатлар мажбурийлик

хусусиятини йўқотади ҳамда белгиланган тартибда қўлланилишда ихтиёрийлик касб этади.

Техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назорати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш республика бюджети ва юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар молиялаштирилади:

- умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш;
- умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондидан юритиш;
- техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлардаги аъзолиги билан боғлиқ харажатлар.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10-жадвал

2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш ДАСТУРИ

I. Умумий техник регламентлар

II. Махсус техник регламентлар

T/p	Техник регламентнинг номи	Нормалаш объектлари	Ишлаб чиқувчилар ва биргаликда ишлаб чиқувчилар	Ишлаб чиқиш муддати
I. УМУМИЙ ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТЛАР				
1.	Фойдаланиш шартлари бўйича автотранспорт воситалари конструкцияларининг хавфсизлиги тўғрисида	Автотранспорт воситалари	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзавтосаноат" АҚ, "Ўзстандарт" агентлиги	2010 йил IV чорак
2.	Электромагнит мослик тўғрисида	Радиотехник, электрон ва электротехник воситаларнинг	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2010-2011 йиллар

		электромагнит нурланиши		
3.	Сиқилган табиий газда ва суюлтирилган нефть газларида ишлаш учун қайта жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида	Автотранспорт воситалари	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзавтосаноат" АҚ, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил
4.	Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Ўқувчилар дафтарлари ва қалин дафтарлар, кундаликлар, расм дафтарлари	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил
5.	Спорт жиҳозлари ва анжомларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари	Спорт жиҳозлари ва анжомлари	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил
6.	Саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият кўрсатадиган ташкилотлар учун саноат хавфсизлиги умумий қоидалари	Хавфли ишлаб чиқариш объектлари	"Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, "Ўзстандарт" агентлиги (ЎЗР ВМ 17.12.2010 й. 301-сон Қарори таҳриридаги устун)	2011 йил
7.	Ўқув биноларининг хавфсизлиги тўғрисида	Аудиториялар, лаборатория хоналари, ўқув устахоналари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат техника университети, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил
8.	Телекоммуникациялар жиҳозларига қўйиладиган талаблар	Телекоммуникациялар ва алоқа кабелнинг техник воситалари, ахборот технологиялари жиҳозлари, тармоқни бошқариш тизимлари жиҳозлари, электр билан таъминлаш ва иқлим назорати воситалари, терминал қурилмалари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011-2012 йиллар
9.	Техник фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида	Темир йўл транспорти	Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, "Ўзстандарт" агентлиги	2010-2011 йиллар
10.	Шиша идишлар хавфсизлиги тўғрисида	Суюқ овқатлар учун шиша идишлар, банка, озиқ-овқат	"Ўзқурилишматериаллари" АҚ ("Янги	2012 йил

		маҳсулотлари учун шиша банкалар, маиший кимё товарлари учун банкалар ва бутилкалар	технологиялар" МЧЖ), "Ўзстандарт" агентлиги	
11.	Ўқув жиҳозлари ва анжомлари хавфсизлиги тўғрисида	Ўқув жиҳозлари ва анжомлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат техника университети	2012 йил
12.	Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида	Дон, ун, ёрма, кепак	"Ўздонмаҳсулот" АК, "Ўзстандарт" агентлиги	2012 йил
13.	Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида	Сут ва сут маҳсулотлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси, "Ўзстандарт" агентлиги	2012 йил
14.	Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси, "Ўзстандарт" агентлиги	2012 йил
15.	Ветеринария препаратлари хавфсизлиги тўғрисида	Ветеринария препаратлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2012 йил
16.	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиб хавфсизлиги тўғрисида	Ҳаракатланадиган темир йўл таркиби	"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил
17.	Темир йўл транспорти инфратузилмаси хавфсизлиги тўғрисида	Темир йўл транспорти инфратузилмаси	"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил
II. МАХСУС ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТЛАР				
18.	Госсипол смоласи хавфсизлиги талаблари	Госсипол смоласи	"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ёғтахлилсервис" МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2010 йил IV чорак
19.	Ҳарбий хизматчилар учун устки кийим хавфсизлиги тўғрисида	Ҳарбий хизматчилар учун устки кийим	Мудофаа вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил
20.	Ҳарбий хизматчилар учун пойабзал хавфсизлиги тўғрисида	Ҳарбий хизматчилар учун пойабзал	Мудофаа вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011 йил

21.	Очиқ калитлар инфратузилмасига қўйиладиган талаблар	Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари, электрон рақамли имзолар алгоритмларини қўллаш, электрон рақамли имзолар воситалари, электрон рақамли имзолар очиқ калитлари сертификатлари ва чақириб олинган сертификатлар рўйхати, электрон рақамли имзоларни шакллантириш ва текшириш, очиқ калитлар инфратузилмаси элементларининг ўзаро алоқаси	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2011-2012 йиллар
22.	Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар	Почта алоқаси воситалари, Почта алоқаси хизматлари	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2012-2013 йиллар
23.	Алкоголли маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида	Озиқ-овқат спирти, хом спирт, коньяк ва кальвадос спирт, вино материаллари, ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари, бальзамлар, вино-узум ва мева-резаворлар виноси, коньяклар (брендилар) коньяк ичимликлари ва кальвадослар, вижилловчи ва газли шампан винолари, кучсиз ва ўткир спиртли ичимликлар, вино ичимликлари	"Ўзвинсаноат-холдинг" холдинг компанияси (Марказий назорат лабораторияси, "Шаробсоз" ижодий маркази) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2012 йил
24.	Ўсимлик ёғларининг хавфсизлиги тўғрисида	Чигит, махсар, кунгабоқар, соя ва данак ёғи	"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ёғтахлилсервис" МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил

25.	Мойли уруғлар тахтакунжараси хавфсизлиги тўғрисида	Чигит, махсар, кунгабоқар, соя, данак тахтакунжараси	"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ёғтаҳлилсервис" МЧЖ, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил
26.	Маргариннинг хавфсизлиги тўғрисида	Маргарин	"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ёғтаҳлилсервис" МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил
27.	Майонезлар хавфсизлиги тўғрисида	Майонезлар	"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ёғтаҳлилсервис" МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги	2013 йил

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг мақсади нима?
2. Техник жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ қандай атамаларни биласиз?
3. Техник регламент нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
4. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг қандай принциплари мавжуд?
5. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қайси органлар ташкил этади?
6. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат органларининг мажбуриятларини санаб беринг?
7. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг давлат тизимини нималар ташкил этади?
8. Техник регламентларда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлашга доир талабларга нималар киради?
9. Техник регламентлар ўз ичига нималарни олади?

15-МАЪРУЗА. МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ РЕЖА

1. Метрология тўғрисида тушунча ва унинг мазмуни
2. Метрология соҳасидаги ягона ўлчов тизими
3. Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш
4. Давлат метрология текшируви, назорати ва молиявий таъминоти

Таянч сўзлар: метрология, ягона ўлчов бирлиги, ўлчов воситаси, бирлик эталони, давлат эталони, метрологик хизмат, давлат метрология назорати, ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш, ўлчов воситаларини калибрлаш, метрологик аттестация қилиш, аккредитация қилиш, метрологик таъминот.

1. Метрология тўғрисида тушунча ва унинг мазмуни

Метрология фанини ўрганиш дастлаб қуйидаги тушунчаларни ўрганишни талаб қилади:

– **"метрология"** - ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан;

– **"ягона ўлчов бирлиги"** - ўлчовларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчов ҳолати;

– **"ўлчов воситаси"** - ўлчовлар учун фойдаланиладиган ва нормаланган метрологик хусусиятга эга бўлган техника воситаси;

– **"бирлик эталони"** - физик ўлчам бирлигини бошқа ўлчов воситаларига ўтказиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган ўлчов воситаси;

– **"давлат эталони"** - ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчов бирлигининг ўлчами сифатида эътироф этилган эталон;

– **"метрологик хизмати"** - давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

– **"давлат метрология назорати"** - метрология қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида давлат метрология хизмати органлари амалга оширадиган фаолият;

– **"ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш"** - ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати органлари (ваколат берилган бошқа органлар, ташкилотлар) томонидан бажариладиган операциялар мажмуи;

– **"ўлчов воситаларини калибрлаш"** - метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;

– **"ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш"** - ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб кириладиган) ўлчов воситаларининг хоссаларини синчиклаб тадқиқ этиш асосида улар қўлланиш учун

ҳаққоний эканлигининг метрология хизмати томонидан эътироф этилиши;

– **"метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш"** - ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш ишларини аккредитация қилишни белгиланган соҳада ўтказишга метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

– **"ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун юридик шахслар метрология хизматини аккредитация қилиш"** - юридик шахслар метрология хизматининг белгиланган соҳада ўлчов воситаларини калибрлашдан ўтказишга ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

– **"ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш"** - ўлчовларни бажариш услубиётининг унга қўйилган метрология талабларига мослигини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш;

– **"ўлчовларнинг бажарилиш услубиёти"** - операциялар ва қоидалар мажмуи бўлиб, уларнинг бажарилиши хатолари маълум бўлган ўлчов натижалари олишни таъминлайди;

Метрологик таъминот — ўлчаш маълумотини олиш ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий чора тадбирлар мажмуасидир.

Маҳсулот сифати метрологик таъминотига хос масалалар сонига:

– ўлчаш, синаш, назорат қилиш пайтида баҳоланиши керак бўлган тавсифларни танлаш;

– ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини режалаш, ўлчаш, синаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестациялаш;

– ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини тегиши ўлчаш воситалари билан таъминлаш;

– ўлчаш воситаларини метрологик тўғри ҳолатда ушлаб туриш;

– ўлчаш, синаш ва назорат қилиш жараёнларини бажариш ва натижаларини ишлаш;

– ўлчаш, синаш ва назорат натижаларини олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш;

– корхонадаги метрологик таъминот замонавий техник даражали ва юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга мослигини аниқлаш мақсадида лойиҳа, конструкторлик ва технологик ҳужжатларни метрологик экспертизасидан ўтказишлар киради.

Метрологик экспертиза пайтида қуйидаги асосий масалалар кўрилади:

- назорат пайтида ўлчанадиган тавсифлар номенклатурасини аниқлаш;
- танланган тавсифларнинг оптимал (зарурий) аниқлигини жорий қилиш;
- ўлчаш воситалари танланиши тўғрилигини баҳолаш ва ўлчаш услубиятларига бўлган талаблар тўғрилигини аниқлаш;
- унификация қилинган ва автоматлаштирилган ўлчаш воситалари қўлланганда ўлчашнинг берилган аниқлигини таъминлаш;
- ўлчаш натижаларини ишлаш усулларини аниқлаш, ўлчам бирликлари тўғри қўлланганлигини аниқлаш;
- маҳсулотни назорат қилишга яроқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни тавсифларини ўлчаш имкони борлигини таҳлилдан ўтказиш.

Метрологик экспертиза конструкторлик хужжатларни ишлаб чиқиш ва технологик жараёни тайёрлаш босқичларида метрологик хатоларни бартараф қилишга имкон беради. Агар бу хатолар ўтиб кетса ва айтиб ўтилган хужжатларга кириб қолса, ўлчаш ва назорат қилишдаги хатоликлардан иқтисодий талафотлар ва йўқотишлар пайдо бўлиши эҳтимоли ошади.

2. Метрология соҳасидаги ягона ўлчов тизими

Метрология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорликдек халқаро савдога кўмаклашади. Ҳамкорлик натижасида ўзаро ҳамжиҳатликни кафолатлайдиган ўлчашларга ягона ёндашиш бунёд қилинади, ўлчаш усуллари ва воситаларини бир хиллаштириш ва стандартлаштириш амалга оширилади, маҳсулотни ўлчаш, синаш ва назорат қилиш натижаларини ўзаро тан олиш имкони пайдо бўлади.

Замонавий эталон мажмуаларини яратиш ва уларни сақлаш техникавий мураккаб ва иқтисодий жиҳатдан қиммат масала бўлганлиги ҳам метрология соҳасидаги кенг халқаро кооперацияни талаб қилади. Шунинг учун бу масалани халқаро ҳамкорлик асосида ечиш мақсадга мувофиқдир.

Ягона ўлчов тизими – бу ўлчовнинг шундай ҳолатики, бирликлар албатта қонунлаштирилган ва халқаро бирликларда ўз ифодасини топган бўлиши керакдир. Ҳар бир ўлчов эталон намуналарида кўрсатилган бирликларда ва ўлчов ўлчов орасидаги хатолик кўрсатилган даражадан ошмаслиги лозим бўлади.

Ягона ўлчов тизими тўрт асосий принципга асосланган бўлади:

- 1.** Натижа кўрсатилган бирликда бўлиши;
- 2.** Ўлчов бирлиги, ўлчов воситаси, унинг кўрсаткичлари эталон кўрсаткичлари билан бир хил бўлиши лозим;

3. Ўлчашдан ўртача хатолик аниқ бўлиши лозим;

4. Ўлчашдаги хатолик ўрнатилган даражадан ортмаслиги зарур.


Юқорида тўрт асосий принципларга амал қилмай ягона ўлчов шартларини бажариб бўлмайди.

Ягона ўлчов системасини жорий этишда халқаро ИСО – тизими бўйича 9000 – сериялари талабига жавоб бериши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ягона ўлчов тизимини жорий этиш бўйича халқаро ўлчов тизими (СИ) жорий этилган.

Халқаро меқиёсда ягона ўлчов тизими “тош-торози ва ўлчовлар”га бағишланган 1961 октябр ойидаги XI – халқаро конференцияда қабул қилинади. Халқаро СИ тизими еттита асосий бирликни қабул қилган. Улар: метр, килограмм, секунд, ампер, кельвин, моль, кандела.

Барча ўлчов воситалари унификацияланган бирликда бўлиб кераклик стандарт талабларига жавоб берадилар. Ҳар бир ўлчов натижаси юқори аниқликда бўлиши талаб қилинади ва улар эталонга мос равишда кўрсаткичлар кетма-кетлигини аниқ қайтара олиши лозим.



26-расм. Эталонлар классификацияси

Расмда эталонлар классификацияси келтирилган бўлиб барча эталонлар фақат давлат эталонлари бўлиб хизмат қилади. Бирламчи эталон давлат эталони бўлиб ҳисобланади ва юқори аниқликдаги натижаларга асосланган. Иккиламчи эталон ташкилот ва корхоналар учун назорат эталони бўлиб хизмат қилади. Таққослаш эталонлари маҳсулотларни эталон билан таққослаш лозим бўлса дастлабки эталонни келтириш, ташиш каби муаммолари бўлган вақтда ишлатилади.

Ишчи эталонлар зарурият туғилган ҳолда 1 – 2 – 3 – 4 – разрядларга ажратилади. Ишчи эталонлар бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида ва махсус лабораторияларида ўрнатилган бўлиши мумкин. Ўлчовнинг аниқлик даражаси дастлабки эталондан фарқ қилмаслиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)нинг физик ўлчам бирликларини белгиланган тартибда қўллашга йўл қўйилади. Физик ўлчам бирликларининг номи, белгиси, уларни ёзиш ва қўллаш қоидалари "Ўзстандарт"нинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Халқаро ўлчамлар тизимига киритилмаган ўлчамларни қўллашга рухсат бериши мумкин.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида контракт шартларига мувофиқ физик ўлчамларнинг ўзга бирликлари ҳам ишлатилиши мумкин.

Физик ўлчамларнинг бирликлари эталонлар воситасида сақланади ва қайта тайёрланади.

Эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаш тартибини "Ўзстандарт" белгилайди.

Фойдаланишда бўлган ўлчов воситалари ўлчов натижаларининг қонунлаштирилган бирликларда белгилаб қўйилган аниқликда бўлишини таъминлаши ва қўллаш шартларига мос келиши лозим.

Техника воситаларини ўлчов воситаларига мансуб деб топиш мезонини "Ўзстандарт" белгилайди.

Ўлчовларни бажариш услубиётлари ўлчов натижаларининг хатоликларини баҳолашни ўз ичига олиши ва ўлчов ўтказишнинг мавжуд шароитларида белгилаб қўйилган аниқликни таъминлаши лозим. Ўлчовлар белгиланган тартибда аттестация қилинган ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўлчовларни бажариш услубиётларини ишлаб чиқиш ва метрологик аттестация қилиш тартибини "Ўзстандарт" белгилайди.

3. Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш

Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқаришни метрология бўйича миллий орган - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) амалга оширади. **"Ўзстандарт" ваколатига:**

– метрология соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, метрологияга оид фаолиятни минтақалараро ва тармоқлараро мувофиқлаштириш;

– миллий эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш қоидаларини белгилаш;

– ўлчов воситалари, усуллари ва натижаларига қўйиладиган умумий метрологик талабларни аниқлаш;

- давлат метрология текшируви ва назоратини амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан, давлатнинг бошқа бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш;
- метрология соҳасида илмий ва муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг метрология соҳасидаги халқаро шартномаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- метрология масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш тизими фаолият олиб бориши ва ривожланишини ҳамда унинг халқаро ўлчов тизими ва бошқа мамлакатларнинг ўлчовлар тизимлари билан уйғунлашувини таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини, фуқароларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини, атроф-муҳитни ҳамда давлат манфаатларини нотўғри ўлчов натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишни "Ўзстандарт" агентлиги амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари

Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топади.

"Ўзстандарт" бошчилик қиладиган давлат метрология хизматиغا Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари киради.

Давлат метрология хизмати органлари давлат метрология текшируви ва назоратини, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади.

Юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва бурчлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар билан белгиланади.

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви ва назорати метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланади:

- эталонлар;
- ўлчов воситалари;
- моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;
- ахборот-ўлчов тизимлари;
- ўлчовларни бажариш услубиётлари;
- метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати қуйидагиларга нисбатан тadbиқ этилади:

- соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;
- савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;
- заҳарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;
- давлат мудофаасини таъминлаш;
- меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш;
- сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;
- геодезик ва гидрометеорологик ишлар;
- ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш;
- миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олиш.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам тadbиқ этилиши мумкин.

Давлат метрология текшируви қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- ўлчов воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;
- ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш;
- ўлчов воситаларини, шу жумладан, эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш;

– ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини синаш, текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчов воситаларини ва метрология фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш, уларнинг ижараси билан шуғулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш;

– ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш.

Давлат метрология назорати қуйидагилар устидан амалга оширилади:

– ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини қўшган ҳолда);

– ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг қўлланилиши;

– белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари.

Кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг тўрини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, тўрини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни "Ўзстандарт" амалга оширади.

Тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати "Ўзстандарт" томонидан тасдиқланади.

Юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрологик хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

Бошқа соҳаларда қўлланиладиган ва мажбурий текширувдан ўтказилмайдиган ўлчов воситалари уларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлатиш, ижарага бериш, таъмирлашда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда калибрлашдан ўтказилиши мумкин.

Ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматларига берилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг метрология хизматларини ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун аккредитация қилиш тартиби ва калибрлашни ўтказиш тартиби "Ўзстандарт" томонидан белгиланади".

Юқорида кўрсатилган доирада қўлланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларнинг ижараси билан шуғулланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган лицензия асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади

Норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш, кўрсатилган доирада қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш, калибрлаш, таъмирлаш, синаш, метрологик аттестация қилишни амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларни аккредитация қилиш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу қоидалар, шунингдек метрология нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, давлат бошқарув органлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат томонидан қўйидагилар давлат томонидан молиявий таъминланиши шарт:

- метрологияни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш;
- метрология соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;
- метрология бўйича халқаро, минтақавий ташкилотларнинг ишида қатнашиш ва метрология бўйича чет эл миллий хизматлари билан ишлар бажариш;
- метрология бўйича халқаро, минтақавий нормалар ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда қатнашиш;
- метрология соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- метрология бўйича умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ўзга ишларни ўтказиш;

– ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлашга доир "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– физик ўлчам birlikларининг эталонларини ва ўта аниқ намунавий ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, яшаш, сақлаш, қўллаш, сотиб олиш ва асраш, шунингдек уларнинг халқаро даражада солиштирилишини таъминлаш;

– моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, шунингдек моддалар ва материалларнинг физик константалари ҳамда хоссаларига оид стандарт справка маълумотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат тизимларини ривожлантиришга доир ишлар.

Ўлчов воситаларини синаш, текширувдан ўтказиш, ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини аттестация қилиш, норматив ва техник ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш, техник жиҳатдан асослилиги ҳамда белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини баҳолаш, ўлчовларнинг бажарилиш сифатини баҳолаш бўйича юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатилаётган метрология ишлари ва хизматлари учун, шунингдек метрология фаолиятининг давлат томонидан молиялаштириш соҳасига кирмайдиган турлари учун манфаатдор шахслар томонидан ҳақ тузиладиган шартномаларнинг шартларига мувофиқ тўланади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Метрология фанини ўрганишда қандай атамалардан фойдаланилади?
- 2.** Маҳсулот сифатида метрологик таъминотга хос масалалар сонига нималар киради?
- 3.** Метрологик экспертизада қандай масалалар кўрилади?
- 4.** Метрология соҳасидаги ягона ўлчов тизими қандай тартибда амалга оширилади?
- 5.** Ягона ўлчов тизимининг принципларини сўзлаб беринг?
- 6.** Эталонлар классификациясини санаб беринг?
- 7.** Метрология соҳасига оид давлат сиёсатини ёритиб беринг?
- 8.** Ўзбекистон Республикаси метрология хизматлари соҳасига нималар киради?
- 9.** Ўзбекистон Республикаси метрология соҳасининг молиявий таъминоти қандай тартибда амалга оширилади?

16-МАЪРУЗА. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ

РЕЖА

1.Стандартлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни тарихий ривожланиши

2.Халқаро стандартлаштириш бўйича миллий ассоциациялар федерацияси

3.Халқаро стандартлаш ташкилоти

4.Халқаро ҳамкорлик бўйича шартнома ва келишувлар

Таянч сўзлар: стандартлаш, халқаро ҳамкорлик, Лондон, ISO, халқаро стандартлаштириш ташкилоти, халқаро стандартлаш бўйича миллий ассоциациялар, ЕЭС, давлат ҳавфсизлиги, минтақавий стандартлар, миллий ва тармоқ стандартлари, умумийлашган стандарт, БМТ, КАСКО, КАПОЛКО, ПЛАКО, СТАКО, СЕРТИКО, ДЕВКО, ИНФКО, РЕМКО, ИСКО.

1.Стандартлаш бўйича халқаро ҳамкорликни тарихий ривожланиш

1946 йил 14 октябрда Лондонда янги халқаро ташкилотлар конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 24 давлатдан ва БМТнинг Стандартлаш масалалари бўйича координацион қўмитасидан вакиллари иштирок этишди. Бу конференцияда Стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот ISO тузилди.Ташкилотнинг устави қонуни ва ҳуқуқлари қабул қилинди. 1947 йил 23 февралда стандартлаш бўйича 15 та миллий ташкилот бу қонунларни тасдиқлади ва шу кундан эътиборан Стандартлаш бўйича халқаро ташкилот ўз фаолиятини бошлади. Бу ташкилотни Бош Ассамблея бошқаради. Ташкилотнинг бошида Президент туради. Ҳар уч йилда қайта сайлади.

Ташкилотнинг амалий ишларини шу ташкилотнинг Кенгаши олиб боради. Бу Кенгаш 18 давлат аъзоларидан таркиб топган. Ташкилот уставининг асосий мақсади халқаро товар айрибошлаш ва ўзаро ёрдамни таъминлаш учун жаҳон талабларига мос келадиган стандартни ривожлантиришдир. Шу билан биргаликда, илмий, техник ва иқтисодий фаолият борасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ўз ичига олади.

2. Халқаро стандартлаштириш бўйича миллий ассоциациялар федерацияси

Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда сифат бўйича илмий текшириш институти мавжуд.

Стандартлаштириш шу бугунги ҳолатда тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари орасидаги боғловчилардир. **ЕЭС** — ташкилоти стандартлаштириш ва сертификациялашга аҳамиятини кучайтириб, Европа бозорларига сифатсиз маҳсулотлар келтирмаслик ва жаҳон

бозорига сифатсиз маҳсулотларни чиқармасликни бажаради. Жаҳон миқёсида барча мамлакатлар маҳсулот, жараён ва "хизмат" соҳаларини сертификациялаштиради, яъни унинг меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлиги текширилади. Бу стандартлар жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиши керак. Бизга маълумки, стандартлаштиришнинг асосий вазифаси Давлат хавфсизлигини, маҳсулот хавфсизлигини, аҳолини саломатлигини, маҳсулот сифатини текширувчанлик ва алмашувчанлик ресурсини ҳисобга олиш, уни тежаш, илмий йўналишдаги технологияни ва ташкилий ишларни тўғри йўлга қўйишдан иборат. Юқоридаги маҳсулотларни ҳал қилишда Республикамизда стандартлаштириш техник қўмиталари стандартлаштиришнинг асосий вазифаларини бажариб, ихтиёрий йиғилган мутахассислар мажмуасидан иборат.

Техник мутахассислар тармоқлараро ёки давлатлараро стандартлаш ва сертификациялаш ишлари бўйича тузилади. Уларнинг вазифаси Давлат манфаати ва истеъмолчи эҳтиёжини кондириш, яъни янги меъёрий хужжатлар (МХ) яратиш ёки қайта куриб чиқиш, уларнинг халқаро меъёрий хужжатларга мувофиқлигини таъминлаш, стандартлаш бўйича режалар тузишдан иборат. Бозор иқтисодиети даврида стандартлаштириш ва сертификациялаштириш маҳсулот сифатини рақобатбардошлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Маҳсулот жараён ёки хизмат рақобатбардошлигини йўналишга ажратиш мумкин.

Меъёрий хужжат тифалари:

- Халқаро стандартлар. ХС ISO/МЭК
- Минтақавий стандартлар. ЕС
- Ўзбекистон Республикаси стандартлари.(ГОСТ)УзРСТ.
- Тармоқ стандарти. ОСТ.
- Техник шартлар. ТУ.
- Корхона стандарти.
- Бошқа меъёрий хужжатлар.

Меъёрий хужжат турлари:

- Умумийлашган стандарт.
- Ташкилий услубият.
- Умумий техникавий маҳсулот учун стандартлар.
- Назорати усуллари учун стандартлар.
- Жараён, иш ва хизматлар учун стандартлар.

3. Халқаро стандартлаш ташкилоти

БМТнинг Стандартлаш масалалари бўйича координацион Қўмитаси ва Стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот (Интернационал Организация по Стандартазации-ISO) аниқланган саволлар ва

таклифларни қайта ишлаш мақсадида Ташкилотда 7 та Қўмита (қўмита) иш олиб боради. Булар қуйидагилардир:

1. Мувофиқлик баҳоси қўмитаси (КАСКО)
 2. ИСОнинг истеъмолчи сиёсати қўмитаси (КАПОЛКО)
 3. Режалаштириш Қўмитаси (ПЛАКО)
 4. Стандартлаш тамойилларини ўрганиш бўйича Қўмита (СТАКО)
 5. Сертификатлаш бўйича Қўмита (СЕРТИКО)
 6. Ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш бўйича Қўмита (ДЕВКО)
 7. Илмий техник ахборотларни ўрганиш Қўмитаси (ИНФКО)
 8. Маълумот материаллари бўйича Қўмита (РЕМКО)
 9. Халқаро стандартларда товарлар таклифи бўйича Қўмита (ИСКО).
- Стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот (ISO) - стандартлаш бўйича халқаро илмий-техник ташкилотлардир, унинг таркибига 80 дан ортиқ давлатларнинг стандартлаш бўйича миллий ташкилотлари киради.

Электротехника, электроника ва алоқа бўйича халқаро ҳамкорликдаги илмий-техник ташкилот (МЭХ) тузилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятида халқаро стандартлаш асосий ўрин эгаллайди. ЎИЁК (СЭВ) нинг асосий мақсади ишлаб чиқаришда, ўзаро товар алмаштиришда фаолиятни кенгайтиришдан иборатдир. Стандартлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқаро илмий-техник ҳамкорликнинг асосий вазифаси бўлиб, хорижий мамлакатларнинг халқаро ҳудудий ва прогрессив илмий тизими билан стандартлашнинг давлат тизимини уйғонтириш ҳисобланади. Унинг мақсадлари:

- халқаро стандартлар, хорижий мамлакатларнинг ҳудудий ва илмий стандартлари ҳамда илмий-техник тараққиётда жаҳон ютуқларидан кенг кўламда ва максимал ҳолда фойдаланган ҳолда стандартлаш ва уларнинг оптимал фондини шакллантириш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг илмий техник даражасини ошириш;

- давлатимиз маҳсулотларининг сифати ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш;

- янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ва технологиялар (шу жумладан, икки томонлама ҳамкорлик асосида яратилган) га давлат стандартлари асосида халқаро стандартларни ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлигини меъёрий таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимоотида мамлакатимизнинг иштирок этишини яхшилаш;

- Халқаро ва ҳудудий стандартларни ишлаб чиқишда халқ хўжалиги манфаатларининг ҳимоя қилишни таъминлаш.

164
national
members

ISO стандартлаштириш ташкилоти 2012 йилда бир қатор ижобий натижаларга эришди. Хусусан, ташкилот бугунги кунда 164 та аъзоларга эга бўлиб, 2012 йилда 1280 та халқаро стандартлар ишлаб чиқди. Мазкур стандартларнинг умумий ҳажми 77326 бет инглиз ва француз тилларида нашр этилган.

2012 йилда лойиҳаларга доир ишлар:

- 1583 та янги лойиҳалар рўйхатдан ўтказилди.
- 4056 та Техник Қўмиталарнинг ишчи дастурларида ишчи мавзулар пайдо бўлди.

2012 йил 31 декабр ҳолатига стандартлаштириш ташкилоти томонидан 19573 та халқаро стандартлар ва бошқа турдаги ҳужжатлар чоп этилди. Бу инглиз ва француз тилларида 832685 вароқни ташкил этади. Мазкур ишлар 3368 та техник органлар иштирокида амалга оширилди. Улар ўз ичига 224 та техник Қўмиталарни, 513 та кичик қўмиталарни, 2544 та ишчи гуруҳларни, 87 та махсус ишчи гуруҳларни ва 154 нафар Женева Марказий Котибиятидаги хизматчиларни олади.

4. Халқаро ҳамкорлик бўйича шартнома ва келишувлар

Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий ташкилот сифатида халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.



-расм. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлари

- ISO - Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот
- OIML - Қонунчилик метрологияси халқаро ташкилоти
- EASC - Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича МДХ Давлатлараро кенгаши

– ILAC - Синов лабораторияларини аккредитациялаш бўйича халқаро кооперация (иштирокчи аъзо).

“Ўзстандарт” агентлиги қўйидаги хорижий давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади:

- МДХ давлатлари.
- Эрон Ислон Республикаси.
- Литва Республикаси.
- Туркия.
- Словакия Республикаси.
- Сингапур Республикаси.
- Миср Араб Республикаси.

Стандартлаш доирасида халқаро ҳамкорлик стандартлаш бўйича халқаро ва ҳудудий корхоналар йўналишини ҳамда хорижий мамлакатлари билан икки томонлама ёки ҳар томонлама асосда амалга оширилади.

Стандартлаш доирасида Халқаро ҳамкорлик иқтисодий ва илмий – техник ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қарорлар, Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар маҳкамаси ҳамда булар асосида тузилган шартномалар ва протоколлар асосида амалга оширилади.

Стандартлашда Халқаро ташкилотлар йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ҳамкорлиги бу ташкилотларнинг илмида ва биринчи навбатда халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни халқ хўжалигига қўллашни таъминлашда бевосита иштирок этишни ўз ичига олади.

Стандартлаш доирасида Халқаро ҳамкорлик бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасида ташкил этиш ва бажариш (ИСО), (МЭК) ва стандартлаш масалалари бўйича шуғулланадиган бошқа халқаро ташкилотларнинг услубий ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда Уздавстандарт белгиланган тартибда амалга оширилади

Илмий техника тараққиёти жадаллашиб бораётган ҳозирги замонда кўпгина иқтисодий муаммоларни бир мамлакат доирасида ҳал этиш жуда қийин. Мамлакатлараро ҳамкорликнинг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиши ва ривожланиши, ихтисослаштириш ва кооперация асосида халқаро меҳнат тақсимотининг вужудга келиши стандартлаш ишларини ривожлантиришда халқаро стандартлаш ташкилотларини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Юқорида қайд этилган барча ишларни халқаро стандартлаштириш ташкилотлари зиммасига юклатилади. Бу ишларни яхши йўлга қўйиш халқаро савдони ривожлантиришга, илмий-техника ва иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам беради.

Халқаро стандартлаш ишларининг бошланиши 1906 йилда ташкил этилган Халқаро электр техника комиссияси (МЭК) фаолияти билан

бошланади. Бу комиссия хозирги кунда ҳам халқаро бозорда сотиладиган товарларнинг электр хавфсизлиги бўйича стандартлар ишлаб чиқади.

Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари товар ва маҳсулотларни кодлаштиришда ҳам жуда муҳим ишларни амалга оширмоқдалар.

Товарларга бир неча рақамдан иборат бўлган шартли белги бериш жараёнига кодлаш деб аталади. Хозирда кўпгина мамлакатларда ҳамма товарларга ун рақамли кодлар берилмоқда. Товарларнинг туркумланиш тартибига асосан кодлаш тўққиз босқичдан иборат.

Биринчи босқич иккита рақам билан қолганлари биттадан рақам билан ифодаланади. Кодлашнинг дастлабки бешта босқичи туркумлаш қисми ва қолганлари эса ассортимент қисми дейилади. Товарнинг барча сифат ва морфологик (конструктив) кўрсаткичларини ўз ичига қамраб олган кодлар ишлаб чиқилгач электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида қандай хусусиятга эга товарлар тез ёки секин сотилишини йил мобайнида ўрганишга имкониятлар яратилади. Бу маълумотлар саноатга шартномаларни илмий равишда тузишга шароит яратиб беради. Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида товарларнинг сотилиш тезлигини ўрганиш учун уларнинг ёрлиқларига коддаги рақамлар майда чизиқ (штрих) шаклида кўчирилади. Ёрлиқда коддан ташқари товарнинг магазинга келган куни ва сотилган куни кўрсатилади. Хозирги вақтда Россия ва Финляндия мутахасислари билан биргаликда штрихли кодларни уқий оладиган машиналар ишлаб чиқишни узлаштирдилар. Бундай кодлар 13 чизиқдан иборат бўлиб, биринчи учта чизиқ мамлакатни ва қолган чизиқлар ишлаб чиқарувчи ташкилот ва товарнинг сифат белгилари тўғрисида маълумот берди. Чизиқлар оптик мослама ёрдамида рақам ва харфларга айлантирилади. Россия 1986 йилда чизиқли кодлаш жамиятига аъзо бўлиб кирди ва унга 460 дан 469 гача бўлган рақамлар ажратилган.

Халқаро стандартлаш ташкилоти ИСО/МЕК деб ҳам юритилади. ИСО бу халқаро стандартлаш ташкилотидир (интернатионал Стандардизатион Организатион).

Бундан ташқари бир қатор жаҳон стандартлаш ташкилотлари билан танишамиз:

- ЕН-европа нормаси.
- РСТ-россия стандарти.
- ФН-француз нормаси.
- ДИН-немис индустриал нормаси.
- АСТМ-АҚШ стандарти
- СЕН/СЕНЕЛЕС-европани нормаларини ишлаб чиқишда сертификатлаш бўйича европа Қўмитаси.
- Европа хамжамияти сифати бўйича европа ташкилоти-ЕОП.

– Сифатни бошқариш бўйича Европа фонди — ЕФУП. Европа сифат платформасини ташкил этади.(ЕСП)

– Франция ФН Франция нормалари сертификация ташкилотлари учун асосий ташкилот ҳисобланиб,шу асосида назорат ўтказилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25-30 фойиза эН билан баҳоланади.

– СОСФРАК-ташкilotи. Бу акредитация бўйича Қўмита. Давлат ҳисобидан маблаг билан таъминланади. Фаолияти мувофиқликни европа директивалари, ЕН га мувофиқлигини баҳолаш ва сертификацияланишда фойдаланишни назорат килади. Ихтиёрий сертификация ўтказиш бўйича ҳам шуғулланади.

– АФНОР-ташкilotи. Стандартлаштириш бўйича француз асоциацияси. Ташкилот вазифаси миллий стандартлаш ва серцификацилаш билан шуғулланади. Бозорда маҳсулот хавфсизлигини назорат килади. Францияда ихтиёрий сертификациялаштириш 70 % ни ташкил килади.

– Буюк Британия БН буюк британия УКАС-миллий стандартлаш уюшмаси.

– НАССБ- сенртификация бўйича ташкилотларни акредитатлаш миллий кенгаши. БИС — Британия стандартлаш институти.

– Германия ДИН. ДИН — немис индустриал нормалари. Бу ташкилот Германияда стандартлаш бўйича асосий ташкилот ҳисобланиб, маҳсулотлар учун меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва унинг таъминоти билан шуғулланади.

– СЕРТИСО-сертификатлаш ва сертификациялаш ташкилотларини аккредитация қилиш бўйича иш олиб боради ва Германияда ЕС стандартлаш бўйича фаолият кўрсатади.

Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб илмий текширпиш ишлари сафига киради. Стандартлашнинг асоси бўлиб унификациялаштириш (ихчамлаштириш) ва типларга ажратиш (типиклаштириш) ҳисобланади.

Стандартларда хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ишлов беришнинг илгор ва самарали усулларининг кўрсатилиши технологик талаблар тамойилида ўз ифодасини топади. Халқаро стандартлар ва меёрий техник хужжатларни ишшаб чиқиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1.Ташкилий ишлар ва техник топширикни тайёрлаш.

2.Лойиҳани ишлаб чиқиш ва тақризга жунатиш (халқаро стандартларни ишлаб чиқишда тақриз бир неча мамлакатлар мутахассисларидан таркиб топган махсус эксперт комиссияси тақриздан ўтиши зарур).

3.Тақризларни қайта ишлаш ва меъёрий техник хужжатларнинг сунги лойиҳасини ишлаб чиқиш.

4. Тайёрлаш, тегишли (манфаатдор) ташкилотлар билан келишиш ва тасдиқлаш.
5. Стандартларни рўйхатга олиш.
6. Нашр этиш, таъминлаш, стандартлар тўғрисида ахборот бериб туриш.
7. Халқаро шартномалар ва битимлар.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Стандартлаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
2. 1946 йил 14 октябрда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг мақсади нима эди?
3. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти нечанчи йилдан буён фаолиятини бошлаган?
4. ИСО ҳақида қўшимча нималарни биасиз?
5. Стандартлаштириш бўйича асосий меъёрларга мисоллар келтиринг?
6. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти қўмиталарини санаб беринг?
7. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти қўмиталарининг асосий фаолияти нималардан иборат?
8. 2012 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти қандай ютуқларга эришди?
9. Ўзбекистон Республикасини қайси стандарлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар билан шартнома ва келишувлари мавжуд?

17-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ РЕЖА

1. Маҳсулотни сертификатлаштириш ва унинг асосий тушунчалари
2. Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш
3. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Таянч сўзлар: сертификатлаштириш, сертификатлаштириш миллий тизими, мувофиқлик сертификати, мувофиқлик белгиси, синов лабораториялари, аккредитация қилиш, эксперт-аудитор, текширув органи, назорат, "Ўзстандарт" агентлиги, ихтиёрий ва мажбурий сертификатлаштириш, маҳсулот тўпи, гигиена сертификати, жавобгарлик, молиялаштириш, харажатлар.

1. Маҳсулотни сертификатлаштириш ва унинг асосий тушунчалари

Сертификатлаштиришга доир асосий тушунчалар қуйидагилардан иборат:

– **"сертификатлаштириш миллий тизими"** - давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;

– **"маҳсулотларни сертификатлаштириш"** (матнда бундан кейин "сертификатлаштириш" деб юритилади) - маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

– **"мувофиқлик сертификати"** - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

– **"мувофиқлик белгиси"** - муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

– **"бир турдаги маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими"** - айти бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими;

– **"синов лабораториясини аккредитация қилиш"** - синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовини ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи;

– **"сифат бўйича эксперт-аудитор"** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва текшириш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакаси бўлган мутахассис;

– **"сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи"** - белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатланган маҳсулот ва сифатни бошқариш тизимини баҳолашни сертификатлаштириш органлари топшириғига биноан амалга оширувчи орган;

– **"назорат йўсинидаги текширув"** - белгиланган талабларга мувофиқлигини сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш чоғида тасдиқлаш мақсадида сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимини ёки ишлаб чиқаришни, сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини такрорий баҳолаш таомили.

Сертификатлаштириш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

– одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

– маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;

– мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;

– истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

– маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Башарти, халқаро шартнома ёки битимда сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир.

"Ўзстандарт" агентлиги сертификатлаштиришга оид қўйидагиларни амалга оширади:

"Ўзстандарт" агентлигининг сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятини молиявий таъминлаш манбаи - давлат бюджети маблағи, шунингдек "Ўзстандарт" агентлиги кўрсатаётган хизмат учун олинадиган ҳақдан иборат.

Сертификатлаштириш органининг асосий йўналиши аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида, Республикадаги стратегик муҳит ахамиятга эга бўлган корхоналарда ишлаб чиқариладиган ва валюта шартномалари бўйича Республикага олиб келинадиган маҳсулотларни сертификатлаштиришдан иборат.

Сертификатлаштириш органи бўйича мутахассисларнинг асосий мақсади сертификатлаштиришга тақдим қилинган буюртма-аризаларни Ўзбекистон Республикаси "Миллий сертификатлаштириш тизими"даги амалда бўлган меъёрий ҳужжат талаблари асосида кўриб чиқиб сифатли бажаришга қаратилган. Сертификатлаштириш ишларини Ўзбекистон Республикаси "Миллий сертификатлаштириш тизими"даги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида сифатли бажариш учун идора томонидан Оъз Дст ИСО 9001 талаблари асосида сифат менежменти системаси ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, жорий қилинган.

Сертификатлаштириш органи ўз фаолияти йўналишида асосан қўйидагилар назарда тутилган:

- Юқори малакали мутахассислар билан таъминланиши;
- Сертификатлаштириш ишларини ўз муддатларида, юқори сифатли тарзда мақбул нархларда амалга ошириш;
- Сертификатлаштириш органи ахборотларни сир сақлаш, фэйрсизлик қоидаларига ва сертификатлаштириш натижаларини ҳаққонийлигини таъминлашда буюртмачиларга кафолат бериш;
- Буюртмачилар ва бошқа манфаатдор томонлар талабларини тўла қондириш мақсадида сифат менежменти тизимини доимий ривожлантириб бориш.

Сертификатлаштириш органи раҳбарияти доимий равишда сертификатлаштириш ишлари натижалари ва сифат соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш, ҳамда сифат тизимларини бошқариш бўйича масъул ҳисобланади.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар:

- бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини тузадилар ва уларнинг амал қилишини таъминлайдилар;
- сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;
- миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар;
- сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Синов лабораторияларини (марказларини) ва сертификатлаштириш органларини аккредитация қилиш билан боғлиқ сарф-харажатларни аризачи қоплайди.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгиланган тартибда аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов тўрини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

"Ўзстандарт" агентлиги ўз вазифаларининг бир қисмини бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органларига ва синов лабораторияларига (марказларига) ўтказишга ҳақлидир.

Маҳсулотлар (шу жумладан, дастурий ва бошқа илмий-техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари сертификатлаштириш объектлари ҳисобланади.

"Ўзстандарт" агентлигининг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек маҳсулоти сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир.

Сертификатлаштириш субъектлари - юридик шахслар сертификатлаштириш миллий тизими доирасида сертификатлаштириш тизимлари тузишлари мумкин. Юридик шахсларнинг сертификатлаштириш тизимлари "Ўзстандарт" агентлиги белгилаган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

2. Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва ҳажмлари "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини аризачи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома асосида сертификатлаштириш фаолиятини ҳамда сертификатлаштириш мақсадида синовлар ўтказиш фаолиятини амалга оширадilar.

Маҳсулотлар сертификатлаштирилаётганда аризачига сертификатни ёки мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи мувофиқлик сертификатини берган аккредитация қилинган тегишли сертификатлаштириш органи билан тузилган битим асосида берилади.

"Ўзстандарт" агентлиги тайёрловчиларни (ижрочиларни), сотувчиларни, истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор шахсларни

сертификатлаштиришнинг амалдаги тизимлари, уларнинг органлари, синов лабораториялари (марказлари), экспертлар тўғрисида, шунингдек мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари ва уларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор этиб боради.

Сертификатлаштириш органлари аризачига унинг талабига биноан маҳсулотни сертификатлаштириш учун керакли ахборотни беришлари шарт.

Аризачи сертификатлаштириш органининг талабига биноан сертификатлаштириш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиши шарт, тижорат сирини ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно.

Мажбурий сертификатлаштиришни ўтказиш ишларини ташкил этиш "Ўзстандарт" агентлиги зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш органларига (уларни албатта аккредитация қилган ҳолда) юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш ёки сақлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бўлмаган тақдирда "Ўзстандарт" агентлиги давлат бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда бундай талабномаларнинг кечиктирмай ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминлайди.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, маҳсулот хусусияти норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, назорат йўсинидаги текширувни ва сертификатланган маҳсулот устидан назоратни ўз ичига олади.

Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди.

Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификати эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қўйидаги ҳолларда реализация қилиш мумкин эмас:

- сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;
- сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;
- агар сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар):

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга тақдим этишлари;
- сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мос бўлишини таъминлашлари;
- сертификатланган маҳсулотни, башарти, у норматив ҳужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишни тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари;
- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун шароит яратишлари;
- сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгартишлар ҳақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда хабардор этишлари;

– илова қилинган техник ҳужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив ҳужжатларни кўрсатишлари ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини таъминлашлари шарт.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартида маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг "Ўзстандарт" агентлиги томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари

аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда "Ўзстандарт" агентлигини хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Маҳсулотларни узлуксиз ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш ишларини ўтказиш тартиби қуйидагилардан иборат:

- Мижоз ўрнатилган тартибда Сертификатлаштириш Органига буюртма-ариза тақдим қилади;
- Сертификатлаштириш Органи (СИ) аризани кўриб чиқиб қарор қабул қилади;
- С.И мутахассиси топширилган ҳужжатларни таҳлилини ўтказади;
- Ўрнатилган тартибда мутахассис миждоз иштрокида ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни сақлаш шароитлари ўрганиб чиқади;
- Технологик жараёнда қўлланиладиган ўлчов воситаларининг ҳолати кўздан кечирилади;
- Тайёр маҳсулотни тўпидан миждоз иштрокида М.Х талаблари мутахассис намуналар танлайди ва намуналар танлаш ва идентификация далолатномаси тузилади;
- Танланган намуналар синов лабораториясига топширилади;
- Мижоз ва С.И ўртасида ўтказиладиган сертификатлаштириш ишлари бўйича шартнома тузилади;
- Синовдан ўтказилган ва меёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотга, ишлаб чиқариш учун мувофиқлик серитфикати расмийлаштирилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўлови ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик серитфикати миждозга берилади.

Маҳсулотни тўпи бўйича сертификатлаштириш ишларини тартиби:

- Мижоз ўрнатилган тартибда декларация – ариза топширади;
- Сертификатлаштириш органи (СО) декларация аризани кўриб чиқиб қарор чиқаради;

- Ўрнатилган тартибда мутахассис идентификацияни ўтказиб маҳсулотни тўпидан мижозни иштрокида намуналар танлайди ва намуналар танлаш далолатномасини тузади
- Танланган намуналар синов лабораториясига топширилади;
- Мижоз ва С.О ўртасида ўтказиладиган сертификатлаштириш ишлари бўйича шартнома тузилади;
- Синовдан ўтказилган ва меёрий хужжатлар талабларига жавоб берган маҳсулотни тўпига мувофиқлик сертификат расмийлаштирилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўлови ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик сертификати мижозга берилади.

Маҳсулотни сертификатлаштириш учун тақдим этиладиган хужжатлар:

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив хужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- Маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарнинг илова хужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси.

Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш тартиби

- Мижоз ўрнатилган тартибда декларация – ариза топширади;
- Сертификатлаштириш органи (СО) декларация аризани кўриб чиқиб қарор чиқаради;
- Ўрнатилган тартибда СО мутахассиси мижоз иштрокида маҳсулотни тўпини идентификациясини ўтказади;
- Ўтказилган сертификатлаштириш ишлари учун мижозга тўлов шартномаси расмийлаштирилади;
- Олинган хужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида сертификатлаштириш органи чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (этмаслик) тўғрисида қарор қабул қилади;
- Сертификатлаштириш ишларини тўловини ўтказилгандан сўнг, мувофиқлик сертификатини мижозга берилади.

Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш учун тақдим этиладиган хужжатлар:

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив хужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- Маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган товарнинг илова хужжати (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси;

– Чет эл мувофиқлик сертификати (чиқарувчи, берган сертификатлаштириш органи ёки нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси).

Маҳсулотларни узлуксиз ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш учун буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар

- Буюртма – ариза;
- Сертификатлаштирилаётган маҳсулотга тегишли меъёрий ҳужжат нусхаси;
- Гигиена сертификати ва синов баёномалари нусхаси;
- Маҳсулот ёрлиғидан нусха.

Қуйидаги ишлар давлат томонидан молиявий таъминланади:

- сертификатлаштиришни ривожлантиришнинг истиқболларини, уни ўтказиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш;
- сертификатлаштириш соҳасида расмий ахборотлар билан таъминлаш;
- халқаро (минтақавий) сертификатлаштириш ташкилотлари ишида қатнашиш ҳамда чет эл миллий сертификатлаштириш органлари билан биргаликда ишлар ўтказиш;
- сертификатлаштириш юзасидан халқаро (минтақавий) қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- сертификатлаштириш юзасидан умумдавлат аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар олиб бориш;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан ҳамда сертификатланган маҳсулот устидан давлат текшируви ва назорати олиб бориш ишлари.

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, сотувчиларнинг, ижрочиларнинг) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этишлари устидан давлат текшируви ва назоратини "Ўзстандарт" агентлигининг давлат инспекторлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширади.

Сертификатланган маҳсулот, сифатни бошқариш тизимлари, ишлаб чиқариш, аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш органлари устидан назорат йўсинидаги текширувни сифат бўйича эксперт-аудиторлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташаббуси билан ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштиришни "Ўзстандарт" агентлиги белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлидир.

Сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини белгиловчи ихтиёрий сертификатлаштириш тизимларини аккредитация қилинган органлар "Ўзстандарт" агентлиги билан келишган ҳолда белгилайдилар.

3. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Сертификатлаштиришни қўллаш билан боғлиқ низолар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда қараб чиқилади.

Сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда манфаатдор томон "Ўзстандарт" агентлигининг Шикоятларни қараб чиқиш кенгашига мурожаат этишга ҳақлидир.

Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши тўғрисидаги низомни "Ўзстандарт" агентлиги ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

"Ўзстандарт" агентлигининг Шикоятларни қараб чиқиш кенгаши сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) қарорлари устидан берилган шикоят аризаларини қараб чиқади.

Шикоят аризалари икки ҳафта ичида қараб чиқилади. "Ўзстандарт" агентлигининг, Шикоятларни қараб чиқиш кенгашининг қарорлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Сертификатлаштириш органи қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

– мувофиқлик сертификатини асоссиз ва қонунга хилоф тарзда берганлик учун;

– аризачига нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилганлик учун;

– аризачининг тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлиги.

Аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) аризачига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда қоплашлари шарт.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, ammo сертификатланмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун

тайёрловчига (тадбиркорга) реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима солинади. Жарима суд қарорига асосан, тайёрловчи (тадбиркор) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш қонун ҳужжатлари билан зиммасига юкланган давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг қарорига биноан ундирилади. Тайёрловчининг (тадбиркорнинг) охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йиғирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. Жариманинг тўланиши тайёрловчини (тадбиркорни) мажбурий сертификатлаштириш ўтказишдан озод қилмайди.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Сертификатлаштиришга доир асосий атамаларни ёдга олинг?
- 2.** Синов лабораториясини аккредитация қилиш деганда нимани тушунасиз?
- 3.** Сифат бўйича эксперт-аудитор ким?
- 4.** Сертификатлаштириш мақсади нима?
- 5.** Сертификатлаштириш соҳасига оид давлат сиёсати нима ва уни қайси органлар амалга оширади?
- 6.** Сертификатлаштириш турларини тушунтириб беринг?
- 7.** Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган товарлар қачон сотилмайди?
- 8.** Маҳсулотларни узлуксиз ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш ишларини ўтказиш тартибини тушунтиринг?
- 9.** Маҳсулотни сертификатлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатларни санаб беринг?
- 10.** Чет-эл мувофиқлик сертификати нима?

18-МАЪРУЗА. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ОРГАНЛАРИ

РЕЖА


- 1.** Сертификатлаштириш органларининг ташкилий тузилмаси
- 2.** Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби
- 3.** Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби
- 4.** Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш

5. Маҳсулотни штрихли кодлаштириш

Таянч сўзлар: сертификатлаштириш, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, сертификатлаштириш органлари, ташкилий тузилмаси, бошлиқ, ўринбосари, ходимлар, ҳудудий бошқарма, аккредитация қилиш, эксперт-аудитор, текширув органи, назорат, "Ўзстандарт" агентлиги, жавобгарлик, молиялаштириш, марказий аппарат, гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосалари, мувофиқлик сертификати, штрих кодлар.

1. Сертификатлаштириш органларининг ташкилий тузилмаси

Сертификатлаштириш органларининг бошқарув тузилмалари кўйидаги кўринишга эга.




Ходимларнинг жами чекланган сони - 150 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари - 116 киши (улардан, *Экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ходимлари - 12 киши*); хизмат кўрсатувчи ходимлар - 17 киши; техник ходимлар - 17 киши.

27-расм. "Ўзстандарт" агентлиги ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимлари сони




* Молиялаштириш хўжалик фаолиятдан олинadиган ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

28-расм. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги)нинг ташкилий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони - 17 киши.

29-расм. "Ўзстандарт" агентлигининг маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси тузилмаси



Ходимларнинг чекланган жами сони - 23 киши,
 шу жумладан: бошқарув ходимлари - 18 киши,
 хизмат кўрсатувчи ходимлар - 3 киши.

**30-расм. Стандартлаштириш, метрология ва
 сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг
 тузилмаси**

**2. Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария
 хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби**

Бир турдаги маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича сертификатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиладиган сертификатлаштиришнинг тегишли қоидалари билан белгиланади.

Сертификатлаштириш давомида илгари текширилган хавфсизлик бўйича тавсифга таъсир этмайдиган маҳсулотнинг дизайни ёки ташқи тавсифлари ўзгариши замонавийлаштирилган маҳсулотга қўшимча сертификатлаштириш ўтказилишига олиб келмайди. Маҳсулот хавфсизлиги бўйича мажбурий тавсифлар стандартлаштириш бўйича тегишли норматив ҳужжатларда белгиланади.

Сертификатлаштиришни амалга ошириш бўйича, қоидага кўра, икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич бир вақтнинг ўзида, заруриятга кўра, ветеринария ва фитосанитария хулосалари тегишли равишда давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида расмийлаштирилган ҳолда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитация қилинган давлат санитария назорати органларида гигиеник сертификат расмийлаштирилишини ўз ичига олади. **Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти:**

– гигиеник сертификатни расмийлаштириш учун ариза билан биргаликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларига (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органлари деб аталади) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш юзасидан ариза беришга;

– зарурат бўлганда тегишли хулосалар олиш учун ветеринария ва фитосанитария назорати органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Иккинчи босқич - сертификатлаштириш органлари томонидан мувофиқлик сертификати беришдир.

Сертификатлаштириш органлари тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофиқ давлат санитария назорати органларида, давлат ветеринария назорати ва ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларида, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат органларида сертификатлаштиришни ўтказиш ва барча зарур хулосаларни олиш юзасидан агентлик хизматлари кўрсатишга ҳақлидир.

Бунда намуналар танлаб олиниши, шунингдек улар тўғри танланганлиги ва улар тегишли давлат органларига тақдим этилиши учун сертификатлаш органлари жавоб берадилар.

Кўрсатиб ўтилган хизматларга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади.

Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари (хулосалар) сертификатлаштирилаётган маҳсулотларга норматив ҳужжатларда тегишли равишда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик нормалар ва талаблар мавжуд бўлган тақдирда расмийлаштирилади.

Гигиеник сертификатни олиш учун ариза берувчи давлат санитария назоратининг ҳудудий органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага ишлаб чиқариладиган маҳсулотга норматив ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади (Давлатлараро стандарт - ДС, Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти - ОЗДСт, Техник шартлар - Цх; ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома ва рецептура).

Четдан олиб келинадиган маҳсулотга гигиеник сертификат олиш учун:

– Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхалари;

– ишлаб чиқарувчининг келиб чиқиш мамлакати сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари тақдим этилади.

Илгари сертификатланмаган (синалмаган) махсус қўлланиладиган биологик актив моддалар ёки озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озиқ-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи тегишли рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсатнома бериш учун иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Лаборатория синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин давлат санитария назоратининг ҳудудий органи томонидан белгиланган тартибда жойнинг ўзига бориб лаборатория синовлари ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектини сақлаш шарт-шароитларини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари танлаб олинади. **Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларни аниқлаш учун синаш Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат санитария назоратининг ҳудудий органи лабораториялари томонидан амалга оширилади.**

Агар маҳсулот келиб чиқишига кўра ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, давлат санитария назоратининг ҳудудий органи ариза берувчидан ҳужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси давлат ветеринария назоратининг туман (шаҳар) органлари ёки ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органлари томонидан берилади.

Давлат ветеринария назорати органи 20 кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирлари (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси берилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари олиниши ҳисобга олинган ҳолда гигиеник сертификатни расмийлаштириш ва бериш муддати тегишли синов методлари учун норматив ҳужжатларда назарда тутилган муддатларга қараб белгиланади.

Гигиеник сертификат бериш ишларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида декларацияланган тарифлар бўйича, бироқ бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган суммада тўлов ундирилади.

Фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига гигиеник сертификат беришда тўлов бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ундирилади.

Ветеринария ва фитосанитария хулосалари бериш бўйича ваколатли органларнинг хизматларига ариза берувчи томонидан ҳақ тўлаш давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга гигиеник сертификатнинг амал қилиш муддати - 3 йил. Четдан олиб келинаётган маҳсулотга гигиеник сертификат маҳсулотнинг

яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса - муддати кўрсатилмасдан берилади.

Гигиеник сертификат ариза берувчига давлат санитария назоратининг ҳудудий органи раҳбарининг имзоси билан берилади, у ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланади, унга синовлар протоколи нусхалари илова қилинади.

Агар гигиеник сертификатлаштириш билан бир вақтда маҳсулотнинг фитосанитария ёки ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги синовдан ўтказилган тақдирда, ариза берувчига тегишли хулосалар ҳам берилади.

Лаборатория синовларининг салбий натижалари ҳамда ҳужжатлар тўлиқ туркумда тақдим этилмаслиги гигиеник сертификат бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади, бу ҳақда давлат санитария назоратининг ҳудудий органи қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади.

Аккредитация қилинган лабораториялар томонидан бир-бирини такрорловчи синовлар ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ариза берувчи гигиеник сертификат ёхуд фитосанитария ва ветеринария хулосалари беришнинг рад этилиши юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

3. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш сертификатлаш органлари томонидан амалга оширилади.

Сертификатлаштириш органини танлаш аризачи томонидан мустақил амалга оширилади.

Ариза берувчига исталган вақтда, сертификатлаштириш органлари эса биринчи талабга кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мувофиқлик сертификати мажбурий тартибда бўлиши керак бўлган маҳсулот турларининг рўйхати ёки рўйхатдан кўчирма;

б) аккредитация қилиш соҳасига тааллуқли бўлган бир турдаги маҳсулотни сертификатлаш қоидалари;

в) сертификатлаштириш бўйича хизматлар нархлари (тарифлари) прејскуранти;

г) давлат ваколатли органида аккредитация қилинганликни тасдиқловчи ҳужжат.

Сертификатлаштириш органи кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар нусхаларини тақдим этганлик учун нусхаларни тайёрлаш харажатларидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўлов ундиришга ҳақлидир.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси;
- маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- гигиеник сертификат нусхаси.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- гигиена сертификатининг нусхаси;
- маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати нусхаси.

Сертификатлаштириш мақсадида сертификатлаштириш органларига стандартлаш бўйича расмий, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар нусхалари тақдим этилади, бошқа ҳолларда, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун, тасдиқланмаган нусхалардан фойдаланилиши мумкин.

Аризада назарда тутилган тақдирда, сертификатлаштириш органи сертификатлаштириш ишларини гигиеник сертификат (ветеринария ва фитосанитария хулосалари) нусхаларини олиш муддатини кечиктирган ҳолда бошлаши мумкин.

Бу ҳолда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатини фақат ариза берувчи томонидан ижобий натижаларга эга бўлган ҳужжатларнинг барча зарур нусхалари тақдим этилгандан кейин беришга ҳақлидир.

Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда жойига бориб сертификация синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади.

Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади.

Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинишида ва синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда лабораторияда махфийликни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

Намуналарнинг сақланиши, сифати ва синовларининг ишончлилиги учун "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитация қилинган лаборатория (марказ) жавоб беради. Синовлар протоколларини масъул мутахассислар имзолайди ва лаборатория раҳбари тасдиқлайди.

Ариза берувчи сертификатлаштириш органига аккредитация қилинган лабораториялардаги маҳсулот синовлари бўйича қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Агар маҳсулотни алоҳида параметрлари бўйича синовлар турли синов лабораторияларида ўтказилган бўлса, у ҳолда синовларнинг ижобий натижалари билан бирга барча зарур протоколларнинг мавжудлиги маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигининг ижобий баҳоси ҳисобланади.

Республикада четдан келтириладиган, мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган маҳсулотга норматив ҳужжат мавжуд бўлмаганда, сифат ва хавфсизлик бўйича сертификация синовлари маҳсулотнинг ана шундай турлари талабларига мувофиқлиги юзасидан амалга оширилади.

Аризачи томонидан четдан олиб келинаётган маҳсулотга зарур норматив ҳужжат ёки техник таснифномалар тақдим этилмаган тақдирда, мазкур маҳсулотни сертификатлаш маҳсулотнинг ана шундай турларига ҳужжатлар бўйича ёки гигиеник сертификат асосида, уни идентификация қилган ҳолда амалга оширилади (озиқ-овқат маҳсулотига ва озиқ-овқатга қўшиладиган маҳсулот учун).

Лаборатория синовларининг салбий натижалари, шунингдек ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш органи ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Хулоса беришни рад этганлик юзасидан ариза берувчи белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Сертификатлаштириш органи тақдим этилган ҳужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида икки иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати уларнинг яроқлилиқ муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига), яроқлилиқ муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига) эга бўлмаган маҳсулотларга эса амал қилиш муддати кўрсатилмасдан, **кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун - 3 йилга берилади.** Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сертификатланган деб ҳисобланади.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати бериш учун сертификатлаштириш органи ариза берувчида маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариладиган объектларни белгиланган тартибда текширади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади, ундан мувофиқлик сертификати бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар мувофиқлик сертификатида келтирилади.

Текширишни ўтказиш муддати, ишлаб чиқаришнинг шакли ва тоифаларига кўра, синовлар учун намуналар танлаб олинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Текшириш ўтказилганлиги учун тўлов амалда сарфланган вақт бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар калькуляциясига биноан ундирилади.

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификати берган сертификатлаштириш органи ҳар йили камида бир марта, маҳсулотнинг сертификатлаштиришда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида, сертификатлаштирилган маҳсулотни инспекция назорати текширувини ўтказди.

Инспекция назорати натижалари бўйича мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тасдиқланиши ёки тўхтатиб турилиши ёхуд белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

Лаборатория синовларини ўтказганлик, сертификатни расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, лицензия ажратмалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда "Ўзстандарт" агентлигининг йўл-йўриқ ҳужжатларида белгиланади.

4. Чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш

Сертификатлаштириш органи эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДХ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф этиш ҳуқуқига эга.

Эътироф этиш тартиботи сертификатлаштириш органининг бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш тартибида, "Ўзстандарт" агентлигининг норматив ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бўлиши керак.

Халқаро тизимлар ва битимлар доирасида амалга ошириладиган сертификатларни эътироф этиш ушбу тизимлар ва битимларда белгиланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

Сертификат талабларга мувофиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган ана шундай талаблардан қолишмайдиган маҳсулот учун эътироф этилади.

Норматив ҳужжатларда сертификатлаштириш учун шарт бўлган ёки контрактда белгиланган қўшимча талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот ушбу талабларга мувофиқлик юзасидан синаб кўрилиши керак.

Олинган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида сертификатлаштириш органи чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этиш (этмаслик) тўғрисида қарор қабул қилади.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг Миллий сертификатлаштириш тизимига берилган мувофиқлик сертификатини эътироф этиш уни импорт қилувчи мамлакатнинг мувофиқлик сертификатига қайта расмийлаштириш ва Ягона давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

5. Маҳсулотни штрих кодлаштириш

Баъзан бирон маҳсулот ҳарид қилганимизда унинг кўринарли жойида ёки этикеткасида ҳар хил қалинликдаги чизиқлар ва рақамлар билан белгиланган шаклларни куришимиз мумкин. Уларга штрих-код номи берилган. Хуш, штрих-кодлар нима ва қачон пайдо бўлган?

Штрих-кодлардан маҳсулотларга нисбатан тадбиқ этиш ғояси илк бора 30 йилларда АҚШнинг Гарвард бизнес мактабида яратилган бўлиб, ундан амалда фойдаланиш бир неча ўн йиллардан сўнггина, яъни, 60 йиллардан бошланган. Штрих-кодларнинг дастлабки қўлловчилар темир йулчилар бўлиб, шу усул орқали темир йул вагонларини идентификациялашган. Микропроцессор техникасининг гуркираб ривожланиши 70 йиллардан бошлаб штрих-кодлардан кенг равишда фойдаланиш имконини яратди. 1973 йил АҚШ да маҳсулотнинг Универсал Коди (ИПС) қабул қилиниб, 1977 йилдан бошлаб эса Европада Кодлаш Тизими ЕАН (Еуропеан Артисле нумберинг) таъсис этилди ва ҳозирда ундан нафақат Европада, балки бошқа минтақаларда кенг равишда фойдаланишмоқда.

Штрих-код кетма-кет алмашилиб келувчи қора (штрих) ва оқ (пробел) рангли, турли қалинликдаги чизиқлардан иборат бўлиб, бу чизиқларнинг ўлчамлари стандартлаштирилган. Штрих-кодлар махсус оптик курилмалар — сканерлар ёрдамида ўқишга мўлжалланган. Унинг воситасида, микропроцессорлар орқали штрихлар рақамларга декодерланиб, маҳсулот ҳақидаги маълумотлар компьютерга узатилади. Кўпгина иқтисодиёти ривожланган давлатларда маҳсулотнинг ўрамида (упаковкасида) штрих-коднинг бўлиши мажбурий саналади. Акс ҳолда савдо ташкилотлари маҳсулотдан воз кечишлари мумкин. Бу халқаро савдога ҳам тегишлидир. Ушбу тизимнинг иқтисодий жиҳатдан самаралилиги маҳсулотнинг 85% идан кўпи кодлаштирилганда яққол номоён бўлади. Бундан ташқари, маҳсулотга нисбатан бўлган талаб ва эhtiёжларни шакллантириш, жамлаш, ҳисобга олиш, маҳсулотни келиш-кетишини ҳисоб қилиб бориш, мухосиблик ҳисобларида ва ҳужжатларни расмийлаштиришда,

ҳамда маҳсулотларни саклаш ва сотувидаги назоратларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутади.

Асосан ЕАНнинг икки кодидан кўпроқ фойдаланилади: 13 разрядли ва 8 разрядли рақамли кодлар. Бунда энг ингичка штрих бирлик сифатида олинади. Ҳар бир рақам (ёки разряд) икки штрих ва икки пробелдан иборат бўлади (расм). 13 разрядли коднинг таркибида қуйидаги кодлар кўрсатилади:

- давлат коди (“давлат байроги”);
- корхона (фирма) — тайёрловчи коди;
- маҳсулотнинг коди;
- назорат сони.

ЕАН ассоциацияси турли давлатлар учун кодлар ишлаб чиққан бўлиб, ушбу кодлардан фойдаланиш учун марказлашган таризда лицензиялар тавсия этади. Масалан, Франция учун давлат коди 30-37, Итлалия учун 80-87 ораликлари тавсия этилган. Баъзи давлатларнинг кодлари уч хонали сондан иборат. Масалан, Греция-520, Россия-460, Бразилия-789. Қуйироқда келтирилувчи жадвалда баъзи бир давлатларнинг лицензия асосида олинган кодлари келтирилган. Тайёрловчи корхонанинг коди ҳар бир давлатда тегишли органлар томонидан тузилади. Одатда, бу код бешта рақамдан иборат бўлиб, давлат кодидан кейин келади. Маҳсулот коди тайёрловчи томонидан тузилади ва у ҳам бешта рақамдан иборат бўлади. Бу коднинг расшифрофкаси стандарт эмас, у маҳсулотга тааллуқли бўлган муайян хусусиятларни (белгиларни) ёки фақат тайёрловчининг ўзигагина маълум бўлган ва шу маҳсулотнинг қайд этиш тартиб рақамини ифодалаши ҳам мумкин.

11-жадвал

Маҳсулотни штрихли кодланиши учун айрим давлатларнинг ЕАН коди

Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи	Давлат коди	Давлат номи
93	Австралия	539	Ирландия	383	Славения
90-91	Австрия	569	Исландия	00-09	АҚШ ва Канада
779	Аргентина	84	Испания		Туркия
54	Белгия ва Люксембург	80-83	Италия	869	Финляндия
		529	Кипр	64	Франция
380	Болгария	690	Хитой	30-37	Чехия
789	Бразилия	850	Куба	859	Чили
50	Буюк Британия	750	Мексика	780	Швеция
599	Венгрия	87	Нидерландия	73	Швецария
759	Венесуэла	94	Янги-Зеландия	76	Югославия
400-440	Германия	70	Норвегия	860	Жанубий Корея
489	Гонконг	590	Польша	880	Япония
520	Греция	560	Португалия		
57	Дания	460-469	Россия	45-49	

729	Исроил	888	Сингапур	478	Ўзбекистон
-----	--------	-----	----------	-----	------------



31-расм. 13 разрядли EAN коди.

Назорат сони EAN ни алгоритими бўйича кодни сканер воситасида тўғри ўқилганлигини текшириш учун хизмат килади.

EAN-8 коди узун кодларни белгилаб бўлмайдиган кичик ўрамлар учун мўлжалланган. EAN-8 коди қуйидаги кодлар тартибидан иборат:

- давлат коди ("давлат байроги");
- корхона (фирма) — тайёрловчи коди;
- назорат сони.

Баъзан, тайёрловчи корхона кодининг ўрнига маҳсулотнинг қайд этиш тартиб рақами келтирилиши ҳам мумкин.

Рақамлар қатори сканер учун эмас, балки харидорлар учун мўлжалланган. Талабгор (харидор) учун маълумот фақат маҳсулот тайёрланган давлатни билдириш билан чегараланади, чунки давлат коди махсус нашрларда ва маълумотномаларда келтирилиб туради ёки маълумот баъзаларида ва банкларида сакланиши мумкин. Тўлиқ штрихли код ташқи савдо ташкилотларига ёки савдо объектларига маҳсулотнинг аниқ келиб чиқиш реквизитлари билиш ва керак бўлса маҳсулотнинг контракт (шартнома) талабларига мос келмайдиган парамаетлари ва кўрсаткичлари борасида аниқ манзилга раддия ёки норозилик билдириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикасида штрих-кодлар тобора кенг тадбиқ этилиб бормокда. 1999 йили “Ўздавстандарт” қошидаги метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малака ошириш институтида Штрих-кодлар масалари билан шуғулланувчи марказ ташкил этилди. Ушбу марказнинг таъсис этилишидан мақсад — маҳсулотларни автоматлаштирилган тарзда идентификациялаш борсидаги муаммоларни ҳал этиш ва бу фаолиятни кенг равишда тарғиб этишдир. Албатта, бунда халқаро меъёрий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда кодлашнинг стандартлаштирилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида штрихли кодлашнинг энг аввало, 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” номли қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган — истеъмолчининг ҳарид қилинаётган маҳсулот ҳақида зарур ва ишончли маълумот олиш ҳуқуқини амалга оширишда янги замин яратади.

Штрихли кодлаш ишлаб чиқариш корхоналари учун қўйидаги имкониятларни яратади:

- автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг тадбиқ этилишини осонлаштиради;
- ишлаб чиқариш, маҳсулотни саклаш ва реализация қилиш каби фаолиятлардаги ҳисоб-китоб ишларининг самарадорлигини оширади;
- ресурсларни чуқур таҳлил қилиш имкониятини беради;
- ҳужжатлар айланишини қисқартиради;
- маҳсулотни реализация қилиш ва харакати хақидаги ишончли маълумотларни мунтазам равишда йиғишни йўлга қўйиш мумкин;
- бошқарув ва назорат органларига тезкор равишда маҳсулот хусусидаги маълумотларни тавсия этиш.

Бироқ ҳаридор сотиб олаётган маҳсулотининг фақат тайёрланган давлати борасидаги маълумотнигина эмас, балки тегишли барча маълумотларни ҳам билишни истайди. Бу муаммо ҳам вақти келиб стандартлаштириш воситасида ҳал этилиши мумкин. Бирок бунинг учун сертификатлаштириш йули билан тасдиқланувчи, стандартларнинг мажбурий талабларининг рўйхатини кенгайтириш лозим бўлади.

"GS1" (Европа товар рақамланиши уюшмаси) **штрихли коди** товар бирликларини идентификатлаштириш ва уларни тамғалаш учун "GS1" товарларни рақамлаш Халқаро Уюшмаси қоидаларида белгиланган ўлчамлар билан ва жойлаштирилган ҳолда изчил жойлаштирилган параллел штрихлар ва улар ўртасидаги оралиқдаги комбинациялар билан ифодаланган рақамли код.

Товарларни GS1 штрихли кодлари билан тамғалаш "Ўзстандарт" агентлиги, "GS1" товарларни рақамлаш Халқаро Уюшмасининг стандартлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўз товарлари GS1 штрих кодлари билан тамғаланиши истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлари ташкилотнинг ва Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг штрихли кодида фойдаланиладиган товар кодини олиш учун "GS1 Ўзбекистан" уюшмасида рўйхатдан ўтадилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз товарлари GS1 штрихли кодлари билан тамғаланиши истагини билдирган маҳсулотлар (товарлар)ни тайёрловчилар "Ўзстандарт" агентлигига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни Давлат реестрига киритиш ва штрихли кодларнинг оригинал-макетларини олиш учун давлат стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулотлар ҳақидаги ахборотни тақдим этадилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти штрихли код қўйилган маҳсулотлар (товарлар)ни тайёрловчи буюртмачининг талабига кўра уни етказиб бериш бошлагунга қадар маълумотлар базасини шакллантириш учун буюртмачига маҳсулотлар (товарлар)нинг асосий истеъмол тафсирномалари тўғрисида ахборот беради.

"GS1 Ўзбекистан" уюшмасида рўйхатдан ўтказилмаган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ишлаб чиқариладиган ва/ёки сотиладиган маҳсулотлар (товарлар)ни GS1 штрихли кодлари билан тамғалаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари штрихли кодлаш бўйича стандартлар ва мазкур Низом талабларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган маҳсулотлар (товарлар)ни GS1 штрихли кодлари билан тамғалаш тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулот (товар)ларни GS1 штрих кодлари билан тамғалаш тадбиркорлик фаолияти субъекти томонидан GS1 таснифлаш ва кодлаш соҳасида рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, ишлаб чиқарилаётган товарнинг рақамли коди ва штрихли коднинг оригинал-макети олингандан кейин ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Маҳсулотларга (товарлар)га қўшимча ишлов берадиган (қадоқлаш, идишга қайта жойлаш ва бошқалар) тадбиркорлик фаолияти субъектлари уларни шунингдек GS1 штрихли коди билан тамғалашлари мумкин.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштиришнинг миллий органлари тизимига қайси ташкилотлар киради?
2. Сертификатлаштириш органларининг ташкилий тузилмаси қандай кўринишга эга?
3. Сертификатлаштириш ишларининг босқичларини кўрсатиб беринг?
4. Гигиеник, ветеринария, фитосанитария ва экология сертификатлари қандай туркумдаги сертификатлар ва нима вазифани бажаради?
5. Ишлаб чикариладиган маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини айтиб беринг?
6. Сертификатлар неча муддат хизмат қилади?
7. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш қайси орган томонидан қандай тартибда амалга оширилади?
8. Четдан олиб келинаётган маҳсулотлар қандай сертификатланади?
9. Штрих код нима?
10. Штрих кодлар тарихан қандай ривожланган?
11. Штрих кодлар таркибида нималар кўрсатилади?
12. Штрих кодлаштириш ишлаб чикариш корхоналари учун нимани беради?

19-МАЪРУЗА. ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ РЕЖА

1. Сертификатлаштиришнинг ташқи савдо шароитларига қиладиган таъсири
2. Сертификатлаштиришдан протекционистик мақсадларда фойдаланиш
3. Сертификатлаштириш ва халқаро савдо

***Таянч иборалар:** сертификатлаштириш, жаҳон иқтисодиёти, ташқи савдо, халқаро савдо, экспорт, хизматлар экспорти, капитал экспорти, импорт, айланма, таққослама экспорт ихтисослашуви коэффициенти, экспорт ва импорти мултипликатори, бартер, классик протекционизм, замонавий протекционизм, бож, квота, чеклаш, эркин савдо, фритредерлик, ЭТБ, ҲЭҚ, бош назоратчи, СЕРТИКО.*

1. Сертификатлаштиришнинг ташқи савдо шароитларига қиладиган таъсири

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади.

Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакат ишлаб чиқаришнинг миллий харажатлари жаҳон харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортда олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Халқаро савдода **товарларнинг экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлаганининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

Хизматлар экспорти товарлар экспортдан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.).

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл

валютаида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун импорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Импорт экспортдан фарқ қилиб чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Бунда мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатларидан юқори бўлган маҳсулотлар импорт қилинади. Ташқи савдо самарадорлигини ҳисоблашда мазкур мамлакат томонидан импорт қилиш ҳисобига муайян товарларга бўлган ўз эҳтиёжининг тезлик билан қондирилиши ҳамда бундай товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган чоғда сарфланиши лозим бўлган ресурсларнинг тежалиши натижасида олинувчи иқтисодий нафъ эътиборга олинади.

Қуйидаги жадвалда кейинги йилларда мамлакатимиздаги экспорт ва импортнинг товар таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (12-жадвал).

12-жадвал

Ўзбекистонда экспорт ва импортнинг товар таркиби, фоизда

Товарлар гуруҳи	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда			
	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Экспорт	100,0	100,0	100,0	100,0
Пахта толаси	19,1	17,2	12,5	9,2
Озиқ-овқат	3,8	7,9	8,5	4,4
Кимё маҳсулотлари	5,3	5,6	6,8	5,6
Энергетика маҳсулотлари	11,5	13,1	20,2	25,2
Қора ва рангли металллар	9,2	12,9	11,5	7,0
Машина ва ускуналар	8,4	10,1	10,4	7,5
Хизматлар	12,2	12,1	10,7	10,4
Бошқалар	30,5	21,1	19,4	30,7
Импорт	100,0	100,0	100,0	100,0

Озиқ-овқат	7,0	7,7	7,9	8,1
Кимё маҳсулотлари	13,6	13,8	14,8	13,0
Энергетика маҳсулотлари	2,5	4,2	3,3	2,1
Қора ва рангли металлар	10,3	6,7	8,3	6,8
Машина ва ускуналар	43,3	47,0	46,6	53,3
Хизматлар	10,4	8,4	7,4	5,7
Бошқалар	12,9	12,2	11,7	11,0

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштирокини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Масалан, тармоқ ишлаб чиқаришининг халқаро ихтисослашуви даражаси кўрсаткичлари сифатида **таққослама экспорт ихтисослашуви коэффиценти (ТЭИК)** ҳамда **тармоқ ишлаб чиқаришидаги экспорт бўйича квотадан** фойдаланиш мумкин. ТЭИК қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K_o = E_i / E_m ,$$

бу ерда:

E_o – мамлакат экспортида товар (тармоқ товарлари йиғиндиси)нинг солиштира салмоғи;

E_m – жаҳон экспортидаги шу турдаги товарларнинг солиштира салмоғи.

Агар нисбат бирдан катта бўлса, бу тармоқ ёки товарни халқаро жиҳатдан ихтисослашган тармоқ ёки товарларга киритиш мумкин ва аксинча.

Экспорт бўйича квота миллий саноатнинг ташқи бозор учун очиқлик даражасини ифодалайди:

$$K_e = E / YaIM ,$$

бу ерда: E – экспорт қиймати.

Экспорт бўйича квотанинг кўпайиши ҳам мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштирокининг, ҳам маҳсулот рақобатбардошлигининг ўсиб боришидан дарак беради.

Мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келувчи экспорт ҳажми унинг иқтисодиётининг «очиқлиги» даражасини ифодалайди. **Экспорт салоҳияти (экспорт имкониятлари)** – мазкур мамлакат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз иқтисодиёти манфаатларига путур етказмаган ҳолда жаҳон бозорида сотиши мумкин бўлган қисми.

Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки ташқи товар айланмасини ташкил этади. **Бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилган тақдирда реэкспорт рўй беради.** Реэкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ. **Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.**

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (13-жадвал).

13-жадвал

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2000	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Ташқи савдо айланмаси	100,0							
Экспорт	52,5	52,4	55,7	56,0	56,9	59,2	63,2	60,7
Импорт	47,5	47,6	44,3	44,0	43,1	40,8	36,8	39,3
Экспорт – жами	100,0							
шу жумладан:								
Товарлар	86,3	84,1	85,6	88,2	87,8	87,9	89,3	89,6
Хизматлар	13,7	15,9	14,4	11,8	12,2	12,1	10,7	10,4
Импорт – жами:	100,0							
шу жумладан:								
Товарлар	91,5	89,4	89,8	88,9	89,6	90,9	92,6	89,0
Хизматлар	8,5	10,6	10,2	11,1	10,4	9,1	7,4	11,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

«Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувиغا қарамасдан, 2008 йилда ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айти вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий салдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодийимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда»¹².

Энг муҳими, экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефт-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабел маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда.

¹² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 16-б.

Натижада «ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айтилишича, Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хом ашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушди»¹³.

«Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодий тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»¹⁴.

Экспорт ва импортнинг ҳаракатида ҳам мултипликация самараси мавжуд бўлиб, бу омилни ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таниқли иқтисодчи олимлардан Ж.Кейнс, Р.Кан, Ф.Махлуп, П.Самуелсон ва бошқалар ташқи савдо мултипликатори тўғрисидаги назарий асосларни яратишда катта ҳисса қўшдилар.

Экспорт мултипликатори ҳам инвестициялар мултипликатори сингари истеъмол соҳасидаги ички жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, истеъмол ёки жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали аниқланади:

$$M_x = \frac{1}{MRS} = \frac{1}{1 - MRC'}$$

бу ерда:

M_x – экспорт мултипликатори коэффиценти;

MRC – жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик;

MRS – истеъмолга сўнгги қўшилган мойиллик.

Экспорт ҳажмининг ошишини ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$Y_{aIM} = \dot{I} , \Delta \tilde{O} ,$$

бу ерда:

M_p – мултипликатор;

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 16-17-б.

¹⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 18-б.

ΔX – экспорт ҳажмининг ўсиши.

Бироқ, халқаро савдо фақат экспортдан иборат бўлмай, балки ўз ичига импортни ҳам олади. Агар экспортдан олинган даромаднинг бир қисми импортга сарфланса, у ҳолда мамлакатнинг ички харид қобилияти пасаяди. Импорт жамғарма сингари бой берилган имконият сифатида амал қилади, шунинг учун у математик ифодаларда манфий ишора билан қўлланилади. Импортни жамғариш функциясига ўхшаган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун импортга сўнгги қўшилган мойиллик тушунчасини киритиб оламиз. Бу мойиллик импорт ҳажми ўзгаришининг даромад ўзгаришига нисбати орқали ифодаланиши мумкин. Натижада **импорт мултипликатори** формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M_p = \frac{1}{(MRS + MRM) \Delta X}$$

бу ерда:

MRM – импортга сўнгги қўшилган мойиллик.

Импортни ҳисобга олган ҳолда экспорт ҳажми ўзгаришининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta Y_{aIM} = \frac{1}{(MRS + MRM) \Delta X}$$

Ташқи савдо мултипликатори чексиз ҳаракатда бўлмайди. Импорт товарларни истеъмол қилишга сўнгги қўшилган мойилликнинг қиймати бирдан кам бўлганлиги сабабли навбатдаги қўшимча ўсишлар миқдори мунтазам қисқариб, мултипликация жараёни секин-аста сўниб боради.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Интеллектуал товарлар ва хизматларнинг улуши ҳам кескин равишда ошиб, умумий савдо айланмасининг 10 фоизига қадар етди. Шунингдек, халқаро савдони ташкил этиш шакллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Анъанавий кўринишдаги товар биржалари, аукционлар, савдо-саноат ярмаркалари, савдо кўргазмалари билан бир қаторда икки томонлама битимларнинг қуйидаги шакллари ҳам кенг қўлланмоқда:

1) бартер – товарларни тўғридан-тўғри, пул иштирокисиз бир-бирига айирбошлаш. Бартерда пул иштирок этмасида, товарларнинг қийматини бир-бирига таққослаш учун пулнинг қиймат ўлчови вазифаси орқали баҳолаб олинади;

2) экспорт қилувчилар томонидан етказиб берилган товарлар қийматининг бир қисмига импорт товарларни харид қилиш;

3) техниканинг янги моделларини сотишда эскирган моделларни сотиб олиш;

4) импорт қилинган асбоб-ускуналар қисм ва деталларини импортга сотувчи мамлакат томонидан бутлаб бериш;

5) компенсацион битимлар. Мазкур битимлар шартига кўра, технологик асбоб-ускуналар етказиб берувчи томонларнинг бири тақдим этган кредит (молиявий, товар кўринишидаги) бўйича тўловлар ана шу асбоб-ускуналарда тайёрланган тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали амалга оширилади;

6) бир мамлакатда ундирилган хомашёни бошқа бир мамлакат ишлаб чиқариш қувватлари ёрдамида қайта ишлашда ушбу қайта ишлаш ва ташиб бериш хизматларини қўшимча хомашё етказиб бериш орқали тўлаш;

7) клиринг операциялари, яъни ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олиш орқали нақд пулсиз ҳисоблашув.

Икки томонлама савдо тамойилида амалга оширилувчи халқаро операциялар барча ҳажмида бартер битимлари 4 фоиз, икки томонлама харид – 55 фоиз, компенсацион битимлар – 9 фоиз, клиринг операциялари 8 фоизни ташкил этади.

Объектив қараганда, сертификатлаштириш мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларни осонлаштиради, чунки маҳсулот (товарни) бошқа мамлакатларга олиб кириш учун рухсат олиш *вақти* қисқаради ва импортер-давлатларда такрор синовлар ўтказиш учун харажатлар камаяди. Энг катта осонликка ягона халқаро стандартларга асосланган халқаро сертификатлаштириш тизими киритилганда эришилади.

Лекин сертификатлаштириш кўпчилик мамлакатларда миллий доирага киритилган. Натижада сертификатлаштириш миллий қоидалари, синовлар ўтказиш тартиблари ва уларнинг натижаларини чизмаийлаштириш маълум даражада фарқланади. Шунинг учун, халқаро савдода миллий сертификатлаштириш билан боғлиқ тўсиқларни бартараф қилиш кўп халқаро ташкилотлар давлат

марказидадир. Мисол сифатида хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича умумевропа кенгашининг яқунловчи акти матнига (Хельсинки ш.) стандарт ва сертификатларни уйғунлаштириш (келиштириш) ҳақида махсус бўлим киритилишини келтириш мумкин.

2. Сертификатлаштиришдан протекционистик мақсадларда фойдаланиш

Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг **протекционизм (ташқи таъсирдан ҳимоялаш)** ва **фритредерлик (савдога тўлиқ эркинлик бериш)** каби шакллари кенг тарқалган.

Протекционизмнинг классик ва замонавий кўринишлари фарқланади. **Классик ёки қаттиқ протекционизм** сиёсатининг назарий асосини меркантилизм ташкил этиб, унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- товарлар импортини чеклаш;
- экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- четдан келувчи товарларга юқори бож тўловлари ўрнатиш орқали миллий ишлаб чиқаришни ҳимоялаш;
- товарларнинг маълум турлари билан савдо қилишга давлат монополиясининг ўрнатилиши ва ҳ.к.

Замонавий протекционизмнинг ҳам асосий мақсади ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчилар учун нисбатан қулай шароитлар яратиш ҳамда уларни хорижий ишлаб чиқарувчилар рақобатидан ҳимоялаш ҳисобланади, бироқ унинг усул ва воситалари ўзининг мослашувчанлиги билан классик протекционизмдан фарқ қилади.

Қиёсий харажатлар назариясига кўра эркин савдо туфайли, жаҳон хўжалиги ресурсларни самарали жойлаштиришга ва моддий фаровонликнинг юқори даражасига эришиши мумкин. Протекционизм, яъни эркин савдо йўлидаги тўсиқлар халқаро ихтисослашувдан олинандиган нафни камайтиради ёки йўққа чиқаради.

Эркин савдо йўлида жуда кўп тўсиқлар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) бож тўловлари. Бож тўловлари импорт товарларга акциз солиқлари ҳисобланади, у даромад олиш мақсадида ёки ҳимоя учун киритилиши мумкин;

2) импорт квоталари. Импорт квоталари ёрдамида маълум бир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажми ўрнатилади;

3) тарифсиз тўсиқлар. Тарифсиз тўсиқлар таркибига лицензиялаш тизими, маҳсулот сифатига стандартлар қўйиш ёки оддий маъмурий тақиқлашлар киради;

4) экспортни ихтиёрий чеклаш. Экспортни ихтиёрий чеклаш савдо тўсиқларининг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Бу ҳолда чет эл фирмалари ўзларининг маълум мамлакатга экспортини ихтиёрий равишда чеклайди.

Мамлакатлар халқаро савдо ёрдамида ўзларининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириши, ўзларининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Алоҳида давлатлар, энг юқори нисбий самарадорлик билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга ихтисослашиши ва уларнинг ўзлари самарали ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмаган товарларга айирбошлаш ҳисобига ютиш мумкин.

Шу ўринда мамлакатлар нима учун савдо-сотик қилади, деган савол туғилади. Биринчидан, иқтисодий ресурслар дунё мамлакатлари ўртасида жуда нотёкис тақсимланади: мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ресурслар билан таъминланиши кескин фарқланади. Иккинчидан, ҳар хил товарларни самарали ишлаб чиқариш ҳар хил технология ёки ресурслар уйғунлашувини талаб қилади. Бу икки ҳолатнинг халқаро савдога таъсирини осон тушунтириш мумкин. Масалан, Япония кўп ва яхши тайёрланган ишчи кучига эга, малакали меҳнат ортиқча бўлганлиги сабабли арзон туради. Шу сабабли, Япония тайёрлаш учун кўп миқдорда малакали меҳнат талаб қилинадиган турлитуман меҳнат сиғимли товарларни самарали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Австралия эса аксинча, жуда кенг майдонларига эга бўлган ҳолда етарли бўлмаган миқдорда инсон ресурслари ва капиталга эга.

Қисқача айтганда, ҳимоя қилинадиган тармоқлар савдо тўсиқларини киритишдан оладиган фойда бутун иқтисодиёт учун анча катта йўқотиш ҳисобланади.

Эркин савдо (фритредерлик) сиёсати протекционизм сиёсатининг акси бўлиб, ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган. Бу сиёсат халқаро савдо ҳажмларини ўсишига олиб келувчи турли тариф ва квоталарни қисқартириш, миллий иқтисодиётнинг очиқлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга миллий стандартлар ва сертификатлардаги фарқлар ҳамда айрим давлатлардаги маълум маҳсулотларга бўлган талаблардаги объектив фарқлар **протекционист мақсадларда**, яъни хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бу мамлакатлар бозорларига йўлни тўсиш учун қўлланади.

Масалан, бирорта мамлакат маҳсулотнинг шундай тавсифларини жорий қилган стандартни қабул қиладики, бошқа мамлакатлардан уни

импорт қилиш жуда қийин бўлади ёки умуман иложиси бўлмайди. Агарда бу чора таъсир қилмаса, импорт қилинган буюмларнинг синовини ўтказиш учун мураккаб маъмурий процедуралар қўлланади. Ички бозорга хорижий буюмлар киришини камайтириш учун стандартни қўллашнинг кенг тарқалган мисоллари:

- стандарт орқали буюмлар маълум конструкцияли бўлиши ҳақида кўрсатма бериш;
- маълум материалларни қўллаш;
- буюмнинг бирорта тавсифий миқдорини бошқа мамлакатларда жорий қилинган миқдордан ошириб юбориш (масалан кафолат муддатини) ва ҳоказо.

Бундай протекционизм ҳақида ГФРнинг улгуржи ва ташқи савдо Бирлашмасининг Президенти Ганс Хайтвич ачиниб гапирган эди: "Ўз иқисодиётини мавҳум зарарли рақобатдан сақлаб қолиш ҳаракатларида ҳокимлик миллий органлари ўзларини жуда ижодкор кўрсатадилар. Умумий бозор мамлакатларида ҳозирни ўзида 900 дан ортиқ савдо алоқаларига бевосита тўсиқ бўладиган давлат техник регламенти амалда, мамлакат саноатини оғир рақобатдан сақлаб қолиш учун стандартларни кундалик мақсадлар билан боғлайдилар" (8рще1, 1976, № 30).

Қатор ҳолларда протекционист чоралар жамият таъсири остида қабул қилинади. Бу ҳолда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш, соғлигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қонуний актлар ва қарорлар қабул қилинади. Бундай давлат қарорлари (уларни айрим ҳолларда техникавий регламент деб атайдилар) буюмларга қўйиладиган батафсил техникавий шартлардан иборат ва қўлланиши мажбурийдир. Техникавий регламентлар овқат маҳсулотлари, фармацевтик товарлар, болалар ўйинчоқлари ва маиший приборларнинг хавфсизлиги, машина ва бошқаларни қамраб олади.

Сертификация қилишдан бош тортиш импорт қилувчи мамлакатда тегишли миллий стандарт йўқлига билан асосланади.

Хорижий товарларни дискриминация қилиш учун уларнинг сертификацион синовлари учун тўловларни миллий товар синовларига нисбатан оширадилар. Натижада, сертификат олиш учун катта тўлов маҳсулот экспортини, айниқса, кичик партияларни самарасиз қилади.

3. Сертификатлаштириш ва халқаро савдо

Юқорида сертификатлаштириш қатор ҳолларда хорижий рақибларга қарши қаратилган протекционист сиёсати воситаси сифатида қўлланади дейилган эди. Лекин барибир сертификатлаштиришнинг асосий мақсади — халқаро савдо учун яхши шароитлар яратишдир. Табиийки бу мақсад учун тегишли халқаро битимлар зарур. Бу муносабат билан "Токио раунд" (1979 й.)

музокараларида имзоланган ГАТТнинг савдодаги техникавий тусиқлар ҳақидаги битим диққатга сазовор.

Битим иштирокчи мамлакатлар орасидаги савдо муносабатларида протекционизм ва дискриминация элементларини чегаралаш бўйича биринчи ҳаракатдир (1983 й. августда ГАТТнинг тўла ҳуқуқли аъзолари 35 давлат ва минтақалар ҳамда ЕИК эди). У иштирокчи мамлакатларга қўйидаги асосий мажбуриятларни юклайди:

1.Протекционист мақсадларда стандарт ва техникавий регламентлар қабул қилмаслик уларни ишлаб чиқишда мавжуд халқаро стандартларни ҳисобга олиш.

2.Миллий синов марказлари ва маҳсулотни сертификатлаштириш тизимларига қўйишда бошқа иштирокчи мамлакатларни дискриминация қилиш;

3.стандарт ва техникавий регламентлар амалига нисбатан иштирокчи мамлакатлар товарлари миллий режимини бериш;

4.битимни имзолаган бошқа мамлакатлар ваколатли органлари томонидан берилган маҳсулот синовлари натижалари, стандартларга мувофиқлик сертификат ва белгиларини иштирокчи давлатлар томонидан имконияти бор жойларда тан олишини таъминлаш;

5.иштирокчи мамлакатлар ўртасида миллий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича маълумот алмашиши.

Битимни миллий стандарт, техникавий регламент ва сертификатлаштириш қоидаларини халқаро стандарт ва тавсиялар билан келиштиришга кўмаклашади. Бу маҳсулот техникавий даражаси ва сифатини оширишга экспорт имкониятлари яхшиланишига ёрдам қилади. Умуман олганда, битим унда қатнашган мамлакатлар ўртасида халқаро савдо меъёрлашиши ва кенгайишига кўмак бўлади.

Битим бажарилиши устидан назорат ГАТТ қўмитаси зиммасига юкланган. У битим амалга оширилишини кузатади, экспертлар гуруҳлари ёрдамида маслаҳатлар ўтказиш ва мунозараларни ечишга кўмаклашади. Ундан ташқари, қўмита битим амали доирасини кенгайтириш ва ундаги қоидалар мазмунига аниқлик киритиш ҳақида таклифлар беради. Қўмита котибияти вазифасини ГАТТ котибияти бажаради.

Сертификатлаштириш жабҳасида қатор халқаро ташкилотлар мавжуд. Улар ичидан Халқаро электротехника қўмитаси (ХЭҚ) электрон техника буюмларини (ЭТБ) сертификатлаштириш икки нуқай назардан қизиқдир:

– биринчидан, ЭТБнинг ишлаб чиқилган ҳар бир партияси меъёрий-техникавий ҳужжатларга мувофиқлиги синаладиган; яккаю-ягона халқаро тизим;

– иккинчидан, унда собиқ совет иттифоқининг ишлаб чиқарувчи корхоналари иштирок этади.

ХЭҚ сертификатлаштириш тизимининг мақади ЭТБларга ягона талабларни жорий қилиш йўли орқали ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасида ҳамда буюмлар сифатини баҳолаш ва синашга бўлган савдога кўмаклашишдир.

Бу тизим иштирокчиларидан бирида ишлаб чиқарилган буюм бошқа иштирокчи мамлакатларда ҳам қайта синовлар ўтказмасдан бир хил мақбул бўлиши учун зарур.

Дастлабки ХЭҚ Америка ЭТБни дискриминация қилиш учун яратилган эди, чунки Америка ЭТБ Парбий Европа ЭТБ дан рақобатбардошлироқ эди. Кейинчалик ХЭҚда дунё миқёсида ЭТБни сертификатлаштириш масаласи кўтарилди.

ЭТБни ишлаб чиқарувчи ҳар қандай корхона ХЭҚ тизими доирасида ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни сертификатлаштириш ҳуқуқини берадиган лицензия олиши мумкин. Бунинг учун у ваколатли миллий ташкилотга келгусида ЭТБ ишлаб чиқарилаётган асос солувчи, умумий ва гуруҳий-техникавий шартлар номлари кўрсатилган буюртма йуллаши керак.

Бунда корхона миллий назорат хизмати вакилларига ЭТБ ишлаб чиқариладиган бўлимларга, агар улар тижорат нуқтаи назардан сирли бўлмаса, кириш имкониятини таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг сирли бўлимлари корхона бош назоратчиси кузатуви остида бўлиши керак. У корхона ва назорат хизмати ўртасида боғловчи звено бўлади.

Бош назоратчини асосий вазифалари:

- миллий назорат хизмати билан алоқани таъминлаш;
- қабул қилинган ЭТБ партиялари сифати учун жавобгарлик
- назорат ўлчашлар ва синовлар ҳисобини юритиш, улар натижаларни миллий назорат хизматига узатиш;
- қабул қилинган буюмлар партияларини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш учун жавобгарлик;
- ишлаб чиқарилган партиялар синовлари протоколлари чизмаийлаштирилиши тўғрилиги;
- ЭТБ қўшимча синаш ва назорат ўтказиш учун жавобгарлик.

ХЭҚ тизими доирасида сертификат олган ишлаб чиқарувчи корхона бош назоратчи ва миллий назорат хизмати иштирокида буюмлар сифати устидан назорат ташкил қилиши шарт. Ҳар бир партияни қабул қилиш мезонлари мазкур ЭТБ турига қўйиладиган техникавий шартлар орқали жорий қилинади.

ХЭҚ тизими қоидаларига биноан қабул қилинган ЭТБ партияларини мувофиқлик белгиси билан тамғалайдилар ва уларга мувофиқлик сертификатларини бериш бош назоратчининг бевосита назорати остида амалга оширилади. Узоқ муддат сақланган ЭТБ партияларни жўнатишдан олдин, улар қайта синовлардан ўтади.

Ишлаб чиқарувчи қонунчилигига биноан рўйхатга олинган мувофиқлик белгиси ёпишқоқ тасма ёки буюмдон учун қўлланадиган бошқа материалга қўйилади. Белги ёнига қўйидаги маълумот берилади:

- миллий назорат хизматига ҳавола;
- корхонанинг аттестацияланиши ҳақида гувоҳномага ҳавола;
- назорат партиясига ҳавола.

ЭТБнинг қабул қилинган партияларига берилган мувофиқлик сертификати қўйидагилардан иборат:

- Корхона номи ва манзили;
- Корхонанинг савдо белгиси;
- Буюмнинг каталог бўйича тўла номи ва коди;
- Назорат партиясининг рақами;
- Буюмнинг мазкур турига қўйилган техникавий шартлар;
- Миллий назорат хизмати номи;
- Сертификат берган ваколатли шахс имзоси;
- Ишлаб чиқарувчи корхона аттестацияланганлиги ҳақида гувоҳноманинг рақами;
- Буюм қабул қилинган сана;
- Сертификат берилган сана.

Электротехник буюмларни халқаро сертификатлаштириш тизимнинг энг эски тизимларидандир. У 1926 йилда Норвегия, Швеция, Голландия ва Германия вакиллари электротехник буюмлари хавфсизлиги бўйича талаблар ва қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқишга қарор қилганларида яратилган.

1960 йилда сертификатлаштириш бўйича қўмита бунёд қилинган, у электротехник буюмларни сертификатлаштириш қоидаларини ишлаб чиққан. Халқаро савдони осонлаштириш ва ўтказиладиган синовлар ҳажмини камайтириш мақсадида синов протоколлари асосида берилган сертификатларни иштирокчи мамлакатлар томонидан ўзаро тан олишга кўмаклашадиган СВ сертификациялаш тизими таъсис қилинган.

1973 йилда СВ тизими доирасида электр жихозлар мувофиқлиги ягона белгисини қўллаш қоидалари қабул қилинган. Мазкур ташкилот электр жихозларнинг қайсиларига мувофиқлик белгиси тарқалишини белгилайди.

Сертификатлаш тизими бўйича катта ишлар сертификатлаштириш бўйича ишларни бошқарадиган қўмита (СЕРТИКО) бошчилигида ИСО доирасида олиб борилади.

Унинг фаолияти қўйидагича белгиланган:

- сертификатлаштиришнинг миллий ва минтақавий тизимлари, маҳсулот фойдаланиш ва бошқа тавсифларни жорий қиладиган стандартлар талабларига мувофиқлик белгиларини кенг, ўзаро тан олишга қаратилган воситаларни ўрганиш;

– «миллий ёки минтақавий сертификатлаштириш тизимларини протекционист мақсадларига қўллашнинг олдини олиш ёки чеклаш мақсадида тегишли битимлар тузиш қоида ва процедураларини ишлаб чиқиш.

СЕРТИКО таркибида қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилган:

- атамашунослик;
- синовлар протоколлари шакли;
- синов лабораториялари ўтказадиган ихтисослик синовлар;
- ҳуқуқий жавобгарлик масалалари;
- ИСО га мувофқлик белгиси;
- корхоналардаги сифатни таъминловчи тизимларни баҳолаш усуллари бўйича.

СЕРТИКО «Учинчи томон сертификатлаштириш тизимлари тегишли стандартларга оид принциплар тўплами» қўлланмасини ишлаб чиқди. У сертификатлаштириш миллий ва минтақавий тизимларини бошқа тизимлар билан мувофиқлиги ва уларда бошқа мамлакатлар иштирок қилиши нуқтаи назаридан ташкил этиш тамойилларини белгилайди.

Шунингдек миллий ва минтақавий сертификатлаштириш тизимларини яратишда улар иложи борича ИСО нинг халқаро стандартларига асосланиши керак. Бунда бу стандартлар мувофиқликни сертификатлаштириш бўйича талаблардан таркиб топган бўлиши зарур:

- сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот тавсифлари даражасини аниқ белгилаш;
- синаш ва ўлчашнинг аниқ ва қайта тикланадиган усуллари;
- стандартларга маҳсулот сифатини таъминловчи тизимларга бўлган талабларни киритиш;
- техника ва технологияни ривожланишига кўмаклашадиган шартлар.

Қўлланма яратилаётган тизимларда ҳеч қандай тўсиқсиз ҳамда дискриминацион шартларсиз барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қатнашишини назарда тутди. У барча давлатлар тизимларида қатнашишга имкон бериш ва миллий сертификатлаштириш тизимларини ўзаро тан олиш йўли билан сертификатлаштириш воситалари орқали халқаро савдонинг ривожланиши учун яхши шароитларни яратишга қаратилган.

Сертификатлаштириш мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларини осонлаштиради, чунки маҳсулот (товар)ни бошқа мамлакатларга олиб кириш учун рухсат олиш вақти қисқаради ва импорт қилувчи давлатларда такрор синовлар ўтказиш учун харажатлар камаяди. Энг катта осонликка ягона халқаро стандартларга асосланган халқаро сертификатлаштириш тизими киритилганда эришилади. Айрим ҳолларда сертификатлаштириш протекционист, яъни бу мамлакатлар

бозорига хорижий ишлаб чиқарувчилар йўлини тўсиш мақсадларида қўлланади. Сертификатлаштириш соҳасида қатор халқаро ташкилотлар мавжуд.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Халқаро савдо тушунчасини изоҳлаб беринг?
2. Экспорт ва импортнинг маҳсулот ишлаб чиқариши билан қандай боғлаш мумкин?
3. Импорт ва экспортни қандай турлари мавжуд?
4. Экспорт ва импорт мултипликаторлари нима?
5. Халқаро савдонинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
6. Сертификатлаштиришни халқаро савдодаги ўрнини изоҳлаб беринг?
7. Протекционизм ва унинг турларини изоҳланг?
8. Халқаро миқёсдаги сертификатлаштиришда протекционизм элементларидан фойдаланишнинг мақсади нима?
9. СЕРТИКО нима?

20-МАЪРУЗА. МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ РЕЖА

1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги сертификатлаштириш
2. Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш
3. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш

Таянч иборалар: ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, Франция, НФ, учинчи томон сертификатлаштириш, Германия, ДИН, ВДЕ, Буюк Британия, БСИ, ҚУАД, АҚШ, суғурта компаниялари, УЛ, Япония, ЖИС, Ҳиндистон, ИСИ, Тайланд, ТИСИ, ЎЗРСТ 5.0-98, ЎЗРСТ 5.1-95, ЎЗРСТ 5.2.-93, ЎЗРСТ 5.3-92, ЎЗРСТ 5.4-93, ЎЗРСТ 5.5-93, ИСО.

1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги сертификатлаштириш

Саноати ривожланган давлатларда сертификатлаштириш асрнинг 20-30- йиларида пайдо бўлди. Лекин миллий сертификатлаштириш тизимлари кейинроқ яратилди. Қатор мамлакатларда улар фақат экспорт қилинадиган маҳсулот сифатини ошириш учун бунёд қилинган эди (Япония, Ҳиндистон, Югославия ва бошқалар).

Францияда НФ белгили миллий сертификатлаштириш тизими учинчи томон сертификатлаштиришига мансуб ва:

- ишлаб чиқарувчи корхоналар буюртма беришини;

- корхоналарнинг сифатни таъминловчи тизимларини баҳолашни ўтказишни;
- маҳсулот намуналарини синовдан ўтказишни;
- маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган сертификат ёки лицензияларни беришни;
- ишлаб чиқариш ёки савдо доирасидан олинган маҳсулотни даврий назорат қилиш ҳамда корхоналарда назоратни амалга оширишни назарда тутади.

1983 йилда маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини бир неча минг хил маҳсулотни чиқарадиган 2000 корхона олган. Муфовиклик белгиси билан чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми 40 млрд. франкка етган.

1981 йилдан бошлаб Франция ҳукумати 18 миллий ташкилотни сертификатлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида танолди, уларнинг ичида энг нуфузлиги АФНОР дир.

Германияда стандартларга мувофиқлик белгиси (ДИН) 1920 йил немис стандарт институти томонидан таъсис қилинган. У маҳсулотнинг барча турларига (намуналар синовини ўтказиш ва ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг махсус тартибига эга бўлган газ жихозлари, сув билан таъминлаш жихозлари ва бошқа айрим маҳсулотлар бундан истисно) тарқалган.

ДИН стандартларига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими маҳсулотнинг 110 гуруҳини қамраб олган. Унга маҳсулотни ДГ-WK (маҳсулотни тамғалаш немис ассоциацияси) белгиси билан тамғалаш учун 15000 дан ортиқ лицензия берилган. Бу сертификатлаштириш тизимида амалдаги қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини олиш шарти билан хорижий етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

Германияда маҳсулотнинг аниқ турларини, масалан, электротехник ва электрон жихозларни сертификатлаштирадиган тизимлар ҳам мавжуд.

Электрон жихозларни сертификатлаштириш немис электротехника ассоциацияси (ВДЕ) қарамоғи остида фаолият кўрсатади. ДИН билан келишиб ВДЕ электротехника, электроника ва алоқа доираларида миллий стандартлар ишлаб чиқади.

Умуман олганда, Германияда турли мавқега эга кўпгина сертификатлаштириш тизимлари амалда: ўз-ўзини сертификатлаштириш, 4 ва 5-тизимлар доирасида учинчи томон сертификатлаштириши.

Буюк Британияда бошқа ривожланган мамалакатлардагидек бир неча миллий сертификатлаштириш тизимлари амал қилади. Уларнинг ичида энг каттаси Британия стандарт институти (БСИ) яратган тизимдир.

У миллий стандартларига мувофиқлик махсус белгисига эга. Мазкур тизим доирасида сертификатлаштириш ишларига рахбарликни сифатни таъминлаш Бошқармаси БСИ ҚУАД амалга оширади. Маҳсулотни сертификатлаштириш тартиби Франция ва Германияда қўлланадиган тартибга ўхшайди.

Корхоналар БСИни огохлантирмасдан маҳсулотни ўзгартирмайдилар. Маҳсулотга киритиладиган ўзгартиришлар фақат ўзгартирилган маҳсулот стандарт талабларига жавоб беришини тасдиқлайдиган синовлар ўтказгандан кейингина ҚУАД томонидан тан олинади. Лицензиянинг муддати бир йил, ундан кейин у чўзилиши керак.

Британия тизими 250 миллий стандартларни қамраб олди, миллий ва хорижий фирмаларга мингдан ортиқ лицензия берилган. БСИ мунтазам равишда сертификацион маҳсулотлар рўйхатини чоп этади ҳамда харидорлар учун қўлланма нашр этади, унда ҳар бир миллий стандарт бўйича берилган сертификат ҳақида маълумот беради.

АҚШда, Фарбий Европа мамлакатларидан фарқли равишда сертификатлаштиришнинг ягона қоидалари йўқ. Ишлаб чиқарувчилар ассоциациялари ва хусусий компаниялар қошида юзлаб тизимлар амал қилади. Стандартлаштириш соҳасида ҳам ҳолат шундай, яъни стандартларни турли мавқега эга юзлаб ташкилотлар ишлаб чиқади, Шунинг учун мавжуд сертификациялаш тизимлари учун умумий мезонлар яратиш бўйича ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда синов лабораторияларини аккредитацияси миллий тизими яратилган ва сертификациялаш тизимларини рўйхатга олиш тизими яратилмоқда.

АҚШда сертификатлаштириш миллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам маҳсулот сифатининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу мамлакатда сертификатлаштириш мажбурийлиги ҳақидаги қонун амалда. Сертификатлаштиришнинг зарурати эса ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлашга эришишни талаб қилади.

АҚШда Суғурта компаниялар миллий лабораторияси, Америка газ саноати корхоналари лабораторияси, Небраска штатидаги қишлоқ хўжалиги техникасини синаш маркази қошида яратилган сертификатлаштириш тизимлари катта обрўга эга. Улар билан бир қаторда 2000 дан ортиқ тижорат синов лабораториялари маҳсулотнинг кенг ассортименти стандарт талабларига мувофиқлигини синаш бўйича ўз хизматларини таклиф қиладилар.

Сертификатлаштириш амалга ошириладиган стандартлар сифатида Америка стандартлар институти УЛ стандартлари, ёнғиндан сақлаш Миллий ассоциацияси стандартлари ва бошқалар хизмат қилади. Одатда АҚШ меъёрий ҳужжатлари талабларини ҳисобга олмаган халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг стандартлари

сертификация ўтказиш учун қабул қилинмайди, яъни импорт қилинадиган маҳсулотнинг маълум дискриминацияси мавжуд.

Японияда 1949 йилда мамлакат олимлари ва мухандислари уюшмаси қошида сифатни назорат қилиш муаммосини ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган. 60- йилларнинг охирида эса мамлакатда ишлаб чиқаришда сифат назорати тўла ҳажмда татбиқ этилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлаш асосий тамойиллари қуйидагилардир:

– корхона барча бўлинмалари ва ҳамма ходимлари иштирок этадиган маҳсулот сифатининг тўла назорати;

– саноат тармоқлари бўйича маҳсулот сифати назорати соҳасида ўқитиш;

– сифат тўғараклари фаолияти;

– сифат назоратининг статистик усулларини қўллаш;

– сифат ғояларини тарғибот қилиш бўйича миллий компания.

Сифат муаммоларига бундай фундаментал ёндашишда Японияда сертификатлаштириш япон товарларнинг юқори сифат даражасини таъминлаш ва жаҳон бозорида улар рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида кўрилади.

Саноат стандартлаштириш қонунига биноан маҳсулотни япон индустриал стандартлари ЖИС талабларига мувофиқлиги белгиси билан тамғалаш кўрсатилган. У мамлакатда саноат стандартларини оммалаштириш самарали воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда фирмалар даражасида сифат назорати усуллари тарқалишига кўмаклашади.

ЖИС белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини саноатнинг тегишли тармоқлар вазирлари беради. Мувофиқлик белгиси икки шаклда бўлади: "А" ва "В" шаклари, улар маҳсулот ва технологик жараёнлар миллий стандартларга мувофиқлигини белгилаш учун қўлланади. Ҳукумат ЖИС белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва технологик жараёнлар сифатини кафолатлайди.

1980 йилгача хорижий ишлаб чиқарувчиларга ЖИС белгисини қўллаш ман этилар эди. Кейинчалик хорижий етказиб берувчилар япон ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда сертификатлаштириш процедурасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Кўриб чиқилган мувофиқлик белгиси ЖИС билан бир қаторда Японияда ишлов берилган озиқ-овқатлар, қишлоқ хужалик ва балиқ маҳсулотлари учун ЖИС белгиси таъсис қилинган. У озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ва ўрмон маҳсулотларини стандартлаштириш ва тегишли равишда тамғалаш бўйича қонун асосида киритилган.

Сертификатлаштириш тизимлари япон саноатининг барча тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё саноати ва бошқаларни қамраб олади. 1983 йил мартада япон ва хорижий

корхоналарга тегишли равишда тамғаланган маҳсулот чиқариш ҳуқуқини берадиган 16000 ва 20000 лицензия берилган.

Ҳозирги кунда саноати ривожланган мамлакатларда сертификатлаштириш барча соҳаларда татбиқ этилмоқда. Бу икки омил билан белгиланади:

1. Истеъмолчига маҳсулот сифатининг барқарор даражасини таъминлашга интилиш.

2. Ички ва ташқи бозорларда юқори рақобатбардошликни таъминлашга интилиш.

Агар рациблардан бири у ишлаб чиққан маҳсулот сертификатлашдан ўтди деса, бошқа рақобат қилувчи фирмалар зудлик билан ўхшаш чораларни кўришга мажбур.

2. Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш

Сертификатлаштириш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Миллий сертификатлаштириш тизимларининг ташкилий тамойиллари учинчи томон сифатлаштириш тамойилларига мос келади. Бундай ҳолат ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши туфайлидир.

Хиндистонда сертификацион белгиси 1952 йилда киритилган. Маҳсулотни тамғалаш тизими, мувофиқлик белгисини боиқариш хиндистон стандартлар институти (ИСИ) зиммасига юклатилган.

Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензия олиш учун ИСИ га мурожат қилиши мумкин. Буюртма олгандан кейин ИСИ корхона ҳамма бўлинмаларини, корхонага кириб келадиган материал, жамловчи узел ва деталлардан бошлаб охириги маҳсулотгача ўлчаш ва синаш жихозланганлигани текширади. Текшириш натижалари ижобий бўлса, корхона ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини олади. ИСИ томонидан берилган ҳар бир лицензия таркибида маҳсулот намуналарини синаш ва назорат қилиш шакли бор.

Лицензия амалда бўлган муддат ичида ИСИ:

– корхоналарга ИСИ назоратчилари мунтазам равишда ташриф буюрадилар, шу пайтларда назорат синовларини ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот намуналари ажратиб олинади;

– савдо доирасидан олинган маҳсулот намуналарини синайди;

– ҳаридорлар ёки истеъмолчилар мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот сифати устидан қилган шикоятларни кўриб чиқади.

Лицензия амалининг муддати бир йил, ундан кейин лицензия муддати чўзилиши керак. Бунинг учун корхона лицензия муддати туташига бир ойдан кам вақт қолмаганда ИСИ га мурожаат қилиши

керак. ИСИ нинг мувофиқлик белгиси хорижий маҳсулотга берилиши мумкин эмас, чунки у бирорта бошқа мамлакатда рўйхатга олинмаган.

Хиндистонда машинасозлик кимё, электротехник ва электрон саноат ва бошқа корхоналарга ўз маҳсулотини тамғалаш ҳуқуқини берадиган 10000 дан ортиқ лицензия берилган.

Таиландда сертификатлаштириш тизими 1968 йилда ташкил қилинган. Таиланд саноат стандартлари институти (ТИСИ) бошқаради.

ТИСИ сертификатлаштириш тизими ишлаб чиқариш ҳолатини доимий назорат қилиш ва маҳсулот синовларини ўтказишга мосланган.

Мажбурий сертификатлаштиришда импорт қилинадиган буюмлар миллий корхоналар буюмлари билан бир шароитларда тамғаланади.

Миллий сертификатлаштириш тизимлари миллий стандартлаштириш тизими бор бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳам (масалан, Туркия, Колумбия ва бошқ.) мавжуд.

3. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш

Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар (ИСО, ИЛАК, ЕОК ва бошқ.) билан ҳамкорлиги мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиш даврида, айниқса, зарур бўлиб қолади. Европа ҳамжамиятининг ягона бозор "ички чегараларсиз фазо" яратиш нияти бу ташкилотлар охириги йиллардаги стратегиясини аниқлаб берди. Унинг бош йўналиши бўлиб ЕК комиссияси билан ҳамкорликда халқаро савдодаги техникавий тўсикларни бартараф қилишдир.

Ўзбекистон Республикасида **сертификатлаштириш меъёрий негизини** ЎзРСТ5.0-98, ЎзРСТ 5.1-95, ЎзРСТ 5.2.-93, ЎзРСТ 5.3-92, ЎзРСТ 5.4-93, ЎзРСТ 5.5-93 ва Миллий сертификатлаштириш тизимининг (ЎЗРМСТ) раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ЎЗРМСТда қуйидаги фаолият турлари назарда тутилган:

- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;
- синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлаш;
- бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштирувчи органларни аккредитлаш;
- назорат органларини аккредитлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаршилар, аккредитланган органлар ва синов лабораториялари (марказлари) устидан инспекция назорати;
- мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат;
- айтиб ўтилган фаолият йўналишлари бўйича эксперт-аудиторларни тайёрлаш ва аттестациялаш.

Сертификатлаштириш маҳсулот, жараёнлар ва хизматлар:

- давлатлараро стандартлар (МДХмамлакатлари);
- Ўзбекистон Республика стандартлари ва бошқа маҳсулотга бўлган талабларни жорий қилган чизмаий нашр этилган ҳужжатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (Ўздавстандарт) номида қўшилган сертификатлаштириш халқаро ва хорижий миллий стандартлари талабларига мувофиқлиги тасдиқни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида сифат тизимларини сертификатлаштириш меъёрий негизини ИСОнинг 9000-серияли халқаро стандартлари ва ЎЗРМСТнинг раҳбарлик ҳужжатлари мажмуи ташкил қилади.

ИСОнинг 9000-серияли стандартлар номи:

ИСО-9000. Сифат умумий бошқаруви ва сифатни таъминловчи стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарлик кўрсатмалари.

ИСО-9001. Сифат тизими. Лойиҳалаш ёки ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, монтаж ва хизмат қилишда сифатни таъминлаш модели.

ИСО-9002. Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва монтаж пайтида сифатни таъминлаш модели.

ИСО-9003. Сифат тизими. Яқуний назорат ва синовларда сифатни таъминлаш модели.

ИСО-9004. Сифатнинг умумий бошқаруви ва сифат тизими элементлари. Раҳбарлик кўрсатмалари.

9000-серияли ИСО халқаро стандартлари ташилот (корхона)га сифат соҳасида қуйидаги масалаларни ечишга ёрдам беради:

– маҳсулот ёки хизмат сифатини истеъмолчилар аниқланган ёки тахмин қилинган эҳтиёжларини доим қондирилиши таъминлайдиган даражага эришиш ва уни сақлаб туриш;

– ўз раҳбариятида мулжалланган сифатга эришилмоқда ва у берилган даражада сақланиб тўрганлиги ҳақида ишончни таъминлаш;

– истеъмолчида мулжалланган маҳсулот сифати ва тақдим этилаётган хизмат сифатига эришилганлик ёки эришилиши лозимлиги ҳақидаги ишончни таъминлаш.

Ишончни таъминлаш агар контрактда назарда тутилган бўлса, исботларни тақдим этиш ҳақида ўзаро келишилган талаблар бўлиши мумкин.

ЎЗРМСТ маҳсулот ва хизматларнинг мажбурий ҳамда ихтиёрий сертификатлаштиришни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган сертификатлаштирилиши шарт маҳсулотлар рўйхатига киритилган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган, олиб чиқиб кетиладиган ва олиб кириладиган маҳсулотлар мажбурий сертификатлаштирилади. Бу рўйхатга меъёрий

ҳужжатларида фуқаролар ҳаёти, соғлиқ хавфсизлигини таъминловчи, атроф-муҳитни муҳрфаза қилиш, ўзаро алмашинувчанлик ва уйғунлаштириш талаблари белгиланган маҳсулотлар ҳамда фуқаролар хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи воситалар киритилади.

Маҳсулот, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни ихтиёрий сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи ёки етказиб берувчининг ташаббуси билан амалга оширилади.

Сертификацион синовлардан муваффақиятли ўтган маҳсулотга (мазкур маҳсулот ишлаб чиқарилиши аттестацияланганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлса) сертификат берилади ва маҳсулотга мувофиқлик белгиси қўйилади.

Сертификацияни ташкил қилиш ва ўтказиш икки босқичдан иборат:

– сертификатлаштирилган маҳсулотни етиштириш ҳамда ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш ва татбиқ этиш;

– меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш сифатида маҳсулот сертификатлаштирилишини ташкил этиш ва ўтказиш.

Биринчи босқичда сўз сертификатлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, иккинчи босқичда эса маҳсулот меъёрий ҳужжат ёки талабларнинг бошқа турига мувофиқлигини тасдиқлашни ташкил қилиш ва баҳолаш ҳақида юритилади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

1. Саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга қайси давлатлар киради?
2. Франция давлатида сертификатлаштириш қандай ташкил этилган?
3. Германияда сертификатлаштириш қандай тартибларга асосланган?
4. Буюк Британияда сертификатлаштириш тизимлари қандай амал қилади?
5. АҚШдаги сертификатлаштириш тизимлари Фарбий Европа мамлакатлари сертификатлаштириш тизимларидан нимаси билан фарқланади?
6. Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш тизимларининг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатинг?
7. Ўзбекистондаги сертификатлаштириш тизимларининг бошқа давлат сертификатлаштириш тизимларидан фарқли жиҳатларини санаб беринг?
8. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий негизини нима ташкил қилади?

9. ИСОни Ўзбекистонда тадбиқ қилишнинг ўзга хослиги нима билан изоҳланади?

21-МАЪРУЗА. МИЛЛИЙ СИНОВ МАРКАЗЛАРИ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ РЕЖА

1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари

2. Шарқий европа мамлакатларидаги синов марказлари

**3. Ўзбекистондаги синов марказлари.
Сертификатлаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари**

**4. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари.
Давлат метрология текшируви ва назорати**

***Таянч иборалар:** синов марказлари, аккредитация ва аттестация, талаблар, ўлчаш воситалари, калибрлаш, сертификатлаштириш, синовларнинг миллий тармоғи, РНЕ, синов лабораториялари, АФНОР, ССТБ, ИРЧА, ЛСИЕ, ЛСПС, ЛНЕ, НВЛАП, Шарқий Европа, назорат синовлари, давлат реестри.*

1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари

Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари ўзига хос тажрибаларга эга. Сертификацион тизимнинг энг муҳим элементлари синов лабораториялардир. Улар маҳсулотни муофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи сертификат ёки лицензия берганда маҳсулот сифати даражаси ишончли баҳоланишини таъминлайди

Аккредитлаш пайтида қуйидаги талаблар қўйилади:

– назарий тайёргарлик ҳамда амалий тажриба билан тавсифландиган техникавий билимларга эгаллиги;

– зарурий синов ва ўлчаш воситаларининг мавжудлиги;

– ўлчашлар зарурий аниқлигини таъминлайдиган синаш ва ўлчаш жихозларини аттестация (калибрлаш) воситалари ва усуллари мавжудлиги;

– энг янги илмий-техникавий ютуқларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган синов усуллари мавжудлиги;

– мижоз олдида умуман ва айрим ходимларни тижорат ҳамда бошқа мажбуриятлари йўқлиги билан тавсифландиган лабораториянинг

мустақиллиги;

– маҳсулот синовини ўтказиш сифатини назорат қилиш тизими мавжудлиги.

Сертификатлаштириш пайтида маҳсулот сифати даражасининг ишончли баҳосини олиш ҳар бир мамлакат олдида синов лабораторияларининг миллий тармоқларини яратиш масаласини қўяди.

Францияда синовларнинг миллий тормоғи РНЕ мавжуд. У ягона қоидалар ва процедуралар асосида синовларнинг юқори сифати ва бирлигини таъминлайдиган мувофиқлаштирилган кўп тармоқли синов лабораторияларининг ягона мажмуидир.

Синовларнинг миллий тармоғи РНЕ олдида уч мақсад қўйилган эди:

1. Синов лабораторияларини аккредитлаш тизимини яратиш ва бошқариш бўйича ишларни бажариш, шунингдек, синов лабораториялари иши сифати ҳақида кенг маълумотни таъминлаш.

2. Қуйидагиларни амалга ошира оладиган миллий органни яратиш:

– ўз ичига такомил ахборотлаш ва синов лабораториялар хизматларидан корхоналар бемалол фойдаланишини олган синовларнинг миллий сиёсатини:

– амалдагилар билан биргаликда синовлар янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича француз стандартлаштириш асоцацияси (АФНОР) билан бўлиш;

– ишларни келишиш ва мувофиқлаштириш, лабораторияларни техникавий жихозлашга сарфланадиган капитал маблағларни оптималлаш;

3. Хорижда фаолият кўрсатаётган ўхшаш аккредитлаш тизимли лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаларни тан олишни таъминлайдиган давлат даражасидаги тузилмани яратиш. Бу мақсадлар деярли амалга оширилган.

РНЕ таркибига бешта энг катта тармоқли синов марказлари киради:

- Ёғоч ишлаш саноати техникавий маркази (ССТБ);
- Амалий кимё илмий-тадқиқод маркази (ИРЧА);
- Марказий электротехника саноати лабораторияси (ЛСИЕ);
- Марказий йўл-кўприк қуриш лабораторияси (ЛСПС);
- Миллий синовдар лабораторияси (ЛНЕ).

ЛНЕ ўлчамлар, масса, босим, харорат ҳамда спектрорадиофотометрия, ионловчи нурланиш соҳасида ўлчаш воситаларини текширийдиган энг катта синов ташкилотидир. Лаборатория стандарт намуналар ишлаб чиқаради.

ЛНЕ Германия миллий синов лабораториялари, АҚШ, Белгия,

Голландия, Италия, Япония ва бошқа синов лабораториялари билан алоқани амалга оширади. Ундан ташқари, у ривожланаётган мамлакатларга метрология, ва синаш стандартлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, метрологик ва синов лабораторияларни яратиш, кадрлар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ва бошқаларга ёрдам қилади.

Буюк Британияда 1960-йилда НПЛ Миллий физик лабораторияси қошида синов лабораториялари аккредитлаш Миллий тизим (НАТЛАС)ни яратиш ҳақида қарор қабул қилинган. НАТЛАС синов лабораториялари синовларини ўтказишга тайёргарлигини баҳолаш, аккредитлаш ва аттестат бериш ҳамда аккредитланган лабораториялар рўйхатини нашр қилиш керак. у саноат корхоналарга лабораториялар имконлари ва уларни синов воситалари ҳақида фикрлаш имконини беради.

НАТЛАС доирасида ҳамма ташкилий ишларни, синов жихозларини атестациялаш масалаларини Британия метрология хизмати (БСС) билан келишиб, Миллий физика лабораторияси олиб боради. БСС барча ўлчаш воситаларини текширади ва чизмаий хулоса чиқариб беради. ҲАТЛАС ва БСС иш дастурлари бир-бирини тўлдиради.

- тизимнинг асосий тамойиллари ва иш усулларини;
- тизимни бошқариш бўйича ишларни;
- синов лабораторияларини баҳолаш мезонлари;
- аттестат шаклини;
- тизим тузилмаси ва уни тарқалиш доираларини жорий қилади.

АҚШ да синов лабораторияларини аккредитлаш Миллий дастури (НВЛАП) АҚШ Савдо вазирлиги қошида яратилган. НВЛАПни яратиш зарурати АҚШда давлат органлари қошида ҳам, хусусий ташкилотлар қошида ҳам фаолият кўрсатаётган лабораторияларни баҳолайдиган кўп тизимлар мавжудлигида.

НВЛАП синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича алоҳида дастурларни аккредитлашни назарда тутди. Дастурлар маҳсулотни стандартларга (миллий ёки халқаро) муофиқлигини синаш жабхаларини, синов усуллари ва мезонларини белгилайди.

НВЛАП доирасида аккредитланиш учун синов лабораторияси чизмаий равишда буюртма беради, унга лаборатория ишини ташкил қилиш ва унинг фаолияти доираси ҳақида маълумот илова қилинади. Аккредитациядан ўтган лабораторияга у қайси усуллар бўйича аккредитланганлиги кўрсатилган сертификат берилади. Аккредитация учун қилинган харажатларни лаборатория тўлайди.

Айтиб ўтиш керакки, АҚШ Савдо вазирлиги НВЛАП аккредитациясини АҚШ билан савдо қилаётган бошқа маамлакатлар

хам тан олишга интилади. Ундан ташқари, Савдо вазирлиги синов синов лабораторияларини аккредитлаш Халқаро конференцияси ишда фаол қатнашади. қатнашишнинг мақсади-синов лабораторияларининг аккредитацияси ва синов натижаларини ўзаро тан олишни тезлаштириш.

АҚШда фирмалар синов лабораторияларининг мавжуд маҳсулотларини такомиллаштириш ва маҳсулотнинг янги турларини истиқбол ишлаб чиқишдаги роли катта. Турли синовдар ва такомиллаштириш асосида лабораториялар фирмаларнинг маҳсулот сифатини ошириш бўйича фаолиятига сезиларли улуш қўшадилар.

2. Шарқий Европа мамлакатларидаги синов сарказлари

Ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари билан бир қаторда шарқий европа давлатларидаги синов марказлари тажрибаларини ҳам ўрганиш ижобий хулосалар чиқаришда муҳимдир.

Чехия синов лабораториялари фаолиятини мувофиқлаштиришни стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармаси амалга оширади. Республикада 40 дан ортиқ синов лабораториялари фаолият кўрсатади. Электротехник синов институти, Машинасозлик синов институти ҳамда Чехия прибор ва жихозларни аттестациялаш институти каби лабораториялар бевосита стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармасига бўйсунди.

Бошқарма аккредитлаш натижалари бўйича ҳужжат беради, унга биноан лаборатория давлат синовларини ўтказиш, маҳсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини баҳолаш ваколатларига эга бўлади. Бунга ваколатли лаборатория "№__ Давлат синов лабораторияси" номини олади. Бу лаборатория ўзи чиқарган маҳсулотни назорат қила олмайди.

Давлат синов лабораториялари қўйидаги вазифаларни бажаради:

- марказий органлар таклифига биноан мажбурий синов қилинадиган маҳсулот рўйхатини тасдиқлаш;
- маҳсулотни назорат синовларини ўтказиш, унинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш учун рухсат бериш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш бўйича чоратадбирларни, стандартлаштириш бўйича ишларни, корхоналар назарат-ўлчаш асбоблари билан жихозланганлигини текшириш.

Давлат синов марказлари ўхшаш маҳсулотлар қиёсий синовлари натижаларини нашр этадилар. Лабораторияларда биринчи навбатда экспортга мўлжалланган буюмлар мажбурий аттестацияланади ва

назорат қилинади.

Болгарияда маҳсулотнинг давлат синовини Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан берилган тегишли ваколатларга эга лабораториялар ва марказлар (станциялар) амалга оширади. Давлат синов лабораториялари импорт маҳсулотларнинг сертификацион ва қабул синовларини; экспорт маҳсулотни текширишни; материал; хом ашё ва маҳсулотни экспорт ҳамда арбитраж намунавий ва назорат синовларини; маҳсулотни аттестациялаш синовларини амалга оширади.

Болгарияда маҳсулот синашга мамлакат саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати даражасини аниқлаш ва буюмларнинг техникавий тавсифларни объектив аниқлашнинг асосий воситалари сифатида катта аҳамият беради.

Венгрияда маҳсулотни синаш бўйича иккита энг катта ташкилот фаолият кўрсатади: Ички савдонинг назорат институти ва Электротехник жиҳозларни синаш институти.

Нazorat институти мажбурий текшириладиган миллий ва импорт қилинган буюмлар рўйхатини тасдиқлайди ва текширади. Институтнинг ижобий баҳосисиз улар савдо ташкилотларига тавсия қилинмайди.

Электротехник жиҳозларни синаш институти:

- электротехник маҳсулотни сертификациялаш синовларини;
- ишлаб чиқаришнинг техникавий назорат ташкилий ва усуллари бўйича назоратни маалга оширади.

Бу институт электр жиҳозларни қабул қилиш бўйича Халқаро комиссияда электр хавфсизликни сертификатлаштириш тизимида иштирок этади.

3. Ўзбекистондаги синов марказлари

Миллий сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (МСО) (Ўздовстандарт);

- бир жинсли маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича илмий-услубий марказ ва услубий марказлар;

- бир жинсли маҳсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар;

- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари);

- назорат органларидан таркиб топган;

МСО Ўзбекистон қонунчилигига биноан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

– Ўз РМСТнинг ягона қоидалари ва процедураларини, уларга риоя қилишни назоратини, сертификатлаштириш натижалари бўйича хужжатларни рўйхатга олиш, республика ва хорижий истеъмолчиларни информацион таъминотини жорий қилади;

– мувафиқлик белгисини ва уни қўллаш қоидаларини жорий қилади;

– Ўз РМСТни такомиллаштириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш ҳақида қарорлар қабул қилади ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;

– сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон номидан чиқади;

– сертификатлаштириш мажбурий маҳсулот ҳамда хизматлар рўйхатини шакллантиради ва юритади;

– республика сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг тўғри ўтказилиши устидан назорат қилади;

– бир жинсли маҳсулот, сифат тизимлари, ишлаб чиқариш ва синов лабораториялари (марказларини)ни аккредитлайди;

– эксперт-аудиторлари аттестациялайди ва уларни фаолияти устидан назорат қилади;

– Ўз РМСТ Давлат реестрини юритади;

– маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ишлар ва сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лаборатори (марказ)ларни аккредиташ учун тўлов шакли ва тартибини белгалайди;

СМСХМ қуйидаги вазифаларни бажаради:

– ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида чизмай ахборот беради;

– сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш давлат назоратини амалга оширади ва улар сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўрнатади ва бошқалар.

Сертификатлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун СМСХМлар умумий қоидага асосан Ўз ПСТ 5.2, Ўзбекистон ПСТ 5.3 ва Ўз ПСТ 5.4 га биноан аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан кейин СМСХМ синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турларини аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) ЎзПМСТ да қуйидаги асосий вазифаларни бажаради.

– маҳсулотнинг серфикация синовлврини ўтказиш ва синовлвр баёнларини бериш.

– серфикалаштириш тартибида назарда тутилган бўлса серфикатлаштирилган маҳсулот намуналарини инспекция (назорат) синовлврини ўтказиш.

– сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни серфикатлаштиришда (ўтказилган синовлвр тўғрилиги қисмида) қатнашиши.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг ҳудудий органларини лабораториялари, илмий – тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларини синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиш мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни серфикатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар.

- сифат тизимларини дастлапки баҳолашни ўтказадилар ва серфикация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;

- ишлаб чиқаришларни серфиктлаштириш усуллари ва сифат тизимларни текшириш дастурларини ишлаб чиқади;

- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўйказади;

- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга серфикатларни чизмаийлаштириди, беради ёки тан олади;

- серфикатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;

- серфикатлаштириш натижлари ҳақида маълумот берадилар.

4. Серфикатлаштиришни иқтисодий жиҳатлари

Серфикатлаштириш тизимини яратиш ўзи бирдан – бир мақсад эмасдир. Унинг самараси серфикатлаштирилган маҳсулот ички ёки ташқи бозорда сотилгандагина кўринади. Шунинг учун маҳсулот серфикатлаштиришни киритиш самарасини баҳолаш маҳсулот сотилишдан олинган самара - С, сотишни таъминлаш учун қилинган харажатлар-Х, билан солиштирилиш орқали амалга оширилади.

Самара мезони Ц сифатида самара С нинг харажатлар Х. Га нисбати қўлланади:

$$Ц=C/X$$

Собиқ совет иттифоқида серфикатлаштириш одлатда ташқи бозорда сотиладиган маҳсулот учун киритлар эди. Мамлакатнинг ички бозорида сотиладиган маҳсулот учун серфикатлаштиришини киритиш мақсадга мувофиқ эмас эди, чунки монополизим ва дефицит

шароитларида сифати паст, стандартлар талабига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар харит қиниар эди.

Бу хусуда шуни айтиш керкки, маҳсулот сифатини у ташқи бозорда рақоббатдош бўладиган даражагача кўтариш, унинг самараси лишига либ келади. Шунинг учун бундай маҳсулотдан мамлакат ичида фойдаланилганда ҳам у самарлироқ бўлади.

Сертификация тизимини энг мухум элементлари синов лабораториялардир. Улар маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи сертификат ёки лицензия берганда маҳсулот сифати даражаси ишончли бахоланишини таъминлайди.

Сертификация синовларини ўтказишга давогар синов лабораториялари маълум мезонларга мослиги бўйича, албатта, аккредитциядан ўтади. Сертификатлаштириш пайтида маҳсулот сифати даражасининг ишончли бахосини олиш ҳар бир мамлакат олдида синов лабораториялари миллий тармоқларини яратиш масаласини қўяди.

Сертификатлаштиришнинг самараси сертификатлаштирилган маҳсулот ички ёки ташқи бозорда сотилганидагина кўринади.

Маҳсулот сифатини у ташқи бозорда рақоботбардаш бўладиган даражгача кўтариш, унинг самараси ошишига олиб келади. Шунинг учун бундай маҳсулотдан мамлакат ичида фойдаланилганда ҳам у самаралироқ бўлади.

Такрорлаш учун назорат саволлари

- 1.** Аккредитациялаш даврида қандай талаблар қўйилади?
- 2.** Синовларнинг миллий тармоғи РНЕ олдида қандай мақсадлар қўйилади?
- 3.** РНЕ таркибига қандай синов марказлари киради?
- 4.** НАТЛАС, НВЛАП нима?
- 5.** Шарқий Европа мамлакатларида синов марказларининг ўзига хослиги нималардан иборат?
- 6.** Ўзбекистон Республикасидаги синов марказларига нималар киради?
- 7.** Сертификатлаштиришнинг иқтисодий жиҳати нимада кўринади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.:Ўзбекистон, 2013.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 28 декабр // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 28 декабр // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил 28 декабр // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 30 август // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, 2009 йил 23 апрель // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида”ги 1999 йил 21 сентябрдаги 438-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 5 августдаги 373-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2010 йил 20 ноябрдаги 255-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 13 августда 2131-сон билан рўйхатга олинган “Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни

тасдиқлаш ҳақида”ги 2010 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ЭГ-01/10-4014, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 60-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг ЭГ-01/10-4014-сонли Қарори // «НОРМА» ахборот-қидирув тизими.

13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 128 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 72 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

17. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 156 б.

18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

21. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзи // Халқ сўзи, 2010 йил 1 сентябр.

22. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январ.

23. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 феврал.

24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи. 2013 йил 21 январ.

25. Амирджаниянц Ф.А. Экономика и качество. – М.: Издательство стандартов, 1987.

26. Бендеровский А.М. обеспечение качества продукции. –М.: издательство стандартов, 1988.

27. Волгин В.В. Автосервис. Производство и менеджмент: Учеб. пособ. М.: Дашков и К, 2004. - 440 с.

28. Гурков И. Б. Стратегический менеджмент организации: Учеб. пособ. 2-е изд., исправ. и дополн. - М: ТЭИС, 2004. - 238 с.

29. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.

30. Иленкова С.Д. и др. управление качеством. –М.: издателское объединение «ЮНИТИ», 1999.

31. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент: Учеб. пособ. 11-изд. – М., 2005. –800с.

32. Курс МВА по менеджменту. / Пер. с англКоеп. Аллен Р. - М.: Алпина Бизнес Букс, 2004. - 507 с.

33. Леонов И.Г., Аристов О.В. управление качеством продукции. – М.: Издательство стандартов, 1990.

34. Мазур И.И. Управление качеством: Учеб. пособ. - М.: Омега-Л, 2005. - 400 с.

35. Перегудов В.Л ва бошқ. Махсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш. Т.: «Молия», 2002.

36. Ребрин Ю. И. Управление качеством. Учебное пособие. Таганрог: Изд-во ТРГУ, 2004

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2013 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2013. – 282 бет.

38. Уткин Э. А. Курс менеджмента. Учебник. М.: Зерцало, 2000 2 изд.

39. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.

40. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

41. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти

42. <http://www.ziynet.uz> – Ахборот таълим тармоғи.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ КУРСИГА КИРИШ	
1. Курснинг мақсад ва вазифалари.....	7
2. Сифатни бошқариш рақобат курашида корхона муваффақиятини таъминловчи омил сифатида.....	9
3. Товар ва унинг турли хусусиятлари.....	13
2-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ	
1. Сифат тушунчаси ва уни бошқаришнинг моҳияти.....	15
2. Сифатни бошқариш тизимларининг беш босқичлари.....	18
3-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ	
1. Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим.....	23
2. Товар ва хизматлар рақобатбардошлиги.....	27
4-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ МЕЗОНЛАРИ	
1. Харажат ва маҳсулот сифатини боғланиши.....	37
2. Сифатнинг мақбул даражаси.....	45
3. Маҳсулот сифатини бошқариш мезонлари ва сифат кўрсаткичлари.....	48
5-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
1. Стандартлаштириш маҳсулот сифатини ташкилий-техникавий асоси сифатида.....	54
2. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.....	56
3. Маҳсулот сифатини метрологик таъминоти.....	57
6-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ	
1. Умумий менежмент ва сифат менежменти.....	59
2. Сифат тўри.....	61
3. Дёминг цикли.....	63
7-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ	
1. Сифатни бошқариш механизмнинг таркибий қисми.....	66
2. Сифатни бошқаришнинг мажмуавий тизими.....	69

3.	ДЖИТ тизими.....	71
4.	Маҳсулот сифатини бошқаришнинг КСУКП тизими.....	73
8-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ		
1.	Сифатни бошқаришнинг мажмуий тизимлари.....	74
2.	АҚШ фирмаларидаги сифатни бошқариш тизимлари.....	79
3.	Япониядаги сифатни бошқариш тизимлари.....	82
4.	Сифатни бошқаришнинг статистик усуллари. Маҳсулот сифатининг киришдаги назорати.....	83
9-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ		
1.	Сифатни бошқариш жараёнини режалаштириш.....	88
2.	Маҳсулот сифатини бошқариш жараёнларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш.....	92
3.	Сифатни бошқаришда умумий мотивацион жараёнлар.....	94
10-МАЪРУЗА. СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ		
1.	Сифат тўгаракларининг асосий мақсад ва вазифалари.....	97
2.	Японияда сифат тўгаракларини пайдо бўлиши ва тараққиёти.....	100
3.	Республика корхоналарида сифат тўгаракларини ташкил этиш самарадорлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	102
11-МАВЗУ. СИФАТНИ БОШҚАРИШДА ИНСОН ОМИЛИ		
1.	Сифат тўгараклари концепцияси.....	104
2.	Сифат бошқарувида инсон омили.....	106
3.	Сифатни назорат қилиш усуллари.....	108
12-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ		
1.	Стандартлаштиришнинг илмий асослари.....	118
2.	Стандартлаштириш бўйича ишларни илмий ташкил қилиш тамойиллари.....	120
3.	Стандартлаштиришнинг назарий негизи.....	122
13-МАЪРУЗА. СТАНДАРТНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТИЗИМИ		
1.	Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, ва метрология тўғрисидаги қонунчилик.....	126

2.	Давлат назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	127
3.	Стандартлаштиришнинг молиявий таъминоти ва рағбатлантириш.....	129
14-МАЪРУЗА. СИФАТНИ БОШҚАРИШДА ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ		
1.	Техник жиҳатдан тартибга солишининг умумий қоидалари.....	131
2.	Давлат органларининг ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.....	132
3.	Техник регламентлар.....	137
4.	Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури.....	139
15-МАЪРУЗА. МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМИ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ		
1.	Метрология тўғрисида тушунча ва унинг мазмуни.....	146
2.	Метрология соҳасидаги ягона ўлчов тизими.....	148
3.	Метрологияга оид фаолиятни давлат томонидан бошқариш.....	150
4.	Давлат метрология текшируви, назорати ва молиявий таъминоти.....	151
16-МАЪРУЗА. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ		
1.	Стандартлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни тарихий ривожланиши.....	156
2.	Халқаро стандартлаштириш бўйича миллий ассосациялар федерацияси.....	156
3.	Халқаро стандартлаш ташкилоти.....	157
4.	Халқаро ҳамкорлик бўйича шартнома ва келишувлар.....	159
17-МАЪРУЗА. МАҲСУЛОТНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ		
1.	Маҳсулотни сертификатлаштириш ва унинг асосий тушунчалари.....	163
2.	Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш.....	167
3.	Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунчилик.....	173
18-МАЪРУЗА. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ОРГАНЛАРИ		

1. Сертификатлаштириш органларининг ташкилий тузилмаси.....	175
2. Гигиеник сертификатни, ветеринария ва фитосанитария хулосаларини расмийлаштириш ва бериш тартиби.....	177
3. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби.....	181
4. Чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш.....	184
5. Маҳсулотни штрихли кодлаштириш.....	185
19-МАЪРУЗА. ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ	
1. Сертификатлаштиришнинг ташқи савдо шароитларига қиладиган таъсири.....	191
2. Сертификатлаштиришдан протекционистик мақсадларда фойдаланиш.....	197
3. Сертификатлаштириш ва халқаро савдо.....	200
20-МАЪРУЗА. МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИ	
1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги сертификатлаштириш.....	205
2. Ривожланаётган мамлакатлардаги сертификатлаштириш.....	209
3. Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш.....	210
21-МАЪРУЗА. МИЛЛИЙ СИНОВ МАРКАЗЛАРИ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1. Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари.....	213
2. Шарқий Европа мамлакатларидаги синов марказлари.....	216
3. Ўзбекистондаги синов марказлари.....	217
4. Ўзбекистон Республикасининг метрология хизматлари. Давлат метрология текшируви ва назорати.....	219
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	221

